O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do‘stlik aloqalari qo‘mitasi

Respublika Tojik milliy madaniy markazi

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti

“JOMIY VA NAVOIY: FORS-TOJIK VA O`ZBEK ILMIY-ADABIY ALOQALAR”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari

Toshkent – 2020

УЎК 821.512.153(092)

КБК 84

Jomiy va Navoiy.

Jomiy va Navoiy: fors-tojik va o`zbek ilmiy-adabiy aloqalar [Matn]: – Toshkent: Navoiy universiteti nashriyot matbaa uyi, 2020. – 265 b.

Ushbu to‘plamda “Jomiy va Navoiy: fors-tojik va o`zbek ilmiy-adabiy aloqalar” mavzuidagi respublika ilmiy-nazariy anjumaniga yuborilgan ilmiy maqolalar jamlangan. To‘plamda Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiy adabiy-ilmiy merosining mumtoz adabiyotimizdagi o‘rni va bugungi ahamiyati, shuningdek, shoirlar ijodiga bog‘liq holda matnshunoslik masalalari, tilshunoslik muammolari haqida so‘z yuritiladi. Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiy ijodiy merosini o‘rganishning bugungi holati va istiqboli borasida muayyan tasavvur berishi uning ahamiyatini belgilaydigan omillardan biridir. Kitob filolog mutaxassislar, ilmiy tadqiqotchilar, magistr va bakalavr talabalar hamda keng o‘quvchilar ommasiga mo‘ljallangan.

Mualliflar qarashlari va asarlar nomlaridagi imlo tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Mas’ul muharrir:

Shuhrat Sirojiddinov,

filologiya fanlari doktori, professor

Tahrir hay'ati

Shuhrat Sirojiddinov, Ibrohim Haqqulov, Nurboy Jabborov, Iqboloy Adizova, Karomat Mullaxo‘jayeva, Dilnavoz Yusupova, Tozagul Matyoqubova, Gulbahor Ashurova, Ozoda Tojiboyeva, Mubora Omonova

O‘zbek adabiyoti tarixi va folklor kafedrasining 2019-yil 22-noyabr 8-sonli bayonnomasi bilan nashrga tavsiya etilgan.

I. ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ: ФОРС-ТОЖИК ВА ЎЗБЕК ИЛМИЙ-АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ

БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДА (ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ)

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
ТошДЎТАУ ректори

Гоҳида ўйланиб қоламан. Бу фоний дунёда тасодиф бўлмайди, барчаси қодир парвардигорнинг иродаси билан бўлур, деган ўгит қайта-қайта баъзи тарихий воқеа-ҳодисаларни янгидан англашга ундар, кўпинча бу дунё ишлари нечоғлиқ ўлчовли эканлигига, ҳар нарсанинг вақт-соати ғойибдан идора ва назорат этиб турилишига имон келтираман. Мен Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг ўзаро ҳамкорлиги, беқиёс дўстлиги ана шу мезон туфайли ва бежиз рўй бермаган деб ўйлайман ҳамда бу икки буюк зот ҳаётини ўрганиш асносида бунга нечалар тасдиқ топганман. Биргина таққос: Алишер Навоий туркий тилнинг "ўлган жасадига" жон ато этган бўлса, Абдураҳмон Жомий чўғи ўчаётган форс-тожик шеърияти "гулханини" янада равшанроқ алангалантирди. Яна ҳам чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, Абдураҳмон Жомийнинг буюк асарлари Алишер Навоийнинг илтимоси билан ёзилганлигини биласиз. Тожик олими А.Мирзоев ёзади: "Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳаётини илмий ва адабий фаолиятини нуқтаи назаридан икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр қирқ ёшгача, иккинчиси қирқ ёшдан кейинги давр. Бу ҳолнинг диққатга сазовор жойи шундаки, устоз Жомий ижодининг сермаҳсул даври ҳаётининг иккинчи қисмига тўғри келади. Биринчи даври ҳам таълифотлардан холи эма, албатта. Шоир ўзининг биринчи девонини шу даврда яратган ҳамда "Рисолаи кабир дар муаммо асари ҳам қирқ яшарлигида ёзилган... Аммо ҳаётининг иккинчи даври илмий ва адабий асар яратиш суръати билан беқиёсдир. Мавлононинг ёши улғайган сари суръат шунчалик тезлашган..."[1] Олим бу сирга жавоб излайди ва вақт тежамкорлиги- суръат сабаби, деган хулосага келади.[2] Тожик олимининг фикрларини рад этмаган ҳолда шундай қўшимча киритиш мумкинки, Алишер Навоий бу суръатнинг сабабини изоҳлаб кетган. У Мавлоно таърифида шундай ёзади:

Билик авжининг меҳри тобони ул,
Қаю меҳр, сўз жисмининг жони ул.

[1] А. Мирзаев Абдураҳмон Жоми ва жараёни зиндаги ў. Сездаҳ мақола. Душанбе, Ирфон, 1977. саҳ. 203
[2] Ўша асар, саҳ. 204

Чу суръат аро ўт сочиб хомаси,
Яна гарм ўлуб нукта ҳангомаси.

Ҳамул ўтғаки, назм шамъин тутиб,
Маоний шабистонин ёрутуб.

Чу табъидин оқиб маоний суйи,
Келиб чашмаи зиндагони суйи.

Ҳамул чашмадин чун су бермак тузуб,
Суханварлик ўлган танин тиргузиб.[3]

Равшан бўлиб турибдики, суръатнинг сабаби форс-тожик адабиётининг ҳолдан тойган танига сув бериб, уни жонлантирмоқ бўлган. Алишер Навоийнинг Шарқ адабиёти олдидаги буюк хизматларидан яна бири шундаки, у фазл кони, “илм дарёси” бўлмиш Абдураҳмон Жомийга адабиётни янги поғонага олиб чиқиш ғоясини бериб, уни шу улуғ вазифага бошчилик қилишга ундаганлигидадир. Алишер Навоий форс тилида яратилган бебаҳо адабий ганжинанинг фидоий тарғиботчиси сифатида шеъриятнинг жанрлари қанақа бўлишидан қатъи назар, улар ривожининг сустлашиши ёки ўз даврини ўтаб, мозийда қолишини истамаган. Бу ҳолат, масалан, унинг шеъриятнинг маснуъ қасидалар, тарих, муаммо жанрларига эътиборида сезилади. Атоқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ўзининг “Навоий ва Жомий” китобида маснуъ қасида ҳақида ёзади: “Бу шеърларни теран фикрли деб айтиб бўлмайди. Умуман, уларда бирор маъно ҳосил бўлишининг ўзи ёмон эмас. Улар, ҳатто ўқувчини қизиқтирмаслиги керак. Бу ерда диққат-эътибор мисралардаги найрангларни илғаб олишга қаратилиши керак. Равшанки, уларни ушбу бошқотирма бошқотирма техникадан бохабар ўқувчиларгина илғаб олишга қодирлар. Бошқача қилиб айтганда, маснуъ қасидалар шеърият билимдонларининг тўғри шеълардан қониқиш ҳосил қила олмайдиган бўлиб қолган қандайдир бир маҳдуд гуруҳига мўлжаллангандир. Ушбу сўз ўйинининг ўша ватда юқори насабли кишиларнинг машҳур гуруҳларини ўзига нақадар ром этганлигини шундан ҳам кўрса бўладики, Ҳатто шундай теран мутафаккир Навоий ҳам ўз вақтичоғлигининг бир қисмини шунга бағишлар эди.”[4] Шунингдек, рус шарқшуноси муаммо ҳақида ҳам салбий муносабат билдиради: “XV аср адабиётида... муаммода мазмун

[3] А. Навоий Садди Искандарий. Хамса. Нашрга тайёрловчи И Шамсиев. Тошкент, 1960, 635-бет.
[4] Е.Э.Бертельс. Наваи ва Джами. Москва, 1965, стр. 40

умуман ҳисобга олинмайдиган бўлди. Унда фикр, ҳиссиёт йўқ. Фақатгина ёппасига сўзлар ёки сўз бирикмалари ўйинидан иборат бўлиб қолди. Муаммога берилиб, адабиёт ўзининг ижтимоий қадриятларини буткул йўқотиб, ўзини ҳалоатга маҳкум этди.” [5]Албатта, кейинчалик баъзи тадқиқотларда, хусусан, С.Айнийнинг “Алишер Навоий” монографиясида Бертельс фикрлари анча юмшатилиб, бу жанрнинг ўз даврида А.Жомий, А.Навоий каби атоқли сўз усталарининг феодал тузуми ифлосликларини фош этишда қўл келганлиги каби ижобий аҳамиятлари кўрсатиб берилди. [6]Шунингдек, адабиётшунос Л. Зоҳидов ўзининг Алишер Навоий ижодида муаммо жанрини ўрганишга бағишлаган тадқиқотда ҳам “Муфрадот” асари мисолида Айний фикрларини ривожлантириш билан бирга муаммоларда маъно алоҳида аҳамиятга эга эканлигига кўплаб мисоллар келтирадики, бунда таниқли олимА.Ҳайитметовнинг “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” тадқиқоти таъсири мавжуд десак тўғри бўлади.[7] Зеро, А.Ҳайитметов ўз асарида унгача бўлган қарашлардаги камчиликларни тўғри кўрсата олган ва Навоий муаммочиликда йўл қўйилган ёппа шаклбозликка аёвсиз кураш олиб борганини кўплаб мисоллар воситасида очиб берган.[8] Олимимиз фикрига қўшимча сифатида айтишимиз мумкинки, навоий теран мутафаккир бўлгани учун ҳам поэзиянинг йўқликка юз бураётган маснуъ қасида, эътибордан қолаётган тарих, муаммо жанрларини сақлаб қолишга уринган ва унинг назарида ушбу жанрларга эътибор “эрмак” учун эмас, балки форс-тожик шеъриятинингкўпчилик поэтик санъатларини ўзида жамлаган гўзал намуналарини янада такомиллаштиришдан иборат бўлган. Навоий, шунингдек, форс-тожик шеъриятининг ишлаб чиқилган мураккаб жанрий турларини ўқувчи зеҳни иладиган қўлланмалар тарзида яратилишига ўз кучини сафарбар этиши ва бошқаларни ҳам даъват этиши янги туркий адабиётнинг оёққа туриши учун ҳам зарур эди. Таниқли Навоийшунос А.Ҳайитметов жуда тўғри таъкидлаганидек, “Навоий “Хамса” достонларидан фақат биттасини ёки “Хазойин ул-маоний” таркибидаги тўрт девондан бирини яратганда ҳам барибир адабиётимизнинг буюк намояндаси бўлиб қолаверарди. У бу ишларнинг ҳаммасини буюк муҳаббат, фидойилик билан бажарди. Чин ватанпарварлик туйғулари унга мададкор бўлиб, у йўлда дуч келган ҳар қандай қийинчиликларни матонат билан енгди.”[9] Бу икки буюк аллома бу ҳақида очиқ ёзиб ўтмаган бўлсалар-да, уларнинг мақсадлари

[5] Е.Э.Бертельс. Наваи ва Джами. Москва, 1965, стр. 42-бет
[6] С. Айний. А. Навоий.Танланган илмий асарлар. Тошкент, 1978, 215-221-бетлар.
[7] Л .Зоҳидов. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. Тошкент, 1986.
[8] А.Ҳайитметов. Алишер Навоий адабий-танқидий қарашлари. Тошкент, 1959
[9] А.Ҳайитметов. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент, 1993, 7-бет.

ижодлари руҳиятидан яққол сезилиб туради. Чунончи, Алишер Навоий ёзади: “...Алар (Жомий-Ш.С.) учунчи девонлариға тартиб бериб эрдилар. Фақирға ўз муборак хатлари била битилғон девонни иноят қилдилар. Фақир илтимос қилдимким, Мир Хисравдин ўзга назм аҳлидин эшитилмайдурким, мутааддид девон тартиб қилмиш бўлғайлар. Аммо аларким мутааддид битибдурлар ҳар қойсиға бир муносиб от қўюбдурлар. Сиздағи бу девонларға муносиб отлар қўйсангиз деб. Алар қабул қилдилар. Икки кундан сўнгра яна алар хизматиға етдим. Жузв қўюнларидан чиқориб, фақирға бердилар, девонлар учун феҳрист битиб эрдилар ва ҳар бирин мвсум бир исмға қилиб эрдилар... Чун фақир алар хизматида бу феҳристни ўқудум, бу фақирға ҳам амр қилдиларким: “Сенинг доғи назминг туркча алфозда чун мутааддид бўлубтур, сен доғи ҳар бирисини би исм била мумтоз қил ва ҳар қойсини бир лақаб била жилвасоз этгил”. [10]Бундай мисоллар анча бўлиб,китобхонларга яхши маълумдир. Бу икки буюк зотнинг адабий ҳамкорлиги наатижасида туркий ва форсий халқлар адабиётлари ривожланди ва Шарқ адабиёти хазинаси муносиб дуру гавҳарлар билан тўлди. Бу икки даҳо онгли равишда адабиёт назариясини қайта кўриб чиқдилар, формал жанрлар, жумладан, муаммо, тарих, маснуъ қасидалар ва бошқа шакл жиҳатидан турли бадиий санъатлар ўйинидан иборат бўлган шеърият Шарқ адабиётининг ажралмас таркиби сифатида сақланиб қолишига ҳаракат қилдилар бу ишнинг рўёбга чиқишида шеър аҳлини тарғибу ташвиқ қилдилар.

Абдураҳмон Жомийнинг Навоийга муносабат билдирган шеърлари тазкира ва илмий асарларида учрайдиган фахрия, мадҳия, қитъаларидан ташқари достонларида учрайди. Жомий “Ҳафт авранг” нинг деярли барча достонларида Навоий ҳақида ўз дил сўзларини назм ипига теради. Жомий Алишер Навоий билан бир даврда ҳамнафас бўлиш насиб этгани туфайли ҳам яратганга шукроналар келтирган. Юқорида мазкур бўлгаридек, Навоийдек илҳом манбаи Жомийда мудраб ётган ижод вулқонини қўзғалишига боис бўлиши Жомий томонидан Алишер Навоийнинг буюк мутафаккир бўлибетишишига тайёрланган тагзамин, бу барчаси- Буюк Дўстлик аталмиш неъматнинг ҳосилидир.. Шу жиҳатдан Абдураҳмон Жомийнинг қуйидаги шеъри Навоий билан ўрталаридаги дўстликка яққол таъриф бўла олади:

Ёри ки кунад ба ёр пайванд,
Нахли амалаш шавад баруманд.
Ёр аст калиди ганжи уммед,
Ёр аст навиди айши жовид.

[10] А. Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Асарлар. 15 томлик, 14-том. Тошкент, 1967, 57-58-бетлар.

Мақсуди вужуд чист жуз ёр?
З-ин савдову суд чист жуз ёр?[11]

Абдураҳмон Жомий бошқа шоирлар ва фозиллардан фарқли ўлароқ, унинг таржимаи ҳолига оид бирор факт ёки сиёсий мавқеи ҳамда шахсий фазилатлариҳақида гапирмасдан, балки асосий эътиборни Навоийнинг шеъриятдаги маҳорати ва асарлари савиясига қаратди ва бу таҳсинга сазовордир. Бу ҳол Жомийнинг Ўрта аср анъанавий услубларини четлаб ўтиб, ҳақиқий илмий йўналиш- адабий танқид нуқтаи назаридан онгли равишда ёндашганлигини билдиради. У ёзади:

Зи чарх офаринҳо бар он килк бод,
Ки ин нақши матбуъ аз он килк зод.
Бубахшид бар форси гавҳар он,
Ба назми дари дурру назмоварон.[12]

(Шундай ажойиб нақш туширган
ул қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин.
Форсийга гавҳар, дарий назмига
нуқтадонлар дурини инъом этди.)

Мазкур парча кўринишидаан бошқа маддоҳларнинг шеърларидан деярли фарқ қилмайди. Аммо Абдураҳмон Жомийнинг Навоийга пир ва устозлик мақоми ҳамда унинг қуйидаги эътирофи бу шеърий парчада катта мазмун борлигини англатади. Жомий ёзади:

Нашуд боисам жуз сухандоният,
Ба дастури дониш суханроният.

В-агарна ман онро чу оростам,
На эҳсон, на таҳсин зи кас хостам.

Чи хезад зи мадхал, ки эҳсон кунад,
Чи ояд зи таҳсин, ки нодон кунад.

Ба тулуи сухан гар сутудам туро,[13]
Ҳади дониши худ намудам туро.

[11] А.Жомий. Ҳафт авранг: Лайли ва Мажнун, Тошбосма., Тошкент, 1913, 376-бет.
[12] А. Джами. Хирадномаи Искандари. Критический текст и предисловие Г.А.Тарбията. Москва, Наука, 1984, стр. 448.
[13] А. Джами. Хирадномаи Искандари. Критический текст и предисловие Г.А.Тарбията. Москва, Наука, 1984, стр. 448.

Жомийнинг ушбу буюк баҳоси Алишер Навоийнинг фақатгина туркий тилдаги ижодига тааллуқли бўлибгина қолмай, балки форс адабиёти ривожидаги хизматларига ҳам тегишлидир. Улуғ форс-тожик мутафаккири Алишер Навоийнинг миллат олдидаги улкан бурчини шараф билан адо эта олганидан беҳад таъсирланади:

Ба мезони он назми муъжизнизом,
Низоми ки будию хирав кудом.
Чу у бар забони дигар нукта ронд,
Хирадро ба тамизашон роҳ намонд.
Зи табъи ту устоди сухан,
Зи мифтоҳи килкат кушоди сухан.
Суханроки аз равнақ уфтода буд,
Ба кунжи хавон рахт бинҳода буд.
Ту доди дигар бора ин обрўй,
Кашиди ба жавлонгаҳи гуфтугуй.
Сафоёб аз нури рои ту шуд,
Навоин з-лутфи навое ту шуд.[14]

(Ул мўъжиза назм қаршисида Навоий ким эдию, Хисрав ким бўлиб қолди. У ўзга тилда ижод қилганда ути англашга ақл тасаввури торлик қилди. Эй сухан устози, сен таъбинг ила тил хазинасини очдинг. Ривожланмай чеккада хор бўлган сўзга (тилга) Сен қайтадан обрў бердинг ва сўз майдонига олиб чиқдинг. У сенинг фикринг нури ила тоза бўлди ва сенинг лутфинг навосидан наволи бўлди.)

Алишер Навоийнинг туркий шеърлари савиясига Жомий катта эътибор бериб, шоир маҳоратига тасанно ўқийди:

Кунад дар шеър табъаш мўшикофй,
В-аз он мў нўги килкаш шеърбофй.
Ниҳад з-ин шеъри мушкин доми дилҳо,
Деҳад з-он шеъри ширин коми дилҳо.
Дили ушшоқ аз он як монда дар банд,
Лаби хубон аз ин як дар шаарханд.[15]

(Таъби шеърда қилни қирқ бўлади,
У қилдан қаламнинг учи шеър тўқийди.
Бу мушкли шеър кўнгилларни ўз тузоғига,

[14] [14] А. Джами. Хирадномаи Искандари. Критический текст и предисловие Г.А.Тарбията. Москва, Наука, 1984, стр. 448.

[15] А.Жомий. Ҳафт авранг: Юсуф ва Зулайҳо, Тошбосма., Тошкент, 1913, 368-бет.

илинтирган. Ўшал ширин шеърлар қалблар тилагидир. Ошиқлар қалби унга боғланиб қолган, яхшилар у билан хушнуд.)

Абдураҳмон Жомий Алишер Навоий ижодиётини жаҳоний мавқега эга бўлган форс адабиёти силсиласида кўриб чиқар экан, унинг туркий шеъриятдаги бадиий маҳоратини форс шеъриятининг ўлмас даҳолари маҳорати билан бир қаторга қўяди. Улар ўртасидаги адабий ҳамкорлик Алишер Навоий томонидан "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарида кенг ва муфассал ёритиб берилганлиги, Жомийнинг бу ҳақда "Баҳористон" тазкирасидаги қайдлари ва ниҳоят улар ўртасидаги ёзишмаларнинг ҳар иккала ижодкор томонидан махсус йиғилиши каби ҳолатлар уларнинг форс-тожик ва туркий шеъриятни янги поғонага кўтаришда келишилган ҳолда ҳаракат кўрсатганликларини бу адабиётларга хос ҳар бир мавжуд бўлган жанр анъаналарни қайтадан тирилтириш ва ривожлантириш йўлида бир-бирларига ҳамдарду ҳамкор, мунаққиду мусаҳҳиҳ бўлганликларини кўрамиз. Шу жиҳатдан Жомий Навоийни ўзининг энг яқин дўсти ҳисоблайди:

Хосса ки ба боғи ошнойи,
Бар шохи вафо бувад Навойи.
Яъни ки Навойи лутф созад,
Дилҳои шикастагон навозпад.
Кори набвад ба жои ин кор,
Ёрони жаҳон фидои ин ёр.[16]

(Хусусан, ошнолик боғида Навоий вафо шохидан жой олган. Яъни Навоий лутф қилса, кўнгли яримталарни эралайди. Бу иш ўрнини бошқа ҳеч қандай иш боса олмайди. Жаҳон ёрларининг бариси унинг фидосидир.)

[16] А.Жомий. Ҳафт авранг: Лайли ва Мажнун, Тошбосма., Тошкент, 1913, 376-бет.

تحقیق از: اکادمیسین شرعی جوزجانی
عبد الرحمان جامی

دفاع از مقام شامخ
خاتم الشعرا عبدالرحمان جامی

اتهامات «ملک الشعرا» بهار بر مولانا جامی و عهد او بی پایه است

مولانا جامی و علیشیر نوایی دو سمبول دوستی تورکها و تاجیکها
نگار تورک ـ تاجیکم کند صد خانه ویرانه

بدان مژگان تاجیکانه و چشمان تورکانه
(علیشیرنوایی)

نورالدین عبدالرحمان جامی و امیر علیشیر نوایی به صفت دو نماینده پیشتاز دانش و فرهنگ دورۀ درخشان تیموریان، با میراث علمی و ادبی عظیمی که ازخود بجا گذاشته اند، سهم بزرگی در شگوفایی علم و فرهنگ جهانی گرفته اند.
ازشش قرن بدینسو آبدات ادبی نفیسی که آنها آفریده اند، با اندیشه های عموم انسانی، معاییر عالی اخلاقی، تفکر عمیق و تخیلات لطیف بدیعی شاعرانۀ خود، ذوق استتیک خوانندگان را اشباع نمود، مردمان منطقه را به زندگی باهمی مسالمت آمیزدوستانه و فارغ از خصومت و ستیز فرا میخواند. لیکن جای تأسف است که برخی از محققان تاریک اندیش، دورۀ شگوفانی را که این دوسیمای درخشان فرهنگ بشری محصول آنند، به ویژه مرحله ایرا که به حیات و ایجاد عبدالرحمان جامی رابطۀ مستقیم دارد، به مثابۀ دورانی ارزیابی کرده اند که گویا باتمام عرصه های حیات دستخوش انقراض و انحطاط بوده است. یکی ازین گونه صاحب نظران کوته بین شاعر معروف و دانشمند ادبیات شناس ملک الشعرای ایران محمدتقی بهار در جلد سوم اثر خود به نام «سبک شناسی» چنین می نویسد:
«.. ذوقها همه محدود، طبعها فرومایه، فکرها کوتاه، طریق تعقل ناصواب، اهمال و تکاسل و عدم غَور و عدم تحقیق و تتبع در تمام امور(از امور سیاسی و ملکداری گرفته تا شعر و نثر و تاریخ و تذکره و دیانت و تصوف و امانت و تقوا)

رسوخ یافت، تدنی و پستی عجیبی در هرچیز پیدا شد، و درین گیر ودار اگر دانشمند ی چند بوجود آمده اند جای بسی حیرت است؟!» (سبک شناسی، جلد سوم، ص 185)

بهار بنا به پندار خود بعد از برشمردن برخی نارساییها در صفحۀ 254 کتاب خود، تمدن تیموریان را «**تمدنی نیمه کاره، سطحی و متزلزل و عامیانه؟!**» ارزیابی میکند. بنابه عقیدۀ بهار «**انحطاط ادبی متوقف نگردید، شعر فارسی یکباره گویی با خواجه حافظ علیه الرحمه به بهشت رفت و بازنگشت ودر فردوس برین با دری گویان بهشتی جای خوشی کرد؟!**» به تصور او مانند برخی از آریا پرستان و طنی ما گویا که حوریان بهشتی نیز به زبان فارسی سخن می گویند؟.

به عقیدۀ او «**..سبک پیچیده و متصنع و بیروح که ازعالم الفاظ فرومایه تجاوز نمی نمود، شعر را از قصیده و غزل به حالت ابتذال افگند، و پایۀ«سبک هندی» ازین دوره در هرات و خراسان و تورکستان نهاده شد، وبعد به اصفهان و هند سفر کرد، و درنثر نیز چنانچه اشاره کردیم انحطاط لفظی و معنوی دو اسبه به تاخت و تاز نهاد!**» (ص85 کتاب)

چرا ملک الشعرای ایران این ممثل ایدئولوژی رسمی دولت رضاشاهی، سبک هندی را که در تمام سرزمین های فارسی زبان و تورکی زبان به صفت یک مکتب ادبی عظیم پذیرفته شده و مشحون از اندیشه های روح انگیز شاعرانه، افکار فلسفی خردمندانه، اسلوب بیان واقعگرایانه، قدرت تصویر لطیف بی نظیر می باشد و با کار برد صنایع لفظی و معنوی بی شمار به خصوص استعاره، تشبیه، مدعا مثل و غیره و وضع اصطلاحات ادبی نوین، رستاخیزی در تاریخ ادبیات دری به وجود آورده است، به شیوه ای خصمانه و حقیقت ستیزانه، سبک پیچیده و متصنع و بیروح و مرکب از عالم الفاظ فرومایه میداند که گویا شعر را از قصیده و غزل به حالت ابتذال افگنده است؟!

علت این خصومت آشکار است، نخست اینکه این سبک در دوران حاکمیت تیموریان اساسگذاری شده و نخست هرات و هند و سپس ایران و تورکستان را زیر تأثیر خود قرار داده است و آقای بهاراین واقعیت تاریخی را نمیتواند تحمل کند. زیرا به گمان او این ایرانیانند که تمدن و فرهنگ شرق را اساسگذاری کرده اند نه اقوام دیگر؟! ؛

دوم اینکه اساسگذاران این سبک دو ستارۀ درخشان دوران تیموریان هرات یعنی

عبدالرحمان جامی و علیشیر نوایی بوده و دوشاعر بزرگ تورکتباردیگر- میرزا عبدالقادر بیدل و صائب تبریزی آنرا به اوج کمال رسانده و اکثر شاعران تورکی تبار درین مکتب قریحه آزمایی کرده اند.

رد ادعای طلوع نیوز:

همچنان «طلوع نیوز» که تورک ستیزی و ایران پرستی آن به هموطنان معلوم است، با استفاده از یکعده کسانیکه در دستگاه ولایت فقیه تربیه شده اند، گاه و بیگاه خصمانه بر ضد تاریخ، فرهنگ و هویت ملی تورکان افغانستان می تازد و به قلب حقایق تاریخی و تحریف واقعیتها درین زمینه می پردازد. چنانچه یکی از نمایندگان گروه تورک ستیز به نام قنبرعلی تابش در برنامۀ کاخ بلند که مبلغ ادعای تسلط کامل فرهنگی ایران در سراسر افغانستان و آسیای میانه، سرزمین هند و آسیای صغیر در قرنهای گذشته میباشد، به بهانۀ تجلیل از سالگرد جامی، همان ارزیابی های راسیست های ایرانی را نشخوار کرده گفت که مغلها و تاتارها در هرات برای تلافی خرابی های خود به دانشدوستی و حمایت از فرهنگ تظاهر کرده به تشویق و ترغیب اهل قلم پرداختند.

ازین مؤرخ و ادبیات شناس؟! باید پرسید تاتارها که وارثین امپراتوری آلتین «اردوی زرین» بودند، و از روسیه، اوکراین تا قرن 18 باج میگرفتند، چه زمانی به افغانستان آمده و درکجا تشکیل حکومت داده اند؟!. حکمداران هرات در قرن طلایی نهم هجری در افغانستان سلالۀ توکتبار تیموری بودند، نه تاتارها و مغلها. آنها برخلاف نظر ناشیانۀ شما متظاهر نه، بل که خود اهل فرهنگ و حامیان علم و دانش بودند. تنها میرزا اولوغ بیک و زیچ کورگانی و رصدخانه اش در سمرقند، سلطان حسین بایقرا و وزیر روشنضمیرش علیشیر نوایی و آثار ماندگار او به زبانهای تورکی و فارسی، ظهیرالدین محمد بابر و بابرنامۀ او در رد ادعای شما کافی است. خدمات فراموش ناشدۀ این خانواده در انکشاف و ترویج دانش و فرهنگ آنقدر بزرگ و چشمگیر است که به حق این دوره را به نام«دورۀ رنسانس شرق» ویا «رنسانس تیموریان» یاد کرده اند.

این آقای به اصطلاح جامی شناس، با قراردادن خاتم الشعرا برضد زمامداران دولت تیموری، روح مولانا را رنجانده و حقیقت را تحریف کرده است. زیرا مولانا جامی از آغاز تا انجام در سایۀ حمایۀ دولت تیموری به خصوص سلطان حسین بایقراو شاعر کبیر امیر علیشیر میزیست. برای معلومات بیشتر به کتاب ارزشمند مرحوم علی اصغر حکمت به نام «جامی» و تاریخ ادبی ایران اثر ادوارد براون مراجعه کنید.

باقاطعیت باید گفت که ارزیابی متصدیان برنامۀ کاخ بلند طلوع نیوز در مورد متظاهر بودن تیموریان هرات به دانشدوستی و فرهنگ پروری و همچنان ادعای نویسندۀ کتاب سبک شناسی در بارۀ این که درعصر تیموریان، فرهنگ و تمدن و دست آوردهای این دوران کاملا سطحی، بی اساس و عاری از حقیقت بوده است، کاملا بی پایه و ناشی از تعصب کور پان ایرانیستی میباشد و در مغایرت کامل با تمام یادگارهای مادی و معنوی دور مذکور و برخلاف نظریاتی است که دانشمندان واقعبین و شرقشناسان بی طرف در زمینه اظهار داشته اند.

این یک حقیقت مسلم است که صاحبقران تیمور مدنیت بزرگی را پایه گزاری کرد که آثار ماندگار شگفت انگیز آن هنوزهم در مرکز دقت مردم جهان قرار دارد و با اصالت و زیبایی خود چشم هارا خیره می سازد.

شادروان علی اصغر حکمت یکی از دانشمندان بنام ایران که در تحقیقات خود دور از تعصب نژادی با اتکا بر واقعیت های تاریخی و رعایت بیطرفی، دورۀ تیموریانرا مورد پژوهش قرار داده است، در کتاب ارزشمند خود به نام«جامی» درین باره می نویسد:
« سلاطین تیموری که درشرق ایران سلطنت داشتند در سراسر قرن نهم از 807 تا 912 تمدنی بوجود آوردند که دارای صفات خاصه ای بوده و در پرتو آن تمدن، سلاطین نامدار و امرا و وزرای بزرگ به ظهور رسیده و علوم حکمت و کلام و فلسفه و فقه و اصول و تصوف و شعر و نثرو انواع هنرهای زیبا مانند نقاشی و معماری و کاشی سازی و مذهبی بقدر ی در پرتو سلطنت ایشان رونق و رواج گرفت که این قرن را یکی ازادوار درخشان تاریخ ایران باید شمرد». (ص 13-14 جامی، ع. حکمت)
محقق جوان و دانشمند محترم غلام سخی سخا در مقالۀ عالمانه ای که با عنوان «حقایق پشت پردۀ تمدن باستانی چین قدیم» نوشته و در سایت های بابر و ففتا نشر شده در مورد شخصیت تیمور و تمدن تیموریان مطالب ارزشمند زیادی از دانشمندان معروف شرق و غرب نقل کرده و ما چند پاراگراف آنرا خدمت خوانندگان محترم تقدیم میداریم:

{{{ «مامیدانیم که او [تیمور] فرزند امیر تورغای رئیس شعبۀ کورگان برلاس یک طایفۀ اصیل و نجیب ترک وپسر برادر حاجی برلاس بوده است». (سرپرسی سایکس، تاریخ ایران، جلد دوم، ص 169)

«مؤرخین اورا از احفاد یکی از همکاران و همراهان چنگیز می دانند و بعضی از آنها حتی اورا به خاندان چنگیز خان منسوب می نمایند، ولی در حقیقت تیمور اصلاٌ و ابداٌ مغول نبوده و عنصری است تُرک» (رنه گرسه، تاریخ صحرانوردان، ص 668).

«حالا باز هم به سراغ دانشمند انگلیسی سر پرسی سایکس- می رویم که مشاهدات و چشم دیدهای شخصی خویشرا در بارۀ فرهنگ و تمدن تیموریان چنین توصیف میکند:

«سلسلۀ تیمور که تقریباٌ یک قرن و نیم دوام کرد، درمیان آن افراد زیادی هستند که مربی و سرپرست علم و هنر بودند. درمشرق زمین نفوذ تیمور خیلی زیاد است و ما از جمله صنعت نقاشی را که مورد علاقه و دوست داشتنی است مدیون این مرد می باشیم. از حیث کتاب دوستی و ایجاد کتب کسی بالاتراز آن ها نیست وحتی معروف ترین فرهنگ خواهان اروپا با فرهنگ خواهان سلسلۀ او نمی توانند رقابت و همسری نمایند. براثر حمایت و تشویق او بود که زیباترین نقاشیها، قالیها، اسلحه و آلات حرب و دیگر چیزهای صنعتی ایجاد گردید. تربیت و تهذیب و خدمات شایان این امیران و شاهزاده گان به اقسام دانش و هنر روشن ترین و هوشمندترین مردان عصر را به خودجلب میکند و درنظر آنها به خصوص نگارنده که افتخارات مسافرت در آسیای مرکزی را دارا می باشد، نام سمرقند و بخارا خاطرات شیرین و محو ناشدنی ازین سلسلۀ مفخم و معظم بر می انگیزد و مشاهدۀ عمارات با شکوه آن ها با اینکه در حال خرابی و فرو ریختن است فوق العاده مارا به حیرت انداخته بی اختیار زبان به حسین و آفرین می گشاییم» (ص 204- 205 جلد دوم تاریخ ایران، سرپرسی سایکس) }}}.

تا اوایل قرن بیستم این فکر حاکم بودکه « رنسانس» یک حادثۀ تاریخی مربوط به قرنهای 17 و 18 اروپا میباشد و به تاریخ اروپا اختصاص دارد. لیکن بعداٌ دانشمند معروف سویسی آدم میس در کتاب خود به نام «رنسانس مسلمان» به این تصویر نقطۀ پایان گذاشته، با دلایل انکارناپذیر به اثبات رسانید که چندین عصر قبل ازان کشورهای اسلامی شرق دوره های رنسانس ویژۀ خودرا از سر گذرانده اند. این فکر آدام میس پس از وی توسط برخی از دانشمندان ازجمله کنراد در کتاب او به نام «شرق و غرب» روی این موضوع به مقیاسی وسیعتر روشنی انداخته شد و به تعقیب آن یک تعداداثرهای دیگر نیز درزمینه نوشته شد.

در اؤزبیکستان اولین دانشمندی که این مسئله را به بررسی گرفت اکادمیسین مظفر خیرالله یف بود. او با توضیح همه جانبۀ رنسانس شرق آنرا به مقیاس تاریخ ملت های شرق تعمیم داد. برطبق نظر این دانشمند مردمان شرق از جمله خلقهای خراسان و تورکستان، دوره های درخشان و طولانی رنسانس را پشت سر گذاشته

اند. آنها در قرنهای 9-12 و پس از آن در قرنهای 14- 15 به مقیاس جهانی در اوج تمدن و ترقی پا گذاشته بودند. اکادمیسین خیرالله یف در کتابی که پیرامون اندیشه های فلسفی ابونصرفارابی به نام «دَور بیداری و متفکر شرق» نوشته میگویدکه، تمدن قرون 9- 12 و پس ازآن پیشرفت و انکشاف قرنهای 14- 15 عبارت از دو مرحلهٔ یک جریان تاریخی میباشد. به گفتهٔ او دراین دو قرن اخیر دانشمندان و اندیشمندان بزرگی چون میرزا اولوغ بیک، قاضی زادهٔ رومی، الکاشانی، علی قوشچی، شاعران و متفکران بزرگی چون جامی و نوایی، نقاشان و مصوران بنامی مانند بهزاد و پیروان مکتب او و شخصیتتهای بزرگ دیگری که در عرصه های دیگر دانش و هنر عرض وجود کردند، ستاره های درخشان دوران شگوفان تیموری به شمار می روند.

با تأیید نظر این دانشمند باید گفت که درسال 1969 سیمپوزیوم بین المللی از طرف یونسکو در رابطه به مدنیت دور تیموریان در شهر سمرقند دایر شده بود. اشتراک کنندگان سیمپوزیم به این نتیجه رسیده بودند که دست آوردهای قرنهای 14- 15 در عرصه های دانش و فرهنگ تا قرنهای 17- 18 راه پیشرفت تمام انواع هنر و فرهنگ را هموار ساخته بود.

ادبیات شناس مشهور ایران دوکتور ذبیح الله صفا در اثر معروف خود «تاریخ ادبیات در ایران» تأکید دارد که دور تیموریان از لحاظ شگوفایی ادبیات و افزایش حیرت انگیز تعداد شاعران یکی از دوره های بزرگ ادبیات بود. به عقیدهٔ او دورهٔ تیموریان علاوه بر این که از نظر انکشاف هنرهای زیبا خیلی ثمر بخش بود، از لحاظ شعریت نیز خیلی مهم، بلکه برای تعالی ادبیات فارسی نیز آخرین دور نهایت مهم به شمار میرود. او در ص 160 جلد چهارم اثر خود می نویسد: «استاد فقید نفیسی که ازراه تحقیق و استقصاء متمادی اسامی همه یا نزدیک به همهٔ شاعران را در قرن 11 در کتاب تاریخ نظم ونثر در ایران گرد آورده فقط در قرن نهم بیشتر از یک هزار شاعر را نام برده و شرح حال و آثار معدودی از آنان را به اختصار مذکور داشته است». دوکتورصفا پس از ذکر نام در حدود بیست تن ازشاعران نام آور این دور چون جامی، قاسم انوار، بنایی، هلالی و بابا فغانی مینویسدکه : این شاعران نام آور حافظان واقعی زبان و نگهبانان سنت ادبی قدیم بوده اند و شاگرانی که زیر دست شان تربیت یافتند، هریک به قدر استعدادبهره ای از سنت ادبی را از آنان به ارث برده وبه آیندگان سپرده اند» (ص 170 کتاب مذکور).

دانشمند بنام افغانستان شادروان عبدالحی حبیبی در اثر ارزشمند بزرگ خود به نام

«هنر عهد تیموریان» نشان میدهد که از آثار بجا مانده صنایع نفیسهٔ دور تیموریان، رنسانس غرب و سیعاً استفاده کرده است.

ادواردبراون شرقشناس مشهور انگلیسی در کتاب تاریخ ادبی ایران که توسط دانشمند شادروان علی اصغر حکمت به نام «ازسعدی تا جامی» ترجمه، تعلیق ، تحشیه و نشر شده است، می نویسد: «میر علیشیر نوایی وزیر سلطان حسین بایقرا گذشته ازین که خود یکی از شعرای قابل توجه (مخصوصاً بزبان تورکی) میباشد، حامی و طرفدار کریمی برای ادبا وفضلای زمان خود شمرده میشود، چنانکه در فرٌ و شکوه ادبی، شهر هرات در دورهٔ تیموریان همسنگ شهر غزنه در عهد سلطان محمود غزنوی مینماید» (ص 529 کتاب).

هرگاه ما آبده های عظیم، و بناهای شکوهمند دوران تیموریان را درافغانستان، تورکستان، ایران و هندوستان یکجا با آثار علمی و ادبی گرانبها یی که از آن عهد بجا مانده مورد ارزیابی قرار بدهیم، پی میبریم که اتهامات خصمانه نسبت به این دور چه قدر ناشایسته و دور از واقعیت میباشد.

در رابطه به مکتب ادبی هند (سبک هندی):

به عقیدهٔ ملک الشعرا بهار، جامی با مضمون آفرینی های خود سبک هندی رااساسگزاری کرده، اما دانشمند ایرانی رُکن الدین همایون فرخ، ناشر «دیوان فانی» در مقدمهٔ عالمانه ای که براین اثر نوشته پس از بحث روی نامگذاری این مکتب که در نتیجهٔ آمیزیش خاص سبک خراسانی با سبک عراقی و سبک هرات به وجود آمده است، می نویسد: پس از انقراض دولت سلطان حسین بایقرا گروهی از علما و دانشمندانی که در هرات میزیسته اند، متوجه دربار بابر و ارغون شاه شده به قندهار و تته رهسپار گردیده اند و طرز و روشی را که امیر علیشیر و شعرای پیرو او بنیان گذاشته اند نشر داده و در تعمیم آن کوشیده اند و چون شعرای فارسی زبان درهند پیرو آن شدند، این سبک به هندی نامگذاری شد. او می افزاید به هر حال غزلیات فانی (تخلص نوایی درشعرفارسی - ش.ج)بهترین نمونه این سبک است و 8 بیت را که مبین این سبک است طور مثال ذکر میکند و ما یک بیت از آن می آوریم:

ازخیال آن میان فکر محالی داشتم،
بود اگرچه بس محال اما خیالی داشتم.

همایون فرخ علاوه میکند: چنانکه گفته شد در آثار فانی افکار و تخیلات و تتشبیهاتی که بعدا به طور وفور و بحد اشباع تا سرحد ابهام و ایهام و تعقید در آثار

گویندگان هند دیده میشود، به صورت ابتدائی آمده است. (مقدمۀ دیوان امیر نظام الدین علیشیرنوایی «فانی»، به سعی و اهمام دکتر رُکن الدین همایون فرخ، 27-28 تهران، 1375)

همچنان دانشمند محقق هندی داکترعزیز احمد با اتکا به نظریات دانشمندان روس و اروپای شرقی تأکید میکند که امیر علیشیر نوایی در زمینۀ به وجود آمدن مکتب ادبی هند تأثیر ایجادگرانه داشته است (داکتر عزیزاحمد، تاریخ تفکر اسلامی در هند، ترجمۀ نقی لطفی و م، ج، یاحقی، تهران1367).

به عقیدۀ ما هم مضمون آفرینی های جامی و هم صور خیال علیشیرنوایی در اشعار فارسی، نخستتین جوانه های این سبک ادبی مهم میباشد. البته این موضوعی است که بررسی آن به مقالۀ تحقیقی جداگانه ضرورت دارد.

درهر حال این مکتب ادبی(سبک هندی) آن چنانکه بهار ادعا میکند یک سبک پیچیده و متصنع و بیروحی که ازعالم الفاظ فرومایه تجاوز نمی نمود و شعررا از قصیده و غزل به حالت ابتذال افگنده بود، نیست، بلکه برعکس این مکتب ادبی به مثابۀ ثمرۀ اندیشه های دقیق و تخیلات لطیف موشگافانه و تفکر عمیق فلسفی شاعران خراسان، تورکستان و هندوستان، همآهنگ با شرایط عینی و ذهنی یک دورۀ تاریخی معین عرض وجود کرده و راه رشد و تکامل خودرا پیموده است. سبک هندی با وجود برخی استعاره های مرکب، مبالغات و ایهام، با تخیلات نازک، مضامین بکرو لطیف، افکار عمیق فلسفی و اندیشه های عرفانی خود ازاهمیت ادبی و علمی بزرگی برخوردار بوده، استادان پیش آهنگ آن چون میرزا عبدالقادر بیدل، صائب تبریزی، غنی کشمیری، بابا فغانی و سخنوران برجستۀ دیگر در رشد و تکامل زبان و ادبیات فارسی سهمی بزرگ و فراموش ناشدنی گرفته اند. به نوشتۀ دانشمند و شاعر افغانستانی شادروان محمدعثمان صدقی، پی بردن به یافتن راه حل مضامین مرکبی که در اشعار این استادان برمیخوریم، به انسان ذوق و لذّت خاصی میبخشد.

قسمت دوم

نسبت عدم صراحت و شجاعت ادبی به جامی:

همچنان ملک الشعرا بهار، عبدالرحمان جامی را در انتشار شعر به عدم صراحت

و شجاعت متهم میکند و در ص229 جلد 3 کتاب «سبک شناسی»خود می نویسد: «**یکی از بزرگترین عیبی که شعرشناسان و ادبای معاصر در اشعارجامی یافته اند عدم صراحت و شجاعت ادبی است**». بنا به پندار او گویا مولانا در اشعار خود چنان پنهان شده است که با هیچ ذره بینی دیده نمی شود. همچنان ناممکن است از غزلیات او نه به حالات اجتماعی و سیاسی معاصر او میتوان پی برد، نه به حالات اجتماعی و معتقدات فلسفی و عرفانی شخصی او. سپس میگوید: این ایرادات به نظر من وارد است.

ما این ایرادهای بهار را که گویا از زبان ادبیات شناسان معاصر خود بر جامی وارد کرده و بعدا آنرا تصدیق نموده است نیز نادرست و بی پایه میدانیم. به نظرما صراحت وجسارت جامی را در هیچ یک از شاعران قبل ازوی نمیتوان دید. طور مثال در شرایطی که اختلافات مذهبی میان تسنن و تشیع به اوج خود رسیده بود و کمترین بی اعتنایی درین زمینه عواقب وخیمی به بار می آورد، جامی بدون ترس و هراس، ستیزه جویان هردوطرف را به شیوه ای بس حقارت آمیز تقبیح میکند و می گوید:

ای مغبچهٔ دهر بده جام میم،
کامد ز نزاع سنی و شیعه قیَم

گویندکه جامیا چه مذهب داری؟
صد شکر که سگ سنی و خر شیعه نیم.

سرودن چنین یک رباعی با افاده ای تند و تلخ، در تقبیح ستیزه جویان هردو مذهب، با کلماتی اهانتبار چون سگ و خر در شرایط قرن پانزدهم، نشان میدهد که حضرت جامی ازچه شهامت بزرگی برخوردار بوده است.
جامی به مثابهٔ پیشآهنگ طریقهٔ نقشبندیه به برخود تعصب آمیز نسبت به اقوام و مذاهب دیگر اجازه نمیداد و با سرودن اشعاری چون بالا خودرا درجایگاهی برتر ازینگونه منازعات قرار میداد.

مولانا جامی به صفت یک صوفی مخلص و یک عارف روشن نگر هیچگاه نخواسته اندیشه های فلسفی، عرفانی و معتقدات مذهبی خودرا پنهان کند. دوکتور ذبیح الله صفا تأکید میورزدکه «او، سنی حنفی مذهب و درمذهب خود پیگیر و وفادار بود».
جامی تمام افکار و اندیشه های خودرادر مورد طریقهٔ نقشبندیه به کمال صراحت بیان داشته و یک اثر خودرا به نام یکی از پیشوایان این طریقت خواجه عبیدالله احرار «تحفة الاحرار» نامگذاری کرده و در یک شعر خود میگوید او کسی است

که برسر دین تاج روشنایی را گذاشته و قفل هوا و هوس را از در دلها گشوده است:

تاج بهار برسردین او نهاد،
قفل هوا از در دل او گشاد.

ودرجای دیگر میگوید:

آن که ز حریت فقر آگه است،
خواجۀ احرار عبیدالله است.

درقصدۀ «لجة الاسرار» خودکه نمایانگر علو طبع و مناعت نفس اوست، استغنا و بی نیازی خودرا از خوان خسیسان بیان میکند و چون مردی قناعت پیشه، روی آوری طماعان را به هر در و درگاه نکوهش میکند و بر شاه و وزیرکشور میخندد:

لب نیالایند اهل همت از خوان خسان،
درخور دندان انجم، گردۀ ماه و خور است.

طامعان از بهر طعمه پیش هر خس سر نهند،
قانعانرا خنده برشاه و وزیر کشور است.

ماکیان از بهر دانه می برد سر زیر کاه،
قهقهه بر کوه وبر در شیوۀ کبک در است.

نمونه هایی از اشعار جامی:

در زیر، ما ابیاتی را از آثار جامی می آوریم که بر خلاف ادعای بهار و همفکران او شخصیت ممتاز او را در محیط زندگیش به وضاحت نشان میدهد و میتوان قد رسای او را بدون هیچ «ذره بینی» در آنها مشاهده کرد:

طلب را نمیگویم انکار من،
طلب کن ولیکن به هنجار کن.

به مردار جویی چو کرگس مباش،
گرفتار هر ناکس وکس مباش.

پی لقمه چون سگ تملق مکن،
به فتراک دونان تعلق مکن.

رهان گردن از بار غل طمع،
فشان دامن از خاز ذل طمع.

در ضرورت حکمت برای شاهان:

اگر شاه دوران نباشد حکیم،
بود در حضیض جهالت مقیم.

ازان شیوهٔ جهل خیزد همه
وزان میوهٔ ظلم ریزد همه

ازو حظ بد، کامگاری بود
نصیب نکو، خاکساری بود

در نکوهش شیخان ریایی:

یارب انصافی بده آن شیخ دعوادار را
تابه خواری ننگرد رندان دردی خوار را

شرع را آزار اهل دل تصور کرده است
زان گرفته پیشهٔ خود شیوهٔ آزار را

× × ×

شیخ خودبین که به اسلام برآمد نامش
نیست جز زرق و ریا قاعدهٔ اسلامش

خویش را واقف اسرار شناسد لیکن
نه از آغاز وقوف است و نه از انجامش.

دام تزویر نهاده است خدایا مپسند
که فتد طایر فرخندهٔ ما در دامش

زاهدان ریایی و پیروان ابله آنان:

فغان زابلهی این خران بی دم و گوش
که جمله شیخ تراش آمدند و شیخ فروش

شوند هر دو سه روزی مرید نادانی
تهی زدین و خردُ خالی از بصیرت و هوش

نه بر برون وی از لمعهٔ هدایت نور
نه در درون وی از شعلهٔ محبت جوش

نگاهدار خدایا مدام جامی را
زشر زرق ریاپیشگان ازرق پوش

و این هم چند بیت ازیک قصیدهٔ اوکه سیمای وارسته وپر مناعت جامی را به وضاحت نشان میدهد:

فراز کنگر وحدت نشسته آن مرغم
که باز رسته زدام طبیعت بشرم
چو درهوای قدم پر زنم رود به عدم
غبار عالم امکان زباد بال و پرم
به قصد کسب فنا گنج زر طلب چه کنم
که با توانگری دل غنی زگنج زرم
فروغ یافته سنگی است زر، ز تابش خور
اگر به سنگ کنم روی عابدالحجرم
اگر زخوشهٔ پروین دهند دانه مرا
وگر زچشمهٔ خورشید باشد آبخورم
من آن نیم که کنم بال سست ز اوج بلند
سوی حضیض، کزین آب و دانه بهره ورم

***

بدین ترتیب از تمام آثار منظوم و منثور جامی ده ها مثال میتوان آوردکه ادعای عدم صراحت و عدم جسارت نسبت به جامی را رد میکند. آثار جامی به خصوص اشعار او به مثابهٔ آیینه تمام نمای رشد و انکشاف فرهنگ و دانش همان عصر، در تاریخ زبان و ادبیات دری جایگاه فراموش ناشدنی مهم و ویژه ای را احراز میکند. به گفتهٔ دانشمند حقیقت نگر استاد علی اصغر حکمت، **اشعار جامی از آثار تغزل ممتاز کلاسیک زبان فارسی و از بهترین یادگارهای اشعار غنایی آن به حساب میرود.**

همچنان به نه ظر او نورالدین عبدالرحمان جامی در قرن نهم تاریخ اسلام، بزرگترین استاد در نظم و نثر فارسی میباشد. شهزادهٔ صفوی سام میرزا در کتاب حفهٔ سامی مجموع آثار جامی را از نظم و نثر 45 جلد خورد و بزرگ به حساب می آورد.

در بارهٔ جامی:

دانشمندان ادبیات شناس شرق و غرب در بارهٔ جامی نظریات گوناگون اظهار داشته به آثار او ارزش بلندی قایل شده اند و ما برخی از آنهارا در اینجا می آوریم.

علی اصغر حکمت: جامی پس از شیخ سعدی به صفت یکی از بزرگترین و ماهرترین نویسندگان زبان وادبیات عربی را به زبان فارسی انتقال داده است. به لقب خاتم الشعرا یعنی ختم کنندۀ سلسلۀ شعرا ملقب گردیده است. چونکه پس از وی درجهان شعر تا قرن 13 هجری در زبان فارسی شاعری که بتواند در مقام اول قرار بگیرد، به ظهور نرسیده است.

ظهیرالدین محمد بابر در «بابرنامه» ضمن اظهار ارادت و اخلاص نسبت به وی، اورا در ساحۀ علوم صوری و معنوی یکتای عصر خودش میداند و میگوید که اورا حاجتی به مدح و ستایش نیست وذکر او فقط از باب تیمن و تبرک می باشد.

دانشمند قاموسی تورک **شمس الدین سامی** در دایرة المعارف خود به نام «قاموس الاعلام» (قاموس الاعلام، جلد 2، ص 1760) میگوید: نمیتوان هیچ یک بیت یا غزل اورا بالاتر از دیگرش قرار داد، هر یک ازآنها بهتر ازیکدیگ است. فرق و تفاوت مین آنهارا فقط دانشمندانی میدانندکه استعداد تشخیص آنهارا دارند.

ادوارد براون دانشمند انگلیسی میگوید: **وی در آن واحد هم شاعر بزرگ، هم محقق و هم عارفی ارجمند است.**
و نیز میگوید: «جامی که نه تنها اورا ستارۀ درخشندۀ دربار هرات میتوان گفت، بلکه هرکس اورا بسزا یکی از بزرگترین اساتیذ شعر فارسی می شمارد» (ص 681 از سعدی تا جامی)

علامه قزوینی در نامه ای که به علی اصغر حکمت نوشته میگوید: بعداز حافظ اورا خاتمه شعرأی بزرگ فارسی زبان باید محسوب نمود. (ص 407 کتاب جامی)
او پس از ذکر فضایل بایقرا میگوید«... پس در زمان این پادشاه شعرپرور عجب نیست اگر طبع و قاد استاد جام و نبوغ فطری او موقع را از برای بروز و ظهور مناسب یافته و آثار زیبای منظوم و منثورازقلم او تراوش کرده باشد. (ص 23 کتاب).

به عقیدۀ دوکتور **ذبیح الله صفا** جامی با اشعار زیبا و نثر عالمانۀ خود توانسته است تعلیمات عرفان را به درجۀ علمی بلند نگاهدارد.

ادوارد براون کتاب خودرا با این جملات در بارۀ جامی ختم میکند: « **هیچ استاد سخن و گویندۀ فارسی زبان در تنوع موضوع و تفنن به فنون مختلفه به پایۀ کمال او نمی رسد و اعجاب و تحسین معاصران وی نسبت به قریحۀ فروزان او بجا و سلطنت او در ملک سخن به سزا است.**» (کتاب از سعدی تا جامی، ص

(792

مناسبات جامی با نوایی:

شاعر کبیر اؤزبیک امیر علیشیر نوایی با جامی روابطی نهایت دوستانه داشت و اورا به صفت مرشد خود حرمت قایل بود. حضرت جامی نیز نسبت به نوایی محبت و صمیمیتی بی پایان داشت و در برابر مشتی عناصر متعصب که مانند کوتاه نظران آریا پرست وطنی ما، به زبان تورکی و ترویج آن خصومت ورزیده، منکر افادۀ اندیشه های بدیعی و تخیلات لطیف شاعرانه درین زبان بودند، قاطعانه استاده، نوایی را به ایجاد ادبی در زبان تورکی تشویق و ترغیب می نمود و بنابر روایتی خود نیز دو غزل به اسلوب شیر و شکر (فارسی و تورکی) سروده بود که مطلع یکی از آن دو اینست:

ای لبت پر خنده و چشم سیاهت مست خواب،
ایکّی زلفینگ آره سیده آی یوزینگ دور آفاب.

جامی به دقایق زبان تورکی آشنایی کامل داشت. نوایی آنچنانکه در خاتمۀ آخرین دفتر خمسه «سدّ اسکندری» نقل میکند، آنرا بعد از تکمیل به حضور مرشد خود مولانا جامی میبرد و پس از وقوع یک حالت روحی شگفت انگیز، مورد تأیید و تحسین استاد قرار میگیرد.

جامی به آثار نو.ایی ارزشی بلند میگذاشت. چنانچه در مثنوی «خرد نامۀ اسکندی» خمسۀ تورکی نوایی را به صفت یک اثر بی نظیر میستاید و میگوید اگراین اثر به زبان دری میبود، نظامی و امیر خسرو در برابرآن رنگ میباختند. ما آن ابیات را دراینجا می آوریم:

به تورکی زبان نقشی آمد عجب
که جادو دمان را بود مهر لب.

زچرخ آفرین ها برآن کلک زاد،
که این نقش مطبوع از آن کلک زاد.

ببخشید بر فارسی گوهران،
به نظم دَری دُر نظم آوران.

که گر بودی آن هم به نظم دری،
نماندی مجال سخن گستری.

به میزان آن نظم معجز نظام،
نظامی که بودی و خسرو کدام.

زهی طبع تو اوستاد سخن،
ز مفتاح کلکت گشاد سخن.

سخن را که از رونق افتاده بود،
به کنج هوان رخت بنهاده بود.

تو دادی دگر باره این آبروی،
کشیدی به جولانگهٔ گفت و گوی.

صفایاب از نور رای توشد،
نوایی زلطف نوای توشد.

براین نخل نظمی که پرورده ام،
به خون دلش در بر آورده ام.

نشد باعثم جز سخندانیت،
به دستور دانش سخنرانیت.

ارادت نوایی نسبت به جامی به حدی است که در هر یک ازسه دفتر خمسه یعنی «حیرة الابرار»، «فرهاد شیرین»، «سبعهٔ سیُار» بخشهای جداگانه ای در مدح و توصیف فضایل جامی دارد و دفتر پنجم یعنی «سد اسکنری» را طوری که بیان داشتم با تقدیم خمسه به حضور جامی به پایان میرساند. اینگونه ارادت و مودت بی شایبه بالاتر از روابط عادی میان انسانها بوده، افاده کننده اخلاص و ارادت بی پایان نوایی به جامی به مثابهٔ یک مُرشد حقیقی و مربی معنوی و واقف اسرار عوالم روحی میباشد. همچنان جامی نوایی را به صفت یک وزیر با درایت و ممثل عدالت و حامی اهل دانش و فرهنگ و خدمتگذار صادق خلق احترام میگذارد و شیفتهٔ آثار ادبی بینظیر او در زبانهای تورکی و فارسی است. این دو شخصیت بزرگ به عنوان دو ممثل دو خلق بزرگ اؤزبیک و تاجیک، بهترین نمونهٔ همزیستی دوستانه و مسالمت آمیز هردو قوم بودند و میباشند.
ما در اینجا چند بیتی ار « حیرة الابرار» نوایی را در ستایش جامی ترجمه میکینم:

(جامی، امروز قطب طریقت و کاشف اسرار حقیقت است، سینه اش گنجینهٔ درهای حقایق و قلبش آیینهٔ روی معانی است. کاخ کمالاتش چنان رفیع و بلند است که حتی گردون برین هم نمیتواند برآن کمند اندازد. اشعارش تمام اقالیم جهان را تصرف کرده و نثرش به کشور جانها راه یافته است. فیضش به شاه گدا میرسد، خدمت اورا شاه و گدا مایهٔ افتخار خود میدانند)

به نوشتهٔ حکمت، جامی بسیاری از مولفات خودرا ازنظم و نثر بر حسب تشویق یا به موجب خواهش نوایی انجام داده و درهمه آنها نام ویرا به تجلیل و عزت یاد کرده علاوه بر آن بسیاری مراسلات منثور و قصاید و قطعات و غزلیات منظوم از جامی موجود است که همه در خطاب یا در جواب میر علیشیر نوایی سروده شده.

پس ازآنکه شاعر در سال 898 وفات یافت امیر علیشیر برای وی مرثیه ای ساخته است مفصل و آن ترکیب بندی است مرکب از هفت بند و هفتاد بیت و باین بیت آغاز میشود:

هردم از انجمن چرخ جفای دگر است،
هر یک از انجم او داغ بلای دگر است.

و پس از آن نیز کتاب موسوم به «خمسة المتحیرین» را به یادگار وی تألیف نموده و خودرا در مرگ جامی صاحب عزا معرفی کرده است.

ما یک بند این مرثیه را از مقالهٔ استاد عالم لبیب با عنوان (سیمای جامی در «خمسة المتحیرین» نوایی) که در سایت بابر نشر شده، اقتباس میکنیم:

ای حریم حرم قرب الهی جایت،
طرف جنّت و فردوس کجا پروایت.

چون شدی از حرم ملک به سوی ملکوت،
بود در انجمن خیل ملک غوغایت.

طوطیان حرم قدس به جان مشتاقت،
بلبلان چمن انس به دل شیدایت.

کیمیاکار قضا مهر دگر داد طلوع،
چرخ را از اثر روشنی سیمایت.

نُه فلک چرخ زنان آمده در اطرافت،
بوده گویا به سر هریک از آن سودایت.

در فراق تو غمین ماند دل غمزده گان،
تیره زین گوشهٔ ماتمکده ماتمزده گان.

همچنان حضرت جامی با شاعران تورکی سرای آن زمان به خصوص شاعر شهیر اؤزبیک ملک الکلام مولانا لطفی هروی روابط دوستانه داشت. به نوشتهٔ علیشیر نوایی در کتاب « مجالس النفایس» (ص73) لطفی قبل از رحلت این مطلع غزل را مینویسد:

گر کار دل عاشق با کافر چین افتد،
به زانکه به بدخویی بی مهر چنین افتد.

اما به نسبت علالت مزاج به تکمیل آن موفق نمیشود. بنابرآن وصیت میکند تا بعداز وی دوستش مولانا جامی آنرا تکمیل و درج دیوان بسازد. جامی این وصیتت را بجا آورده غزل را تکمیل و درج دیوان میسازد. ما درزیر این مطلع وغزل جامی را می آوریم:

گر کار دل عاشق با کافر چین افتد،
به زانکه به بدخویی بی مهر چنین افتد.

جاییکه بود تابان خورشید مکن جولان،
حیف است کزآن بالا سایه به زمین افتد.

هرجا که جهد برقی از آتش عشق تو،
صد دلشده را آتش در خرمن دین افتد.

عشق تو به مهر و کین هرچند که زد قرعه،
مشکل که به نام من جز قرعۀ کین افتد.

محراب حضور آمد مارا خم ابرویت،
بروی زخطای ما مپسند که کین افتد.

هر لحظه زنم آهی باشد که ازین ناوک،
سیُارۀ ادبارم از چرخ برین افتد.

جامی چو سخن راند از لعل شکربارت،
در دامنش از دیده دُرهای ثمین افتد.

خلاصۀ بحث:

مجموع بررسی هایی را که درین مقاله به عمل آمد، میتوان به ترتیب ذیل خلاصه نمود:

1ـ طبعا دورانی که جامی و نوایی در آن حیات بسر می بردند، مانند دوره های دیگر تاریخی خالی از نارساییها و کاستیها نبوده است، اما هرگز نمیتوان به بهانۀ این کاستیها اتهام انقراض و انحطاط را بدان بست و ارزش فرهنگی و معنوی مسلم آنرا به زمین زد .

در دوران «انقراض» و «انحطاط» ظهور نوابغی چون جامی و نوایی، نقاش بزرگی چون کمال الدین بهزاد و شخصیتهای علمی و ادبی بنام دیگر در عرصه های مختلف دانش و فرهنگ ازجمله یک هزار شاعر، امکان پذیر نبود. حقیقت این است که این عصر از لحاظ رشد فرهنگ مادی و معنوی یک دورۀ درخشان و مرحلۀ دوم رنسانس پر تلالؤ شرق بود.

-2میراث علمی و ادبی بزرگی که جامی بجا گذاشته، با اصالت و ارزش علمی، عرفانی و ادبی خود با برخورداری از صراحت و شجاعت، به مثابهٔ آبده های زبان و ادبیات دری جاودان خواهد ماند .

-3جامی به حیث یک شاعر متعهد و رسالتمند به آرمانهای والای خود وفادار بوده، تا توانسته وظایف انسانی خویش را انجام داده، باکمال جسارت و صراحت برضد مفاسد عصر خود مجادله کرده و تا آخر حیات پیوسته از روی حقیقت پرده برداشته است. او در امر صلح و جنگ و اصلاح معایب امور، صادقتر و با اعتمادترین مشاور دولت، بخصوص سلطان حسین بایقرا و امیر علیشیر نوایی بوده است .

-4نورمهای اخلاقی، معیارهای تربیتی، اندیشه های عرفانی، ارزشهای انسانی و افکار و ملاحظاتی که در زمینهٔ خقوق انسان در اشعار او آمده، به خوانندگان روحیه میبخشد و آنهارا به آزاده گی و مناعت نفس فرا میخواند و در راه رسیدن به تکامل روحی وکسب فضایل انسانی رهنمون میشود .

منابع:

1- محمد تقی بهار«ملک الشعرا»، سبک شناسی، جلد 3، انتشارات امیرکبیر ، تهران.
2- علی اصغر حکمت، جامی، تهران، 1386.
3- ادوارد براون، از سعدی تا جامی، ترجمه و حواشی بقلم علی اصغر حکمت، تهران، 1960
4- دکتر ذبیح الله صفا، تاریخ ادبیات در ایران، جلد چهارم، تهران، 1364.
5- پنجصدو پنجاهمین سال تولد نورالدین عبدالرحمن جامی، شامل پیام ها و بیانیه ها، مطبعهٔ دولتی کابل، 1343.
6- شمس الدین سامی، قاموس الاعلام به زبان تورکی، جلد2، مطبعهٔ اقدام، استنبول، 1317.
7- دکتر عزیز احمد، تاریخ تفکر اسلامی در هند، ترجمهٔ حقی لطفی و جعفر یاحقی، تهران، 1367.
8- علیشیر نوایی، حیرة الابرار – خمسه، چاپ سنگی مطبعهٔ پورسیف، تاشکینت، 1893.
9- علیشیر نوایی، محالس النفائیس، متن علمی انتقادی تهیه شده توسط سویمه غنی یوا، انستیتوت زبان و ادبیات به نام پوشکین، اکادمی علوم اؤزبیکستان، تاشکینت، 1961 .
10- کتاب چلبی، کشف الظنون عن اسامی الکتب و الفنون، استنبول، 1893 .

11- محمد عالم لبیب، سیمای جامی در «خمسة المتحیرین نوایی»، نشر شده در وبسایت بابر.
12- غلام سخی سخا، حقایق پشت پردۀ تمدن باستانی چین، نشر شده در وبسایت های بابر و ففتا .
13 - عبد الرحمان جامی، خرد نامۀ اسکندری، چاپ تهران.

درخاتمه از دوست ارجمندم محترم عبدالمجید اوزگون که با صرف وقت گرانبهای خود این مقاله را با کمپیوتر نوشتند، صمیمانه تشکر میکنم.

РУҲ ВА МАЪНО САРБОНИ

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ
филология фанлари доктори, профессор
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фолклори институти

Аннотация: *Мақолада Навоийнинг Жомий ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳаёти, илмий-адабий мероси, ислом оламида тутган ўрни каби масалаларга эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *файласуф, муаррих, мутасаввуф, руҳ, ислом олами, ижод, бадиий маҳорат.*

Файзи гадову шоҳ аро мунташир,
Хизматиға шоҳу гадо муфтахир.
Алишер Навоий

Шарқ мумтоз шеърияти дунё бадиий тафаккурининг ўз жозибасига соҳиб, қудратли марказларидан бири. Жаҳонга шуҳрат таратган улуғ шоир-санъаткорларнинг аксарияти Шарқ шеърияти намояндалари эди. Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий улар даврасида алоҳида мавқе ва эътиборга эга.

Жомий – шоир, адиб, олим, мусиқашунос, адабиётшунос, муаррих, файласуф, мутасаввиф. Ҳазрат Жомий кенг қамровли ижодиётида Рудакийдан бошлаб то Ҳофиз ва Камол Хўжандийгача бўлган сўз санъаткорлари анъаналарини ижодий давом эттириб, форс-тожик шеъриятини янги поғонага кўтарган эди. Жомийдан кейин бадиий ижод

тажрибасини теран илм ва ирфон, қоядай сарбаланд бутун шахсиятдан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолганди.

“Султон Ҳусайн Мирзонинг замони, – дейди Заҳириддин Муҳаммад Бобур, – ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин батахсис Ҳири шаҳри мамлу эрди. Ҳар кишининг ким бир ишға машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай.

Бу жумладин бир Мавлоно Абдураҳмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йўқ эди. Шеъри худ маълумдир”.

Асрдош ва издошларнинг Абдураҳмон Жомийга берган таъриф, тавсиф ва баҳолари бир жойга жамланса, наинки ўз замонида, ундан кейинги даврларда ҳам Жомийга тенг, Жомийнинг жойини эгаллашга муносиб Шахс таваллуд топмаган, деган хулосага келиш шубҳасиздир. Жомий шу қадар беназир, шу даражада ноёб шахсият. Алишер Навоий устозининг шаъни-шавкатини улуғловчи мана бундай сўзларни айтганда тўла ҳақ эди:

Ё раб, бу маоний дурринінг уммони,
Бу донишу фазл гавҳарининг кони.

Ким айладинг они олам аҳли жони,
Олам элиға бу жонни тут арзоний.

Кўп шоиру адиблар ижодга ўзларича қизиқиб кетиб, нафсни таниш, ранж ва машаққат оташида тобланиб шахсият яратишни умуман хаёлга ҳам келтиришмайди. Кўплаб майда “менча”лар хархашасидан қутулмаган “Мен” синиб, албатта парчаланади. Ҳолбуки, ижодкорнинг биринчи вазифаси ёзишни ўйлаш эмас, ёзадиган одамнинг (ўзининг) бутунлиги, ҳақиқий ҳурлигини тўғри аниқлашдир. “Жамиятбоп” ёзувчи бошданоқ мағлубиятга маҳкум. Маҳдудликдан у эрк ахтаради, ожизликни куч, фанони бақо дея тасаввур этади. Ҳурлик мақомига юксалиш беҳад оғир, ғоятда мураккаб иш. Бу хусусда кенг мушоҳада юритган Азизиддин Насафий шундай дейди: “Барча инсонлар бу оламда зиндондадирлар. Пайғамбар, вали, султон, малик – ҳамма-ҳаммаси боғланган. Баъзисининг бир, айриминиг икки, бошқа бировининг ўн, яна бирларининг юз, баъзисининг эса минг занжири бордир. Бу жаҳонда занжир-тузоқсиз одамнинг ўзи йўқ. Аммо бир занжирли минг занжирлига нисбатан эркин, азоб ва изтирби ҳам унинг озроқдир”.

Дарҳақиқат, ўтар дунёда ҳар ким ўзича бир нимага мубтало: кимдир мавқе ва мансаб учун роҳат-фароғатини фидо айлайди, кимдир обрў ва амалдан ажралгани учун изтироб чекади; биров бой-бадавлат экан, қашшоқликка йўлиққач, ўзини-ўзи қийнайди. Кимлардир шон-шуҳрат

шавқида бошқаларни ер билан яксон айлашга уринади. Ҳирс, тама домига илинганлар қанча. Ҳосидлар фитна ва ғавғо қўзғаб ниятга эришиш ҳаракатидан қайтмайди. Кимдир ҳамма нарсага қўл силтаб риндлик қадаҳини қўлдан қўймайди... Хуллас, кўпчилик аҳамияти паст турфа-турфа эҳтирос асири, яъни кўзга кўринмас занжирга боғлиқ. Демак, яхшилик билан ёмонлик, тўғрилик билан эгриликни фарқлаш ҳам нисбийдир. Нега шундай? Бунинг туб сабаби нимада ва нимадан бошланиб, нима билан тугайди? Мусулмон шоирлари орасида бадиий ва илмий асарлари, шахсий ҳаёт тажрибалари орқали ушбу саволларга тўлақонли жавоб бера билган мутафаккирлардан бири Абдураҳмон Жомий эди.

Умрест, ки ба ҳазор ман ҳастии ман,
Ман мегўям, вале надонам "ман" чист?

Мазмуни: Бир умрки, менинг мавжудлигим минг манда кечади. Ман дейман, аммо "ман" нима? Билмайман.

Содда қилиб айтганда, Жомий ижодиётининг ўзак ғояси Ишқ. Ҳақиқий ишқ нури, завқ-шавқи ила басиратни очиш. Кўнгил назарини маъно, моҳият оламига қаратиш.

Ўз жамолига назар ташлаб, тамошо қилди ишқ,
Ном бериб, ошиқ ила маъшуқни пайдо қилди ишқ.

Эрди ошиқ ботину маъшуқ зоҳир, этди акс,
Сирри ботинни зуҳур айлаб, ҳувайдо қилди ишқ.

Ўзида ул ўзни кўрди, жилвалар кўрсин дебон,
Сену менга бир ажиб миръоти дунё қилди ишқ...

Чинакам софлик – Дилдаги софлик. Руҳда, кўнгилда гўзаллик бўлмаса, зоҳирий гўзалликлар шуурга кенг йўл очиб беролмайди. Ҳазрат Жомийнинг "гул жамоли"дан "дил жамоли"ни устун қўйиб, мунаввар кўнгил ҳусни билан дунёни ҳайрон қолдир, дейишида олам-олам маъно яширинган:

Жамоли дил талаб кун, не жамоли гул, ки гар чун ҳур –
Жамоли дил шавад тобон, шаванд офоқ ҳайронаш.

Абдураҳмон Жомий руҳониятида гўё замин ва само, ғайб ва шаҳодат олами бирлашиб, ажралмас бир уйғунлик касб этган. Жомий тасвирларида

руҳ бир шуъла, бир нур ва бир зиёдир. Руҳ, шаклан гоҳ қирмизи, гоҳ қора, гоҳ оқ ё сариқ ўлароқ турли-турли рангларда кўринади. Бундай вақтларда у моддани тамсил этади. Зеро, руҳга ранг бергувчи моддадир. Руҳ учун вақт, замон деган чегара йўқ. Хаёл, тафаккур сингари парвози кўп осон ва енгил. Тафаккур қаерда бўлса, руҳ ҳам ўша ерда. Англайдиган, хатосиз тушунадиган руҳ бўлиб, тафаккур унга эргашувчи. Модда руҳга тўсиқ бўлолмайди. Руҳ ҳамма жойга бора олади, ҳаводан, сувдан, олов ва тупроқдан бемалол ошиб ўтади. Руҳ бўлиниб парчаланмайди, лекин қуёш ҳар томондан кўринганидек, руҳ ҳам айни бир пайтда турли жойларга парвоз айлашга қодир. Жомий нуқтаи назарида маъно эътибори ила инсон улуғ олам бўлгани боис Оллоҳ уни ҳаёт, илм, ирода, қудрат, ҳис этиш, кўриш, калом каби ўзининг сўнгсиз сифатларидан бир қанчасига шерик этган ва ўзини инсонда шу сифатлар ила билган, билдирган. Комил инсон, бу оламнинг руҳи ва олам унинг жасади янглиғдирки, доимо руҳни ахтаради, излайди, орзу қилади. Шунинг учун инсоннинг биринчи ва асосий вазифаси, маънавий-ахлоқий бурчи нафсу шаҳват офатларидан қутулмоқдир. Ҳар қаердаки нафс ва шаҳват сели тўфон қилса, бахту иқбол хонаси ҳам барбод бўлур, дейди шоир:

Сели шаҳват ҳар кужо тўфон кунад,
Хонаи иқболро вайрон кунад.

Жомий оламини билган – Ҳақни ҳам, халқни ҳам билади. Жомийни ўқиган ва тушунган – ҳақиқатнинг зоҳирини ҳам, ботинини ҳам тушунади. Кўнгил заволини ҳам, камолини ҳам ҳис қилади. Буларни чуқур англашда Навоийнинг Жомий ҳақидаги фикр-мулоҳазалари яқиндан кўмак ва илҳом беради.

2

Нуриддин Абдураҳмон Жомий 1414 йил 7 ноябрда Жом вилоятининг Харжард қасабасида туғилган. Жомийнинг бобо-бобокалонлари насл-насаби тоза, обрў-эътибори юксак зотлар бўлишган. Алишер Навоий Жомий вафотидан сўнг устозига бағишлаб ёзилган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида бу ҳақда, “Аларнинг олий насаблари имом ул-мужтаҳидин Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Ҳурмуз Шайбонийға борурким, Ҳурмуз бани шайбон қабиласининг малики эрмишким, Бағдодда салтанат қилибдур...”, деб ёзади. Шоирнинг отаси Низомиддин Аҳмад эса дин ва шариат илмининг пешволаридан эди. Илк таҳсилни Жомий отасидан олган, гўдакликдаёқ ўқишни ўрганган. Навоийнинг қайд қилишича, у “тўрт ё беш ёшларида” мактабга қатнай

бошлаган. Лекин кўп ўтмай Жомийнинг оиласи Жомдан Ҳиротга кўчиб келишади. Бунинг сабабини Навоий шундай изоҳлайди: “Бори кичик ёшидин шабоб аҳдининг авойилиғачаким (йигитлик даврининг бошланишигача), Жом вилоятида эрмишлар – аларға фойда еткурур киши оз топилғон жиҳатидин:

Қуёш ул навъки мағриб сори,
Ё Наби уйлаки Ясриб сори,

шаҳрга азимат қилибдурлар...”. Ҳар бир иш ва ҳунарни камолга етказиш, талантни тўла рўёбга чиқаришга рағбатлантирувчи, илм ва ижодни қўллаб-қувватлаш билан танилган Ҳирот Жомийни қучоқ очиб қаршилайди. Илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт бешикларидан бўлган бу муаззам шаҳардаги номдор мадрасаларда Жомий илм ўрганишга киришиб кетади. Қисқа муддатда наинки зоҳир илми, ботин илмида, хусусан, тасаввуф жабҳасида кўп билим эгаллашга эришади. Аммо шеърдан йироқлашмайди. Илм ва ирфонни шеърият хизматига сафарбар этишнинг энг таъсирчан йўллари, табиий, кўркам усулларини излайди. Фикр ҳаёти, руҳ завқи, кўнгил зиёсини Жомий ҳар нарсадан – ҳаттоки, маърифатдан ҳам афзалроқ кўради:

Маориф гар чу мў борик бошад,
Чй ҳосил з-он чу дил торик бошад?

Мамуни: Маърифат сочдай нозик бўлса-да, юрак агар қорайган эрса, ундан нима натижа чиқади?

Жомий рубоийларидан бирида, қаердаки хона эшигидан даъво кириб келса, маъни шитоб билан туйнукдан чиқиб қочади дейди:

Ҳар жо зи дари хона даромад даъвй,
Маъни ба шитоб аз раҳи равзан бигурехт.

Шоирнинг ўзи эса бутун умри мобайнида даъво, иддао, шахсий ғараздан фориғ яшаган. Тафаккур, амал, муносабат, меҳр-муҳаббат холислигида Мавлоно Жомий само кишисидай таассурот қолдиради. У одам ва одамиятга нисбатан душманлик, беписандлик, золимликни умуман қабул қилолмайди. Унингча, бошқаларга ҳақсизлик ўтказиб, уларга паст назарда қараш итлик ва йиртқичлик. Бу итлик ва йиртқичликка сабаб ақлсизлик:

Ҳашм бо дигарон сагиву додйист,
В-ин сагиву додй зи бехирадйист.

Агар одамийлик кўз, оғиз, эшитиш ва кўриш билан белгиланса, девор нақшлари билан инсонийлик ўртасида ҳеч фарқ қолмайди. Чунки еб, ичиб, ётиб, ғазаб ва нафсга қул бўлиш инсонийлик оламидан бехабар, жаҳл зулматидан ҳеч қутулолмайдиган ҳайвонга ҳам хосдир:

Агар одамий ба чашм асту даҳону гўшу бини,
Чи миёни нақши девору миёни одамият.

Хўру хобу ҳашму шаҳват шағабасту жаҳлу зулмат,
Ҳайвон хабар надорад зи жаҳони одамият.

Улкан ижодий шахсият ҳар қанақа шароит, жон эзувчи ҳар қандай вазиятда ҳам катта орзу-умид, ёруғ хаёллар билан яшайди. Бу ҳолат уни баъзан хилват ё узлатга ундаса, гоҳо сафар ва саёҳатларга чорлайди. Жомий Туркистонни "каъбаи мақсуд" (бунда албатта Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор каби тариқат пирлари ҳам назарга олинган) деб таърифлаган эди:

Жомӣ, аз хоки Хуросон чӣ кунӣ азми Ҳижоз,
Чун туро каъбаи мақсуд ба Туркистон аст.

Хуллас, Жомий билимини такомиллаштириш учун Самарқандга йўл олади. Улуғбек мадрасасида ўқишни давом эттиради. Умумий маълумотларга кўра, машҳур қонуншунос олим хожа Фазлуллоҳ Абулайс, буюк мунажжим Қозизода Румий ёш толиби илмнинг қобилияти ва заковатига юқори баҳо берадилар. Султон Улуғбек ҳузуридаги бир йиғинда Қозизода Румий "Жомий каби баланд истеъдодли йигит ҳанузгача Амунинг нари ёғидан келмаган эди", деган экан. Самарқанд ҳаёти, Самарқанд илмий-адабий муҳити Жомийнинг дилида ўчмас из қолдирганди. Самарқанд унинг илмига илм қўшиб, инсоний фазилатларининг бойиши ва теранлашувига эркинлик берганди. Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш керакка ўхшайди. Самарқандда ҳам, кейинроқ Ҳиротда ҳам бир неча маротаба Жомийни сарой хизматига таклиф қилишади. Шоир эса бу таклиф ва илтифотларни қатъиян рад этади. Чунки у ўзининг тарихий вазифаси ва бурчини беками кўст адо айлаш, виждон хотиржамлиги, қалб ҳуррияти, фикр эркинлигини сақлаб қолиш учун илмдан, адабиётдан ўзга бир "майдон"ни тасаввур қила олмасди. Бу эса илм, ижод, санъат одами учун энг асосийси. Зеро, эркинлик кетса, дардисар ташвишлар, эътиқодни бузиб, иродани емирувчи ҳар турли бало-қазолар ўз-ўзидан бостириб келаверади. Шуни эътиборга олиб бўлса керакки,

мутафаккир шоир “Юсуф ва Зулайхо” достонида ўғлига қаратилган насиҳатларида, мансаб эшигига асло яқин йўлама, “ки аз ҳар мансабе бемансаби беҳ” – “ҳар қанақа мансабдан мансабсизлик яхши” деб ёзади.

Навоийнинг вазирлик мансабини тарк қилиб, саройдан кетишга қарор айлаганлигини билган Жомий ундан бунинг сабабини сўрайди. “Инсон жинси суҳбат ва ихтилотидин мамул бўлиб эрдим, бу ишга ул боис бўлди”, дейди Навоий. Шунда Жомий “Инсон кимни хаёл қилиб эрдинг, бизга дағи кўргуз?” – деб сўроқ ташлайди. Ушбу саволнинг ўзиёқ инсонпарвар шоирнинг, халқ моли ва жонини зулукдай сўрган мансаб аҳлига муносабатини ниҳоятда аниқ акс эттиради. Жомий мансабни эмас, мансабпарастликдан туғилажак бедодлик, ноинсофлик, разолаткорликларни қоралаган. Мартабада кўтарилиб, одамийликда буткул тубанлашган эрксиз-ихтиёрсиз гумашталар қиёфасида у миллат, салтанат таназзулини кўрган - деҳқон, ҳунарманд меҳнатини ўйлаб эса дилига ёруғ ҳислар оқиб келган.

Қуввати жону тан зи деҳқон аст,
Қути руҳу бадан зи деҳқон аст.

Гар наёбад жаҳон зи деҳқон баҳр,
Қаҳт хезад зи корхонаи даҳр.

Мазмуни: Жону таннинг куч-қуввати деҳқон эрур. Руҳ ва вужуднинг хайр-баракаси деҳқондир. Агар дунё деҳқон меҳнатидан баҳра топмаса, корхонасида унинг қаҳатчилик қўпади.

Жомий тасаввуф илмининг чинакам билимдони, нақшбандийлик тариқига мансуб шайх, мутасаввиф шоир. Лекин у жаҳолат, риё йўлига кирган сўфийлар билан ҳеч муроса қилмаган. Ҳақ висолига эришиш иддаоси ила ҳамма нарсани йиғиштириб, сафсата сотишни касб этиб олган сўфий ва дарвешларни шоир деҳқоннинг бир томчи терига ҳам арзитмайди:

Ҳазар аз сўфиёни шаҳру диёр,
Ҳама номардумону мардумхор.

Корашон ғайри хобу хўрдан не,
Ҳечашон фикри рўзи мурдан не.

Мазмуни: Шаҳру диёрдаги бу сўфийлардан ҳазар қил. Уларнинг барчаси одамлик қиёфасини унутган, одамлик шаънини хорлаган

кимсалардир. Ейиш-ичиш ва ухлашдан бошқа ташвишлари йўқ. Ҳатто ўлимни одамдай қаршилашни ҳам ўйлаб кўролмайдилар.

Халқни унутиб Ҳақ дегувчи, бу дунёга нафрат ила боқиб охират саодатига кўз тикувчилар Жомий маслагидан йироқ кимсалар эди. Бадбинлик, текинхўрлик, суратпарастлик, ортиқча шикасталик, маънавий мутеликларга у асло ён беролмасди. Оллоҳ ва пайғамбар, ишқ ва соф виждон ҳукми ила яшаш тарафдори эди.

Замондошларининг ишоратлари, хусусан "Рашаҳот айнул ҳаёт" муаллифининг хабарларидан англашилишича, Жомий расмий таҳсилини ниҳоясига етказиб, камолотга эришгач оила қуришни ихтиёр этиб, пири Мавлоно Саъдиддин Кошғарийнинг қизига уйланиб, тўрт фарзанд кўрган. Тўнғич ўғли бор-йўғи бир кунгина умр кечирган. Иккинчи ўғли Сафиуддин Муҳаммад 1475 йилда таваллуд топган. Тўнғич чақалоқнинг ҳаётдан тез кўз юмиши Жомийни бу ўғилга қаттиқ боғлайди. Аммо бир йил ўтар-ўтмас у ҳам вафот қилади. Албатта, бу мусибат шоир қалбига фавқулодда ёмон таъсир ўтказади. Сафиуддин ўлимига бағишлаб марсия ёзади. Унда шундай мисралар бор:

Рехтй хуни дил аз дидаи гирёни падар,
Раҳи бар жони падар н-омадат, эй жони падар!

Мазмуни: отангнинг гирён кўзларидан юрак қонларини оқиздинг. Отанг жонидан жой олгандинг нечун келмадинг, эй отангнинг жони!

Алишер Навоий устози кўнглига тасалли бериш ва айрилиқ оташини пасайтириш мақсадида Сафиуддин вафотига бир таърих ёзади. Орадан икки йил ўтади. Жомийнинг ёши 63 га тўлгач, 1477 йил оилада учинчи фарзанд дунёга келади. Икки ўғилдан жудо бўлган ота-онанинг ҳасратдан кейинги шодлигини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Янги туғилган ўғилга Зиёуддин Юсуф деб ном қўйишади. 1486 йил Абдураҳмон Жомий хонадонида тўртинчи ўғил туғилади. Унга Заҳириддин Исо деб ном берилади. Қарангки, у ҳам узоқ яшолмайди. Шоир биргина ўғил – Зиёуддин Юсуф билан қолади.

Зиёуддин Юсуф тўрт ёшда экан, шоир унга атаб 1481 йилда бир панднома ёзиб, уни "Туҳфат ул-асрор" асарига киритади. Сўнг фарзандига мурожаат тарзида яна икки панднома яратади. Улар бугун ҳам таълим-тарбиявий аҳамиятини айтарли бой бергани йўқ.

Абдураҳмон Жомий серқирра ва сермаҳсул истеъдод соҳиби. Илмда унинг асарлари сони элликдан ортиқлиги қайд этилган. Жомий мумтоз шеъриятнинг ғазал, рубоий, қитъа ва бошқа жанрларида илҳом билан ижод

қилган. Ишқ, ирфон, комиллик ғояларини у янгича муносабат, янгича оҳанг ва бўёқларда тасвирлаб берган. “Менинг шеърим, – дейди у, – ишқ азоби ва қон ютишнинг баёнидир. Ғазал девони эмас улар, менинг қилган ишларим, чеккан ғам-ғуссаларим”.

Шеъри ман Жомй, баёни ишқу хун хўрдан бувад,
Ин на девони ғазал, девони аъмоли ман аст.

Шоирнинг қалб ҳолати, изтироб ҳарорати, шахсий фазилатлари шеърда нечоғлик ёрқинроқ аксини топса, самимият ўшанча ортади. Шоир ҳамма нарсага иноитирса-ю, самимиятга, хусусан, дард ва изтироб самимийлигига иноитириб билмаса, қилган меҳнати бесамар. Анъанавий йўлда ижод қилишнинг қалтис жиҳатларидан бири ана шу. Қайси лирик жанрда қалам юритмасин, Жомий буни ҳисобга олган. Шунинг учун форс-тожик шеърияти Жомий тажрибалари тимсолида соддалик ва самимиятнинг янги марраларини ишғол айлаган эди дейиш мумкин.

Ҳаёт файзи, умрнинг сир-асрори, ишқ ҳикмати, ошиқлик ғам-азоби, маъшуқанинг нозу итоби, орифнинг сукути, ғарибнинг ҳасрати, фақирнинг шавқи, юлдузларнинг чарақлаши, ғурубнинг маҳзунлиги, туннинг шукуҳи, самовотнинг чексизлиги – буларнинг бариси шеър. Турфа кўзли булоқларнинг шилдираши, денгизларнинг сокин шовуллаши, шамолларнинг қўшиғи, япроқлар ва гулларнинг ўпишиши, булбулларнинг ноласи – бу мусиқа. Ваҳдати вужуд таълимотига таяниб Жомий ана шу ҳақиқат, манзара ва мусиқаларни инсон руҳи, қалби, тафаккур сирларини очишга хизмат қилдиради. Авомга мақбул, оломон савиясига мувофиқ тушадиган шеърни у суст ва хом шеър деб ҳисоблаган:

Шеър, к-афтод қабули хотири ом,
Хос донад, ки суст бошаду хом.

Ғазал, рубоий, қитъа, таржиъбанд, таркиббанд жанридаги шеърлари Жомийнинг лирик салоҳиятини намойиш этган бўлса, достонлари эпик маҳоратини кўрсатган. “Туҳфат ул-аҳрор” (“Хайрли кишилар туҳфаси”), “Сибҳат ул-аброр” (“Яхшилар тасбиҳи”), “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, “Хирадномаи Искандар”, “Соломон ва Абсол”, “Силсилат уз-заҳаб” сингари асарларида фалсафа, ахлоқ, ишқ, ирфон ва тасаввуф, жамият ва сиёсат, шахс эрки ва салтанат сингари масалалардан баҳс юритилган. Кейинчалик улар “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) номи остида бирлаштирилиб шуҳрат тутган.

Жомийнинг насрда ёзилган асарлари орасида “Баҳористон” ва “Нафаҳот ул-унс” китоблари доимо кучли иштиёқ билан ўқиб-ўрганилганини таъкидлаш лозим. Жомий “Рисолаи аруз”, “Рисолаи қофия”, “Рисолаи мусиқа”, “Шарҳи рубоиёт” каби бир неча илмий рисолаларнинг ҳам муаллифи. Буларнинг ҳар бири учун Жомий заҳмат чеккан, кўз нурини сарфлаган. Табиийки, ҳар бирида бир ихтирони кўзлаган.

Башарият қадим Шарқдан ҳар қанча миннатдор бўлса арзийди. Шарқ барча буюк динларга бешик. Жаҳондаги энг муҳташам маданият, илм-фан кошоналари дастлаб Шарқда бино этилган. Адабиёт, санъат, мусиқа орқали ўзни танишни инсон илк бора машриқзаминда амалга оширган.

Хуллас, айтса-айтгулик ҳақиқат ва ҳодисотлар кўп. Уларга эришиш қандай кечган? Деярли бирортаси ҳам енгил ва осон бўлмаган. Ҳаммасининг ортида машаққат, фидоийлик, азоб-уқубат ва шижоат яшириндир.

Маълумки, Шарқ оламида тожу тахт, ижтимоий-сиёсий жангу жадаллардан ташқари, мазҳаб, тариқат олишувлари ҳам қулоч ёзган. Булар ҳам етмаганидек, олиму уламолар ўзаро масала талашишган: баъзан якка ҳолда, кўпинча гуруҳ-гуруҳ бўлиб найзабозлик қилинган.

Имом Ғаззолий ҳазратлари ислом оламининг фахру ифтихори мақомига юксалиб, жаҳонга довруғ таратган аллома. Бироқ ул зотнинг ғоятда кескинлик ва муросасизлик билан Форобий ва Ибн Синони қоралашларини англаш барибир қийин. Худди шунингдек, Ибн Рушднинг Ғаззолий танқидига қаратилган сўзларидан таажжубланмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Фикр-қарашлари дин, шариат, сиёсат “тарозу”сига тўғри келмай қолган мутасаввиф, шоир, олимларни куфр ва исёнда айблаш Шарқнинг айтарли барча ўлкаларида бир урф тусини олган. Боязид Бистомий, Ибн Сино, Ибн Арабий, Насимий... Булар каби юзлаб буюк сиймоларнинг исми шарифига “кофир” тамғаси босилган. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири инсониятнинг билимдон, ҳурфикрли фарзандлари эди. Қилич ва милтиққа қўлни қурол ўлароқ қарши кўтариб бўлмаганидек, жаҳолат, гумроҳлик ва ёвузлик бало-қазоларини фақат илм ё маърифат билан енгмоқ душвордир. Ҳайвон гулшанни босиб, янчиб топтагани сингари илмсизлик, нодонлик ирфон бўстонини пайҳон этади. Аҳмад Яссавий бежиз: “*Нодонлардан қочиб ер остига кирдим мано”,* демаган. Ёмонлик ва жаҳолатга қарши туришда Абдураҳмон Жомий нисбатан ўзгача йўл танлаган. Аввало шуни қайд этмоқ жоизки, Жомий биров тўғрисида ноҳақ сўз айтмаган, душманлик, хусумат кайфиятини кўнглига йўлатмаган. Боз устига, юқорида эслатилганидек, ғанимлик, адоват ўчоғи бўлмиш амалдорлик муҳитига умуман қадам қўймаган. Аслида бундай одамда душман ва душманлик бўлмаслиги керак. Эл-юрт тақдирига куйинган, дину диёнат, илму маърифат деган ҳар бир

киши у шоҳми, гадоми, олим ё ижодкорми – барча-барчаси Жомий қаршисида таъзимга бош эгган. Ва буни ўзи учун зўр шараф билган. Жомий оддий, беғараз, самимий, меҳнаткаш ва иқтидорли одамларни кўнглига нечоғлик яқин олса, ҳирсу ҳавога қул мансабдор, онг ва идроки қуриб-қақшаган диндор, риёкор сўфий, талантсиз, бироқ ашаддий худбин ва шуҳратпараст шоиру уламолардан ўзини ўшанча йироқ тутарди. Навоий учун Жомийни, Жомий учун Навоийни ёмон кўриб, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона иғво, фитна, туҳмат тўқийдиганлар эса қанчадан-қанча эди. Улардан баъзиларининг "табаррук" номлари ҳатто ихчам шаклдаги шеърларда ҳам очиқ тилга олинган. Эски баёзлардан бирига киритилган мана бу рубоийни ўқинг:

Коҳию Ғизолӣ он ду лояъқили маст,
Дар ғайбати Жомию Навой зада даст,

Дар даҳр касе ба мисли эшон нагузашт,
Коҳӣ, чу хас асту ҳам Ғизолӣ чу саг аст.

Мазмуни: Коҳию Ғизолий Жомий ва Навоийга ғайбат қўлини чўзган икки ақлсиз мастдир. Дунёда уларга ўхшайдиган бирор кимса ўтган эмас. Коҳий бамисоли бир хас бўлса, Ғизолий бир итдир. Навоий ва Жомийга тиш қайраган, ташланишга қулай вазият пойлайдиган бундай кимсалар шоир, олим, давлат одамлари орасида оз эмасди.

Жомий Самарқанддалиги пайтида бир неча уламолар уни кофир деб эълон қилиш талабини ўртага ташлашган. Асарларидаги баъзи тушунчаларни илиб олиб, Жомийни кимлардир шиа мазҳабига ён беришда, шиалик вакиллари уни ўз мазҳабларининг душмани дея танитишга уринишган. Лекин Жомийнинг панжасига панжа уриш, Жомийни таслим айлаш – бу ҳазилакам иш бўлмаган. Иғво ташаббускорларига шоирнинг шеърий жавоби мана бундай эди:

Эй муғбачаи даҳр, бидеҳ жоми маям,
К-омад зи низои шеаву суннӣ қаям.

Гуянд, ки Жомиё, чи мазҳаб дорӣ?
Сад шукр, ки саги суннию хари шеи наям.

Мазмуни: Эй даҳр муғбачаси, жоми майимни узатгил. Шиаву сунний жанжалидан безор бўлдим. Агар "Жомий, сен қайси мазҳабдасан?" деб сўрасалар, айтурман: "Юз шукрки, сунний ити, шианинг эшаги эмасман".

Шоир 1472 йилда Ҳижозга сафар қилганида “Силсилат уз-заҳаб” достонидаги баъзи байтларни дастак қилиб, Бағдоддаги муҳташам бир мадрасада ўтказилган йиғинда уни савол-сўроққа тутадилар. Бироқ ҳеч нима натижага эришолмайдилар. “Ногаҳон мени рафзга (шиага) нисбат бермасинлар дея Хуросон суннийларидан қўрқардим. Лекин Бағдодда равофизнинг жафосига йўлиқишни қаёндан билибмиз”, деган экан ўшанда Жомий. Лекин бундан-да қабиҳ ва даҳшатли ҳодисалар бўлиши мавлононинг тушига ҳам кирмагандир.

Жомий 1492 йил ноябрь ойида 78 ёшида ҳаётдан кўз юмади. Бундай улуғ ва бетимсол зотларнинг вафоти – ҳаётдаги энг оғир айрилиқ, улкан йўқотишдир. Жомий сингари шахсларнинг қабрига жасад билан бирга бошқа ҳеч қачон топиб, ҳеч вақт қайтариб бўлмас маъно ва тафаккур махзани ҳам дафн этилади. Уларнинг ҳаётдаги ўрни ҳам, маънавий мавқеи ҳам ўлган кунидан бошлаб ғоятда аниқ билинади. Чунки улар етган тафаккур юксаклигига ўзга биров етолмайди, улар қилган ишни айни тарзда бошқа биров эплолмайди. Ҳирот-Ҳирот бўлиб Жомийникидай буюк ҳижрон маъракасини кам кўрган бўлса керак. Алишер Навоийнинг ёзишича, Хуросону Ҳирот аҳли бутун йил мобайнида мотам тутади. Сўнг йил оши берилади. Бу маъракага ҳам Ҳусайн Бойқаро бош бўлиб, уни эъзозу эҳтиром ила ўтказади. Қабр бошида ҳашаматли мақбара қурилиб, махсус ходимлар тайинланади. 1510 йил Исмоил Сафавий қўшинлари Ҳиротга бостириб киришади. Босқин нишонларидан бири Ҳазрати Жомий қабри эди.

“Исмоил Сафавийнинг улуғ шоир Мавлоно Абдураҳмон Жомийга нисбатан кўрсатган беҳурматлигини, – деб ёзади академик шоир Ғафур Ғулом, – адабиёт тарихи ҳали ҳам унутмайди... Шоҳ Исмоил: “Агар Ҳирот менинг қўлимга кирса, Жомийни тириклайин тутолсам, ўтда куйдираман, ўлган бўлса гўридан чиқариб, устухонларини куйдираман”, – деган эди. Исмоилнинг бу қасамидан ҳиротликлар хабардор эди. Сафавий Ҳиротни эгалламасдан бурун Жомийнинг ўғли Зиёвуддин Юсуф бошлиқ бир неча мухлислари Жомийни ва устози Саъдиддин Кошғарийнинг сўнгакларини гўрдан қазиб чиқариб, душман қўли етмайдиган холироқ бир жойга элтиб, яширинча, вақтинча кўмган эдилар”.

Жасад топилмаса ҳам шоир мақбарасига барибир ўт қўйилганди. Бу воқеага шоҳид Зайниддин Восифийнинг ёзишича, Сафавий аскарлари бошчилигидаги қарийб ўн минг киши мозор томон юришади. Ўша атрофдан қанча тахта, эшик, курси, ўтин топган бўлсалар, барини Жомий қабри устига ташлаб, сўнг ёқиб юборадилар. Бу ваҳшийликни изоҳлашга ҳожат йўқ, албатта. Бироқ бир қатор оғриқли саволларга жавоб топгинг келади. Бу дунёда ўзи қандай яшаш керак? Нега буюк Шахсларнинг қисмати кулфат,

ғам-ғусса билан лиммо-лим тўла? Одам Атодан бошлаб пайғамбарлар ва дин улуғларининг бошларига келган фалокатларни хотирланг: Ҳазрати Одам жаннат неъматларидан маҳрум этилган; Иброҳим Халилуллоҳга ўғлининг бошини кесиш амр қилинган; Яъқуб алайҳиссалом ўғлидан ажралиб аччиқ-аччиқ кўз ёш тўккан; Ҳазрати Юсуф қудуқ ичида балоларга гирифтор бўлган; Муаммад алайҳиссаломнинг оёқлари Тоифда қонга беланиб, Уҳуд куни тишлари синдирилган; Абу Бакр заҳарлаб ўлдирилган; Умар шаҳид этилган; Қуръони каримни жамлаган Усмон толеи ҳам шундай бўлган; Ҳазрати Али қилич зарбидан ўлган; Ҳасан заҳарланиб, Ҳусайннинг боши кесилган... Нечун бундай? Оллоҳ ҳақиқатда ҳам севган бандаларига қайғу ва жафони раво кўрадими? Мутасаввифларга кўра, “Оллоҳ сўнгсиз лутф соҳиби бўлганлиги боис, ёмонлик ундан эмас, ашёдан юзага келади. Иноят Оллоҳнинг инсонларни ёмонликдан муҳофаза этишдаги лутфидир. Бизни яхшилик ва мукамалликка йўналтирадиган – бу ёмонликнинг мувжудлиги”.

Мавлоно Жалолиддин Румий муаммони янада ойдинлаштириб, бутун масъулиятни инсон зиммасига юклайди:

Олам аз мо ҳаст шуд н-е мо аз ў
Бода аз мо маст шуд н-е мо аз ў.

Мазмуни: Олам биздан пайдо бўлди, биз ундан эмас. Бода биздан маст бўлди, биз ундан эмас.

Дарҳақиқат, инсон ҳар нарса учун ўлчов ва мезондир: у ўзгартиради, таҳлил қилади, ҳукм юритади, ҳакамлик этади, нигоҳдан ўтказади, муҳофаза айлайди. Бир-бировини эъзозлаб, мадҳ қилган ҳам удир, таҳқирлаб, қийнаган ҳам у. Ранг, оҳанг, шодлик, таназзул ва тараққиёт, фикр ва хаёл, умид ва умидсизлик – ҳаммаси инсон олами. Инсон маъно ва моҳиятдир. Жомий ижодиётида ранг-баранг шаклларда теран ёритилган бош ҳақиқат ҳам худди шу.

Пайи он рав, ки орифи маънист,
Марди ориф ба дўстй авлист.

Абдураҳмон Жомий ҳаёти ва ижодиёти дунёнинг қатор мамлакатларида кўплаб олимлар томонидан ўрганилган, асарларидан намуналар ғарб ва шарқнинг турли тилларига таржима қилинган. Жомийшунослик айниқса XX асрда Россия, Эрон, Тожикистон, Озарбойжонда анча тараққий топган. Бу ўринда Е.Э.Бертельс, А.Ҳикмат, А.Мирзаев, А.Насриддинов, А.Афсаҳзод, М.Ражабов, А.Сатторов, А.Гулиев каби рус, эрон, тожик ва озар олимларининг тадқиқотларини эслатиб ўтиш мумкин. Жомийшунослик бўйича Ўзбекистонда ҳам бир қанча хайрли ишлар

амалга оширилган. Абдураҳмон Жомий ижодиёти муҳиблари таниқли олимлар П.Шамсиев, Ш.Шомуҳамедов, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, Н.Маллаев, Б.Валихўжаев, Р.Воҳидов, С.Ғаниева, Ҳ.Ҳомидий ва бошқаларнинг мақола, рисолаларидан, шунингдек, алоҳида илмий тўпламлардан яхши хабардордирлар, деб ўйлаймиз. Ўзбек китобхони неча ўн йиллардан буён Жомий адабий меросидан саралланган лирик шеърлар, айрим достон (баъзилари парча ҳолида) ва насрий асарларни она тилида ўқишга муваффақ бўлишган.

Ҳазрат Жомийнинг маъно дуру гавҳарлари билан тўлиб-тошган ижод хазинаси бизга нечоғлик қадрли бўлса, унинг Алишер Навоий билан дўстлиги, устоз-шогирдлиги шу даражада эътиборли ва эҳтиромлидир. Бу – халқлар, адабиётлар, илм-фан, маданиятлар тарихида ниҳоятда сийрак учрайдиган ҳодиса. Жомий ва Навоийга ўхшаб дунёқараши – дунёқарашига, шахсияти – шахсиятига, маслаги – маслагига боғланиб, ижодиёти ва маҳорати ўзаро уйғунлик касб этган икки миллат, икки адабиёт вакилини тасаввурга келтириш қийин. Асарларида Навоий Жомий таърифида, Жомий Навоий мадҳида сўз юритар экан, уларнинг ҳар иккаласи ҳам гўё бир тафаккур иқлимида нафас олиб, бир дард ва шодлик гулшанида кезиб улуғ истеъдод, мислсиз бадиий ихтироларни шарафлаётганга ўхшайди. Навоийнинг Жомийга, Жомийнинг Навоийга қалб яқинлиги, меҳр-муҳаббати, ишончи қандай бўлган бўлса, дахл этмасдан уларни худди ўшандоқ ўрганиш, бир ёқлама, майда ёки ҳавойи фикр-қарашлардан қутулиб, ҳақиқатни сўзлаш лозим. Жомий ижодиётини ўқиб-ўрганмай, Навоий шаънига мадҳия тўқиш тарихий, ҳаётий, бадиий ҳақиқатга қанчалик зид бўлса, Навоий даҳосининг куч-қувватини ҳис қилмай, ижодиётининг моҳият оламига кириб бормай Жомийнинг Навоийга таъсири хусусида мубоҳаса бошлаш шунчалик бемаъниликдир. Биз истаймизми, истамаймизми, Навоий Жомийга, Жомий Навоийга беҳад яқин – шахсиятда ҳам, ижодиётда ҳам. Бунга иқрор бўлиш учун фаҳм-фаросати жойида кишига биргина китоб – “Хамсат ул-мутаҳаййирин”ни ўқиб, мағзини англашга эришмоқ кифоя.

Илм-маърифатли халқ кимни севиш, кимларга ишониш, нимани ардоқлаш, нимага интилишни билишда унчалик хато қилмайди. Абдураҳмон Жомийнинг илмий-адабий мероси қадим-қадимдан ўзбек халқини қизиқтирган, ўқиб-ўрганишга иштиёқ уйғотиб келган. Ўн бешинчи ва ундан кейинги асрларда адабиётда ном қозонган бирор бир шоиримиз йўққи, Жомий шеърият мактабидан сабоқ олмаган бўлсин. Бу – тўхтаб қолмайдиган жараён ва маҳдудлик, якравликдан ҳамиша ғолиб чиқадиган қуввати баланд интилиш.

ЖОМИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ

Жаъфар ХОЛМЎМИНОВ,
Ўзбекистон тожик миллий маданий маркази раиси,
фалсафа фанлари номзоди

Аннотация: *Мақолада Жомийнинг Нақшбандия тариқатига боғланиши ва ушбу таълимот доирасида фаолият юритиши, Жомий Нақшбандия тариқатига кириб, қисқа бир муддат ичида шайхлик унвонини олган бўлса-да, тариқатда шайх сифатида фаолият кўрсатиш ва зоҳирий расму русумлар қобиғига боғланиб қолишдан кўра илму маърифат ва ҳақойиқ билан шуғулланиш ва бошқа нақшбандийларни ҳам шу эзгу мақсад билан яшашга ҳидоят этишни муҳимроқ деб топганлиги ҳақида ёритилади.*

Калит сўзлар: *Ваҳдат ул-вужуд, сулук, нақшбандия, тариқат, валий,*

Мавлоно Жомийнинг Нақшбандия тариқатига кириши Мовароуннаҳру Хуросоннинг сиёсий доиралари ва илм-маърифат аҳли томонидан муҳим тарихий воқеа сифатида қабул қилинди. Хусусан, Нақшбандия улуғлари Жомийнинг тариқатга киришини катта қувонч ва мамнуният билан кутиб олдилар. Жумладан, Нақшбандия тариқатининг Хуросондаги улуғ шайхи, Жомийнинг муршиди бўлмиш Саъдиддин Кошғарий “Ҳақ субҳона таъоло биз ошуфтаҳол фақирларга бу соҳибкамол йигитнинг (яъни, Жомий – Ж.Х.) суҳбатига етиш шарафини иноят айлади”,[17] деб Жомийни нақшбандийларга Парвардигорнинг ўзи етказган мўътабар бир зот сифатида эътироф этган бўлса, Хожа Аҳрор Валийнинг пешқадам муридларидан бири – Шамсиддин Муҳаммад Зоҳид “Бу улуғ зотни бизга етказган табаррук лаҳзаларга шукроналар бўлсин”,[18] дейди.

Шайх Саъдиддин Кошғарий яна бир жойда ўз муридининг юксак мақомига ишора қилиб, “Тариқат майдонига қадам қўйган бу хуросонлик йигитга Бухоронинг Хожагон тариқатида олий бир мартаба насиб этмишдир”,[19] дейди.

Бу таҳсину мақтовлар бежиз эмас эди, албатта. Жомий бу пайтга келиб етук шоир ва олим сифатида катта шуҳрат қозонган эди ва шунинг учун ҳам бўлса керак, Жомийнинг Нақшбандия тариқатига боғланиши ва ушбу

[17] Бохарзий, Абдулвосеъ Низомий. Мақомоти Жомий. / Муқаддимэ, тасҳиҳ ва таълиқот-э Нажиб Мойил-э Ҳэравий. – Теҳрон: “Нашр-э Нэй”, 1383. – С. 8-78.
[18] Ўша манба, ўша жой.
[19] Ўша манба, ўша жой.

таълимот доирасида фаолият юрита бошлаши “Ҳирот ва Самарқанд илмий доираларининг баъзи бир намояндаларини ҳайратга солди”.[20] Жумладан, XV асрнинг калом илми олимларидан бири, шоир Шаҳобиддин Муҳаммад Жожурмий бу ҳодисага очиқдан очиқ эътироз билдиради: “Охирги 500 йил давомида Хуросон олимлари орасидан ҳақиқий камолот соҳиби бўлган бир кишигина бор эди (Жомий кўзда тутилмоқда – Ж.Х.), уни ҳам Мавлоно Саъдиддин Кошғарий жаноблари йўлдан урдилар”.[21] Ҳирот мударрисларидан бири Абдураҳим Кошғарий ҳам киноя оҳангида бундай дейди:

”Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳазратлари мутолаадан воз кечиб, сўфийлар тариқатига юз тутганларига қадар биз мутолаа ва расмий илмлар таҳсилидан ҳам муҳимроқ иш борлигидан ва олимликдан ҳам юксакроқ яна бир мартаба мавжудлигидан бехабар эдик”.[22] Аммо Мавлоно Жомий Нақшбандияга кириб, илмий-адабий муҳитдан узилмади. Мадрасалар, илмий-адабий доиралар билан боғланиб турди. Ҳатто айтиш мумкинки, ўзининг шоҳасарларини ҳам 1453 йилдан, яъни, тариқатга кирганидан кейин ёзди. Жомийнинг чилла ўтирганлиги ё ўтирмаганлиги хусусида манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамайди.[23] Аммо шуниси маълумки, у уч ҳалқа орқали Хожа Баҳоуддин Нақшбандга бориб етарди. Бу ҳақда “Музаккири аҳбоб” муаллифи шундай дейди: “Ҳазрат Мулло Жомийнинг пири бўлмиш Мавлоно Саъдиддин Кошғарий ҳазрат Мавлоно Низомиддин Хомушнинг муридидирлар ва алар ҳазрат Хожа Алоуддин Аттор муриди, алар эса Ҳазрат Хожаи бузруквор Баҳоуддин Нақшбандийнинг – сирлари муқаддас бўлсин – барҳақ халифаси ва мутлоқ қойим мақомидирлар”.[24]

Агар Шайх Саъдиддин Кошғарийнинг 1456 (ҳижрий-қамарий 860) йили вафот этганлигини ҳисобга олсак, Жомий жуда қисқа вақт ичида, тахминан 2-3 йилга бормай хирқа кийган ва шайхлик мартабасига эришган бўлиб чиқади. Бу тасаввуф тарихида нодир ҳолатлардан биридир. Аммо Жомий хонақоҳда ўтирмади, атрофида муриду мухлислар йиғиб, каромат ва иршод йўлини тутмади. Карoматини илм ва адабиётда кўрсатди, иршод деганда эса ўз асарлари билан нақшбандийларни илму ирфонга ҳидоят этишни тушунди.

Жомий шайх сифатида расман фаолият кўрсатмаган бўлса-да, унинг ҳақида ёзилган мақомотлар (Алишер Навоийининг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ва “Насойим ул-муҳаббат” асарларидаги Мавлоно Жомий зикри, Абдулғафур Лорийнинг “Нафаҳот ул-унс”га ёзган “Такмила”си, Абдулвосеъ

[20] Ҳиравий, Нажиб Мойил. Шайх Абдураҳмон-э Жомий. – Теҳрон: Тарҳ-э нав. 1377/1998. – С. 38.
[21] Фахриддин Али Сафий Кошифий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт. – Теҳрон. 1356, 1-жилд. – С. 239.
[22] Ўша манба, ўша жой.
[23] Аълохон Афсаҳзод. Накд ва баррасии осор ва шарҳи аҳволи Жомий. – Теҳрон: Марказ-э нашр-э мирос-э мактуб, 1378. – С. 130.
[24] Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. -Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.42.

Бохарзийнинг “Мақомоти Жомий” асари...)да буюк пир ва муршид, ҳатто ундан ҳам юксакроқ мақомга эга бўлган шахс сифатида тавсифланади. Жумладан, Алишер Навоий пири Абдураҳмон Жомийнинг фазилатларини таърифлаганда “Кошифи сирри Илоҳ” (“Илоҳиёт сирларини кашф этувчи”), “муршиди аҳли тавҳид” (“ваҳдат” – ягоналик тарафдорларининг раҳнамоси”), “пири соликон” (“Тариқат йўловчиларининг пири”), “Ҳодии роҳи фано” (фано йўлининг раҳнамоси») каби сифатларни келтиради. Яъни, “Жомий оддий сўфий эмас, у пир, раҳнамо, одамларни маърифат сари бошлаш қудратига эга, маърифатнинг чашмасидан баҳраманд бўлиб, шу чашма кўзини очганлардан”.[25]

Бизнингча, тасаввуф тарихи Мавлоно Жомий зиммасига амалий шайхликдан ҳам муҳимроқ бир вазифа – сиёсий-мазҳабий тус олаётган Нақшбандия тариқатига фалсафий-ирфоний руҳ бағишлаш ва унинг илмий-назарий асосларини қайта кўриб чиқиш вазифасини юклаган эди. Буни яхши англаб етган Хожа Аҳрор, Жомийни амалий шайхлик фаолиятига жалб этмасдан, унинг ўз олдида турган тарихий вазифасини бекам-кўст амалга ошириши учун яхшигина сиёсий-маънавий шароит яратиб берган.

Демак, бу ҳодисани биринчидан, Ҳазрат Жомийнинг фавқулодда камтарлигидан, иккинчидан эса унинг сиёсий эҳтиёткорлигидан деб билиш керак. Зеро, бир томондан, мовароуннаҳрлик нақшбандийлар хуросонлик нақшбандийларга устозлик ва раҳнамолик вазифасини ўтасалар, иккинчи томондан, Хожа Аҳрор раҳнамолигидаги тариқат аҳли Самарқандда Нақшбандиянинг қудратли марказини вужудга келтирган эдилар. Жомий бу даъватни эҳтиром ва эътироф билан қабул этди ва Хожа Аҳрор Валийга мурид тушиш билан Мовароуннаҳр Нақшбандия мактабининг Хуросон Нақшбандия мактабига нисбатан устозлик даражасини сақлаш анъанасини садоқат ва ҳиммат билан давом эттирди.

Жомий муршиди Шайх Саъдиддин Кошғарийдан сўнг бир муддат Хуросонда тариқат пешвоси сифатида фаолият юритди, Нақшбандиянинг ўша даврдаги энг буюк пири муршиди Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийга иродат қўлини берди. У бир томондан Хожа Аҳрордан сайру сулук масалаларига оид янги кўрсатмалар олиб турар ва уларни Хуросон муҳитида татбиқ этишга ҳаракат қиларди. Иккинчи томондан, Ҳусайн Бойқаро саройи билан яхши алоқалар ўрнатиб, Ҳиротнинг ижтимоий ҳаётида ҳам фаол қатнашарди. Айниқса, Мир Алишер Навоийнинг 1476 (ҳижрий-қамарий 881)

[25] Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб: Тавҳид асрори. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, "Ўзбекистон". 1999. – Б. 117.

йили Жомийга иродат қўлини бериши ва нақшбандийликни қабул қилиши[26] бу алоқаларни янада кучайтирди.

Жомий Нақшбандия тариқати илмий-назарий жиҳатдан заифлашиб қолган ва даврнинг кескин диний-мазҳабий, ақидавий-мафкуравий курашларига дош бериши қийин бўлган бир шароитда маърифат майдонига келди ва Хожа Муҳаммад Порсо бошлаб берган, аммо ниҳоясига етказолмаган ишни давом эттириш зарурати вужудга келганини англади.

Хожа Аҳрор Валий тариқатнинг назарий масалалари билан қизиққан муридларга Мавлоно Жомийга мурожаат қилишни маслаҳат бериши ва Жомийнинг Хожа Аҳрор томонидан забардаст олим сифатида эътироф этилиши унинг тариқат олдида турган вазифаларига қилинган биринчи ишора эди.

Иккинчи ишора Ҳазрат Алишер Навоийнинг Нақшбандия тариқатига кириши билан боғлиқ. Таниқли тасаввуфшунос олим Н. Комилов қайд этиб ўтганидек, “Саййид Ҳасанга юборилган мактубда ёзилган нарсалар буюк шоир ва мутафаккирнинг ўз олдига қўйган улкан ниятлари баённомаси эди. Бу ниятлар жумласига тасаввуф билан астойдил шуғалланиш ҳам киради. У бу қутлуғ ниятни амалга оширди. Ҳиротга қайтганидан кейин Абдураҳмон Жомийга мурид тушиб, тасаввуф фалсафаси ва тариқат асосларини обдон ўрганди ҳамда ҳаётида фақру фано талабларига амал қилиб яшади”.[27]

Нақшбандия тариқатида пайдо бўла бошлаган маънавий бўшлиқни тўлдириш эҳтиёжи туғилганлигини яхши дарк этган Навоий ўз пиридан тасаввуф ва ирфонга оид илмий-назарий асарлар ва шарҳномалар ёзишни сўрайди ва бу жараённи қатъий равишда назорат остига олади.

Навоийдек сиёсат арбоби, илм-фан ва адабиёт ҳомийсининг бевосита қизиқиши ва унинг сиймосида бутун Нақшбандия тариқатининг маънавий эҳтиёжи Ҳазрат Жомийга тариқатни назарий жиҳатдан мустаҳкамлашда куч-қувват ва илҳом бағишлайди. Натижада, Жомийнинг асосий эътибори тариқатнинг ижтимоий-мазҳабий жиҳатлари, сайру сулук ва муридлар тарбияси масаласига эмас, балки ирфон фалсафасининг ваҳдат ул-вужудий масалаларини амалий-мазҳабий тариқатга айланган Нақшбандия таълимотига сингдириш, Шайх ул-акбар Муҳйиддин ибн ал-Арабий ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари қоришмасидан янги ирфоний-фалсафий қарашлар системасини ишлаб чиқишга қаратилади. *Ваҳдат ул-вужуд* фалсафаси олдиндан Нақшбандия таълимотининг илмий-назарий асоси бўлганда эди, унинг Хожа Муҳаммад Порсо ва айниқса, Жомий томонидан тарғиб-ташвиқ қилиниши ва тариқат доирасида татбиқ этилишига ҳеч қандай ҳожат

[26] Аълохон Афсаҳзод. Нақд ва баррасии осор ва шарҳи аҳволи Жомий. – С. 179.
[27] Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб: Тавҳид асрори. – Б. 108.

қолмаган бўларди. Шу нуқтаи назардан, бу масала Е. Э. Бертельснинг Нақшбанд таълимотини Боязид Бистомийнинг сукр (мастлик, бехудлик – Ж.Х.)га асосланган важдий таълимотига ўхшаган сўфийлик таълимотларига ҳеч қандай дахли йўқ, чунки у ҳақиқий ислом доирасида шаклланган[28], деган ёндашувида ўз ҳаллини топган, дейишимизга асос бор.

Хулоса қилиб айтганда, Жомий Нақшбандия тариқатига кириб, қисқа бир муддат ичида шайхлик унвонини олган бўлса-да, тариқатда шайх сифатида фаолият кўрсатиш ва зоҳирий расму русумлар қобиғига боғланиб қолишдан кўра илму маърифат ва ҳақойиқ билан шуғулланиш ва бошқа нақшбандийларни ҳам шу эзгу мақсад билан яшашга ҳидоят этишни муҳимроқ деб топди. У жамиятни зоҳирий расму одоблар мажмуасини оммавийлаштириш, хонақоҳлар қуриш ва муридларни кўпайтириш асосида эмас, балки ҳақиқий илму маърифат ва юксак маънавият асосида тарбиялаш учун биринчи навбатда Инсон қандай сир-синоат, у қаердан келган ва қаерга кетади, ўз Рабби – Аллоҳ таъолони таниши учун нима қилиши ва нималарни билиши керак, деган саволларга жавоб топиш муҳимлигини эслатар экан, ўз тасаввуфий асарлари, хусусан, *Ваҳдат ул-вужуд* назариясига оид ирфоний-фалсафий асарлари билан сиёсий-мазҳабий тус олиб бораётган Нақшбандия тариқатига қайта маърифий руҳ бағишлади, унинг фалсафий-ирфоний асосларини мустаҳкамлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бохарзий, Абдулвосеъ Низомий. Мақомоти Жомий. / Муқаддимэ, тасҳиҳ ва таълиқот-э Нажиб Мойил-э Ҳэравий. – Теҳрон: “Нашр-э Нэй”, 1383. – С. 8-78.
2. Ҳиравий, Нажиб Мойил. Шайх Абдураҳмон-э Жомий. – Теҳрон: Тарҳ-э нав. 1377/1998. – С. 38.
3. Фахриддин Али Сафий Кошифий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт. – Теҳрон. 1356, 1-жилд. – С. 239.
4. Аълохон Афсаҳзод. Нақд ва баррасии осор ва шарҳи аҳволи Жомий. – Теҳрон: Марказ-э нашр-э мирос-э мактуб, 1378. – С. 130.
5. Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. -Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.42.
6. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб: Тавҳид асрори. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – Б. 117.

Бертельс Е. Э. Избранные труды. Наваи и Джами. – М., 1965. – С.

[28] Бертельс Е. Э. Избранные труды. Наваи и Джами. – М., 1965. – С. 215.

ҶОМИШИНОСӢ ДАР ЎЗБЕКИСТОН

Аслиддин ҚАМАРЗОДА,

устоди Донишгоҳи давлатии Самарқанд, Корманди шоистаи фарҳанги Ҷумҳурии Ўзбекистон, академики Академияи фанҳои Турон.

Ҳаёт ва эҷодиёти шоир ва мутафаккири бузурги машриқзамин Абдураҳмони Ҷомӣ аз замони зиндагии худи ў бо сарзамини имрўзаи Ўзбекистон, бахусус шаҳри қадимаи Самарқанд низ алоқаманд аст. Ҷомӣ бори аввал ба Самарқанд дар айёми ҷавонӣ барои таҳсили илм омада буд. Зеро овозаи олимони Самарқанд кайҳо аз доираи Мовароуннаҳр баромада, ба мамлакатҳои дурдасти ҷаҳон паҳн шуда буд. Бинобар ин Ҷомии ҷавон баъд аз хатми таҳсил дар мадрасаҳои Ҳирот ихтиёри Самарқанд кард. Ин нахустин сафари ў ба Мовароуннаҳр буда, ба солҳои 30-уми асри XV рост меояд. Муаллифи «Рашаҳот» навиштааст, ки Ҷомӣ борои аввал ба Самарқанд дар замони Мирзо Улуғбек барои омўхтани илм омада, дар ҳузури Қозизодаи Румӣ дарс хондааст. Вай дар Самарқанд дар мадрасаи Мирзо Улуғбек, воқеъ дар майдони Регистон таҳсил намуда, бо шоирон ва аҳли илму фазли Самарқанд дар сўҳбату маҶлисҳо шудааст.

Ҷомӣ бори дуюм ба Самарқанд якуми сентябри соли 1465 милодӣ омадааст. Ин сафар бо мақсади ҳамсўҳбат шудан бо яке аз пирони тариқати Нақшбандия Хоҷа Аҳрори Валӣ будааст. Вай ин дафъа дар мадрасаи Мирзо Улуғбек зиндагӣ карда ба шогирдон дарс мегўяд.

Абдураҳмони Ҷомӣ бори сеюм соли 1479 милодӣ ба Мовароуннаҳр омада ба воситаи Самарқанд ба Тошканд меравад ва зиёда аз ду моҳ бо Хоҷа Аҳрор дар мулоқот мешавад ва дар ин ҷой мухлисони зиёде пайдо менамояд.

Ин аст, ки таваҷҷўҳ ва эътиқод нисбат ба осори Абдураҳмони Ҷомӣ дар тўли садсолаҳои минбаъда бардавом монда, асарҳои ў аз ҷониби хаттотону хушнависони маҳаллӣ гаштаву баргашта китобат шуда, то рўзҳои мо омада расидаанд. Аз ҷумла дар шўъбаи китобҳои нодир ва дастнависҳои Шарқи китобхонаи илмии ба номи Абдураҳмони Ҷомии Донишгоҳи давлатии Самарқанд даҳҳо ҷилд китобҳои ин шоир ва мутафаккири хирадманд, аз ҷумла «Куллиёт»и мукаммали Ҷомӣ, ки дар замони худи ў китобат шудааст маҳфуз аст.[1] Даҳҳо нафар муҳаққиқон дар ҷараёни таҳияи асарҳои илмӣ-тадқиқотии худ аз ин осори гаронбаҳо истифода бурдаанд.

Омўхтан ва тадқиқ намудани асарҳои бадеӣ ва илмии Абдураҳмони Ҷомӣ аз ҷониби олимон ва пажўҳишгарони Ўзбекистон низ ба таври мунтазам

идома дорад. Дар ин бобат тадқиқоти пуразриш ба сомон расонида мешаванд, ки онҳо дар анҷуману кунгураҳои илмӣ ба тариқи маърӯзаву гузоришот пешниҳод гардида, дар шакли рисолаҳои алоҳида ва мақолаҳои илмӣ табъу нашр мешаванд.

Ба ин маънӣ рисолаи донишманди варзидаи адабиёти мумтоз, шодравон, академик Ботурхон Валихоҷаев «Абдураҳмони Ҷомӣ ва адабиёти ўзбек»-ро махсусан қайд кардан ҷоиз аст.[2]

Муҳаққиқ дар ин мақолаи худ муносибати Ҷомиро нисбат ба адабиёти мумтози ўзбек ва намояндагони барҷастаи он Мавлоно Лутфӣ, Ҳусайн Бойқаро ва махсусан Алишери Навоӣ хеле возеҳу равшан маънидод кардааст.

Нависанда ва адабиётшиносони Ўзбекистон Ҳамза Ҳакимзода Ниёзӣ, Озод Шарофиддинов, Ғафур Ғулом, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султонов, Воҳид Абдуллоев, Натан Маллаев, Порсо Шамсиев, Абдуқодир Ҳайитметов, Шоислом Шомуҳаммедов, Раҳим Муқимов, Азиз Қаюмов, Наҷмиддин Комилов, Ҷаъфар Холмўъминов ва дигарон низ доир ба омўхтани ҳаёт ва паҳлуҳои гуногуни фаъолияти Ҷомӣ хидматҳои босазое анҷом додаанд.

Дар ин бобат хизмати шарқшиноси маъруфи ўзбек, яке аз мўътақидони назми форсӣ ва мутарҷими он ба забони ўзбекӣ, дорандаи Ҷоизаи ба номи Абулқосим Фирдавсӣ Шоислом Шомуҳаммедовро махсусан таъкид кардан ҷоиз аст.[3]

Ҳанўз соли 1963 рисолаи ў «Абдураҳмон Жомий» дар шакли китоби алоҳида интишор гардида, худи ҳамон сол ин рисола дар маҷмўаи мақолаҳои илмии ҳамин муаллиф, ки таҳти унвони «Форс-тожик адабиёти классиклари» нашр шуда буд, ҷой дода шудааст.

Муаллиф дар рисолаи мазкур дар асоси такя намудан ба маъхазҳои гуногуни таърихӣ, илмӣ ва бадеӣ доир ба аҳвол ва осори Абдураҳмони Ҷомӣ барои хонандагони ўзбек маълумоти муфассал додааст.

Аз Ҷумла, оиди ба Самарқанд омадани Абдураҳмони Ҷомӣ ва аз олими машҳури ин ҷой Қозизодаи Румӣ дарс гирифтани ў маълумоти пурқимат медиҳад. Вай оиди хислатҳои наҷиби Ҷомӣ сухан ронда, нисбати ба тасаввуф майл кардани Ҷомӣ аз қасидаи тарҷумаиҳолии ў чунин байтеро меорад:

Задам қадам ба сафи сўфиёни софи дил,
Ки нест мақсадашон аз улум ҷуз аъмол.[4]

Дар рисолаи мазкур инчунин ба дўстиву равобити ду шоир ва мутафаккири бузург – Абдураҳмони Ҷомӣ ва Алишери Навоӣ саҳифаҳои дурахшон бахшида шудааст. Гарчанд доир ба ин мавзўъ дар тадқиқоти олимони гуногун бисёр афкори Ҷолиби диққат баён карда шудааст, лекин Ш. Шомуҳаммедов ба ин мавзўъ бо назари ба худ хос нигоҳ намуда, саҳифаҳои тозаеро баён менамояд.

Дар боби дигари рисола, ки «Наққошхонаи ҳаёт» номида шудааст, муҳаққиқ нисбати таваҷҷўҳи Абдураҳмони Ҷомӣ ба шуарои пешина ва ҳамзамонони худ, инчунин муносибати ҳамасрон ва шоирони минбаъда нисбати Ҷомӣ сухан меронад. Вай дар бораи таълифи достонҳои ҷудогонаи Абдураҳмони Ҷомӣ аз қабили «Юсуф ва Зулайхо», «Лайлӣ ва Маҷнун», «Хирадномаи Искандарӣ» низ тавваҷҷўҳи хоса намудааст. Дар ин бобат аз ҷониби шоир суханони нав ифшо гардиданашро аз забони худи Ҷомӣ чунин меоварад:

Хирадномаҳо з-он ихтиёри ман аст,
Ки афсонахонӣ на кори ман аст.
Зи асрори ҳикмат сухан рондан,
Беҳ аз қиссаҳои куҳан рондан…[5]

Ин гуфтаҳои шоир ба муҳаққиқ ва мутарҷими шоиста Ш.Шомуҳаммедов низ бетаъсир намондааст. Беҳуда нест, ки вай бисёр суханони ибратомўз ва байтҳои пур аз андарзҳои классикони форсу тоҷикро, ки дар байни онҳо ашъори Абдураҳмони Ҷомӣ низ саршоранд, тарҶима карда, манзури хонандагони ўзбек гардонидааст.

Омўзиши ҳаёт ва эҷодиёти Абдураҳмони Ҷомӣ дар мактабҳои миёна ва олии Ўзбекистон низ қариб дар як радиф бо ҳаёт ва эҷодиёти сардафтари адабиёти мумтози ўзбек Алишери Навоӣ ба роҳ монда шудааст. Бисёре аз асарҳои Абдураҳмони Ҷомӣ ба забони ўзбекӣ низ тарҷума ва нашр шудаанд.

АнҶуманҳои илмӣ ба шарафи солонаи Ҷомӣ дар марказҳои илмӣ, донишгоҳу мактабҳои Ўзбекистон пайваста гузаронида мешаванд. Аз ҷумла, соли 1964 ба шарафи 550 солагии Абдураҳмони Ҷомӣ, ки он бо қарордоди ЮНЕСКО дар саросари ҷаҳон ҷашн гирифта шуд, дар Самарқанд ва Тошканд анҷуманҳои пуршукўҳи илмӣ ба вуқўъ пайваста, дар кори он олимон аз мамлакатҳои гуногуни ҷаҳон иштирок доштанд. Аз ҷумла, дар Самарқанд иҷлосияи якҷояи Академияи Улуми Ўзбекистон ва Шўрои илмии Донишгоҳи давлатии Самарқанд ба вуқўъ пайваста, дар он Президенти

ҳамонвақтаи Академияи Улуми Ӯзбекистон Иброҳим Мӯъминов бо сухани ифтитоҳӣ баромад карда, оиди бузургии хирад ва назми Ҷомӣ суханронӣ карда буд. Академик Воҳид Абдуллоев дар мавзӯи «Ҷомӣ ва Самарқанд» маърӯзаи ҷолибе карда, оиди сафарҳои Ҷомӣ ба Самарқанд муфассал маълумот дода буд.

Иштироккунандагони иҷлосияи илмӣ дар маросими кушоиши лавҳаи ёдгории ба хотираи Абдураҳмони Ҷомӣ, ки дар девори мадрасаи Мирзо Улуғбек гузошта шуда буд, иштирок доштанд.

Эхтиром ва бузургдошти Абдураҳмони Ҷомӣ баъд аз истиқлол низ дар Ӯзбекистон минбаъд низ ҳамчунон идома дорад. Аз ҷумла, бо саъю эҳтимоми ҳукумати вилояти Самарқанд, шӯъбаи вилоятии Иттифоқи нависандагони Ӯзбекистон, устодону омӯзгорони Донишгоҳи давлатии Самарқанд ба шарафи 575 ва 580 солагии Абдураҳмони Ҷомӣ анҷуманҳои бонуфузи илмӣ ба вуқӯъ пайваста, дар он аз Ҷониби олимони Тошканд ва Самарқанд маърӯзаҳои пуразиши илмӣ оиди паҳлуҳои гуногуни ҳаёт ва эҷодиёти Абдураҳмони Ҷомӣ шунида шуданд.

Фаслномаи илмӣ-адабӣ, фалсафӣ-ирфонӣ ва маънавӣ-маърифии «Сино» - нашри Ройзании фарҳангии Сафорати Ҷумҳурии Исломии Эрон дар Ӯзбекистон дар шумораи 7-уми худ аз тирамоҳи соли 2003 мақолаи академик Азиз Қаюмовро бр номи «Зуллисонайн Жомий» чоп карда буд,[6] ки дар он оиди ашъори ӯзбекии Абдураҳмони Ҷомӣ сухан меравад. Муаллифи мақола қайд мекунад, ки соли 1941 рӯзномаи «Қизил Ӯзбекистон», ки дар Тошканд чоп мешуд, таҳти унвони «Шеърҳои ӯзбекии Ҷомӣ» се ғазалро чоп карда будааст. Ҳар кадоме аз ин ғазалҳо панҷбайтӣ буда, ду ғазал ба забони ӯзбекӣ ва як ғазал ба тариқи «ширу шакар», яъне як мисраъ форсӣ-тоҷикӣ ва як мисраъ ӯзбекӣ будааст. Ҳамин се ғазалро профессор Е.Э.Бертельс дар «Ҷомӣ» ном китоби худ (Маскав, 1965, саҳ. 228) дохил карда будааст.

Сипас Азиз Қаюмов мулоҳизаҳои худро нисбати ду ғазал ба тариқи мубоҳиса баён намудааст. Зеро оиди ба забони ӯзбекӣ шеър навистани Абдураҳмони Ҷомӣ то ҳол дар ягон манбаъи форсӣ маълумоте ба назар намерасад.

Вай таъкид менамояд, ки баъди дар рӯзномаи Тошканд эълон гардидани ин ғазалҳо ҳамоно яке аз шоирони зуллисонайни муосир Чархии Қӯқандӣ ба яке аз ин ғазалҳо мухаммас бастааст. Ба ин ғазал пештар шоираи асри XIX Ҷаҳон Отин Увайсӣ низ мухаммасе баста будааст. Увайсӣ бо бастани мухаммас ба ин ғазал қонеъ нагардида дар пайравии он ба тариқи назира ғазале низ иншо карда будааст, ки он аз даҳ байт иборат буда, дар

девони шоира дохил шудааст. Ба ин ғазал шоире бо тахаллуси Ушшоқ низ мухаммас баста будааст. Дар «Тазкираи Қаюмӣ» номи ин шоир Мавлоно Ёвқоч номбар шуда, аз ўзбекҳои Ҳисор буданаш ва дар Бухоро таҳсил карда, муқими ин ҷой шудани ў баён шудааст. Ҳамин мухаммаси Ушшоқ ҳамон вақт шўҳрати зиёде пайдо карда будааст.

Муаллифи мақола инчунин таъкид мекунад, ки ба ин ғазале, ки бо мисраи «Зулфинг хаёли тушгали шўрида бошқа» оғоз мегардад, шоири асри XVIII-и туркман Андалиб, ки дар мадрасаи Шерғозихони Хива таҳсил намудааст, низ мухаммас баста будааст. Пас маълум мегардад, ки ин ғазали Ҷомӣ дар асри XVIII дар доираи адабии Хоразм низ машҳур будааст.

Шодравон Азиз Қаюмов дар мақолаи худ инчунин оиди пайдо намудани як мухаммаси дигар бар ғазали ба тариқи «ширу шакар» навиштаи Ҷомӣ, ки матлааш:

Эй лабат пурхандаю чашми сиёҳат масти хоб,
Икки зулфинг орасида ой юзингдур офтоб[7] –

аст, низ маълумоти ҷолиби диққат медиҳад.

Аз ин маълумотҳо бармеояд, ки муҳаққиқони Ўзбекистон дар тадқиқу омўзиши ҳаёт ва эҷодиёти шоир ва мутафаккири бузурги форс-тоҷик рағбати зиёде доранд ва дар як мақолаи на чандон калон дар бораи ҳамаи онҳо муфассал сухан рондан аз имкон берун аст.

Анъанаи омўзиши ҳаёт ва эҷодиёти Абдураҳмони Ҷомӣ дар солҳои Истиқлоли Ўзбекистон низ идома дорад. Олимон оиди паҳлуҳои ҷудогонаи ҳаёт ва эҷодиёти серсоҳаи ин мутафаккири бузург тадқиқоти пуразриши илмӣ мебаранд. Муҳаққиқи адабиёти ғании форсу тоҷик Ҷаъфар Холмўъминов дар мавзўъи "Андешаҳои тасаввуфӣ-ирфонии Мавлоно Абдураҳмони Ҷомӣ (Бар асоси асари "Шарҳи рубоиёт")", ки қимати баланди илмӣ доштани он аз ҷониби донишмандони ватанию хориҷӣ эътироф шудааст, рисолаи илмӣ навишта сазовори дараҷаи доктори илми фалсафа шуд. Дар барномаи таълими адабиёти тоҷик, ки аз ҷониби мо таҳия гардида, дар асоси он китоби дарсии "Адабиёт" барои синфи 8-уми мактабҳои тоҷикии Ўзбекистон табъу нашр шудааст, низ барои омўхтани мавзўъҳои ба ҳаёт ва эҷодиёти Абдураҳмони Ҷомӣ бахшидашуда соатҳои зиёде дар назар дошта шудааст.[8] Бисёр ғазалҳои Ҷомӣ, достони "Юсуф ва Зулайхо", "Баҳористон" ва дигар офаридаҳои ин устоди бузурги назми форсӣ аз

ҷониби мутарҷимон ва адибони маъруф тарҷума шуда манзури хонандагони ўзбек гардонида шуданд

Таҳлили Ҷашнвораҳои 590 ва 600-солагии шоир ва мутафаккири бузург Абдураҳмони Ҷомӣ ва дар доираи байналхалқӣ гузаронидани чунин анҷуманҳои пуршукўҳи илмӣ, ба ин муносибат табъу нашр гардидани тарҷумаи осори Ҷомӣ, маҷмўаҳои мақолаҳои илмӣ низ далели бузургдошти ў дар Ўзбекистони соҳибистиқлоли мо ба шумор меравад.

Гарчанд доир ба тадқиқи ҳаёт ва эҷодиёти Абдураҳмони Ҷомӣ дар Ўзбекистон то имрўз корҳои шоёне ба сомон расонида шудааст, лекин паҳлўҳои тадқиқнашудаи эҷодиёти ў хеле бисёранд ва ҳар бор дар ин хусус афкори тоза баён кардан мумкин аст.

Бо ҳамин мақсад устодону омўзгорони Донишгоҳи давлатии Самарқанд бо ташаббуси таҳлил додани анҷумани илмӣ бахшида ба 590 ва 600 солагии зодрўзи шоир ва мутафаккири бузурги машриқзамин Абдураҳмони Ҷомӣ баромад карданд, ки онро ҳукумати Ўзбекистон маъқул донист.

Ба унвони тадорукоти анҷуманҳои мазкур, ки солҳои 2004 ва 2014 дар Самарқанд барпо гардида буд, аз Ҷониби устодони мактабҳои олӣ ва донишмандони пажуҳишгоҳҳои Ўзбекистон, Тоҷикистон, Эрон ва Покистон беш аз 100 дархост омад, ки онҳо дар барномаҳои анҷуман дохил карда шуданд.

Дар анҷумани илмии ба 590 солагии Ҷомӣ бахшидашуда академики Академияи фанҳои Ўзбекистон Ботурхон Валихоҷаев, профессори донишгоҳи ба номи Саидаъзами Исломободи Покистон Гулфарҳод Ифтихор, ройзани фарҳангии Сафорати Ҷумҳурии Исломии Эрон дар Ўзбекистон, доктор Аббосалии Вафоӣ, устоди Донишгоҳи шарқшиносии Тошканд Суйима Ғаниева, устоди Донишгоҳи давлатии Миллии Тоҷикистон Худоӣ Шарифов ва чанде дигар маърўзаҳои пуразиши илмӣ карданд, ки дар онҳо пажӯҳиш ва гузоришоти тоза ба назар мерасанд.

Дар нишастҳои тахассусии анҷуманҳои илмӣ «Мавқеи Абдураҳмони Ҷомӣ дар адабиёти форс-тоҷик», «Абдураҳмони Ҷомӣ ва адабиёти ўзбек», «Забону услуб ва поэтикаи осори Ҷомӣ» маърўзаҳои зиёди илмӣ шунидаву муҳокима гардиданд.

Дар поёни ин анҷуманҳо иштириокчиёни он ба хулосае меомаданд, ки таҳлили чунин анҷуманҳои бонуфузи байналхалқӣ на танҳо барои омўхтани ҳаёт ва эҷодиёти шахсони бузург, балки барои илми адабиётшиносӣ ва пойдору мустаҳкам гардонидани равобити илмии байни кишварҳо низ хеле муфид аст.

Анҷумане, ки имрўз бо сайъу эҳтимоми раиси Маркази миллӣ ва фарҳангии тоҷикони Ўзбекистон, шоири зуллисонайн, муҳаққиқи адабиёту

ирфон ва мероси фалсафиву ирфонии Мавлоно Ҷомӣ Ҷаъфар Холмӯъминов – Ҷаъфар Муҳаммади Тирмизӣ ба вуқӯъ пайвастааст, ба муносибати 605-солагии зодрӯзи шоир ва мутафаккири бузурги машриқзамин Нуриддин Абдураҳмони Ҷомӣ аст ва мо аҳли фарҳангу адаб ба ин ҷой ҷамъ омадаем. Ин бознишасти мо бори дигар далели ҳикмати ниёгон аст, ки гуфтаанд: Бузургонро бузургон азиз медонанд!

Т а в з е ҳ о т:

1. Нигаред: Феҳристи асарҳои Ҷомӣ маҳфуз дар шӯъбаи китобҳои нодир ва дастнависҳои Шарқи китобхонаи илмии Донишгоҳи давлатии Самарқанд, - Самарқанд, Нашри ДДС, 1982.

2. Валихӯҷаев Б. Абдураҳмони Ҷомӣ ва адабиёти ӯзбек, дар китоби «Ҷомӣ ва робитаҳои адабӣ», китоби аввал. – Душанбе, «Дониш», 1989, саҳ. 33-45.

3. Шомуҳамедов Ш. Абдураҳмон Жомий (Ҳаёти ва ижоди). – Т.: Ӯзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1963; Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари, Ӯзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти. – Тошкент, 1963.

4. Шомуҳамедов Ш. Абдураҳмон Жомий. – Тошкент, 1963, саҳ. 18.

5. Ҳамон китоб, саҳ. 80.

6. «Сино» илмий-адабий, фалсафий-ирфоний, маънавий-маърифий уч ойлик журнал, Эрон Ислом Республикасининг Ӯзбекистондаги Элчихонаси ҳузуридаги маданият ваколатхонасининг нашри, 2002 куз, 7-сон, саҳ. 16-17.

7. Ҳамон фаслнома, саҳ. 17.

8. Холмӯъминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Т.: Ӯзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008; Қамарзода А., Қамарова У., “Адабиёт”, китоби дарсӣ барои донишомӯзони синфи 8-уми матабҳои таълими умумии миёна. – Т.: Хонаи эҷодии табъу нашри “O,zbekiston”, 2019, саҳифаҳои 14-48.

9. Маводи анҷуманҳои байналхалқии илмӣ: «Абдураҳмони Ҷомӣ ва Алишер Навоӣ - ибрати ҳамкории азалӣ ва абадии мо», Самарқанд, соли 2004; “Абдураҳмон Жомийнинг ижод олами”. – Т.: “Тамаддун” нашриёти, 2014.

10. Суханварони Зарафшон, (Мухтасари ҳасби ҳол ва намунаи эҷодиёти бархе аз шоирону нависандагони гуногунпояи муосири водии Зарафшон). Мураттиб: Иброҳими Наққош. – Душанбе,Нашриёти “Ирфон”, 2019, 506 саҳ.

ƏLİŞİR NƏVAİNİN "XƏMSƏT ÜL-MÜTƏHƏYYİRİN" ƏSƏRİNDƏ ƏBDÜRRƏHMAN CAMİ HEYRƏTİ

Almaz Ulvi BINNATOVA

Filologiya elmləri doktoru, professor

AMEA Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutunun "Azərbaycan-Türkmənistan-Özbəkistan ədəbi əlaqələr" şöbəsinin müdiri

Azərbaycan, Bakı,

Açar sözlər: ***Əlişir Nəvai, Əbdürrəhman Cami, "Xəmsət ül-mütəhəyyirin" əsəri, özbək ədəbiyyatı, tacik ədəbiyyatı, Azərbaycan –özbək əlaqələri, mərsiyə,klassik ədəbiyyat***

Keywords: ***Alisher Navai, Abdurrahman Jami, The work of*** *"Hamsat ul-mutaxayyirin",* ***uzbek literature, tajik literature, Azerbaijan-uzbek relations, elegiya, classical literature***

Anahtar Kelimeler: ***Ali Şir Navai, Abdurrahman Jami, "****Hamset-ül-Mütehayyirin"* ***eseri, Özbek Edebiyatı, Tacik Edebiyatı, Azerbaycan-Özbek ilişkileri, mersiya, klasik edebiyat***

Əlişir Nəvai "Xəmsət ül-mütəhəyyirin" ("Beş heyrət") adlı nəsr əsərini XV əsr Şərq ədəbiyyatının görkəmli mütəfəkkiri, filosofu, şairi, şeyxülislamı Əbdürrəhman Camiyə ithafən onun vəfatından sonra – 1492-1494-cü illərdə qələmə almışdır.

Ə.Nəvai ilə Ə.Caminin tanışlığı, dostluq münasibətləri şairin Səmərqənddən Herata qayıtdığı zamana - 1469-cu ilə təsadüf edir. O zamandan onların doğma dostluq əlaqələri ta ömürlərinin sonuna qədər davam etmişdir.

Hər ikisi də hələ sağlıqlarında ikən bir-biri haqqında öz məşhur əsərlərində yazmışlar, biri-birinin təsiri ilə dünya ədəbiyyatı xəzinəsində özünə yer almış əsərlər yazmışlar, biri-birinin məsləhət və tövsiyəsi ilə yüzlərlə xeyriyyə işləri görmüşlər, məktəb-mədrəsələr açmışlar, dərsliklər yazmışlar və s. Əslində sıralamaqla bitməyən işlərə imza atdıqları elə öz dövrlərində də, sonrakı əsrlərdə də tarixi mənbələrdən məlumdur.

İki nümunə ilə fikrimizi aydınlıq gətirmək istərdik:

İlk olaraq, Həzrət Əlinin eşqinə Məzari Şərif Camisinin və eyni adlı şəhəri Ə.Caminin məsləhət və tövsiyəsi ilə Əlişir Nəvai tikdirmişdir.

Daha sonra, Ə.Cami "Baharıstan" (1487) təzkirəsinin yeddinci rövzəsində 39 şair haqqında məlumat vermişdir. Onlardan biri – son olaraq təqdim etdiyi Mir Əlişir Nəvaidir: **"**Varlığı ilə zamanımızın şərəfli və hörmətli bir dövlət məmurudur. Şövkətli padşaha olan yaxınlığı, fitrətən haqq vergili, özünün fazilliyi sayəsində qazandığı məqamı ona şair demək, onu gözəl şeir demək qabiliyyəti ilə özünü şairlər

zümrəsinə qatdığını düşündüyümüz üçün utandıq. Bu cəhətləri bir tərəfə qoysaq, həqiqət belədir: şairlər nəsli olan yerdə Nəvai rəis, şair təbəqəsi yazılarkən adı dəftərin başında olur.

Nəvai şair təbiəti, geniş qəlbliliyi sayəsində həm türkcə, həm də farsca şeir söyləmişsə də, təbiətinin türkcəyə meyli farscadan çoxdur. Qəzəllərinin çoxu türkcədir ki, bunların da sayı 15.000-dən çoxdur. Nizaminin "Xəmsə"sinə cavab olaraq yazdığı "Xəmsə" 30.000 beytə yaxındır ki, Nəvaidən əvvəl kimsə türkcədə ondan daha gözəl bu qədər şeir söyləməmişdir. Fars şeirlərindən birisi Əmir Xosrov Dəhləvinin "Dəryayi Əbrar" deyə ad etdiyi qəsidədir ki, bir çox incə mənaları lətif xəyalları müştəmildir. Mətlə budur. *Beyt:* -

Padşahların taclarına zinət verən qızıl rəngli ləl,
Başlarındakı xam xəyalı bişirmək üçün bir atəşdir (16, s. 52).

Bu *rübai* Həccdən gələn bir Hacıya - Molla Camiyə ithaf edilmişdir:

Ey şüşə rəngli fələk,
Insaf et, doğru söylə.
Sənin şərq tərəfindən doğan
Aləmi parladan günəşin var.
Mənim də dünyanı gəzib ta
Cam tərəfimdən gələn
Bir hacı dostum var.
Bu ikisindən hansı
Daha gözəl dolanıb gələndir (16, s. 52).

Beləliklə, ardıcıl olaraq Molla Camiyə rübai şəklində yazdığı məktublardan nümunələr təqdim etmişdir *(16, s. 53).*

Bu qeyd və rübailəri Ə.Cami "Baharıstan" ("Yaz bağçası") əsərində Ə.Nəvai haqqında yazmışdır. Bu nümunələrdən Ə.Nəvainin görkəmli və ədalətli dövlət xadimi, fitrətən istedadlı və qüdrətli şair, etibarlı, sədaqətli dost və Allahına bağlı könül adamı kimi təqdim etmişdir.

Əlişir Nəvainin"Məcalis-ün-nəfais"in təzkirəsinin hələ ilk nüsxəsində (1490-91) Üçüncü məclisin başlanğıcında dahi filosof, şair, mütəfəkkir Əbdürrəhman Camini belə təqdim edir: "O bir dənizdir ki, cövhər çıxaran təbiəti ilə bu dövranın cibi cövhərlə dolmaqdadır və zaman əhlinin qoyun-qoltuğu və ətəyi cəvahirlərlə dolub-daşmaqdadır. O şəxs, Həzrəti Məhdumu Şeyxülislami Mövlana Nurəddin Əbdürrəhman Camidir ki, cahan var olduqca nurlu xatirələri cahan əhlindən əksilməsin və göylər döndükcə özlərinin açıq könüllərinin faydaları zaman əhlindən azalmasın! Onun nəzm gözəllikləri o qədər çoxdur ki, bəzilərinin kölgədə qalmasına görə və ya adı el-aləmə məlum olsun deyə yazılmasına ehtiyac yoxdur. Kitablarının adı yazılsa, bu əsərin ("Məcalis ün-nəfais"in) hüdudlarını aşıb səhifələrinə sığışmaz və ya əsərlərinin inciləri zikr edilsə (və ya sadalansa), fələyin dənizi o incilərdən daşar. Şübhəsiz, bu nəzm gözəllikləri məlum olduğundan, ona dua etməklə bu hissə xətm olunsun".

Ya rəb, bu mənalar incisinin ümmanı,
Bu bilgi və fəzilət gövhərinin mədəni.
Madam ki,onu aləm əhlinin canı eylədin,
Aləm əhlinə bu canı ucuz nəsib eylə (2, s.338).

Özlüyündə, Ə.Nəvai "Məcalis ün-nəfais" təzkirəsində Ə.Camini şair kimi göylərə qaldırırsa, "Nəsaim ül-məhəbbət" təzkirəsində onu övliyya - pir, şeyxülislam, din cəfakeşi kimi təqdim edir. Bunlardan başqa, "Məhbub ul-qülub", "Mühakimət ul-lüğəteyn", "Mizan ül-ovzan", "Münşəat" əsərlərində ustadını bu və ya digər uyğun gələn məqamlarda anır, xatırlayır.

Ə.Nəvai "Divan"larının tərtibində Ə.Caminin təsirini açıq-aydın görmək mümkündür. Məsələn,"Ə.Nəvai "Bədaye ul-bidayə" Divanının "Dibaçə"sində, "Xəzain ül-məani"nin tərkibindəki "Qəraib us-siğər", "Nəvadir uş-şəbab", "Bədaye ul-vəsət" Divanlarının 650 qəzəlində ustadı Ə.Caminin tərifini vəsf edir. "Xəmsə"dəki hər bir dastanında (poemasında) ona bölmə ayırıb, "Divani Fani" adlı farsca Divanında Ə.Cami qəzəllərinə 31 nəzirə və ustadının sənətkarlıq tərzində 10 qəzəl yazaraq daxil etmişdir. Bunlardan başqa, Ə.Caminin vəfatına yazdığı Mərsiyə, 2 ədəd "Tarix", müəmma, "Sittə zəruriyyə" dibaçəsində, "Minxoj ul-najot", "Nasim ul-xuld" qəsidələrində ustadının tərifini vəsf edilmişdir" (12, s.11). Elə bu əsərlərdən öyrənirik ki, Ə.Cami təhsilini tamamladıqdan sonra Herata gələrək orada yaşamışdır. Heratda zahiri və batini elmlərdəki bərabərliyi, xüsusən, şeirdə, təsəvvüfdə, təriqət ədəbində zəmanəsinin məşhur alimləri – Səduddin Kaşğari, Şeyx Bəhaəddin Ömər, Bəyazid Purani, Məhəmməd Əsəd kimi elmli, kamil insanların söhbətlərindən dərsini almışdı. Bu söhbətlərin təsiri idi ki, o özü kamil bir şəxsiyyət kimi yetişdi, onun ziyarətinə böyük alimlər, ziyalı insanlar gələrdilər.

Ə.Cami ruhən azad həyat sürməyə daha üstünlük vermişdi. Məsələn, Sultan Hüseyn Bayqara və Əlişir Nəvai dəfələrlə onu saraya dəvət etsələr də, o, bundan imtina etmişdi. Hətta ona bu dəvətlər zamanı dəvə yükü qızıl-gümüş hədiyyə göndərmişdilər, Ə.Cami ehtiram olaraq hədiyyələri qəbul etmiş, amma yenə də sarayda yaşamaqdan imtina etmişdi. Götürdüyü hədiyyələri də elm-mərifət yolunda xərcləmişdi. Mədrəsələr tikdirmiş, gənclərin təhsillərinə sərf etmişdi.

Ə.Nəvai sadəcə zamanının, müasirdaşı olan qələm əhli haqqında yox, yaradıcılıqları ilə biri-birinə sıx bağlı olan "təriqətdə - piri məsləhətçisi, ədəbiyyatda – ustad məsləkdaşı, həyatda dost, həmdərdi - can dostu" (10, s. 98-106) bildiyi Şərqin böyük mütəfəkkiri Əbdürrəhman Caminin əziz xatirəsinə həsr etdiyi "Xəmsət üt-mütəhəyyirin"i onun tərcümeyi-halının qısa xülasəsi kimi də dəyərləndirmək olar.

Ə.Cami və Ə.Nəvai arasındakı münasibətlərini, dostluqlarının tərifini bəyan etməyə söz acizdir"

"Xəmsət üt-mütəhəyyirin"i əsəri üzərindəki bu araşdırmamız zamanı Əlişir Nəvainin 10 cildlik "Seçilmiş əsərlər" kitabının 5-ci cildindən istifadə etmişik.

Əsərin məzmunu: "Xəmsət üt-mütəhəyyirin"**"Bismillahir rəhmanir rəhim"** ("Mərhəmətli və rəhmli Allahın adı ilə") duası ilə başlayır. Əsərin "Giriş"ində həmd, nət, Camini mədh edən ifadələr, ustadının cismani itkisini, onun matəmini kövrək notlar və uca duyğularla təqdim edilmişdir: *"Chun pokiza ruhlarining qudsiy oshyon toiri badan qafasidin ravzai firdavs sori parvoz tuzdi" (1, s.736)* və ya *"Chun bu*

motamda majruh ko‘ngul ozori va mahzun xotir iztirobu iztirori haddin oshti” (1, s.736).

Bu dərdi – ağır itkini onun xatirəsinə “Xəmsət üt-mütəhəyyirin”i adlı risaləsini yazmaqla ehtiramını ifadə etməklə yanaşı: həm də onun kimliyini bir daha insanlara tanıtmaq, onunla bağlı xatirələrdən bir neçəsini sözə düzmək, məktublaşmalarını, ədəbiyyat-elm-irfan tarixinə təqdim etdiyi əsərləri bir-bir sadalamaqla ideya-estetik dəyərini açmaq və nəhayət, ustadının son günlərini, onun matəm mərasimini, sonda isə onun ölümünə yazdığı mərsiyəni təqdim etmək məqsədində olub.

Girişdən sonra əsərin əsas quruluşunubeş hissədə verməklə - Müqəddimə, birinci, ikinci, üçüncü məqalətlər və Xatimədən ibarət olduğundan “Xəmsət üt-mütəhəyyirin” (“Beş heyrət”) adlandırmışdır.

Girişdə Allaha həmd və Ə.Camın hüznünə aid nəsrlə yanaşı üç rübai də yazmışdır.

Müqəddimədə– Əbdürrəhman Caminin həyat və fəaliyyəti qısa şəkildə anladılır: onun doğum tarixi, əsil-nəcabəti, uşaqlıq və gənclik illəri, hələ o, uşaqkən evlərinə gələn məşhur övliyalarla xatirə söhbətləri, mürşidləri və pirləri, zahiri və batini elmlərə yetişmə dərəcələri, nəhayət, Ə.Nəvainin bu ulu şəxsiyyətlə ilk tanışlıq məqamları. Bütün bu bioqrafik məsələləri konkret müstəvidə təqdim etməklə Ə.Caminin dahiliyə gedilənyollarının aydınlığı ilə klassik ədəbiyyatımıza da işıq salır.

Hicri 817 (m.1414)-ci ildə anadan olan Ə.Caminin 1487-ci ildə Herata gəldiyini, bu gəlişini şairin öz misraları ilə - “Raxş ul-bol” qəsidəsindən 4 beytlə təsvir edir. Beytlərin davamında isə 78 yaşında (h.898-ci il 17 məhərrəm günü və ya 1492-ci il 08 noyabrda) dünyaya əlvida etdiyini hüznlə bildirir. Onun “ali nəsəbləri imam ul-müctəhidin” (1, s.737) Məhəmməd ibn Həsən ibn Abdulla ibn Tovus ibn Hörmüz Şeybani qəbiləsindən olduğunu, vaxtilə Bağdadda səltənət qurduqlarından bəhs edir. Ata-babası dövrünün məşhur şəxsiyyətlərindən olub. Sonralar Cam şəhərinə, dövrün tanınmış təsəvvüf şeyxi və məşhur şairi olan Əhmədi Camın vətəninə gəliblər. Əbdürrəhman Cami də bu şəhərdə doğulur. Bu təqdimin ardınca Ə.Camın bir qitəsini verir: “doğulduğum yer Cam və sözümün nuru Şeyxülislam Əhmədi Camın bir qətrədir (1, s.831)” Buradan məlum olur ki, təxəllüsünün Cam olması həm doğulduğu məkan, həm də Əhmədi Camın təxəllüsünə işarədir.

Ə.Nəvai “Müqəddimə”də Caminin uşaqlıq illərinə aid bir hekayə anladır: Günlərin birində dövrün piri mürşidlərindən sayılan Fəxrəddin Luristan Əbdürəhman Camigilin evlərinə gəlir. O zamanlar cəmi 4-5 yaşlarında olan Əbdürəhmanın göstərdiyi zirəklik, onun qeyri-adi təfəkkürü F.Luristanın diqqətini cəlb etmişdi. Camın Şahruh Mirzə zamanından ta Əbusəid dövrünəcən Herat şəhərində yaşadığını qeyd edir. Hətta Ə.Nəvai Ə.Caminin Cam şəhərindən Herata gəlişini Məhəmməd peyğəmbərin Məkkədən Mədinəyə gəlişinə bənzətmişdir.

Herata gələrkən ona verilən böyük bir ərazidə - Səduddin Kaşğarinin məzarına yaxın səmtdə iqamətgah tikdirərək ömrünün axırınacan orada yaşamışdır.

Ə.Cami ailə üzvlərini hamısını itirdikdən sonra bir müddət tək yaşamışdır *("Divan-i Kamil-i Cami", s.789).* Daha sonralar mürşüdü, Heratın məşhur şeyxlərindən olan Səduddin Kaşğarinin böyük oğlu Xacə Kəlanın iki qızından biri ilə özü, digəri ilə də "Rəşahət" əsərinin müəllifi Fəxrəddin Əli Səfi evlənmişdir.

Nəvainin şair təbi nəsrlə yazılmış "Müqəddimə"yə nəzmlə rəng qatmışdır: (1 qəsidə (4 beytlik), 1 qitə (4 beytlik), bir rübai və iki misralıq nəzmlə) (1, s.737-738).

"Müqəddimə"dən sonra təqdim olunan ikinci hissə *"Əvvəlki məqalət"*, yəni "Birinci məqalət" adlanır.

"Əvvəlki məqalət"də Əbdürrəhman Cami və Əlişir Nəvai arasında olan yaddaqalan maraqlı söhbətlər, hadisələr, qarşılıqlı fikir birlikləri kimi məsələlər yer almışdı.

Bu hekayətlərdə Ə.Caminin xoş təbiəti, zarafat dolu hazırcavablığı, elmi, fitrətən fazilliyi təsvir edilmişdir.

Bu misaldan 17 hekayət təqdim edilmişdir. Hekayətləri oxuduqca onların nə qədər bir-birinə ruhən doğma, düşüncə baxımından yaxın, həmişə xoş ünsiyyətdə, sayğı və hörmətlə müraciətləri diqqəti cəlb edir. Eyni zamanada, Ə.Caminin dövrünün nə qədər hörmətli, sözü sayılan, məsləhətləri ilə saray böyüklərinin yanında, qulluğunda nüfuzu olan bir şəxsiyyət kimi təqdim edilməsidir. Bunlar bir daha sübut edir ki, Ə.Cami nə qədər ulu bir elm-mərifət sahibi imiş.

*****

Həmin hekayətlərdən bir neçəsini təqdim edirik:

Sultan o il Xorasan taxtını alanda "Cahan-ara bağı"nı saldırdı. Həftənin çərşənbə axşamı günü idi. Həzrət hüzuruna Qazurgühdan yoluna daş döşənmiş Xiyabanla – Heratın mərkəzinə doğru gedirdik. Yolda "Cahan-ara bağı"nın gözətçisi və bağbanı Seyid Qiyasla rastlaşdıq. Bağban xeyli satın aldığı sərv ağaclarını arabaya yükləyib "Cahan-ara bağı"na aparırdı. O, ehtiramla həzrətə (Cami nəzərə tutulur – A.Ü.) salam verincə, həzrət də özlüyündə zarafatla iltifat göstər amacı ilə dedi ki, bütün sərv ağaclarını bura yükləmisiniz, yerində heç qaldımı?

Bağban dedi: saymışıq, yüz dörd (104) ədəddir.

Əziz (Cami) dedi: "Əcəb ədəddir".

Fəqir dedim: "Münasib saydır, neyçünki "kud" (bu söz əbcəd hesabı ilə 104 deməkdir) ədədi ilə də uyğundur"

Bağban dedi: "Doğrudur"

Və mən fəqiri beləcə təsdiqlədilər" (1, s.743).

*****

Müzəffər Hüseyn Mirzənin (Sultan Hüseyn Bayqaranın oğlu) gözünün ağı-qarası olan oğlu Əhməd Hüseyn Allahın rəhmətinə gedəndə Onunla ("Alar", hörmət mənasında O –deyə Camini nəzərdə tutub) ilə birlikdə "Safəd Bağı"ndakı hüzr yerinə gəldik.

Fəqir nakam övlada mərsiyə ilə ata duası babında bu beyti söylədim:

Sham' o'chsa ham osmon quyoshi aylanib tursin,
Qatra to'kilsa ham boqiylik suvi barqaror bo'lsin (1, s.744).

Bu beyti həzrətin hüzurunda astaca oxudum. Sultanzadələr məclisində əziz (Cami) qələm-kağız istədilər, sonra bu beytlə bitirdim:

Farzand umr daraxti shoxidagi bir mevadir,
Agar undan meva to‘kilsa, daraxt doimo bo‘lsin (1, s.744).

Və sultanzadələr minnətdarlıq edib, bu beytin yazılı surətini alıb, ol Həzrətə (Sultana) təzim edərək uzatdılar.

*****

Bir də fəqir (mən) əski "Divan"ımı dövrün gözəl yazarlarından olan və xoş təbiətli Mövlana Abdusəmədə üzünü köçürməsini söyləmişdim. Ona görə imkan qədər qayğı da göstərilmişdi. "Divan" bitdikdən sonra onun hüzuruna gedib əvvəlki ilə müqayisə (yoxlama) etmək istədik. Onlar dedilər ki, bir-iki gün burada qalsın, diqqətlə baxaq. Katibi xoş təbiətli kişi olaraq tanıyırlar, baxaq, əgər diqqətli olubsa, qarşılaşdırmaya (müqayisəyə) ehtiyac qalmayacaq.

Ertəsi gün onun hüzuruna getdim. Dedilər ki, bu katibqəribə tərzdə yazmışdır, elə fikir yaranır ki, yanlışsız bir misra belə yazmamaq üçün səy göstərmişdir, amma bəzi yerlərdə bir-iki, bəzən də daha çox beyt yazılmayaraq buraxılmışdır. Bir halda ki,yaxşı yazandır, özü də burada olsa, daha uyğun olar – dedilər.

Söz-söhbət uzun çəkdi. Sonda mən fəqir dedim ki, əgər sizin mübarək qələminizlə düzəldilsə, bununla fəxr edərik və həm də səhifə naxışlarınınbəzəyi təsiri bağışlayacaq.

Sonunda o, öz mübarək qələmləri ilə düzəldilməsinə qərar verildi.

Həddindən artıq yanlışlıqlar var idi ki, onlar düzəldildi və "Divan"ın sonunda bu qitəni yazmışlardı:

Bir xati chiroyli (kotib) go‘zallar yuzidek qilib,
So‘zlarimni bezab chiqdi.
Lekin u har joyda qalami xatosi bilan,
Goh bir narsa orttirdi, goho esa, tushirib qoldirdi.
Men o‘z xatim bilan uni tuzatib chiqdim.
Garchi noqulay esa-da, ko‘ngil tilagandek bo‘ldi.
U mening so‘zlarimni ne chog‘lik buzgan bo‘lsa,
Men uning xatiga shunday qusur yetkazdim (1, s.748).

Sultan Yaqub (Ağqoyunlu türkmanlar Sultanı 1464-1491) fəqirdən kitab istəyəndə nəfis tərtibatlı kitabım olmadığından, hər misrasında ol həzrətin mübarək qələmi ilə təshih olunan nüsxəni ona göndərdim və bu hadisəni ona şərh ilə yazdım. Oxuyub şad olmuşdu və sondakı qitəni fikrində tutub məktubda minnətdarlıq hisslərini yazmışdı" (1, s.748).

***"İkinci məqalət"* də** Ə.Cami və Ə.Nəvai arasındakı müxtəlif illərdəki yazışmalar və onlar arasındakı bəzi yaddaqalan və ədəbi xarakter daşıyan hadisələr 13 hekayətdə təqdim olunur.

Məlumdur ki, hər iki sənətkar fars və ərəb dilini gözəl biliblər. Nəvai əsərlərini türk və fars dilində yazdığı kimi, Cami də əsərlərini fars və ərəb dilində yazmışdır.

Bu iki sənərkar arasındakı yazışmalar fars dilində olduğu üçün məktublar və şeirlər orijinalda olduğu kimi, fars dilində əsərə daxil edilmişdir. O zaman "Xəmsət ül-mütəhəyyirin"i ikidilli əsər kimi də dəyərləndirə bilərik.

Əsər türk dilində yazılsa da, iqtibaslar, məktublar fars dilində verilsə də, bunlar əsərin məziyyətinə xələl gətirmir. Çünki, əsər yazılan dövrdə əlyazmalar şəklində yayılırdı və bu əlyazmaların oxucuları öz ana dilləri qədər də fars, bəziləri də ərəb dilini gözəl anlayırdılar.

Məktubların məzmunundan onların haradan və nə üçün yazdıqlarını müəyyən etmək mümkündür. Beləliklə də, həmin məktubları şərti olaraq üç yerə bölə bilərik:

1. Mərvdən göndərilən yazışmalar;

2. Əbdürrəhman Camın Həcc ziyarətində olduğu zaman yazılan məktublar;

3. Ustad-şagird münasibətləri kontekstində müxtəlif yerlərdən biri-birilərinə yazılmış məktublar.

İlk olaraq, Mərvdən olan yazışmalardan nümunələr təqdim edilir. Amma bu nümunələri – məktubları şair rübai şəklində verməyi münasib bilmişdir. Əslində bu məqam Nəvainin ustadım-pirim dediyi ulu zatın bu dünyadan köçündən təsirləndiyini, duyğu anlar yaşadığına bir işarətdir.

Boshim eshiging tuprog'idan uzoqlashgandan beri,
Har kuni biror xatni boshing og'rig'i qilaman.
Sendan noma kelganida, qanday
Xabar keltirar ekan, deb bexud bo'laman (1, s.752; s.835).

Cavab olaraq yazılmış məktub da rübai şəklində təqdim olunur:

Safarga jo'nagan paytingdan buyon,
Yodimga tushganing sari [har tarafni] iskab ko'raman.
Agar sen tomoningga qush uchsa, yohud shamol essa,
Biror nomani boshing og'rig'i qilishni istayman (1, s. 753; s.835).

Caminin Mərvdən göndərdiyi məktubdakı rübaidən iki misra –

Ko'ngildan chiqqan u maqtovlar,
Hamma ruhoniylarga jon bag'ishlaydi (1, s.752; s.836).

II.Əziz (Cami nəzərdə tutulur) Məkkə səfərinə gedəndə Bağdaddan bir məktub göndərmişdi. Həmin məktubdan bir beyt qəzəl təqdim edilir:

Dajla qirg'og'ida yordan uzoq, diyordan judolikda
Shafaqrang ko'z yoshidan ko'ksimda qon dajlasi bor (1, s.759; s.839).

Cavabında həmin qəzələ nəzirə olaraq yazıb göndərdiyini qeyd edir.

Hijron shomi quyoshdek g'arb tomonga yashirindi,
Yo rabbiy, visol tongini sharq tomondan yetkizgil (1, s.759; s.839).

III.Məktublardan aydın olur ki, Sultan Hüseyn Bayqara ölkə ərazisində səfərə çıxarkən onun vəziri, yaxın dostu Ə.Nəvaini də özü ilə aparırmış. Yenə də Sultan Gündüz vilayətinə səfər edərkən Ə.Nəvai ustadı Ə.Camiyə məktub və məktuba əlavə rubai yazıb göndərir.

Dedim: falak meni har tarafga haydaydi,
Sargashta qiladi va yig'latadi.
Yo'q, yo'q, u har qanday bilish kerak narsani biladi,
U ham aylantiruvchi qo'lida asirdir (1, s.763; s.842).

Cami həmin rübaiyə cavab göndərir.

Bizning taqdirimizni yozgan xudo,
Biz bilan senga qadimiy sirlarni bildirguvchidir.
U dilimizni shunday narsaga o'xshatib yaratdiki,
Shamol uni orqa-o'ngga qarata aylantiraveradi (1, s.763; s.842).

Bir hekayətin mövzusu haqqında: şairlər məclisində hafiz Xoca Həsən Dəhləvinin

Менинг ёмғир томчиси каби
кўзёшларим инжуга айланди,
ҳақиқатан, сенинг суҳайл юлдузидай
чиқишинг шундай таъсирлантиради

- beytindəki sözlərin şərhindən bəhs edilir. Bu zaman Nəvainin fikri – şərhi Camiyə göndərilir, təbii ki, imzanı – şərh sahibinin imzası göstərilmir. Camidən cavab gəlincə, hamı heyrət içində qalır. Çünki Caminin fikri Nəvainin şərhi ilə eyni olduğuna şahid olurlar. Bu hadisə uzun müddət Herat məclislərinin söhbət mövzusu olduğunu da əsərdə qeyd edilir.

*****

*Daha bir hekayət mövzusu:*Günlərin birində yenə də bu iki ustad-şagirdin elmi-ədəbi söhbətinin mövzusu Əmir Xosrov Dəhləvinin "Dəryayi əbrar" qəsidəsi üzərindən başlayır. Əslində Cami Mərvdən Herata dönərkən onu qarşılayan Ə.Nəvaiyə həmin qəsidəyə yazdığı nəziräni – "Lüccət ül-əsrar" (100 beytlik əsərin (5, s.240) əlyazma nüsxəsi haqqında Cənnət Nağıyevanın geniş araşdırması ("Azərbaycanda Cami" və "Əbdürrəhman Cami əsərlərinin Bakı əlyazmaları" monoqrafiyalarında yazılmışdır) təqdim edir. Nəvai qəsidəni oxuyur və öz yüksək fikrini sonrakı görüşündə Camiyə bildirir. Əsərdə bu hadisə hekayət şəklində təqdim olunmuşdur.

Əsərin "Xatimə" ("Son") hissəsində də qeyd etdiyi kimi, bu iki yaxın dost-qardaş, ustad-şagird maraq dairələrində olan əsərləri oxuyar, təhlil edər, şərhlər və izahlar verərmişlər: bu kontekstdə "İkinci məqalət"dəki bir misalı qeyd etmək yerinə düşər: "Töhfət ül-əfkar" qəsidəsinin yaradılışı, Caminin ona verdiyi dəyər ilə bağlı

qeydlər mühüm elmi əhəmiyyətə malikdir. Qəsidədə Nəcmiddin Kubraya aid beyt ətrafındakı qızğın mübahisələr hekayət şəklində təqdim edilir.

İkinci məqalətdə nəsrlə yazılsa da, müəllif poetik rənglərlə əsərə əlvanlıq qatmışdır: 17– beyt, 17– rubai, 4 misralıq 8 məsnəvi, 4 misralıq 1 qitə, 2 misralıq 6qitə, 2 misralıq 1 nəzm, 2 misralıq 1 şeir, 4 misralıq 1 şeir və 4 misralıq 2 təzmin.

"Üçüncü məqalət"də Ə.Caminin yaradıcılıq nümunələrinin adlarını bir-bir çəkərək onların ideya-estetik və sənət əsəri kimi dəyərini və müəllifin sənətkarlıq qüdrətini, elmə-ədəbiyyata, təsəvvüf elmində onların əhəmiyyətini şərh etmişdir. Məlumdur ki, klassik ədəbiyyatda ən çox əsər yazan Ə.Cami olmuşdur, yəni onun qədər yaradıcılıq nümunələri olan şəxs yoxdur. "Ə.Cami sürətlə yazıb-yaradan, elmin bütün sahələrini – etika, hədis, təsəvvüf, qanunşünaslıq, dilçilik, ədəbiyyat və ədəbiyyatşünaslığa və s. aid əsərlər yazan dahi sənətkar idi. Yazdığı 46 adda əsərdən 40 adda əsəri bizə gəlib çatmışdır, ikisi Caminin öz dövründə itib-batmışdır, ikisi haqqında heç bir məlumat yoxdur, ikisi isə ya natamamdır, ya da başqa müəllifə aiddir" (4, s.9). Bəzi mənbələrdə isə onun yazdığı əsərlərin sayını 50 qəbul edirlər ki, bunlardan da 34-ü nəsr, 16-sı şeirlə yazılmışdır" (6, s.9).

Əlişir Nəvai "Xəmsət ul-mütəhəyyirin" əsərinin üçüncü məqalətində dahi sənətkarın 38 əsərinin adını çəkir:

"Şəvahid ün-nübüvvət" ("Peyğəmbərlik şahidləri") – peyğəmbərliyin dəlilləri və həzrəti Peyğəmbərin risalətindən, əhli-beyt, səhabə və böyük din adamlarının həyat və elmi fəzilətlərindən bəhs edən bu əsəri Ə.Nəvainin arzusu ilə yazmışdır (1480).

"Nakd un-nüsus" ("Hüccətlər sarası") – Muhiyiddin Arabinin fəlsəfi əsərlərinin şərhi (1459)

"Əşiyyət ül-lamoat" ("Parlaq şölələr") – Fəxrəddin İraqi-nin "Lemayət" adlı əsərinin şərhidir. Ə.Cami Ə.Nəvainin arzusu ilə bu əsəri yazmışdır (1481).

"Fusus" ("Nəqşi Füsus") – Muhiyiddin Arabinin "Fusüs ul-hikemi Naks ül-Fusus" əsərinin şərhinə farsca yazılmış risalə (1491).

Həzrəti Mövlana Ruminin "Məsnəvi"sinin iki beytinə şərh yazılmış risalə–

"Lavome" – İbn əl-Fariz adı ilə tanınan məşhur ərəb təsəvvüf şairi "May qəsidəsi"nin şərhidir.

"Lavoex" (Rövşənliklər" və ya "Aydınlıqlar") – nəsrlə yazılmış təsəvvüfi mövzulu qısa hekayətlər (1465)

"Taiyyə" risaləsi – İbn Farizin "T" hərfinə yazdığı qafiyəli beytlərin (qəsidəsinin) şərhindən ibarətəsərdir.

"Rubailərin şərhi"– bu əsərdə Cami vəhdəti-vücud haqqında olan müxtəlif rübailərini toplayıb onların hər birinin fəlsəfi mahiyyətini açmışdır.

Əmir Xosrov Dəhləvinin iki beytinin şərhinə yazılmış risalə

Əbu Zər əl-Ukaylinin rəvayət etdiyi bir hədisin şərhinə yazılmış risalə

Həzrəti Xoca Məhəmməd Parsanın (Şəmsəddin ibn Məhəmməd ibn Məhəmməd ibnMahmud əl-Hafiz əl-Buxari, vəfatı 1414) "Qüdsiyyə"hikmətli sözlər

məcmuəsi– Nəqşibəndi şeyxi Məhəmməd Parsanın əsərlərindən seçmə sözlərə dair risalə

"Ərbəini-hədis" – bəzən "Çihil hədis" adlanır, islam dininə aid qırx hədisin tərcüməsi üzərindən mənzum şəkildə yazılmış (farsca) əsərdir.

"Nəfahət ül-üns" – "Nəfahət ül-üns min həzərat ül-qüds" ("Müqəddəsliyin yüksəkliyindən dostluq sədaları") əsərini Xoca Abdulla Ənsarinin məşhur əsərlərindən "Təbəqat üs-sufiyyə"nin davamı kimi qələmə almışdır. Həm də bu işi şagirdi və böyük dostu Ə.Nəvainin xahişiilə cəmi iki il müddətinə tamamlamışdır. Mövlana Caminin,yuxarıda qeyd etdiyimiz kimi, zəngin mütaliəsi vardı. Bu əsərində də özündən əvvəl yazılmış kitablardan, xüsusən Əbu Ə.Sülləmi, Fəridəddin Əttar yaradıcılığından kifayət qədər faydalanmışdır. 618 tanınmış sufi – şair, alim, şeyx və digər övliyaların tərcümeyi-hallarını təsvir etmiş, eyni zamanda, 34 qadından bəhs etmişdir. Sufi və hakim məzhəblərin əsərlərinin tədqiqinə aid təzkirədir.

Sonralar Əlişir Nəvai "Nəsaim ül-məhəbbət" əsərini Ə.Caminin təklifi və razılığı ilə "Nəfahət ül-üns" təzkirəsini genişləndirərək türkcə yazmışdır (770 sufi haqqındadır).

"Vücud haqqında risalə" – Varlığın mahiyyəti və Allahın varlığının sübutuna dair yazılmış əsər.

"Mənasiqi Həcc" risaləsi– Cami Həcc ziyarətinə gedərkən qısa müddət qaldığı Bağdadda yazıb tamamlamışdır. Giriş və yeddi hissədən ibarət olan bu əsər fars, son bölümü isə ərəb dilindədir (1473).

"Həft övrəng" ("Yeddi taxt") – şairin yeddi poemasını əhatə edir. Ə.Cami də Nizami Gəncəvi və Əmir Xosrov Dəhləvi kimi "Xəmsə" yaratmaq istəmişdir. Lakin sonra, əvvəlcədən yazdığı iki poemasını əlavə edərək "Həft övrəng" adını vermişdir. "Xosrov və Şirin" poemasını Nizami Gəncəvinin eyni adlı əsərinə cavab olaraq yazmışdır.

1. *"Silsilət uz-zəhəb"*
2. *"Sələman və Əbsal"*
3. *"Töhfət ül-əhrar"*
4. *"Söhbət ül-əbrar"*
5. *"Yusif və Züleyxa" ("Aşiq və Məşuq")*
6. *"Leyli və Məcnun"*
7. *"Xirədnameyi İskəndəri"*

"Baharıstan" ("Yaz bağçası") – Ə.Cami bu əsəri nəzm və nəsrlə – qarışıq şəkildə farsca yazmışdır və əxlaqi-fəlsəfi məzmunu ilə əsrlərdir ki, klassik nümunə kimi dünya ədəbiyyatının qızıl nüsxələrindən hesab olunur. Ə.Cami "Baharıstan" ("Yaz bağçası") əsərini kiçik oğlu Ziyaəddin Yusifin ərəb dili və ədəbiyyatını öyrənməyə başladığı dönəmdə dərslik olaraq yazmışdır.

"Müəmma" janrına aid dörd risaləsi haqqında:

"Xuliyat ul-xulal"– ("Risaleyi muəmmayi kəbir" adlanan ("Bəzəkli libaslar")böyük həcmdəki müəmma haqqında risalə.

"Mutavassit" risaləsi– Orta müəmma haqqında əsər

“Sağir” risaləsi–Kiçik muəmma haqqında əsər (1475)

“Mənzumi əsğar” əsəri– Gənc müəmma haqqında əsər.

Müəmma haqqında bu risalələrdə müəmmanın düzülüşünün, nəzəriyyəsinin elmi şərhi əks olunmuşdur.

“Xəmsət ül-mütəhəyyirin” əsərində: Əlişir Nəvai müəmma haqqında elmi araşdırmalar üzərində tədqiqat aparırkən – əvvəllər yazılmış mənbələrə, bu şeir növünün mürəkkəbliklərinə nəzər yetirirkən Ə.Cami onun yanına gəlir. Ə.Nəvai fikrini ustadına açıqlayır. Ə.Cami də xeyli vaxtdır ki, belə əsər yazmağa tədqiqlər üzərində çalışdığını bildirdi, qısa vaxt ərzində “Mənzum müəmma haqqında risalə” əsərini yazdı və Ə.Nəvaiyə göstərdi.

“Əruz haqqında risalə”

“Qafiyə” haqqında risalə– rədif və qafiyənin tərifini yazdıqdan sonra Qafiyə elminə dair terminlərin şərhi verilmişdir (1487)

“Musiqi” elmi haqqında risalə– musiqi nəzəriyyəsi haqqında yazılmışdır (1485)

“Münşəat” risaləsi – beş bölmədən ibarət dir, şairin farsca - müasiri olan şeyx, alim, sultan və dövlət məmurlarına, o cümlədən Ə.Nəvaiyə yazılmış məktublarından ibarətdir.

Xoca Abdulla Ənsarinin “İlahinamə”, Xoca Ubeydulla Əhrarinin fəkri-fəna mövzusundakı risalələrinə Ə.Caminin yazdığı şərh və qeydlərinin adlarını çəkə bilərik.

*Divanları:*Nəvaişünas Cənnət Nağıyeva “Əbdürrəhman Cami əsərlərinin Bakı əlyazmaları” tədqiqat əsərinin I cildində qeyd edir ki, “Ə.Caminin üç Divan tərtib etdiyi məlumdur. Şairin özünün birinci Divanına yazdığı müqəddimədən məlum oldu ki, o, Əlişir Nəvainin məsləhəti ilə h.897 (m.1492)-ci ildə, şeirlərin yazılma tarixlərini nəzərə almaqla “Divan”ları aşağıdakı şəkildə tərtib etmişdir. 1. Fatihət üş-səbab (“Gəncliyin başlanğıcı”), 2. Vəsitət ül-iqd (“Boyunbağının orta incisi”), 3. “Xatimət ül-həyat” (“Həyatın sonu”).

Bunlardan əlavə Ə.Caminin “Divani qədim” (“Qədim Divan”) adı ilə şöhrətlənmiş bir Divanı da olmuşdur. Şair bunu əlli yaşında ikən tərtib etmiş və iki dəfə onun üzərində (1475-ci ildə) işləmişdir” (5, s.27). Bu fakt təsdiq edir ki, Ə.Nəvai yaradıcılığına Cami təsiri – ustad təsiri nə qədər olubsa, Cami yaradıcılığına da Ə.Nəvai təsiri o qədər olubdur.

Ə.Cami müstəqil məsnəvilərindən başqa, qəsidə, tərcibənd, tərkibbənd, qəzəl, qısa məsnəvi, qitə, rübai və müəmmalarından ibarət olan şeirlərini üç “Divan”ına toplamışdır. Divana yazılan müqəddimələrdə nəsr və nəzmlə ifadə edilən fikir və düşüncələrdə sözün əhəmiyyətini qeyd etməklə heç vaxt nasir kimi, şairliyin də yeri əvəzedilməzdir.

1. “Fətihət üş-şəbab” (“Gəncliyin başlanğıcı”, 1479)
2. “Vəsitətül-iqd” (“Boyunbağınınorta incisi”, 1489)
3. “Xatimətül-həyat” (“Həyatın sonu”, 1491)

Ə.Nəvai “Xəmsət ül-mütəhəyyirin” əsərinin üçüncü məqalətində Ə.Caminin 38 əsərinin adını yazmaqla yanaşı, hər birinin qısa məzmunu da təqdim etmişdir. Bu şərhlər nəsr şəklində yazılsa da, adəti üzrə yeri gəldikcə nəzmi fikirləri ilə

düşüncələrinə rəng qatmışdır (beyt (2), rübai (9), müəmma (2 misralıq 1), məsnəvi (2 misralıq 112).

Xatimə– belə bir cümlə ilə başlayır: bu fəqirin (Nəvai özünü nəzərdə tutur) onun (Camini nəzərdə tutur) hüzurunda oxuduğu və istifadə üçün şərh etdiyi əsərlər: "Qafiyə", "Müəmma "Huliyat ul-hülal)", "Əruz haqqında risalə","Lavoyeh", "Lavome", "Rübai şərhi haqqında risalə", "Aşiyat ul-Lamaat", "Nəfəhat ul-üns...", "Şəfahid un-nübüvvət", "Qüdsiyə", "İlahinamə", "Lamaət", Bəhaəddin Nəqşibəndinin, Xoca Məhəmmədin, Xoca Ubeydullahın və digər sufilərin risalələri idi. Bunlardan başqa Caminin "Xəmsə" (və ya "Həft-övrəng") və digər əsərlərinin müzakirəsini və ya şərh etmələrini yada salır. Ustad-şagird, öyrətmək-öyrənmək kimi müqəddəs münasibətlər məhz bu fonda daha aydın, daha parlaq, daha gerçək bir mənzərədə görünür. Təbii ki, məhz bu səbəbdən iki mütəfəkkirin ortaya, tarixə yadigar qoyub getdiyi əsərlər belə mükəmməl, belə fövqəlbəşər alınmışdır. Dünya söz xəzinəsinin nadir incilərini yaratmağın yolu məhz belə ustad-şagird yolundan keçdiyini "Xəmsət ül-mütəhəyyirin"də çox-çox aydın dərk olunur.

Ustadın vəfatı Nəvai üçün, bütün Xorasan, elm-irfan əhli üçün böyük itki olmuşdur. 78 illik bir ömrə vida üçün Şərq dünyası ayağa qalxdı.

Ustadın xatirəsinə tam bir il aləm əhli, ümumən Xorasan – Herat əhalisi matəm saxladı.

Ə.Cami doğulduğu kənddə - Cam şəhərinin Hircirdkəndində dəfn edilmişdi.

Bir il tamamında Əlişir Nəvai ustadının, dostunun qəbri üstündə böyük bir məqbərə tikdirmişdi.

İl tamamını xatirə olaraq, Həzrət Sultan Bayqaranın rəhbərliyi və iştirakı ilə sayğı və ehtiramla böyük bir mərasim təşkil edildi. Bu mərasimdə Həzrət Sultan Bayqara tapşırığı ilə Ə.Nəvainin yazdığı "Tarix" və "Mərsiyə" minbər üstündə Heratın məşhur şairi, alimi və natiqi olan Mövlana Hüseyn Vaiz tərəfindən oxundu.

Ə.Nəvainin yazdığı "Tarix"in məzmunu belədir:

Həqiqət ocağının gövhəri, mərifət dəryasının dürrü,
Haqqa yetişdi və könlündə başqa bir şey yox idi.
Ilahi sirrinin kamil biliciçi idi, bu səbəbdən şəksiz,
Vəfati tarixi "kaşifi-sirri-ilah" oldu (1, s.852).

"Kaşifi-sirri-ilah" – O, "Allah sirrinin kamil bilicisi" – deməkdir. Bu ibarənin ərəb hərfləri ilə yazılışı əbcəd hesabında 898/1492-ci il oxunur (1, s.852). ("Tarix"i fars dilində özbək dilinə Siyuma Ğəniyeva, özbək dilindən Azərbaycan dilinə isə bu sətirlərin müəllifi tərcümə etmişdir).

İl mərasimində minbər üstündə fars dilində oxunan 70 beytlik (140 misra) "Həzrəti Məhdumun xatirəsinə Mərsiyə"ni (1, s.792-797) Əlişir Nəvainin mürşidinin xatirəsinə ithaf etmişdir (əsər tərkibbənd tərzində yazılıb).

Bu mərsiyənin ahəngindən bir daha aydın olur ki, bu iki ulu şəxs – biri-biri ilə çox bağlı olublar, hətta hər gün görüşməsələr darıxarmışlar: piri-müridlik, ustad-şagirdlik, dost-qardaşlıq münasibətlərini aşaraq yalnız Allaha tapınan kamil insanlar olublar.

Namozingga minglab kishilar to‘plandi,
Yuz minglab malaklar havoda saf tortdi (1, s.795; s.855).
Namazına minlərlə kişilər toplandı,
Yüz minlərləmələk səmada səf tapdı

Sening pok ruhing to‘qqizinchi osmonga shoshildi.
Binobarin, taning yer ostida qolsa, senga ne zarar? (1, s.796; s.855).
Sənin pak ruhun göyün doqquzuncu qatına ucaldı,
Qəsrin, cismin yer üstündə qalsa, sənə nə zərəri?

Ulug‘lar Maxdum keladilar, deb saf tortishdi,
Muxlislarni yuzingni ko‘rishdan mahrum qilma
Ulular Məhdum gəldi, deyə səf düzüldülər, (1, s.796; s.855).
Tərəfdaşlarını üzünü görüşdən məhrub etmə.

Əbədiyyət yolçuluğunu haqq edənlər unudulmazlar.

*****

AMEA M.Füzuli adına Əlyazmalar İnstitutunun nadir əlyazmalar fondunda Əlişir Nəvainin **“Xəmsət ül – mütəhəyyirin”** əsərinin əski əlifba ilə yazılmış iki əlyazma nüsxəsi qorunur –

“Xəmsət ül – mütəhəyyirin”*1-ci**əlyazma nüsxəsi*

Tarixi: *XVIII əsrə aiddir*.
Xətti: *nəstə῾liq*
Əlyazması *medalyonlu meşin cildə* tutulmuşdur
Başlanır: - *vərəq 52 b;*
Bitir: - *vərəq100 b.*
Məzmunu: *Caminin tərcümeyi halı, onun haqqında xatirələr, yazışmalar (məktublar)*
Ölçüsü: *13 x 19 sm*
Həcmi: - *48 vərəq*
Şifr: *M-45 / 2794 – III.* (3, s.272)

“Xəmsət ül – mütəhəyyirin” 2-ci əlyazma nüsxəsi

Tarixi: *XVIII əsrdə* yazıldığı ehtimal olunur.
Xətti: *nəstəliq*
Medalyonlu *qəhvəyi meşin cildə* tutulmuşdur.
Əlyazmasında Nəvainin “Cahar hədis”, “Nəzm ül-Cəvahir”, *“Xəmsət ül-mütəhəyyirin”* və “Vəqfiyyə” əsərləri də vardır
Başlanır: *vərəq 101 b*
Bitir: *vərəq 194 a*
Ölçüsü: *18 x 19 sm*
Həcmi: *93 vərəq*

Şifri: *M-45/2794 – IV.* (3, s.73)

İSTİFADƏ OLUNAN ƏDƏBİYYAT:

1. Навоий, Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин \\ Тўла асарлар тўплами, 10-ж.ли, 5-ж. Toşkent, Ğafur Ğulom nomidaqi naşriyet-matbaa ijodiy uyi, 2011. – 692 bet. (b. 734–797);
2. Навоий, Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин \\ Тўла асарлар тўплами, 10-ж.ли, 9-ж. Toşkent, Ğafur Ğulom nomidaqi naşriyet-matbaa ijodiy uyi, 2011. – 766 bet. ; (291-653).
3. *Əlyazmaları kataloqu* [Mətn]:. I cild: Tarix, coğrafiya, ədəbiyyat nəzəriyyəsi, təzkirələr, bədii ədəbiyyat və münşəat / tərt. ed. M.S.Sultanov: red. H.Araslı: Azərb.SSR EA Respublika Əlyazmalar Fondu. – Bakı, "Azərbaycan SSR Elmlər Akademiyası nəşriyyatı", 1963, 512 səh. (Azərb., ərəb, fars və turk dillərindədir. kiril, ərəb. dillərində)
4. Nağıyeva, Cənnət. *Azərbaycanda Cami* : *əlyazmalar əsasında* // *Bakı* : Elm, 2007. 131 səh.
5. Nağıyeva, Cənnət. Əbdürrəhman Cami əsərlərinin Bakı əlyazmaları. I cild – Bakı, Nurlan, 2009, 327 s. Нагиева Дж. Бакинские рукописи Алишера Навои. Баку: Элм, 1986, 138 с
6. Cami, Əbdurrəhman. Baharıstan (farscadan tərcümə, müqəddimə və qeydlər Rəhim Sultanovundur, redaktoru Ə.Mübariz). - Bakı, 2004, 102 səhifə
7. Cami, Əbdurrəhman. Baharistan (Farscadan tərcumə ed: Muallim Kilisli Rıfat Bilge Meral Yayinevi, İstanbul, 1970.
8. Cami, Əbdurrəhman. Seçilmiş əsərləri ("Yusif və Züleyxa", "Baharıstan"). - Bakı, "Öndər", 2004, 320 səh.
9. Ғаниева С. Навоий насри нафосати. - Т., 2000. – Б. 86–91;
10. Очилов Э. Жомий – Навоий идеалидаги комил инсон \\ Жомий ва ўзбек адабиёти. Т., 2005. – Б. 98–106;
11. Олим Ф. "Хамсат ул-муҳаййирин"да тил ва тасвир \\ Ўзбек тили ва адабиёти, 2012, № 4. – Б. 39–42.
12. Олимов Фаррухбек Султонмуродович. "Алишер Навоийнинг "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асари бадиияти" (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси Автореферати). – Тошкент, 2018, 45 bet. (bet.11)
13. Сирожиддинов, Шухрат. Алишер Навоий манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2011. 326 бет.
14. Ülvi, Almaz. Azərbaycan - özbək (cığatay) ədəbi əlaqələri (dövrlər, simalar, janrlar, təmayüllər) // Bakı, "Qartal", 2008, 334 səh.

15. Ulviy, Olmos. O’zbek adabiyoti va Ozarbayjon (tadqiqotlar, adabiy portretlar). So’zboshi mualliflari: prof.dr. Qozoqboy Yo’ldoshev, doç.dr. Sirdaryoxon O’tanova - Toshkent, 2016. 180 bet.

16. Ülvi, Almaz. Şərq təzkirəçilik tarixindən *(dərs vəsaiti –* “Təzkirəçilik ənənələrinin tarixi kökləri”, B.M.Ovfinin “Lübab ül-əlbab”, Ş.Ə.X.Tərazinin “Fünun ül-bəlağə”, D.Səmərqəndi və onun “Təzkirət üş-şüəra”, Ə.Cami və onun iki təzkirəsi: “Nəfahət ül-üns” və “Baharıstan” və Ə.Nəvainin “Məcalis ün-nəfais” və “Nəsaim ül-məhəbbət” təzkirələri haqqında*). – Bakı, “Avropa”, 2019. - 166 səh.*

17. Ülvi, Almaz. Əbdürrəhman Caminin “Baharıstan” təzkirəsi və əsərin 7-ci rövzəsi. “Ulduz” jurnalı, 2017, səh. 58-65.

18. Ülvi, Almaz. Ə.Caminin “Baharıstan” təzkirəsi // “Müqayisəli ədəbiyyatşünaslığın aktual problemləri” mövzusunda Respublika Elmi-nəzəri konfransının materialları, Bakı, mart, 2017-ci il, səh. 97-101.

19. Ülvi, Almaz. Azərbaycan klassikləri Ə.Caminin “Baharıstan” təzkirəsində // AR Təhsil Nazirliyi Bakı Slavyan Universiteti (Ümummilli lider Heydər Əliyevin anadan olmasının 94-cü ildönümünə həsr olunmuş) Azərbaycanşünaslığın aktual problemləri VIII beynəlxalq elmi konfransın materialları, Bakı, “Mütərcim”, 2017, səh. 92-95

20. Ülvi, Almaz. Azərbaycan klassikləri Ə.Caminin “Baharıstan”təzkirəsində // Azərbaycan MEA Xəbərləri (Humanitar elmlər seriyası). Bakı, “Elm”, №1, 2017, səh.09-14.

21. Ülvi, Almaz. Əbdürrəhman Cami: ədəbi irsindən iki təzkirəsi haqqında – “Nəfahət ül-üns” və “Baharıstan” // “Elm və həyat” dərgisi, №2, 2017, səh.46-55.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ДИПЛОМАТИЯ

Раҳмон ФАРМОНОВ
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори

Алишер Навоий (1441- 1501) Ҳусайн Бойқаро саройи хизматига кирган 1469 йилга қадар 10-11 ёшидан бошлаб, уч султон: Абулқосим Бобур, Абусаъид Мирзо ва Султон Аҳмад Мирзо саройида бўлиб, турли юмушларни бажарган. Демак, айтиш мумкинки, у ўсмирлик давридан бошлаб сарой аҳли: султонлар, амалдорлар, мансабдор шахслар, уларнинг кундалик турмушлари ва ўзаро муносабатларидан яхши хабардор бўлган. Болалигидан зийрак, хотираси ниҳоятда кучли, қатъиятли, ҳар нарсага қизиқувчан ёш Алишер асосий вақтини билим олишга бағишлади. Тарихчи Хондамир

шундай ёзади: “Амир (Алишер Навоий - Р.Ф.) болалик чоғларидан умрининг охиригача ўзининг баракали вақтининг кўп қисмини илм эгаллаш ва камолотга эришиш ишига сарфлаб, бир лаҳза бўлса-да, турли билимларни ўрганиш ва ҳар хил кўникмаларни эгаллашдан тинмади. Умрининг энг яхши фасли бўлган ёшлик йиллари ва йигитлик даврида машҳур олимлар йиғилган ва ҳурматга сазовор фозилларнинг нуфузли маркази ҳисобланган шавкатли Ҳирот шаҳрида катта саъй-ҳаракат ва сўз билан таърифлаб бўлмайдиган ғайрат билан (ўша замондаги) машҳур китобларни мутолаа қилишга машғул бўлди” [Ғиёсиддин Хондамир, 2015:30].

Навоий Самарқандда яшаганида, машҳур олим Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс ҳузурида фиқх илмидан сабоқ олди. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи “Мажолис ун-нафоис” асарида қуйидагича ёзади: “Фақир икки йил аларнинг қошида сабоқ ўқиб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, “фарзанд” дер эдилар”. [Алишер Навоий, 1966:32] Алишер Навоий фиқх соҳасидаги билим ва тажрибасини нафақат ўз асарларида, балки машҳур давлат арбоби сифатида амалий ишларида ҳам изчил қўллади.

Навоийнинг Самарқандга келиш воқеаси то бугунги кунга қадар баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Навоийшунос Ш.Сирожиддинов бу борада ўз монографиясидаги “Навоий Самарқандда” фаслида батафсил сўз юритган [Сирожиддинов Ш., 2011: 54-61]. Мазкур муаллифнинг хулосаларини инкор этмаган ҳолда ўқувчилар диққатини бир масалага қаратмоқчимиз. Маълумки, Навоий ёшлик даврининг бир муддатини Абулқосим Бобур саройида ўтказди. Султон 1456 йили қишлаш учун Машҳадга кўчганида, Алишер ва Ҳусайн Бойқарони ҳам ўзи билан олиб кетади. 1457 йил қиш фаслида Абулқосим Бобур вафот этган вақтда, Навоий 16-17 ёшли навқирон йигит эди. Ўша йили Абусаъид тахтни эгаллаб, Хуросонда нисбатан осойишталик ўрнатди. Бироқ Султон Абусаъид Абулқосим Бобурдан кўра қаттиққўл, барча муаммоларни куч йўли билан ҳал қилиш тарафдори бўлган. Султон Абусаъид Ҳирот тахтини эгаллагунга қадар Хуросонда Мовароуннаҳрдан кўра бирмунча эркинлик, ижод аҳли учун кенг имкониятлар мавжуд бўлган. Навоийнинг айтишича, бу замонда “Хуросон аҳли Самарқанд аҳлига асир эрдилар ва ҳар навъ зулм ва таъддини алардан воқе бўлса, бу асирлар мутеъ ва фармонпазир” [Навоий Алишер, 1999: 114]. Тўғри, Абусаъид бир муддат Ҳирот тахтини эгаллаши муносабати билан Мовароуннаҳр ва Хуросонни бир давлат остида бирлаштиришга муваффақ бўлди, бироқ Улуғбек ўлдирилганидан сўнг Самарқанддаги мутаассиб кучлар илм-фан, тараққиёт ривожига салбий таъсир кўрсатдилар. Айнан Самарқандда ўрнатилган “тартиботлар” Ҳиротда ҳам жорий этилди. Навоий ўз ҳаёти давомида бирон-бир ҳукмдорга нисбатан Абусаъидга очиқ

эътироз билдирганидек муносабатда бўлган эмас. Бу ўз-ўзидан маълум, чунки Абусаъид подшоҳлигида Хиротда ижод қилиш эмас, балки осойишта кун кечиришнинг ўзи ҳам оғир бўлиб қолди. Бундан ташқари, XV асрнинг 60-йилларида Алишер Навоий нафақат истеъдодли ёш шоир, балки халқ орасида адолат учун курашувчи, миллат ва дин вакили ҳамда Султон Абусаъидга қарши курашаётган Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўсти сифатида танилиб улгурган эди. Шу билан бирга "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асаридаги қисқа ва пурмаъно ибораларида Султон Абусаъид Мирзо даврида зулм ва зўравонлик авжига чиққанлиги ифода этилган. Шу билан бирга Алишернинг тоғалари Мирсаъид Али Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийнинг асосий касблари сипоҳийлик бўлиб, Бойқаронинг лашкарбошилари қаторида Абусаъидга қарши жанг қилишлари натижасида подшоҳ жаллодлари томонидан қатл этилган эдилар. Ўз навбатида 1466-1467 йили Бадахшонда Навоийнинг дўстлари томонидан кўтарилган қўзғолон Абусаъид томонидан аёвсиз бостирилди. Демак, Абусаъид замонидаги зулм ва зўравонлик бутун Хуросон халқига қаратилган бўлиб, Навоий шахсини ҳам четлаб ўтмади. Заҳириддин Бобур "Бобурнома" асарида Навоийни "Султон Абусаъид мирзо Ҳиротдан ихрож қилди. Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандда эди" – деб ёзади [Бобур, 1989: 153]. Шу сабабли "Шоирлар ва илм аҳли сиёсатда бетараф бўлганлар" иборасини Навоийга нисбатан асло қўллаб бўлмайди [Сирожиддинов Ш., 2011:50]. Ўз навбатида Ш.Сирожиддиновнинг "Навоийнинг тоғалари ёки Бадахшон хокимининг Абусаъид буйруғи билан қатл эттирилиши Султон ва Навоийнинг бир-бирларига совуқ муносабатда бўлишларига асос бўла олмайди" – деган сўзлари баҳсталаб бўлиб [Сирожиддинов Ш., 2011:51], Султон Абусаъид Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан мактабдошлиги, қалин дўслиги ва энг муҳими ҳаммаслаклигини жуда яхши билар эди. Бундан ташқари, Султон Абусаъид тожу тахт учун курашда энг асосий рақиб ёш, истеъдодли саркарда темурий Ҳусайн Бойқаро эканлигини яхши тушуниб етган эди. Илгарилари Ҳусайн Бойқарога Мирзо Улуғбек ҳомийлик қилган бўлса, Улуғбек вафотидан кейин Султон Абусаъид Ҳусайн Бойқарони қамоққа олади, у қамоқдан қочиб Абулқосим Бобурга қўшилади. 1458 йил 20 ёшли Ҳусайн Бойқаро Астрободни эгаллаб, у ердаги ҳокимиятни ўз қўлига олади ва 10 йил давомида Султон Абусаъидга қарши курашни давом эттиради. Хулоса шундан иборатки, XV асрнинг 60-йиллари ўрталарида иқтидорли шоир, халқ орасида ўз донолиги ва халқпарварлиги билан танилган Алишернинг Султон Абусаъид учун пойтахтдан узоқроқда бўлиши маъқул топилган эди. Самарқандда бўлганида ҳам Алишер Навоий Султон Абусаъиднинг ўғли

Самарқанд волийси Султон Аҳмад ва шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек назоратида бўлган.

Алишер Навоий Самарқандда неча йил яшаганлиги, икки ёки тўрт-беш йилми, ҳозиргача ноаниқлигича қолмоқда. Унинг Самарқанддан қайтган санаси аниқ, Султон Ҳусайн Бойқаро 1469 йил март ойи охирида Ҳиротни эгаллагач, Навоийни Самарқанддан чақиртириб олди ва Навоий ўша йилнинг апрель ойида Ҳиротга кириб келди.

Навоий Самарқандда таҳсил олиш билан бир қаторда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва адабий ҳаётни кузатиб борди. Шоирнинг Самарқанддаги эзгулик ишлари тўғрисида Хондамир ажойиб лавҳаларни қолдирган. Бу замонда Хуросон ва Мовароуннаҳр аскарлари тожу тахт талашаётган темурийлар орасидаги урушнинг қурбонлари бўлганлар. Султон Абусаъид замонида Ҳусайн Бойқаро лашкарлари Хуросон вилоятлари ва туманларига ҳужумлар уюштириб турганлар. “Бир гал улардан икки нафари Амир Аҳмад Ҳожи (Самарқанд шаҳри ҳокими –Р.Ф.) одамлари томонидан қўлга олинди. У ўйлаб ўтирмасдан, буларнинг ҳар иккаласи қатл этилсин ва бошлари Самарқанд волийси Султон Аҳмад Мирзонинг олдига олиб борилсин, дея ҳукм чиқарди. Ўша пайтда Аҳмад Ҳожининг қўшинида бўлган, Ҳазрати султоннинг (Ҳусайн Бойқаро – Р.Ф.) яқин кишиси бўлган ул олий ҳазрат (Алишер Навоий – Р.Ф.) ушбу ҳукм тўғрисида эшитиб, ўша икки асирнинг ҳолига раҳмлари келди ва Амир жанобларига: - бу икки кишини тириклай Султон Ахмад Мирзонинг олдига юбориш керак, токи унинг ўзи бевосита улардан Мирзо Султон Ҳусайннинг аҳволи қандай эканини билиб олсин ва булар тўғрисида ўзи маъқул топган ҳукмни чиқарсин - , дедилар. Амир Ахмад Ҳожига бу сўзлар жуда маъқул бўлиб, ул ҳазратни (Алишер Навоийни – Р.Ф.) олқишлади ва асирларни ўз подшоҳи олдига жўнатди. Султон Аҳмад Мирзо улардан Соҳибқирон Султоннинг (Ҳусайн Бойқаронинг - Р.Ф.) қандай аҳволда эканлигини билиб олгач, ҳар иккаласини қамоққа ташлади. Орадан бир қанча вақт ўтгач, ушбу азизлардан бири қамоқдан озод бўлиб, доно Амир (Алишер Навоий – Р.Ф.) нинг ҳузурига шошилди. Унинг хизматкори бўлиш мажбуриятини бўйнига олиб, бир умр ул ҳазрат мулозимлари қаторидан жой олиб, унинг дуои жонини қилишга мажбур бўлди” [Ғиёсиддин Хондамир, 2015:93-94].

Алишер Навоий Самарқандда эканида ўз донолиги, топқирлиги, қолаверса, моҳир дипломатлиги туфайли сарой аҳли ўртасида катта обрў қозонди ва темурийлар ўртасидаги жангда имкони борича ўз маслаҳатлари билан ҳарбийлар ва асирларнинг ҳаётларини сақлаб қолишга муяссар бўлди. Бизнинг назаримизда, Навоий Самарқандда эканида ўз устида тинимсиз

ишлаши, бу ердаги зиёлилар ва мансабдор шахслар билан узлуксиз алоқада бўлиши, пиру устозлар орттириши билан бир қаторда Самарқанд волийси Султон Ахмад Мирзо ва унинг яқин одами, шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек билан тез-тез суҳбатлар қурган, кейинчалик сарой аҳли билан ҳам яқинлашган. Маълумки, Султон Аҳмад подшоҳ Абу Саъид Мирзонинг катта ўғли бўлган. Навоий Самарқанддалигида у вилоят волийси бўлган. Навоий ва подшоҳ Султон Абусаъид муносабатлари тўғрисида юқорида гапирдик, бироқ Навоийнинг шаҳзода ва вилоят волийси Аҳмад Мирзо билан муносабатлари рисоладагидек бўлган, албатта, бунда Алишербекнинг намунали хулқи, донишмандлиги, юксак маънавий фазилатлари, вазиятни зудлик билан англаши катта роль ўйнаган. Ш.Сирожиддинов Алишер Навоийнинг учта беназир хислатлар соҳиби эканлигини қайд этади, булар: унинг фавқулодда истеъдоди натижасида ёзилган буюк асарлари, машҳур давлат арбоби бўлгани, ниҳоят, уни улуғ пир мақомига кўтарган хулқ-атвори [Сирожиддинов Ш., 2011:70].

XV асрнинг 60-йилларидан бошлаб Султон Ҳусайн Бойқаро нуфузли қўшинларга бошчилик қилгани ҳолда Хуросонда пайдо бўлди. Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва бошқа ҳудудларда гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз тарзда Султон Абусаъид Мирзо қўшинларига қарши курашиб юрди. Хатто Абусаъид Мирзодек кучли подшоҳга қарши кураш жуда оғир эканини сезган Ҳусайн Бойқаро 1468 йилда кўчманчи ўзбеклар хони Абулхайрдан ёрдам сўраб мурожаат қилди, аммо Абулхайр ёрдам беришдан бош тортди. Бироқ кўп ўтмай, Султон Абусаъид 1468 йил Озарбайжондаги Мўғон чўлида туркманларнинг Оққўюнлу сулоласидан бўлган Узун Ҳасан (1453-1478) билан жанг вақтида ҳалок бўлди. Султон Абусаъиднинг ўғиллари: Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд ва Умаршайх Мирзо Ҳусайн Бойқаро билан курашдан воз кечиб, Мовароуннаҳрга қараб йўл олдилар. 1469 йил март ойи охирида Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросоннинг подшоси сифатида тантана билан Ҳиротга кириб келди. Ҳусайн Бойқарони Ҳирот халқи яхши қарши олди. Шундай қилиб, темурийлар давлати яна икки мустақил давлатга: Султон Ҳусайнннинг ҳукмронлиги қарор топган Хуросон подшолиги ва Абусаъиднинг ўғиллари ҳукмронлик қилган Мовароуннаҳр давлатига бўлинди.

Султон Ҳусайн Бойқаро 1469 йили Хуросон тахтини эгаллагач, Навоийни Самарқанддан чақиртириб олди. Ҳусайн Бойқаронинг бу қадами ҳар иккала қўшни ва қадрдон темурийлар давлатлари ўртасидаги дипломатик алоқаларни ўрнатишдан иборат эди. Янги ҳукмдор Навоийни саройга расман таклиф этади ва зудлик билан етиб келишини тайинлайди. Ҳусайн Бойқаро Мовароуннаҳрнинг янги подшоси Султон Аҳмад Мирзога мактуб ёзган

бўлиши ҳам мумкин. Навоий Аҳмад Ҳожибекнинг яқин кишиларидан бўлгани учун ва шоҳлик этикетига кўра, юксак маънавиятли шахс сифатида бошқа давлат ҳудудидан саройга яқин инсонлардан бирига ўзига хизмат қилишни сўраётгани учун унинг ҳомийларига хат ёки фармон юборганлигига ишониш мумкин. Навоийшунос Ш.Сирожиддинов хулосасига кўра, ушбу фармоннинг нусхаси хозирча топилгани йўқ [Сирожиддинов Ш., 2011:66].

Дархақиқат, янги ҳукмдор ўзига ақлли, салтанат сирларини яхши биладиган, яширин ишлар, махфий сирларни текшириш учун ўзига содиқ дўст, халқпарвар, доно, мураккаб вазиятларда тўғри қарорлар қабул қиладиган дипломат шахсни танлаши керак эди. Бу жиҳатдан Ҳусайн Бойқаро учун Алишердан муносиб инсон топилмас эди.

1469-1470 йиллар Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий учун ниҳоятда мураккаб ва оғир синовлар даври бўлди, чунки янги давлатнинг тамал тошини қўйиш арафасида Хуросонда темурийлар ўртасида тожу тахт учун кураш авжига чиқди. 1468 йил Абусаъид ўлдирилгач, тахтни эгаллаган Ҳусайн Бойқаро бошқа бир темурий даъвогар Ёдгор Мирзога қарши кураш олиб борди. 1470 йилнинг ўрталарида Ёдгор Мирзога қарши курашишда Ҳусайн Бойқаро Ҳирот шаҳрида ўз амалдорларини қолдириб урушга кетган эди. Бу пайтда Ҳирот аҳолиси маҳаллий амалдорларнинг ўзбошимчалик билан солиқ солганлигидан ғазабланиб, қўзғолон кўтарди. Султон Ҳусайн Бойқаро ўзи билан сафарда бўлган Алишер Навоийнинг илтимосига биноан, аҳолини тинчитиш ва очкўз амалдорларнинг зулмига барҳам бериш ниятида Навоийни Ҳиротга юборади. Навоий халқ орасида норозилик туғдиришга сабабчи бўлган гуноҳкорларни жазолаш тўғрисидаги Султон фармони жума намози минбаридан туриб халққа ўқиб эшиттирилишини айтади. Алишер Навоийнинг маслаҳати билан Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротда фармон чиқариб, пойтахт ва унинг атрофидаги деҳқонлар, ҳунармандлар ва барча аҳолини икки йилга фавқулодда солиқлардан ва аскарларни боқиш учун солинадиган тўловлардан озод қилади [А.Мирзоев, 1982:101-102].

Ёдгор Мирзога қарши барча курашларда Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ёнида туриб, унга маслаҳатлар бериб туради. 1470 йил ёзида Ёдгор Мирзо ўлдирилгач, Ҳусайн Бойқаро то вафоти (1506) гача Хуросонда подшоҳлик қилди.

Алишер Навоий 1469 йил апрель ойидан то 1471 йил охиригача Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдорлик қилди. 1471 йил кузида амирликка тайинланди. Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан бўлган қисқа сухбатларидан сўнг Навоий билан Саййид Ҳасан Ардашер (Навоий у тўғрида “бу фақирга ота ўрнида эди.... Бу фақир турклар ва тожиклар орасида ундан етукроқ кишини кўрмаганман -”деб ёзган эди) бир кунда жубба ва кулоҳи

наврўзи кийиб, муҳрдорлик ишига киришишлари тўғрисида қарор қилинади. Кўпчилик сарой аҳли хаёлларида муборак фармонга мувофиқ тадбирли, доно ва ёш Алишернинг барча амирлардан юқорига муҳр босади, деган фикр тинчлик бермас эди. Аммо Алишер "қоғозни олиб, ўта камтарлик ва хокисорлик юзасидан шундай бир жойга муҳр босадиларки, бирор киши ундан қуйироққа муҳр боса олмади. Амир Саййид Ҳасан бу ҳолатни кўриб хижолатда қолди, бошқалар эса Амирлик йиғинларининг тўрида ўтирувчи бу зотнинг бунчалик камтарлигидан ҳайрат денгизига ғарқ бўлдилар" [Ғиёсиддин Хондамир, 2015:106; Айни С., 1975:172-173]. Дарҳақиқат, Алишернинг бу рафтори саройдаги унинг мухолифларини ёш амалдор билан яқинлашишга ва кўпчиликнинг меҳрини қозонишга ундади.

Садриддин Айнийнинг маълумотларига кўра, 1472 йилнинг бошида Хуросон давлати ва унинг пойтахти Ҳиротда тарихий ўзгаришлар юз берди. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро фармони билан амирлик рутбасига эга бўлди ва бош вазирликка тайинланди. Ўша дамда унинг устози Саййид Ҳасан Ардашер ҳам амирлик унвонига соҳиб бўлди. Алишер Навоий бош вазир бўлган девонда Низомулмулк мулк ишлари бўйича мутасадди эди. Хўжа Мажидиддин эса Ҳусайн Бойқаро саройида парвоначи вазифасини эгаллади. Парвоначи Султоннинг қабул кунлари келиб тушган ариза, арзу додлар, норозиликларнинг мазмунини подшоҳга таништириб, жавобини ва ижросини ўз эгаларига етказар эди. Вазирликда Алишер Навоийга яқин кишилар унинг содиқ шогирдлари Хўжа Афзал ва Хўжа Абдулла Марварид ҳам бўлиб, улар молу мулк масалалари билан шуғулланиб, Навоийнинг топшириқларини бекаму кўст ижро этар эдилар. Нима бўлганда ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро саройида Алишер Навоий подшоҳдан кейин биринчи шахс хисобланар эди [Айни С., 1975:173]. XX асрнинг таниқли афғон тарихчиси Мир Ғулом Муҳаммад Ғубор маълумотларига кўра, Алишер Навоийдан кейин энг нуфузли вазир бу темурий Шужоиддин Арғун бўлиб, у бир вақтнинг ўзида Ғур вилоятининг хокими ҳам эди. Бу мавзеда хазоралар ва такударийлар кўпчиликни ташкил этар эди [Мир Ғулом Муҳаммад Ғубор, 1967:Б.271].

Алишер Навоий мамлакатни бошқаришда адолат мезонларини ўзига асос қилиб олди, имкон даражасида ортиқча солиқларни бекор қилди, давлат бюджетини қаттиқ назоратга олди, хазинага келиб тушадиган даромадларнинг бир қисмини мамлакат эҳтиёжига, унинг фаровонлигига сарфлар эди. Шу билан бирга маҳаллий ҳокимлар ва амалдорларнинг ўзбошимчалигига чек қўйиб, мамлакатда қаттиқ тартиб ўрнатди. Алишер Навоий мамлакат бош вазири сифатида илм-фан, адабиёт, санъат ва маданий соҳаларга катта эътибор қаратди, зиёлилар, ҳунармандлар учун кенг имкониятлар яратди. Алишер Навоий вақф мулкларидан келадиган катта

даромадни илм-фан ва маърифатга йўналтирди. Вақфдан келадиган даромадларни илгарилари садрлар ўз билганларича ишлатишар ва оз қисминигина давлатга ажратишар эдилар. Навоий бу ишга чек қўйди, вақф тизимини такомиллаштирди, вақфдаги кирим-чиқимлар учун ҳисоб-китоб дафтарлари юритиладиган бўлди. Шунингдек, вақфдан келадиган даромад беваю бечора, камбағал, етим-есирларга сарфланадиган бўлди. Алишер Навоий ҳомийлигида ўнлаб эмас, юзлаб илм толиблари етишиб чиқди, илм-фан, адабиёт, тасвирий санъат, хаттотлик, турли касб-ҳунар эгалари машҳури жаҳон бўлдилар. Алишер Навоий шахсида илмпарварлик, сахийлик ва инсонпарварлик бир-бирлари билан уйғунлашиб кетган эди. Алишер Навоий ўзи қурдирган мадрасалардаги мударрисларга ҳар йили 200 олтиндан маош белгилаган, у даврда 5 олтинга бир қўй берган. Яна ҳар ойда уларга икки қопдан буғдой ва арпа берган. Буғдой нон учун, арпа эса уни минадиган оти учун сарфланган.

Навоий талабалар гуруҳининг 11 тадан оширмасликни тавсия берган, агар ҳар гуруҳда 20 ва ундан ортиқ талаба бўлса, мударрис уларнинг ҳар бирига етарлича эътибор бермайди деб маслаҳат берган; ўз навбатида Навоий талабаларни қобилияти ва яхши ўқишига қараб уч тоифага бўлган ва улар учун уч даража маош – стипендия белгиланган [П.Қодиров, 2010:146.].

Алишер Навоий йўлларни таъмирлаш, янги ерларни очиш, каналлар қазиш, кўприклар ясаш, хаммомлар қуриш масаласига жиддий эътибор қаратди. Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўзига эътиқодини оқлагани учун унинг “Муқарриби Хазрати Султоний”, яъни “Султоннинг энг яқин кишиси” унвонига сазовор бўлди. Навоийшунос Ш.Сирожиддинов Алишер Навоийнинг юқори мансаб, соҳибдевон – девон олий амири мансабини 1472-1476-йиллар давомида эгаллаган деб ҳисоблайди. Шу билан бирга муаллиф Алишер Навоийнинг “Вақфия” асарига асосланиб, буюк мутафаккирнинг бош вазир – девон соҳиби сифатида масъул бўлган 9 та соҳа ва тармоқларни санаб ўтади.

Диққатга сазовор томони шундаки, Алишер Навоий бош вазир сифатида турли халқ сайиллари, умумхалқ тадбирларини ташкил этиш билан бирга, ташқи ишлар, хориждан келган улуғ меҳмонларни расмий қабул қилиш ва кузатиш, фавқулодда ҳолатлар, исёнлар ҳамда чегара муаммоларини ҳал қилиш; шу билан бирга порахўрликка қарши кураш, талончилик ва босқинчиликка қарши кураш, суд-адлия ишлари, вилоятлардан тушган ариза ва шикоятларни текшириш, амнистия (озод этиш) ва диний алоқалардан иборат бўлган [Сирожиддинов Ш., 2011:67].

Айтиш жоизки, Навоий бош вазир бўлган давр Хуросон подшолигининг энг гуллаган вақтига тўғри келди. Жуда кўп қурилишлар,

жумладан, мадрасалар, хонақохлар, ҳаммомлар, масжидлар, аҳоли истиқомат қиладиган жойлар, кутубхоналар, маданият, санъат масканлари барпо этилди. Каналлар қазилиб, янги ерлар очилди, кўприклар қурилди. Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро саройида ўн йил давомида вазирлик қилиши давомида илм-фан, адабиёт, санъат, маданият соҳаларидаги улкан сиймоси, Алишер Навоийнинг давлат ва жамоат арбоби сифатида серқирра фаолияти афсуски то ҳозиргача тўла ўрганилгани йўқ. Фақат шу нарса маълумки, Алишер Навоий бош вазирликдан истеъфо берган бўлса-да, бироқ давлат ишларидан бутунлай узоқлашмади. Устози ва дўсти, форс-тожик адабиётининг йирик вакили Абдураҳмон Жомийнинг маслаҳатлари билан доимо халқ манфаатлари йўлида хизмат қилди. Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ" асарида қайд этилишича, Навоий мансаб ва лавозимда ишлаб юрган кезлари мискин ва дарвешларга моддий ёрдам бериш ҳамда бошқа юртлардан келган йўловчилар ва мусофирлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Хуросоннинг турли жойларида кўплаб хонақоҳлар, работлар, ҳовузлар, кўприклар, ҳаммомлар қурдирган. Китобда барпо этилган иншоотларнинг айримлари тилга олинган: 12 та хонақоҳ ва иморат, 54 работ қурилиб, яна битта работ қайтадан таъмирланганлиги, 19 та ҳовуз ковланганлиги, 14 та кўприк ясалганлиги, 2 та кўприк таъмирланганлиги ва 2 тўғон барпо этилганлиги, 9 та ҳаммом бунёд этилганлиги ҳақида маълумот келтирилади. [Ғиёсиддин Хондамир, 2015, 65-68] Қизиқ томони шундаки, Алишер Навоий барпо этган иншоотларнинг сони ва қиймати подшоҳ Ҳусайн Бойқаро қурдирган бинолар ва иншоотлардан кўп бўлган. Муҳтарам ўқувчиларимизда "Алишер Навоий бунчалик бойликни қаердан олган?"деган савол туғилади. Навоий ўз даврининг катта даромадга эга шахсларидан бўлган. Лекин у ўз бойлигини халқ манфаатига, ночор кишиларнинг мушкулларини енгиллаштиришга қаратган. Алишер Навоий меҳр ва марҳаматли, саховатли бўлиб, камтарликда тенгги йўқ одам бўлган. Навоийнинг ана шу жиҳатлари ҳам ибрат, ҳам намуна бўлиб, авлодларимизни бунёдкорликка, эзгуликка чорлаб келмоқда.

Алишер Навоийни буюк давлат арбоби, моҳир дипломатлигини унинг ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ёшлигидан туркийда "Хамса" достонларини ёзишни орзу қилган буюк мутафаккир 1483-1485 йилларда бу тарихий вазифани амалга оширди.

Навоий "Ҳайратул аброр"достонида подшоҳ таърифини келтирар экан, унинг суръати эмас, сийрати шоҳ бўлиши, комил инсон бўлмоғи даркор дейди:

"Шоҳ ул эмаским, бошиға қўйди тож,
Шох ани билким, йўқ анга эҳтиёж....

Шоҳ бошининг шарафи тож эмас,
Англа ани шоҳки, муҳтож эмас.
Шоҳ ани билким, боши қалпоқда
Базл этар офоқ берур чоқда”. [Алишер Навоий, 1960:76]

Шу билан бирга подшоҳга хизмат қилишнинг масъулиятини тўрт шартни бажариш билан боғлиқ ҳолда талқин қилади:

Баҳрда тушса дури хуршед ранг,
Зимнидадур ғарқаи коми наҳанг.
Англа бу қонун ила шаҳ хизматин,
Айшидин ортуқ ғам ила меҳнатин.
Суд эрур нечаким бўлсанг йироқ,
Турфа буким бўлмағанинг яхшироқ
Кимга фано ганжидан огоҳлиқ,
Мулки қаноатда анга шоҳлиқ.
Хизмат агар бўйнинга беихтиёр,
Тушса қилурда анга не ихтиёр
Мухтасар айлай, эшит ижмолини,
Фаҳминга зоҳир қилай аҳволини
Топсанг шоҳ хизматига интисоб,
Тўрт иш этгил ўзунга иртикоб:
Ният анинг бирла бурун рост қил,
Ғайринг анинг кўнглунга бехост қил
Яна будурким, токи хизмат чоғин,
Айла, вале айламагандек соғин.
Яна буким, яхши-ёмон дема сўз
Эл ёмону яхшисиға солма кўз.
Яна буким ранж етар, гар тааб,
Асра ёмон яхшиға шарти адаб [Алишер Навоий, 1960:74].

Навоийнинг бу сўзлари шунчаки назария, таълимот бўлиб қолмасдан, ҳаёт, амалиёт натижаси эди. Чунки буюк давлат арбоби, беназир инсоний хислатлар соҳиби, доно ва зукко Алишер бу ҳолатларни ўз бошидан кечирди.

Юқорида айтганимиздек, бу даврда Хуросон пойтахти Ҳирот шахри гуллаб яшнади, машҳури жаҳон бўлди. Бу ҳақда Навоий шундай ёзади:

“Мисру Самарқанд не монанд анга,
Зимнида юз Мисру Самарқанд анга,
Ким ани Ҳақ асради офатдин,
Элин этиб барча балиётдин” [Алишер Навоий, 1960:74].

Навоий ниҳоятда элпарвар, ватанпарвар инсон бўлиб, гуллаб-яшнаган Ҳиротга кўз тегмасин, Хуросон аҳолиси ҳамиша омонликда яшасин деб орзу қилган. Бу масалада юрт подшосини огоҳликка чақирган:

“Шоҳ улус ҳолидан огоҳ эмас,

Жуз маю мутриб анга дилхоҳ эмас” [Алишер Навоий, 1960:134].

Алишер Навоийнинг тарихий хизмати фақат унинг ўзбек адабий тилини мумтоз даражага кўтарганидагина эмас, балки у шунча кўп қурилиш, ободончилик ишларининг барчасига етарли маблағ топа олганини “Вақфия” асарида ажойиб тил ва услуб орқали очиб беради. “Вақфия” туркий тилда ёзилган ҳуқуқий ҳужжатнинг мумтоз намунасидир. Чунки у пайтларда шариат пешволари бирча ҳужжатларни, жумладан “Вақф”га оид хужжатларни араб ва форс тилларида ёзганлар. “Алишер Навоий ўз “Вақфия”сини гўзал туркий тилда ёзиш билан бу соҳада ҳам янгилик яратади ва адабий тилимизнинг шариат қонунларига асосланган мумтоз шаклларини кашф этади”. [П.Қодиров, 2010:144] Демак, Алишер Навоий туркий - ўзбек тилини давлат тили даражасига кўтарди, ҳаётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан қонунчилик, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда ундан унумли фойдаланиш имкониятларини намойиш этди.

Навоийнинг ижтимоий, сиёсий фаолияти ва давлатни бошқариш, уни идора этишда насрий йўл билан ёзилган “Муншаот” асари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу асар иншо санъатининг ўзбек тилидаги дастлабки нодир намунаси бўлиб, унда Навоийнинг турли йилларда ёзилган 100 дан ортиқ мактублари жамланган [Ю.Турсунов, 2016:145]. Шартли равишда 56-мактуб дея рақамланган мактуб темурийлар учун давлатни идора қилиш дастуруламали эди десак ўринли бўлади. Навоийшунос олимларимизнинг фикрича, бу мактуб XV-асрнинг 90-йилларида ёзилган ва айнан Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли Бадиуззамонга аталган [Ю.Турсунов, 2016:15-22]. Мазкур мактубда темурийларнинг Хуросондаги давлати таназзулни бошидан кечираётганлиги ва Алишер Навоий давлат ишларидан бир мунча узоқлашган бўлса-да, бироқ мамлакатда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қараб туролмаслиги яққол акс этган. Алишер Навоий зийрак давлат арбоби сифатида, ўз фаолиятида сиёсий ихтилофларнинг олдини олиш, марказлашган мустақил давлатга раҳна солаётган кучлар, энг аввало, Ҳусайн Бойқаро билан шаҳзодалар, айниқса, Бадиуззамон ўртасидаги низоларни бартараф этиш, мамлакат осойишталигини, яхлитлигини таъминлаш ва юртнинг барқарор бўлиши устида қаттиқ изтироб чекаётган эди.

56-мактуб ўз ҳажми жиҳатдан ҳам анча кенг; унда Алишер Навоий мамлакатни бошқаришга оид ўттиздан ортиқ муаммоларни ўртага ташлаб, уларни қандай қилиб зудлик билан амалга ошириш йўллари ва услубларини

кўрсатади. Ана шулардан баъзилари билан муҳтарам ўқувчиларимизни таништирсак: “Яна улким , алас-сабо (эрталаб бир йўлакай – Р.Ф.) ҳарамдан чиққач, девонда ўлтуруб додхоҳ сўрулса, дағи додхоҳ сўрарда ўзлук била машғуллуқ қилилса, агар бир мазлумға бировдин зулме ўтган бўлса, золимға андак сиёсат қилилсаким, ўзга золимларға мужиби интибоҳ (огоҳлантирувчи – Р.Ф.) бўлса”. [Ю.Турсунов, 2016:97]

Алишер Навоий марказлашган давлатга раҳна етмаслиги учун ички интизомга, жойларда подшолик томонидан йўлланган амру фармонларни бажаришни назорат қилишга катта эътибор қаратади. “Яна улким, - деб ёзади Навоий, - аркон давлатқа ҳар ишким, буйрулур, агар бутмаги бир кун муяссардур, агар икки ё уч кун – андоқ муқаррар бўлсаким, бот бутардек ишни ҳамул кун арз қилиб, жавоб олсалар..... Ҳар кун не миқдор бутганин келиб арз қилсалар. Агар баъзи ҳукм йўсуни била миоддин (белгиланган вақт – Р.Ф.) ўткариб, арзға еткурмасалар, аларга андоқ хитоб бўлсаким, ўз ишларидан ғофил бўлмасалар”.[Ю.Турсунов, 2016:145] Алишер Навоий ўз мактубида мамлакат аъёнларини дину диёнатга чорлайди, 5 вақт намоз ўқиш, рўза тутиш, бева-бечоралар ҳолидан ҳабар олиш, чоғир ичишдан ўзни сақлашга даъват этади. Шу билан бирга Навоий Аллоҳга мурожаат қилиб, давлат бошлиқларига, амалдорларга инсоф, диёнат сўрайди.

Навоий Бадиуззамонга мурожаат этиб, ундан шаробхона, фоҳишахона, қиморхона каби жойларни мань қилишни сўрайди. Чунки бундай “бузуқи масканлар” одамларни ёмон йўлга бошлайди, уларнинг маънавиятини тубанлаштиради. “Яна улким, - деб ёзади, - Навоий, - шаҳар эҳтисоби (хисоб қилиш, текшириш, таъқиқловчилар – Р.Ф.) амрида яхши эҳтимом (аҳамият бериш, диққат қилиш- Р.Ф.) қилилса, андоққим, шаробхона, байтул-латиф (фоҳишахона) ва қиморхона – буларга ўхшар номашруъ умурни кулли мань қилилса. Муҳтасиблар хафтада 2 қатла бозор аҳлининг нархларидан вуқуф топсалар” [Ю.Турсунов, 2016:98]. Мазкур мактубда халқни маърифатли қилиш, турли илмлардан, шу жумладан тарихни ўрганиш масаласига катта эътибор қаратилган. Ҳатто кутубхоналарда тарихни, хусусан Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарини ўрганиш юзасидан маърузалар қилиш ва баҳслар ташкил этишни Алишер Навоий тавсия қилган.

“Яна улким, мулк ва мол ишида, басе додхоҳ ишидан фароғат ҳосил бўлса, малолат дафъи учун китобхонага кирилса, кутубхона аҳли билан машғуллуқ қилилса, наввобдан (ўринбосар, навбатчи – Р.Ф.) ҳар қайси муносиб кўрулса, таворих ўқумоқ буйурулса, батахсис “Зафарнома”, агар машойих сўзи ё баъзи давввовиндин дағи гуфту шунуфт (савол-жавоблар – Р.Ф.) бўлса, номуносиб эрмас” [Ю.Турсунов, 2016:97]. Алишер Навоийнинг бу мактуби яна бир жиҳатдан қимматлики, у 1487-1488-йилларда

Астрободда хокимлик қилган эди, у ерда адолатпарвар амир номи билан машҳур бўлган шоирнинг тажрибаси Бадиуззамонга жуда қўл келган. [Алишер Навоий. Қомусий луғат, 2016:12] Ҳатто шоир ўз мактубида Бадиуззамонга ўша замонда маълум ва машҳур бўлган бир неча фозилу донишмандларга таяниб иш кўришини маслаҳат беради. Бизнинг назаримизда, мактубда Навоий томонидан номлари тилга олинган тарихий шахслар Астробод музофотида истиқомат қилганлар. Улардан бири "булукот (вилоят –Р.Ф.) улуғларидан Хожа Фахриддин болиғ барчага бу дастур била муқаррар қилинсаким, булуклар кент – бакент бу навь амал қилсалар." [Ю.Турсунов, 2016:98]

"Яна улким, - деб таъкидлайди Навоий, - судурға (диний маросимларни текширувчи катта мансабдор – Р.Ф.) ҳукм бўлсаким, вилоят авқофидин (вақфлар –Р.Ф.) ҳабардор бўлсалар, бузулғонни тузсалар, мутағаллиба илгида (зўрлик билан қўлга олувчи – Р.Ф.) бўлса чиқориб, ҳосилин масрифиға еткурсалар. Бу ишларким, судурға буйрулур Хожа Фалонни дағи ҳукм бўлсаким, алар ишидин ҳабардор бўлуб, аларға мададкорлиғда таҳсир (камчилик – Р.Ф.) бўлмаса" [Ю.Турсунов, 2016:98]. Навоий яна ўз фикрини давом эттирар экан, "Ҳофиз Муҳаммад Санойи ғаниматдур (назаримизда бу инсоннинг ёши ўша пайтда улуғ бўлса керак, унинг номи мактубда Хожа Фалон каби икки марта тилга олинган – Р.Ф.), шарьда (диний қоидага мувофиқ) анинг қавлиға қувват берилсаким, шарьға мужиби тарвиж (ривожланишга сабаб) бўлса". [Ю.Турсунов, 2016:99] Алишер Навоий элнинг аҳволидан доимо бохабар бўлишни, фуқароларнинг арзларини диққат билан тинглаб, тегишли чоралар кўришни маслаҳат беради. **"Ҳар қайсиға ўз хўрд холиға (ўзига яраша) кўра, илтифот қилиб, батахсис** (хусусан), Мир Зайнулобиддин жонибиким, риойати бағоят вожибдур, мундағи илтифот дастури била алар жонибин дойим риойат қилилса" [Ю.Турсунов, 2016:99].

Навоийнинг мамлакат ҳудудининг ғарбий чегара қисмида жойлашган Астрободга алоҳида диққат қаратгани бежиз эмас, чунки мазкур ўлка замонавий тил билан айтганда, стратегик аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат аҳолиси тинчлигини сақлашнинг муҳим омили ҳисобланган. "Ул вилоятнинг бир куллий иши, - деб ёзади Навоий, - даҳоналарнинг (чегарадан ўтиш дарвозаси –Р.Ф.) забтидур. Бу маҳалдаким, кўнгул тиламасдек амре воқиъ эмас, даҳоналарда андоқ мазбут кишилар (забт этувчи кишилар – Р.Ф) қўйуб, андоқ мустаҳкам ва мазбут қилилсаким, наузу биллох, агар амре ҳодис бўлсаки, мужиби тараддуди (иккиланиш сабаби) хотир бўлса, даҳоналар тарафидин хотир бикуллий жамъ бўлса". [Ю.Турсунов, 2016:99]

Алишер Навоий ташқи сиёсат, давлатлараро муносабатлар, ташқи савдо масалаларига жиддий эътибор қаратиб, бу соҳада коррупция,

порахўрликка йўл қўймаслик чора-тадбирларига батафсил тўхталади. “Девониларга ҳукм бўлсаким, - деб ёзади Навоий, - атрофдин келган бозилгонлар (савдогарлар – Р.Ф.) жонибин риойат қилсалар. Ул вилоятда “тамға” лафзи бўлмаса. Закотни шаръ ва ҳукм йўсини била алардин мустахлас (халос этишган, озод этилган) қилилса. Закотчилар ишидан бавожиби моҳ бамоҳ (ойма-ой), балки ҳафта-баҳафта фуқф топиб, арзға еткурсалар . Жузвий жарима қилғанни куллий сиёсат қилилса бок (хавф) йўқтур, то бу овоза олам мамоликига ёйилса, тужжорнинг (савдогарларнинг) ружуъи кўпрак бўлса” [Ю.Турсунов, 2016:100]

Алишер Навоий мазкур мактубда қўшинлардаги тартиб-интизом, қўмондон ва зобитлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришларига алоҳида эътибор қаратади. “Мирзо навкарлариким, анда қуллуққа машғулдурлар, Мирзо навкарлиги ҳайсиятидин (лаёқатидан) иноят ва ҳурмат алар бобида кам бўлмаса. Лекин беқоидалиғи биридан зоҳир бўлса, босхос ва сиёсатда маъзур тутулмаса. Яна улким, тавочи бекларига ҳукм бўлсаким, ётиш эмин мазбут таъйин қилиб, ётиш тавочиси ҳар кун аларнинг ётишига келган келмаганини яхши тергаса то ётиш иши фавт бўлмаса” [Ю.Турсунов, 2016:99]. Шундай қилиб, бир қатрада уммон акс этганидек, Алишер Навоий ўзининг бир мактубида XV аср сўнгги чорагидаги темурийлар давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, қандай қилиб мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш, уни барқарор ривожлантириш чора-тадбири дастурини тузиб, уни амалга ошириш йўл-йўриқларини кўрсатиб берди.

Навоийнинг номи хорижий мамлакатларда ҳам маълум ва машхур эди. Ўша кезлари Ироқ ва Озарбайжонни туркманлардан бўлган Оққўюнли сулоласидан чиққан Яъқуббек бошқарар эди. Султон Ҳусайн Бойқаро қўшни Ироқ ва Озарбайжон давлати билан яқин алоқалар ўрнатиш мақсадида 1487 йил Яъқуббекка мактуб йўллади. Бу мактуб Алишер Навоийнинг Астробод хокими бўлиши муосабати билан ёзилган эди. Чунки Алишер Навоийдан олдин ўтган Астробод ҳокими даврида муносабатлар ўта кескинлашиб, ҳатто орада тўқнашувлар ҳам содир бўлган эди [К.Эргашев, 2009:34]. Дархақиқат, Алишер Навоий бу ерга етиб келгач, Хуросон давлати учун стратегик аҳамиятга эга бўлган Астрободда сиёсий вазият барқарорлаштирилди. Астрободга Мозандарон, Ғилон ва Рустамдор хукмдорларидан Навоий қошига бирин-кетин элчилар келишди ва Навоийни табриклаб совға-саломлар жўнатишди. Хуросон билан Ироқ ўртасидаги муносабатлар Навоий Астробод хокими бўлгач, янги босқичга кўтарилди. Ироқ подшоси Султон Яъқуббек Навоий ҳузурига бир неча марта ўз элчиларини жўнатиб турди. [К.Эргашев, 2009:35]Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатлари ўртасидаги

муносабатларнинг илиқлашувига Хуросон тарафдан Алишер Навоий, Мовароуннаҳр давлатидан Аҳмад Ҳожибекнинг ҳиссалари беқиёс.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг энг яхши маслаҳатчиси, ишонган дўсти, уни мураккаб вазиятларда қўллаб-қувватлаган йирик давлат арбоби ва моҳир дипломат, бутун ҳаёти давомида бир-бирлари билан тожу тахт талашган шахзодаларни яраштиришга бор куч-қувватини сарфлаган фидойи шахс эди. Унинг давлат арбоби, моҳир дипломат сифатидаги фаолияти, бунёдкорлик ишлари, Ватани ва ўз халқини севиб ардоқлаш йўлидаги фидокорликлари, буюк мутафаккирнинг бой адабий, маънавий, тарихий мероси ҳали яна кўп асрлар жаҳон аҳлини ҳайратга солишига шубҳа йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хондамир Ғиёсиддин. Макорим ул-ахлоқ. – Т.: Ғафур Ғулом, 2015.
2. Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. МАТ. 20-жилдлик. – Т.: Фан, 1999.
3. Сирожиддинов Ш., Алишер Навоий. Т.: 2011.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.Т.: 1989.
5. Мирзоев А. Бинои. Тожикистон нашриёти. 1957 (Тожик тилида). Қаралсин: История Афганистана. М., “Мысль” 1982.
6. Садриддин Айни. Собр.соч. в 6 томах. Том-6. М., “Худ.литература”.
7. Мир Ғулом Муҳаммад Ғубор. Афғонистоннинг тарихий йўли. Дари тилида. Қобул: 1967.
8. Қодиров П., Тил ва эл. Т.: 2010
9. Турсунов Ю., “Муншаот” асарининг матни тадқиқи. – Т.: Mumtoz so`z, 2016.
10. Эргашев К., Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Наваи. – Т.: «Фан», 2009.

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ ИДЕЙ В ГАЗЕЛЯХ АЛИШЕРА НАВОИ И АБДУРРАХМАНА ДЖАМИ

Каромат МУЛЛАХОДЖАЕВА
кандидат филологических наук,
доцент кафедры истории
узбекской литературы и фольклора
Ташкентского государственного университета
узбекского языка и литературы
им. Алишера Навои Ташкент,
Узбекистан

Алишер Навои и Абдуррахман Джами были не только замечательными поэтами, мастерами слова, но и крупнейшими мыслителями XV века. В своих трудах Навои и Джами затрагивают общественно-политические и философские проблемы, которые волновали передовых мыслителей всех времен. Даже в своих лирических произведениях они передают их с помощью образов и символических высказываний. Автор данной статьи в основном на примере газелей анализирует философские взгляды, научные замыслы, духовно-просветительские идеи и, конечно, художественное мастерство этих великих поэтов, которые существенным образом влияли на духовность, литературу и в целом культуру многих центральноазиатских народов. В статье основное внимание уделено лирическим произведениям. Автор рассматривает, как отражались в стихотворениях, точнее, в газелях мировоззрение персидского поэта Абдуррахмана Джами и тюркского поэта Алишера Навои, которые жили и творили в XV веке в эпоху тимуридов. Изучаются философские взгляды этих двух поэтов, в частности толкование идей вахдат уль-вуджуд и накшбандия в лирических текстах, в основном газелях. При анализе стихов, связанных с проблемой совершенного человека, показан бесценный вклад их в мировую цивилизацию.

Ключевые слова: *поэт; поэзия; газель; концептуальная мысль; восприятие; художественная интерпретация; символизм; вахдат уль-вужуд; накшбандия; совершенный человек; сущность и смысл.*

Алишер Навои (1441–1501) и Абдуррахман Джами (1414–1492) — представители литературы и культуры эпохи тимуридов, оставили уникальное наследие. Они были не только замечательными поэтами,

мастерами слова, но и крупнейшими мыслителями XV века. В своих трудах, написанных на фарси, Джами затрагивает общественно-политические и философские мысли, которые волновали передовых мыслителей всех времен. Алишер Навои, считавший Абдуррахмана Джами своим наставником, в своих произведениях, которые были написаны на тюрки, вкладывал философский смысл, общественно-политический и просветительский дух многих своих предшественников.

У Джами и Навои много общего. Литературное наследие этих мастеров слова ведет человечество к постижению истины, просвещает, помогает познать себя, познать мир, его смысл и сущность. Эти художники в своих произведениях обратили особое внимание на проблемы своей эпохи и сумели изобразить их в гармонии с общечеловеческими ценностями. Поэтому их произведения актуальны во все времена и не теряют своей значимости. Поэтому, можно сказать, познать Навои и Джами — это энаачит познать себя.

Произведения Навои и Джами по форме и содержанию можно разделить на лирические, эпические, научно-прозаические. Они являются важным источником в изучении мировоззрения, научных взглядов этих поэтов. В то же время нужно отметить, что произведения (или отрывки в определенном произведении), которые Навои посвятил Абдуррахману Джами, или наоборот, дают исчерпывающий материал о мировоззрении этих двух поэтов, их поэтическом мире, отношении к жизни, обществу и миру. «...общение этих двух выдающихся людей вело и к общности их замыслов”, — пишет Е. Э. Бертельс. По этому поводу упомянуты крайне интересные факты в книге «Пятерица изумленных». Навои почти во всех своих книгах говорит о масштабности и глубине Джами, оценивает его творчество. Отдельные отрывки из поэм Абдуррахмана Джами «Четки праведных», «Юсуф и Зулейха», «Лейли и Меджнун», «Книга мудрости Искандера» содержат сведения о личности Навои, также о посвященных ему произведениях или созданных по его инициативе.

Нужно отметить, причина общности их мыслей, с одной стороны, в том, что и Джами, и Навои глубоко изучали философское, литературное наследие предшественников. Учения Ибн Араби, Бахоуддина Накшбанди, Хожи Мухаммада Порсо, Хожа Ахрора и других были очень близки их мировоззрению. С другой стороны, они органично освоили поэтическое наследие поэтов-предшественников.

Алишера Навои и Абдуррахмана Джами можно назвать философами, мыслителями и большими учеными. Но они интересны нам прежде всего как

поэты. Их поэзия вечна. Она будет жить, пока будет существовать человечество, понимающее и любящее поэзию.

Лирика Абдуррахмана Джами и лирика Алишера Навои изучена узбекскими, таджикскими, русскими и учеными других стран на определенном уровне. В этой области можно отдельно отметить следующих авторов и их исследования. Афзахзод А. «Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтика» (1988), Абдуқодиров А. «Навоий ва тасаввуф» (1994), Султонмурод О. «Нақшбанд ва Навоий» (1996), Ҳаққул И. «Ирфон ва идрок» (1998), Исҳоқов Ё. «Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти» (2002), Комилов Н. «Тасаввуф» (2009), и др..

Несмотря на имеющуюся литературу, в настоящее время является актуальным исследование лирики этих поэтов, так как сейчас имеются большие возможности в изучении их произведений.

В статье в основном применен сравнительно-исторический метод. Это дает возможность сделать выводы с помощью сравнения творчества двух поэтов, которые жили в одно время, жили в одной стране, общались почти ежедневно, имели общие проблемы, но писали на двух языках, их мысли были оригинальными.

На Востоке существовало особое требование к содержательному оформлению книги, особенно дивана. Диван — это сборник лирических стихов, составленный автором по строгим канонам восточной, т.е. арабской, персидской и узбекской литературы. Так, в нем требуется соответствие формы и содержания. Согласно требованиям, все книги и эпические произведения — дастаны начинались традиционными вступительными главами: восхваление Бога, которое называлось хамд, восхваление пророка — наът, также восхваление правителя, поэтовнаставников и т.д. Диваны тоже начинались газелями или касыдами, восхвалющими Бога, пророка Мухаммада и продолжались стихотворениями просветительского или суфийского характера. В них отражалось мировоззрение, научные замыслы автора. В трех диванах Абдуррахмана Джами — «Фатихат аш-шабаб» (первый диван — «Начало юности»), «Васитат ал-икд» (второй диван — «Средние жемчужины ожерелья»), «Хотимат ул-хаёт» (третий диван — «Заключение жизни») и в сборнике диванов — «Сокровищница мыслей» Алишера Навои, который объединяет четыре дивана — «Гаройиб ус-сигар» (первый диван — «Чудеса детства»), «Наводир уш-шабоб» (второй диван — «Редкости юности»), «Бадоеъ ул-васат» (третий диван — «Диковины среднего возраста»), «Фавоийд ул-кибар» (четвертый диван — «Полезные советы старости») существуют несколько сотен стихотворений такого содержания. Исследование их дает нам возможность раскрыть философские

взгляды, научные замыслы, духовно-просветительские идеи и, конечно, художественное мастерство этих великих поэтов, которые существенным образом повлияли на духовность, литературу и в целом культуру многих центральноазиатских народов. Лирические стихи всех диванов Навои и Джами объединяет суфийское содержание и просветительский дух в качестве концептуальной основы.

Сам Алишер Навои во вступительной части своего дивана «Бадоеъ ул-бидоя» («Редкости начала») утверждает, что, если в его газель не внесен бейт (двустишие), имеющий просветительский характер, ее нельзя считать газелью. Дальше он говорит, что во все диваны он в обязательном порядке включил газели духовно-просветительского характера. Если бы так не сделал, значит, напрасно потрудился бы.

Каждое философское учение, которое влияет на культуру, литературу и духовную жизнь своего времени, имеет свои главные вопросы, касающиеся восприятия мира, изучения и познания его. У каждого человека возникают вопросы кто я, откуда я, в чем смысл жизни, сущность нашего существования, можно ли познать мир до конца и т.д. Одним из философских течений, которое искало ответы на подобные вопросы, было учение Накшбанди, которое в течение нескольких веков вдохновляло многих поэтов и других творческих людей и ученых, в том числе Навои и Джами, давая им возможность воспринимать мир со всеми его сложностями и метафорически описать его. Поэзия Навои и Джами имеет глубокое суфийское содержание, которое ставит именно эти вопросы. Например, Абдуррахман Джами начинает одну из своих газелей в диване «Фатихат уш-шабоб» такими строками:

Киям ман? — Бедиле, беэътиборе,
Ғарибе, бенасибе, хоксоре...

(Кто я? — Потерявший свою душу, отстраненный от всех, Бедный, обездоленный, покорный).

Кто я? Это постоянный и вечный вопрос, который задает он сам себе. В разных формах повторяет его. В стихах Джами встречается много подобных вопросов:

Ҳайрон шудаам, ки майли жон ба тан чист?
В-андар гили тира ин дили равшан чист?
Умрест, ки бо ҳазор ман ҳастии ман
Ман мегўям, вале надонам "ман" чист?

(Я удивлен, какую симпатию чувствуют тело и душа/дух человека, Ведь в черной глине (подразумевается тело) находится светлая душа/дух. Сколько буду жить, я скажу, что не знаю, что такое «я»).

Поэт использует здесь вопросительное слово «что». Главное — поэт сам находит ответы на свои вопросы. Именно в таких ответах он описывает сущность бренного мира, преходящий характер жизни.

Олам ҳама бо ҳаводиси офот аст,
Манфист, ки ваҳм мекунад,исбот аст.
Ҳар чиз, ки рангу бӯи ҳасти дорад,
Ё феъли ҳақ аст, ё сифат, ё зот аст.

Как отмечает поэт, в основе разноцветных явлений мира лежит состояние, атрибуты и сущность Бога. Эти мысли соответствуют теории тажалли — проявление Божественной красоты. Такие же мысли часто встречаются в стихах Джами и Навои, ведь эти мысли и взгляды определяют суфийский характер поэзии обоих поэтов. В этом смысле еще один бейт Джами привлекает особое внимание:

Най кист?! Ҳамдаме, шудан аз хештан тиҳи,
Чун соликон зи сайри мақоматаш огаҳи.

В данном бейте автор обращается к флейте (най) с вопросом кто, а не что. В комментариях к «Найноме» Джалалиддина Руми, на которые и ссылается Джами, говорится о сущности образа флейты, которая уподобляется человеку, лишенному своего источника, т.е. корней, и который вечно стремится к нему (к своим корням). (Это напоминает судьбу человека — изгнанного Адама из рая, в духовном плане снова и снова стремящегося туда.) На эти же вопросы ответили и Джами, и Навои в своей поэзии, которые соответствовали идеям учения Накшбанди. Так пишет Навои в одной из своих газелей:

Нафс қуттоъ ут-тариқи манзилидур бу работ,
Нақди дин ҳифзиға қил ўткунча андин эҳтиёт.
Манзил этсанг бу работ ичра иқомат қилмаким
Ҳар кун ўзга корвон оромгоҳидур работ…

Навои дает такое определение миру в своей газели: Этот мир — каравансарай грабителей души, раз ты здесь живешь, будь осторожен, сохрани свою веру, достоинство. И всегда знай, что здесь каждый день меняются караваны, одни уходят, другие приходят.

Появление таких стихов не случайно. Это в первую очередь связано с творческой личностью, ее мировоззрением — восприятием существования, отношением к времени и, конечно же, с желаниями, потребностями времени. В целом, гармония между художественным творчеством и конкретным философским учением возникает из-за возникшей потребности и имеющихся возможностей в данной эпохе и пространстве. В этом смысле переход идей учения Накшбанди в литературу в эпоху, когда жили и творили Джами и Навои, возложили на литературу большие задачи. Потому что значение слова «адаб», составившего основу слова «адабиёт» — литература, в XV веке было равнозначно понятию «совершенный человек».

В суфийской поэзии важна роль символических образов, особенно таких, как свеча, мотылек, море, капля, солнце, пылинка... Одним из характерных символических образов является свеча. Несмотря на то, что сама горит, она освещает путь других. Эта картина была также замечена Бахауддином Накшбанди. В книге «Бахуддин Балогардон» из его уст исходит: «Будь как свеча, чтобы ты мог осветить всех, оставаясь во тьме». Этот смысл Джами повторяет таким образом:

Шамъ шав, шамъ, ки худро сўзи,
То бад-он базми касон афрўзи.
(Будь как свеча, так как она сама горит, но освещает вечер других людей.)

А данная кытъа (кытъа — лирический жанр) Алишера Навои о совершенном человеке указывает на то, что человек добивается совершенства посредством деятельности, что тоже соответствует идеям Накшбанди.

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Дунёдан нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.
(Старайся этот мир покинуть так,
Чтоб без долгов расчесться с пережитым
Уйти из мира прочь, сбивая шаг, —
Не то же ль, что из бани — недомытым. Пер. С. Иванова.)

Суть и смысл учения Накшбанди — это просветление, мудрость — это способ познать себя, мир, вселенную, совершенное восприятие. Познать себя — это способ его преодоления, и человек, который познает мир, осознает его бренность и начинает чувствовать, что ему не нужно ничего,

кроме хороших деяний. Душа человека, которая начинает познавать Бога, не умрет.

Абдуррахман Джами пишет в газели:

Аз худ бигусил, Жомий, мезан дари гумномй,

К-андар тутуқи ваҳдат бегона туро ёбам.

(Освободи сам себя от себя, о Джами, /Если так не сделаешь, не сможешь постичь Бога.)

А Навои передает эту мысль образно:

Ўздин қутул, Навоию мақсадга етки, қуш

Етмас чаманға, бўлса қафас ичра мубтало…

(Освободи свой дух смелей из клетки суетных желаний: Плененный страстью соловей грустит в плену теней немало. Пер. С. Иванова.*)*

Гармония взглядов Джами и Навои более очевидна в бейтах, написанных в отношении духа и тела, что дает возможность изучать творчество этих двух поэтов в одном ряду.

Зи шаҳри тан накани дил, ба мулки жон нараси,

Бар ин жаҳон наниҳи по, бар он жаҳон нараси,

Ҳазизи(пасти) нафс замину осмон аст зирвон ишқ,

Ту пойбасти замини, ба осмон нараси.

(Если не оторвешь сердце от телесных желаний — не обретешь душу, Если не оторвешься от плотских потребностей — не достигнешь духовности,/Если твои ноги повязвны земными заботами — не достигнешь неба.)

Содержание этой газели развивается в стихах Навои:

Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсен, нафъ эмас,

Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

(Пойми ты, если будешь жить в плену четырех элементов (четыре стихии; подразумевается плоть человека), если ты даже выучил четыре священные книги (Талмуд, Забур, Инджил (Библия), Коран), все это будет бесполезно.)

Важно отметить, что на этих двух поэтов оказали огромное влияние идеи учения вахдат-уль-вужуд, основанного Ибн Араби и последователями учения Накшбанди. В стихах идеи вахдат-уль-вужуд и накшбандиизма дополняют друг друга.

Для того чтобы понять глубокий смысл и содержание газелей Алишера Навои и Абдуррахмона Джами, нужно суметь раскрыть суть символов и символические высказывания этих поэтов. Стихотворения Джами и Навои в целом доказывают, что художественное творчество может служить

во имя человеческого совершенства, идеального общества и совершенного человека.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. — Хўжанд, 1994. — 102 б.

2. Абдуррахман Джами. Лирика. Поэмы. Весенний сад. — Душанбе: Адиб, 1989. — 624 с.

3. Абдураҳмони Жоми. Осор. Жилди якум. — Душанбе: Ирфон,1985. — 560 с.

4. Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. — М., Наука, 1980. — 376 с.

5. Афзахзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтика. — Москва: Наука, 1988. — 326 с. 172 "Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал journal.fledu.uz № 3/2019.

6. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. — М.: Наука, 1965. — 524 с.

7. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. — Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2002. — 120 б.

8. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. — Тошкент: Ёзувчи, 1996. — 272 б.

9. Олим Султонмурод. Нақшбанд ва Навоий. — Тошкент: Ўқитувчи, 1996. — 216 б.

10. Суфизм в контексте мусульманской культуры. — М.: Наука, 1989. — 341 б.

11. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. — Тошкент: Маънавият, 1998. — 160 б.

12. Алишер Навоий. Йигирма жилдлик. Биринчи жилд. — Тошкент: Фан, 1987. — 724 б.

13. Алишер Навои. Избранное. — Ташкент: Ўқитувчи, 1978. — 248 с.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ВА ШАРҚ МУМТОЗ ПОЭТИКАСИ

Дилнавоз ЮСУПОВА,
филология фанлари доктори
(ТошДЎТАУ)

Абдураҳмон Жомийнинг илмий ва ижодий мероси кенг қамровли бўлиб, унда ўз даврининг деярли барча соҳаларига оид илмий изланиш, тадқиқотларни кўриш мумкин. Баъзи олимлар унинг ёзган асарлари умумий

сонини 100 га яқин деб кўрсатадилар, Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийга бағишлаб битилган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” (Беш ҳайрат) асарида унинг жами 38 асарини номма-ном санайди ва уларнинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ муҳим маълумотларни ҳам келтириб ўтади.

Буюк мутафаккирнинг "Рисолаи аруз", "Рисолаи қофия", "Рисолаи муаммойи кабир", "Рисолаи муаммойи сағир", Рисолаи муаммойи мутаввассит", "Рисолаи муаммойи манзум", "Шарҳи байтайн Маснавий”, "Шарҳи байти Хусрав", "Шарҳи рубобиёт", каби асарларида мусулмон Шарқи адабиёти тарихи, адабиётшунослиги, Шарқ мумтоз поэтикаси ҳақида сўз юритилади, унинг назарий асослари ёритиб берилади. Ушбу асарлар орасида “Рисолаи аруз” ва “Рисолаи қофия” асарлари ёндашув услубининг ўзгачалиги билан алоҳида ажралиб туради.

Дастлаб “Рисолаи аруз” асарига тўхталиб ўтсак. Рисоланинг яратилган йили аниқ эмас. Асарда Хожа Исматуллоҳ Бухорийдан байт келтирилганлиги ва унинг “раҳматуллоҳ” калимаси билан эсланиши “Рисолаи аруз”нинг Хожа Исматуллоҳ вафотидан сўнг, яъни XV асрнинг иккинчи ярмида яратилганлигини кўрсатади. Рисолада форсий арузга доир энг муҳим масалалар қаламга олинган. Асар мухтасар услуб (кўзда тутилган муаммо юзасидан умумий, ихчам ва лўнда маълумотларни келтириш)да битилган бўлиб, унда арузга доир энг муҳим масалалар келтириб ўтилади.

Маълумки, Жомийгача форс-тожик адабиётида аруз назариясига доир қонун-қоидалар акс этган кўплаб асарлар мавжуд эди. Хусусан, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор”, Ваҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” каби асарларида форс-тожик арузининг назарий асослари муайян даражада ўз ифодасини топган эди. Шу сабабли ҳам Жомий мазкур рисолада аруз назариясига доир энг муҳим масалаларгагина тўхталиб ўтади.

“Рисолаи аруз” асари муқаддима ва 8 фаслдан иборат. Муқаддима ўша давр анъанасига кўра Аллоҳга ҳамд билан бошланади. Жомий ғоят усталик билан Аллоҳни ҳамд этишда арузга доир атамалар: “доира”, “сариъ”, “усул” (асллар), “аркон”, “сабаб”, “вофир” каби сўзлардан фойдаланади: “*Фалак **доира**ларининг **сариъ** – тез ҳаракатланишини **усул** (асллар, субстанциялар)нинг бирлашуви ва **аркон** (рукнлар, атрибутлар)нинг қўшилишига **сабаб**чи қилган Қодир Худога **вофир** (беҳисоб) шукроналар бўлсин”*.

Шунингдек, муқаддимада аруздаги энг кичик бирлик – *жузв*лар ҳақида маълумот берилар экан, улар “рукн” истилоҳи остида келтирилади. Рисола муаллифи 6 та жузв: *сабаби хафиф* ва *сабаби сақил* (енгил ва оғир сабаб), *ватади мажмуъ* ва *ватади мафруқ* (бириккан ва ажралган ватад) ҳамда

фосилаи суғро ва *фосилаи кубро* (кичик ва катта фосила) ҳақида маълумот беради ва ушбу жузвларнинг барчаси қатнашган қуйидаги мисрани келтиради:

"Бе гули рухат лола ба чаман нанигарад".

Бунда "бе" – *сабаби хафиф*, "гули" – *сабаби сақил*, "рухат" – *ватади мажмуъ*, "лола" – *ватади мафруқ*, "ба чаман" – *фосилаи суғро* ва ниҳоят "нанигарад" – *фосилаи кубро.*

Рисоланинг биринчи фасли "Мавзун калом таълифи" деб номланиб, унда жузвлардан ҳосил бўлувчи асл рукнлар таърифи келади. Рисолада улар "асллар" ёки "усул" номи билан берилади. Жомий асл рукнларни умумий ҳолатда 8 та деб келтиради, лекин улардан фақат бештасигагина тўхталиб ўтади. Булар қуйидагилардир: *мафоийлун, фоилотун, мустафъилун, мафъулоту, фаувлун.* Бу ўринда муаллиф мазкур беш аслнинг форсий шеъриятда нисбатан кўп қўлланилганлигини назарда тутади [].

Асллар таърифидан кейин улардан ҳосил бўлувчи *зиҳоф* (асл рукнларни турлича ўзгартириш) ва *фуруъ* (тармоқ рукнлар)га тўхталиб ўтилади. Бунда Абдураҳмон Жомий *мафоийлун* аслидан 11 зиҳоф ва 11 фуруъ, *фоилотун* аслидан 10 зиҳоф ва 15 фуруъ, *мустафъилун* аслидан 9 зиҳоф ва 14 фуруъ, *мафъулоту* аслидан 9 зиҳоф ва 14 фуруъ[29], *фаувлун* аслидан 6 зиҳоф ва 6 фуруъ – жами 45 зиҳоф ва 60 та фуруъни келтиради.

Кейинроқ доиралар таърифига ўтилади. Маълумки, аруз доиралари бу рукнлар, улардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар сонининг тенглигига кўра ўзаро яқин бўлган баҳрларнинг гуруҳлаштирилган айланасидир. Бунда бир-бирига яқин баҳрлар бир мисра шеър мисолида бир доира ичида келтирилади. Ҳар қайси доира қанча баҳрни ўз ичига олса, шунча бўлакка бўлинади ва уларда шу баҳрларнинг рукнлари ҳам келтириб ўтилади. Абдураҳмон Жомийнинг рисоласида 4 та доира: "*Доираи мўъталифа*" (рамал, ҳазаж ва ражаз баҳрларидан тузилган), "*Доираи мухталифа*" (муқтазаб, мужтасс, мунсариҳ ва музореъ баҳрларидан тузилган), "*Доираи мунтазиа*" (мушокил, сариъ, жадид, қариб ва хафиф баҳрларидан тузилган), "*Доираи муттафиқа*" (мутақориб ва мутадорик баҳрларидан тузилган) келтирилади. Абдураҳмон Жомий араб арузига хос баҳрлар: тавил, мадид, комил ва вофир баҳрларидан таркиб топган доираларга тўхталиб ўтмайди: "*Ва Ажам шоирлари бу беш баҳрда жонларга ҳаловат бағишловчи шеърлардан кўп айтмаганликлари сабабли улар мансуб бўлган доиралар ва фуруъларга тўхталиб ўтилмади"*. Бу ўринда Жомий бизгача етиб келган форсий тилдаги арузшуносликка доир

[29] Рисолада *мафъувлоту* аслининг фуруълари 14 та дейилгани ҳолда уларнинг фақат 11 таси келтириб ўтилган.

илк манба “Ал-мўъжам” асарининг муаллифи Шамс Қайс Розий изидан боради. Жомийнинг замондошлари Алишер Навоий ва Сайфи Бухорийнинг арузга доир рисолаларида эса мазкур баҳрлар икки алоҳида доирага киритилган.

Рисоланинг бешинчи фаслидан бошлаб баҳрлар таснифига тўхталиб ўтилади. Баҳрлар улар мансуб бўлган доиралар кетма-кетлигида келтирилади. Шу маънода Жомийда 14 та баҳр тавсифланганлигини кузатиш мумкин. Араб арузига хос баҳрлар: тавил, мадид, басит, вофир ва комил баҳрларининг номлари келтирилгани ҳолда улар алоҳида таҳлил этилмайди.

Баҳрларнинг умумий таърифидан сўнг вазнлар таҳлилига ўтилади. Жомий ўз рисоласида вазнларга мисол сифатида Шамс Қайс Розийнинг “Ал мўъжам” асаридаги байтлар ва форс-тожик ижодкорлари шеърларидан фойдаланади. Хусусан, рисолада “Ал-мўъжам”га ўн саккиз ўринда мурожаат қилинган бўлса, Рўдакий ва Анварийдан икки байт, Салмон Соважий, Хожа Жамолиддин Ҳусайн Салмон, Низомий Ганжавий ва Хожа Исматуллоҳ Бухорийдан бир байт келтирилади. Қолган мисолларнинг аксарияти Абдураҳмон Жомийнинг ўз ижоди маҳсулидир. Рисолада жами – 150 га яқин вазн келтирилган бўлиб, уларни асослаш учун берилган шеърий парчалар 148 байт, 13 мисра, 6 рубоийни ташкил қилади.

“Рисолаи аруз” ўзидан кейин яратилган шеършуносликка доир рисолалар: Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ ус-санойиъ”, Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи” асарлари учун асос вазифасини ўтаган, кўплаб мумтоз алломалар ушбу асарни ўзлари учун қайта кўчиртириб, аруз илмини ўрганишда дастуруламал сифатида фойдаланганлар.

Абдураҳмон Жомий “Рисолаи қофия” асари ҳам Шарқ мумтоз поэтикасида муҳим ўрин тутувчи манба бўлиб, унинг ёзилган санаси ҳақида адабиётшуносликда турли фикрлар мавжуд. Тожик олими А.Афсаҳзод ўзининг “Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтики” (Абдраҳмон Жомий лирикаси. Матн ва поэтика муаммоси) китобида “Рисолаи қофия” 1465 йил ёзилган деган тахминни илгари суради. У бу фикрини Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” (Беш ҳайрат) асарида берилган маълумот билан асослайди. Унга кўра, Навоий Жомий билан биринчи марта Ҳиротдаги Хиёбон деган жойда 1467 ёки 1468 йилларда учрашган ва ундан “Рисолаи қофия” асосида сабоқ олади [Афсахзод, 1988: 49]. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” рисоласига мурожаат қилганимизда, Навоий Шоҳрух мирзо (1406–1447) замонидан сўнг Жомийнинг Хиёбон деган жойда Саъдиддин Кошғарий мақбараси қошида кун кечирганлигини, Ҳусайн Бойқаро ҳам унинг зиёратига тез-тез бориб туришини, ўзи ҳам Жомийдан сабоқ талабида бўлганлигини айтади, аммо Абдураҳмон Жомийдан айнан “Рисолаи қофия” асосида дарс олганлигини

очиқ кўрсатмайди: “Бу фақири ҳақир... Хиёбон бошида кўрган замонида мухтасар битилган рисола сабақиға мумтоз бўлдум” [Навоий, 2000:16]. Демак, “Рисолаи қофия” асарининг яратилиш санаси билан боғлиқ масала ҳозирча баҳсли ҳисобланади.

А. Афсаҳзод ўз тадқиқотида Абдураҳмон Жомийнинг ҳаммаси бўлиб 38 асарини ўзида жам қилган, ҳозирча энг мукаммал ва қадимги қўлёзма саналган, 1502 йил Ҳиротда Муҳаммад ибн Ҳасаншоҳ ал-котиб ал-Ҳиравий томонидан кўчирилган куллиётдан фойдаланганлигини таъкидлайди. Мазкур куллиётда ўн беш асар асосий ўринда бўлиб, қолганлари ҳошияда келтирилган. “Рисолаи қофия” асари 28-ўринда 521Б–528Б-саҳифаларнинг ҳошиясига кўчирилган. Бугунги кунда мазкур куллиёт қўлёзмаси Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Шарқшунослик қўлёзмалар институти фондида 1531-рақам остида сақланмоқда.

Рисолада даставвал, *қофия* тушунчасининг таърифи келтирилади:

“Билгилки, *қофия* ажам шоирларининг одатича, байтлар охиридаги сўзларнинг такрорланиб келишидир, шу шарт биланки, талаффузда мустақил бўлмасин, балки мисраънинг бир жузви бўлсин. Баъзилар жумланинг охирини қофия дерлар, баъзилар эса равий ҳарфини қофия атарлар” [Абдураҳмон Жомий, 2008, 301–310]. Мазкур таърифдан сўнг *радиф*нинг изоҳига ўтилади: “*Радиф* деб шундай калимани айтурларки, бу калима ҳамма байтлар охирида бир хил тарзда такрорланиб келсин. Ва радиф мавжуд бўлган шеърни мураддаф ўқирлар ва бу ажам шуаросига хос ҳолатдир”. Жомий асарда қофия турларини ҳам алоҳида ажратиб кўрсатар экан, *мутародиф, мутавотир, мутарокиб, мутавокис, муқаййад (мужаррадли ва қайдли), мутлақ (қайдли, ридфли, хуружли, мазидли ва ноирали)* қофия турларини санаб ўтади, уларга аввалги қоидаларга боғлиқ равишда тушунтиришлар бериб боради.

Рисоланинг қофия нуқсонлари билан боғлиқ қисмида Жомий қофияда учрайдиган тўрт айбни: *иқво, икфо, синод* ва *иътони* келтиради. Икфо номи билан аталувчи қофия нуқсонига шарҳ берар экан, шундай ёзади: “Икфо деб равий ҳарфининг ўзгартирилишига айтилур, бунда талаффузда яқинлик кузатилади, эҳтиёт ва эътимод каби... Ва бу бағоят номаъқул ишдур”. Демак, кўринадики, Жомий мумтоз қофия талаби асосида, оҳангдош сўзларнинг равийси талаффуз жиҳатдан ўзаро яқин бўлса-да, ҳарф жиҳатдан бир-биридан фарқланишини маъқулламаяпти, бу ҳолга манфий муносабат билдиряпти.

Хотима қисмида Жомий қофиянинг *маъмул (*амалдаги*)* ҳамда *ғайри маъмул* (амалдан ташқарида) тарзда ҳосил бўлишига тўхталиб ўтади. Масалан, Камол Исмоилнинг қитъасидан қуйидаги парчага эътибор қаратсак:

Бартофтаст бахти маро **рӯзгор** *даст,*
З-онам намерасад ба сари зулфи **ёр** *даст.*

Бу ўринда қофия бўлиб келаётган “**рӯзгор”** ва “**ёр”** сўзларида равий ***“р”*** ҳарфи ҳамда “**йо”** ғайри маъмул. Энди шу қитъанинг давомига назар солсак:

Хасми шутур дилатро қурбон кунад ҳаме,
З-он рӯи саъди зобеҳ ошихта **корд** *аст* [Жомий, 2008: 310]

Мазкур байтда қофия ҳосил қилиш учун “**корд**” сўзини “**аст**”га қўшиб ўқиймиз, шунда юқорига сўзларга қофиядошлик пайдо бўлади. Айнан шунда “**аст**” сўзи маъмул бўлиб, у қофия ясашга ёрдам беряпти.

“Рисолаи қофия” асари ғарб тадқиқотчиларининг ҳам эътиборини тортган. Немис шарқшуноси, форс тили ва адабиётининг йирик билимдони Ҳенри Фердинанд Блошман ушбу асарни ўрганиш ва тадқиқ қилиш асносида “Prosody of Persians according to Saifi, Jami and others writers” (Форс шеърий тизими: Сайфий, Жомий ва бошқа адиблар ижоди асосида) деган тадқиқот яратади. У ушбу китобининг кириш қисмида шундай дейди: “Бу китоб Сайфийнинг аруз ва Жомийнинг қофия ҳақидаги рисолаларига асосланади. 1867 йил иккала асар матнини алоҳида-алоҳида чоп эттиргандим, энди эса талабаларга осон бўлсин учун таржима қилдим... Буни иложи борича мукаммал тарзда тайёрлаш учун кўрсаткичлар, машқлар, Саъдийнинг “Гулистон”идан вазнини аниқлаш учун байтлар илова қилдим ва уларнинг жавобларини ҳам кўрсатдим...” [Blochmann, 1872: 5] “Жомийнинг қофия ҳақидаги рисоласи” қисмида эса талабалар қофияни осон ва тез тушунишлари учун “шарқона атамаларни айнан инглиз тилидаги қофияга татбиқ этган”лигини айтади. Демак, хулоса қилиш мумкинки, Ҳ. Блошман, “Форс шеърий тизими” китобини, хусусан, шу китоби таркибида илк марта нашр қилинаётган (*Блошманнинг маълумоти*) “Рисолаи қофия” асарини Европадаги талабалар учун қўлланма сифатида чоп этган. Акс ҳолда, олим мусулмон Шарқи шеършунослиги қоидаларини инглиз тилига жорий қилмаган бўларди.

Умуман олганда, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” ҳамда “Рисолаи қофия” асарларининг бугунги кун илм аҳли учун ҳам аҳамияти катта бўлиб, улардан Шарқ мумтоз поэтикаси, хусусан аруз ва қофия назариясини ўрганишда муҳим қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдураҳмон Жомий. Рисолаи арўз. ЎзР ФАШИ Қўлёзмалар фонди. Инв. 4326.
2. Абдураҳмони Ҷомӣ. Рисолаи арӯз. Осор: Иборат аз ҳашт ҷилд. Ҷ.8. – Душанбе: Адиб, 1990. – С. 151-204.
3. Абдураҳмон Жомий. “Рисолаи қофия”. Форсийдан Д. Юсупова таржимаси / Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари Ҳамидулла Болтабоев талқинларида. 1 китоб; – Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008.
4. Абдураҳмон Жомий. Рисолаи аруз / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Д.Юсупова. – Тошкент: TAMADDUN, 2014.
5. Абдураҳмон Жомий. Рисолаи мусиқий (Форс тилидан Н.Шодмонов таржимаси) / Мақом назариясига доир муҳим манба. – Қарши: Насаф, 2018.
6. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Критик текст тайёрловчи И. Султон. – Тошкент, 1949.
7. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2000.
8. Афсахзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – М.: Наука, 1988.
9. Алишер Навоий: қомусий луғат. 1-2-жилдлар /Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Тошкент: Sharq НМИУ, 2016.
10. Blochmann Henry Ferdinand. Prosody of the Persians according to Saifi, Jami and other writers. Reprint 1970 of the edition Calcutta 1872 printed in the Netherlands (Amsterdam philo press).
11. Курбанмамедов А. Эстетика Абдурахмана Джами. – Душанбе: Ир-Дониш, 1984.
12. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.) – Москва: Наука, 1989.
13. Ражабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. – Душанбе: Ирфон, 1968.
14. Yusupova D. Comparison of prosody used in the works by Alisher Navoi and Abdurakhman Jami // ISJ Theoretical &Applied Science. – Philadelphiya, USA, 2019. Issue 05, Volume, 73. – P. 281–285.

MA`NAVIYAT DAHOLARINING ADABIY QARASHLARI

N. MADRAXIMOVA,
f.f.n., dotsent, Urganch davlat universiteti

Annotatsiya: *Jomiy va Navoiy ijod qilish bilan insoniyatga manfaat keltirishni o‘z oldilariga maqsad qilib qo‘ygan edilar. Mana shu narsa ularning adabiy qarashlaridagi yana bir mushtaraklikdir.*

***Kalit so`zlar:*** *adabiy qarash, ma`naviyat, mehr-muhabbat, nazm, doston, ravza, ijodiy hodisa*

Ijodkor ijod haqida, ijodiy hodisalar haqida fikr yuritishi asnosida o‘zining ijodni qanday idrok etishi, uni qay darajada e’zozlashini ham bayon etadi. Bu mulohazalarimizni Sarq mumtoz adabiyotining betakror siymolarining badiiy so‘zni naqadar e’zozlaganliklarini ifodalovchi qarashlaridan anglab olamiz.

Fors-tojik adabiyotining atoqli namoyandasi, hazrat Navoiyning dil do‘sti mavlono Nuriddin Abdurahmon Jomiy “Bahoriston”ning “Shoir va shoirlik bobida” deb nomlangan yettinchi ravzasida shunday yozadi: “Qadimgi donishmandlar hukmiga qaraganda she’r shunday kalimadirkim, u muqaddimoti xayol, ya’ni tinglovchi xayolini qo‘zg‘atuvchi va ma’nosi unga iqbol berguvchidir. Bu haqiqat bo ‘lishidan yoki bo ‘lmasligidan, ishonishi yoki ishonmasligidan qat’i nazar” [1]. Bu fikrlar mavlono Jomiyning she’riyatni naqadar nozik his qilganligini, uning ham reallik, ham xayolot mahsuli bo‘lishini e’tirof etganligidan darak berib turibdi. Shu sababli ham mutafakkir shoir ijodini zavq-shavq bilan o‘qiymiz. Shu narsa kishini hayron qoldiradiki, bu ikkala buyuk ijod sohiblari o‘z asarlarida asosan insoniyatning baxt-u iqboli haqida qayg‘urishlarini samimiyat bilan ifodalagan.

Alisher Navoiy “Badoye’ul-bidoya” deb nomlagan birinchi rasmiy devonining debochasida shunday yozadi:

Ko‘nglimda ne ma’ni o‘lsa erdi paydo,
Til aylar edi nazm libosida ado.
Ul nazmg‘a jonin qilibon xalq fido,
Solurlar edi gardung‘a sado. [2]

Bu misralarda xalqparvar shoirning insonparvarlik bilan yo‘g‘rilgan qalbi aks-sadolari o‘z mujassamni topgan deyishimiz uchun asos beruvchi fikrlar mavjud. Ya’ni xalq “ul nazmg‘a” jonini fido qilishining sababi shoir ijodida zamondoshlarining fikr-u o ‘ylari, dard-u g‘amlari o‘zining go‘zal hamda

ta’sirchan ifodasini topganida edi. Hazrat Navoiydagi bu ijodiy tamoyil mavlono Jomiyning badiiy xazinasidan ozuqa olganligini “Bahoriston”da ko‘ramiz.

Yomon zolim kishi har kez sochar yuz hiylayu nayrang,
Uning xulqi bilan fitna alamga to‘lg ‘usi olam.
O ‘lim girdobiga sho ‘ng ‘ib yo ‘qolsa nom nishonasizu
O ‘zin ham qutqarar badxulqlig‘dan barcha elni ham.[3]

Alisher Navoiyning bir qator asarlarining sarlavhalarida mavlono Abdurahmon Jomiy haqida yuksak samimiyat bilan badiiy ifodalarga boy tasvirlar beradi. Jumladan, “Xamsa”ning birinchi dostoni “Hayrat ul-abror” dostonining XIII bobiga shunday sarlavha beradi: “Yuksaklikning uzun soyasi, shodlik jomining sof sipqaruvchisi mavlono Nuriddin Abdurahmon Jomiy vasfikim, vasfga sig‘mas, ta`rifikim, ta’rifga to ‘g ‘ri kelmas va u hazrat iltifoti quyoshi qora kunga qolgan men ojizning ahvoliga nur sochganining bayoni, u quyosh tarbiyasidan bu tuproqda oq gullar, oq gullarigina emas, rang-barang rayhonlar nishon bergani va “Tuhfat-ul ahror” tuhfasi mutolaasidan g‘amgin ko ‘nggilning xursandchilik topgani “Hayrat-ul abror”ning la’l va javharini nazm ipiga tizmoqning sababi” [4].

“Farhod va Shirin” dostonining VII bobini shunday nomlaydi: “Hazrati shayx-ul islom mavlono Nuriddin Abdurahmon Jomiy (umrlari uzaysin) madhidakim, uning himmati mayxonasining suvchilari hayrat vodiysining bu labtasshnasi uchun ma’no mayining jomini dambadam to ‘ldirib turdilar [5]”.

“Layli va Majnun” dostonining VI bobini esa hazrat Navoiy shunday nomlaydilar: “Valiylik osmoninig jahonga nur taratuvchi yulduzi to‘g‘ri yo‘l ko‘rsatish konining sof gavhari, she’riyat avji falakning hashamli quyoshi va ma’nolar jomining toza may ichuvchi rindi, ya’ni mavlono Nuriddin Abdurhmon Jomiy madhida nukta surmoq va uning jomidagi durdni simirmoq”6. Bu betakror samimiyat bilan sug‘orilgan badiiy durdonalar Navoiy bobomizning pok qalbidan chiqqan yuksak e’tirofdir.

“Shoirlarning soni sanog‘i yo‘q. Ularning har biri haqida mufassal gapirishga hech imkon yo‘q. Shuning uchun faqat bir necha mashhurlarning nomini tilga olib o‘tishga majburmiz [7]”. Jomiy o ‘zining “Bahoriston” nomli mashhur asarining yettinchi ravzasini ana shunday boshlaydi va yigirma nafar mashhur shoirlar haqida fikr yuritadi. Bu ravzaning nihoyasida Navoiy bobomiz ijodiga murojaat qiladilar va shunday fikrlarini bildiradilar: “Bizning zamonamiz bu sohibidavlat vujudi ila musharrafdir. U o‘z martabasi, ulug‘ligi va shohga yaqinligi va shuningdek, Olloh ato etgan o‘qish, o‘rganish ila orttirilgan ilm-u donishi va aql-u zakovati bilan she’rlari husn-u kamoli uchun har qanday maqtovdan yuqori tursa-da, u o‘zini past turib she’r ahli jamoasiga qo‘shildi va boshqalarga ham pardani oradan ko‘tarib, she’riyat yo‘lini ochib berdi. Ammo haqqoniyatini aytganda, u mana shu anjumanlarning barchasiga boshliq va she’r

ahli sardaftarida nomi bitik”[7]. Bu e’tirof bag‘rida mavlono Jomiyning hazrat Navoiyga nisbatan cheksiz mehr-u muhabbati o’zining betakror ifodasini topgan.

Alisher Navoiyga bag ‘ishlangan “Qomusiy lug ‘at”ning birinchi jildida Jomiy haqidagi muhim ma’lumotlar keltirilib, jumladan, shunday mulohazalar ham beriladi: “Sulton Husayn Boyqaro, Jomiy va Navoiy Hirot adabiy muhiti markazida turganlar va ular siymosida adabiyot va xalq, ma’naviyat va davlat uyg`unlashgan edi. Ularning bir-birini qo‘llashi, ilhomlantirib turishi ulug‘vor bir madaniyatning, so‘z san’ati namunalari bo‘lgan o‘lmas obidalarning yaratilishiga sabab bo‘ldi [9]”. Tarix sahifalari bu e’tirofni ming bora qo‘llab-quvvatlaydi. Darhaqiqat, bugun bizlar o‘qib bahra olayotgamnimiz betakror asarlar, she’riyatning bebaho durdonalari ana shu buyuk hamkorlikning, noyob do‘stlikning, samimiy fikrdoshlikning qutlug‘ tortig‘idir. Bu muqaddas ma’naviyatni asramoq, o‘qib-o‘rganmoq ham qarz, ham farz ekanligini bugungi yoshlar ruhiyatiga singdirmog‘imiz zarur. Tarixiy masofa uzoqlashgani sari bu durdonalarga qalban yaqinlikni chuqur his qilmog‘imiz bu buyuk siymolarga bo‘lgan mehr-u muhabbatimiz belgisidir.

Bu buyuk ijodkorlar ijod qilish bilan insoniyatga manfaat keltirishni o‘z oldilariga maqsad qilib qo‘ygan edilar. Mana shu narsa ularning adabiy qarashlaridagi yana bir mushtaraklikdir. Aynan mana shu jihat bashariyatga abadiy ma’naviyat saboqlarini beraveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdurahmon Jomiy. Bahoriston. – T.: Yangi asr avlodi, 2007. B. 66.
2. Alisher Navoiy. Qomusiy lug‘at. 1-jild. – T.: Sharq, 2016. B.185.
3. Alisher Navoiy. Xamsa. Nasriy bayon. – T.: Navro‘z nashriyoti, 2019. B.20.

USTOZGA EHTIROM

Tojixon SABITOVA
dotsent, f.f.n., TCHDPI

Annotatsiya: *Ushbu maqola XV asrning ulug’ shoiri va mutafakkirlari Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiyning do’stliklari, hamfikrliklari, maslakdoshliklari va insoniy sifatlari haqidadir. Alisher Navoiy Abdurahmon Jomiyga bag’ishlab yozgan “Xamsat ul-mutahayyirin ” asarida ustozining olijanob insoniy fazilatlarini, qalbi mehr-muhabbatga to’la, umr bo’yi g’oyat kamtarona hayot kechirgan nihoyatda xoksor tabiatli buyuk shoir va mutafakkirning siymosi o’zining ajoyib ifodasini topgan.*

***Kalit so`zlar:*** *do`stlik, tasavvuf yo`li, fors-tojik adabiyoti, mumtoz, maslakdosh.*

Har bir ilmli va ma'naviyatli inson o'z Vatanining sodiqu solih farzandi bo'lib etishishi uchun avvalo o'z ajdodining ma'naviy, adabiy va madaniy me'rosini yaxshi tushunib, o'zlashtirib, so'ngra jahondagi kashf qilinayotgan ilmu fan yangiliklarini o'z xalqining ravnaqiga muvofiqlarini o'zlashtirishi zarur deb bilaman. Zero bizning o'zbek xalqimiz nihoyatda boy adabiy va madaniy merosga ega. Ustozni qanday e'zozlashni har bir inson Alisher Navoiydan o'rganishi lozim deb bilaman.

Navoiy Jomiy nasabini Shaybon nomli qabilaning maliklaridan Muhammad binni Hasan binni Abdulloh binni Tovus binni Xurmuz Shayboniy deb ko'rsatadi."Ustoz otangday ulug'" deb xalqimiz bejiz aytmagan. Biz buning ma'nosini milliy tilimiz va qadriyatlarimizning asoschisi ulug' mutafakkir shoir Alisher Navoiy o'z ustozi fors-tojik adabiyotining yirik namoyandasi Abdurahmon Jomiyga nisbatan qilgan ehtiromidan izlashimiz lozim.

Buyuk bobokalonimiz Alisher Navoiy yashab ijod etgan davrda nihoyatda shuhrat qozongan shoir, donishmand va olim fors-tojik adabiyotining klassigi Abdurahmon Jomiy (1414-1492) bo'lib, uni Navoiy maxdumi Nuran, ya'ni Nurli maxdum deb atar edi. Tarixdan bizga ma'lumki, bu ikki mutafakkir shoirlar bir-birlari bilan do'st, hamfikr, ustoz va shogird edilar. Jomiy va Navoiy o'rtasidagi yakdillik va do'stlik o'zbek va fors-tojik xalqlarining birodarligi va do'stligining yorqin timsoliga aylangan.

Jomiy "Xamsa"dan ("Besh doston") oshirib yeti doston yozgan. Ularni birlashtirib "Haft avrang" ("Yetti taxt")deb atagan. Ular quyidagi yetti dostondan iborat: "Silsilat uz-zaxab"("Oltin zanjirlar"), "Solomon va Absol", "Tuhfat ul-ahror" ("Erkinlar tuhfasi"), "Sibhat ul-abror"("Yaxshilar tasbehi"), "Yusuf va Zulayho","Layli va Majnun", "Xiradnomai Iskandariy". Bulardan tashqari yana "Bahoriston" kitobi, uch she'rlar devoni : "Fotihat ush-shabob" ("Yoshlik fotihasi") , "Vositatul-iqd" ("marvarid shodalarini bog'lovchisi"), "Hotimat ul-hayot"("Hayot xotimasi") va adabiyot nazriyasi, musiqiy ilmiga oid bir qancha kitoblar, tarjimalar Jomiy yozgan o'ttiz sakkiz asarining ro'yxati "Xamsat ul-mutahayyirin" ("Besh hayratda qolganlar") kitobida keltirgan.

Alisher tug'ilgan yili Abdurahmon Jomiy 27 yoshli yigit edi. Alisher Navoiy shoir sifatida tanilganida Jomiy o'z davrining mashhur shoiri va mutafakkiri sifatida dong taratgan mo'ysafid edi. Navoiy Jomiyni ta'riflab juda ko'p she'rlar bitgan. Jomiyni o'zining eng yaqin do'sti, ustozi, maslahatgo'yi deb bilar edi.

"Majolisun-nafois" ("Nafis kishilar majlisi")da Alisher Navoiy Jomiyni tasvirlab bunday deb yozadi:

“Mavlono Abdurahmon Jomiy-to jahon bo’lg’ay alarning yorug’ xotiralarining natoyiji jahon ahlidan kam bo’lmasun va to mehr evrulgay alarning ochuq ko’ngillarining favoidi davron xaloyiqidan kam o’lmasin…
Yo rab, bu maoni durrining ummoni,

Bu donishu fazl gavharining koni.
Kim aylading oni alam ahli joni,
Olam eliga bu jonni tut arzoni”.(1)

Navoiy o’zining Jomiy bilan do’stligi va bir-biriga mehr- oqibati, mahdumi Nuranning unga nihoyatda g’amxo’r ekanini ta’riflab yozadi:

“Bu nav’ sohib davlati buzurgvor va bu yanglig’ sohib kamoli nubuvvatqirdor , bu xoksori parishon ro’zg’orni azim iltifotlari bila sarbaland va g’arib navozishlar bila orzumand qilib abnoyi jinsim aro sarafroz, balki jinsi bashardin mumtoz qilur erdilar”.(2)

Jomiy bilan Navoiyni do’stlashtirgan narsa faqat ularning katta falsafiy masalalardagi hamfikrligi, jamiyat va tabiat hadisalarini bir xil talqin etishlarigina emas, balki ularning tabiati, kishilarga munosabatlari, dunyoqarashlari, xullas, insoniy sifatlari ham deyarli bir xil bo’lganida edi.

Bir kuni Navoiynving qo’liga Xo’ja Abdullo Ansoriyning “Ilohiynoma” kitobi tushdi. Uni kotib Shayx Abdullo olib kelgan edi . Bu odam yaxshigina kotib ekanidan tashqari, kitob savdosi bilan ham shug’ullanar edi. Yana u kishi o’zi ham Abdullo Ansoriyning avlodidan ekan. Navoiy xushxat qilib ko’chirilgan, chiroyli muqovadagi bu kitobni diqqat bilan ko’zdan kechirdi. Asar ikki katta bo’limdan iborat edi. Navoiy uning biror varag’ini o’qib chiqmoqchi bo’lib sekin mutolaa qila boshladi. Asarning tili shu qadar latif va ravon, badiati shunday jozibali edi-ki, kitoxon undan o’zini uzib olishi qiyin.

Navoiy asar latofatiga berilib ketti. U boshqa ishlarini tashlab, tinimsiz shu asarning mutolaasiga kirishdi va bir o’tirganda har ikki juzvni tamomlagandan so’nggina o’rnidan turdi.

Do’stlari bilan suhbat asnosida shu holni u aytib berganida, hozir bo’lganlar hayratda qolishdi. Bunday katta asarni boshidan oxirigacha o’qib chiqish ancha ish, dedilar ular.

Ertasi kuni ertalab Jomiy Navoiyning uyiga keldi. O’sha kitobni ko’rib Jomiy uni qo’liga olib ochdi va diqqat bilan qarab chiqdi.Tunov kuni suhbatda hozir bo’lgan odamlar hayrat yuzasidan u kungi gapni Jomiyga aytib berdilar. Ulug’ shoirning sersoqol va nuroniy yuzida tabassum paydo bo’ldi. U mayin jilmayish bilan dedi:

-Ajab amri ittifoqiy bizning va sizning oraliqda voq’I bo’lg’on ermish: ikki yo uch kun burunroq Mavlono Shayx Abdullo ushbu risolani bizning qoshimizga

keltirib erdi, biz dog'i avvaldin bunyod qilduq, oxirg'a degincha hech yerda turmoq bo'lmay tugandi.(3)

Ertasi Shayx Abdullo kelib kitobning yo o'zini, yoki pulini olmoqchi bo'ldi. Navoiyning yaqinlaridan biri unga Navoiyning bu kitobni bir o'ltirishda to'xtatmay boshidan oxirigacha o'qib chiqqanini aytib berdi. Shayx Abdullo hayron bo'ldi va dedi:

-Hazrati Mahdumiy (Jomiy) xizmatlariga ham eltub erdim, alarga ham ushbu hol voq'i bo'ldi.

Bir kuni Jomiy bilan Navoiy uzoq suhbatlashishdi. So'z kitob va uning ahamiyati to'g'risida ketti. Davrlar, insonlar o'tib ketadi, shaharlar buziladi, qal'alar xarobaga aylanadi, ekinzorlar va bog'lar o'rnini sahro va cho'llar egallashi mumkin. Ammo so'z yashaydi, kitoblar avloddan-avlodga avaylab o'tkaziladi, ularda bitilgan olijanob fikrlar, tashviq etilgan yuksak intilishlar hamisha insonlar qalbidan joy oladi, shuning uchun har avlod va xalq qo'lyozmalarni avaylab asraydi , ulardan nusxa ko'chiradi, o'z tiliga tarjima qiladi, undagi so'z va fikrlarni bolalarga uqdiradi. Xullas, odam bolasi barhayot ekan, kitob yashaydi, kishilarga yashash ilmidan murabbiy bo'lib qoladi.Yana har bir ma'rifatli insonning eng aziz do'sti, hamdami kitobdir.

Abdurahmon Jomiy Navoiy yashab ijod etgan o'z davrida eng shuhratli, eng bilimdon, madaniyat, ma'rifat, adabiyot arboblaridan bo'lib, uning ijodi g'oyat ko'p qirrali, murakkab bo'lib, o'ziga qadar va o'zi yashab turgan zamonda fanning turli sohalarini chuqur egallagan, ayniqsa adabiyot nazariyasi, tilshunoslik, tarix, diniy va musiqa ilmida nihoyatda ko'p ish qilgan shoir va ulug' olim hamda fors-tojik adabiyotining namoyondasi edi. U hayratomuz komil san'atkor sifatida ilg'or fikrlarni, insonparvarlik g'oyalarini, go'zal insoniy fazilatlarni ulug'lab o'z asarlarida tarannum etdi. Yuksak san'atkorlik bilan yaratgan ajoyib dostonlari va go'zal she'rlari bilan juda mashhur edi.

Alisher Navoiy mana shu o'z davrinng yorqin siymosi bilan nihoyatda yaqin do'st, o'ziga ustoz tutgan va bir-birlarini g'oyat hurmat qilar edilar, chunki ular juda ko'p siyosiy, ijtimoiy masalalarda hamfikr, sirdosh, maslahatdosh, mashaqqatli ijodlarida esa bir-birlariga ko'makdosh ustoz-shogird edilar. Bu esa ustoz-shogirdlarning o'rtasidagi yakdillik va do'stlik, o'zbek, fors-tojik xalqlarining birodarligi va do'stligining yorqin timsolidir.

1492- yilning 8-noyabrida Navoiy boshiga og'ir musibat tushadi. Uning aziz do'sti, samimiy maslahatchisi, mehribon hamdardi vafot etadi.

1494-yilda Alisher Navoiy ana shu ulkan do'sti hotirasiga bag'ishlab maxsus asar- "Xamsat ul-mutahayyirin"ni yozadi.

"Xamsat ul-mutahayyirin" bir muqaddima, uch maqola va bir hotimadan tarkib topgandir. Navoiy bu asarida ham siyosiy-ijtimoiy va ahloqiy masalalarga

eng ilg’or insoniylik nuqtai nazaridan turib yondoshgan. Shuni alohida qayd etib o’tish lozimki, asarda boshdan ohiriga qadar muallifning Abdurahmon Jomiyga bo’lgan cheksiz va samimiy hurmati yaqqol sezilib turadi.

“Xamsat ul-mutahayyirin” muqaddimasida Alisher Navoiy Jomiyning nasabi, tug’ilishi, tarbiyalanishi, bilim olishi, shoir va olim bo’lib yetishuvi haqida ma’lumotlar beradi.

Asarda xabar berilishicha, Jomiy 1414 yilda Jom shahrida tug’ilgan, juda yoshligidanoq o’tkir zehnli bo’lgan. Kichikligida Jom viloyatida, keyinchalik Hirotda “Nizomiya” madrasasida tahsil ko’rgan. Jomiy oz muddatda o’z zamonasining katta olimi, buyuk shoiri va taniqli mutafakkiri bo’lib yetishdi.

Navoiyning ta’kidlashishicha, Jomiy ilm olish bilan shug’ullangan yillarida ham ”nazmdan hargiz forig’ bo’lmaydurlar va bu boisdan nazmg’a tadvin va devong’a tazyin voqe’ bo’lubtur”.

Alisher Navoiy Jomiyning she’riyatdagi iste’dodi, qudratini uning bosh fazilati deb biladi.

Jomiy tasavvuf bilan bog’liq bir qator asarlar ham yozdi. U tasavvuf istilohlari yuzasidan mavjud adabiyotlardan farqli o’laroq, “ul ilmni o’z risola va kitoblarida xo’broq alfoz va ado bilan ul nav’ tasniflar qildilarkim, ko’proq faqirlar aning mutolaasidan hazz topib, bahramand bo’lurlar”. Demak, Jomiy bu ilmga aloqador fikrlarni o’z asarlarida ko’pchilikka tushunarli qilib, sharh va izohlar bilan bayon etgan. Natijada ulardan ko’pchilikning bahramand bo’lishi osonlashgan.

Jomiyning yana bir fazilati haqida so’zlab Navoiy “tariqat odobi sulukida andoq daqiq ravish bila tariqlarni tuzdilarkim,…hech kim u kishining bu ish bilan mashg’ul ekanligini bilmas va sezmas edi”,-deydi.

Bu yo’lda Jomiy “Naqshbandiya” oqimining taniqli arboblaridan bo’lgan Sa’diddin Qoshg’ariyni o’ziga “murshidi komil” deb bilgan. Sa’diddin Qoshg’ariy Hirotning mashhur shayxlaridan biri bo’lib, 1456 -yil 13-mayda vafot etgan. Jomiy Sa’diddin Qoshg’ariyning qiziga uylangan edi. Jomiy, shuningdek Bahoviddin Umar va Muhammad Asad kabi mutasavvuf shayxlar bilan muloqotda bo’lgan.

Jomiyning tasavvuf yo’lidagi kamoloti va shuhrati haqida so’zlar ekan, Navoiy uning g’oyat kamtar bo’lganligini alohida qayd etib, “…o’lturur-qo’parda va aytmoq va eshitmoq va emoq va kiymoqda o’zlari bila soyir mulozimlari orasida tafovut yo’q edi”,-deb yozadi. “Hamsat ul-mutahayyirin” ning avvalgi maqolatini Navoiy o’zi bilan Jomiy oralarida bo’lib o’tgan qiziq va nodir voqealar bayoniga bag’ishlaydi.

Bu fasl tarkibidagi 13-lavhada Jomiyning ma’naviy dunyosini ochib beruvchi shu voqealar munosabati bilan do’stining bildirgan mulohaza va

maslahatlari hamda uning yumorga moyilligini ko'rsatuvchi go'zal naqllar, turli adabiy mavzularda o'tkazilgan suhbatlar haqida mulohazalar mavjuddir.

Mana shu maqolatda, Navoiyning o'zi ta'kidlaganidek, Jomiyning unga bo'lgan alohida munosabatining "xususiyat va iltifotlari ma'lum bo'ladi".

Navoiy maqolatda alohida e'tibor bergan masala- badiiy ijod vazifasi va ijodkor burchi masalasidir. Bir necha hikoyatlar tarkibidagi fikrlar, jumladan, Jomiyning "Safed shud chu daraxti shukufador saram" matlai bilan boshlanadigan "qarilik" haqidagi qasidasi, Xoja Hasan Dehlaviyning "Misoli qatrai boron sirishki man hama durr shud" misrasi yuzasidan Ahmad Husayn marsiyasi borasida Sog'ariyning shoirlik rutbasi xususidagi bahs, munozara, mutoyiba va mulohazalar g'oyat qimmatlidir. Ularda Jomiy va Navoiy oralaridagi badiiy ijod masalalarida mavjud yaqinlik, aksaran esa bir hil munosabatni uqsa bo'ladi.

Shuningdek, bir necha naqllar Navoiy va Jomiyning badiiy-estetik didlarining o'zaro yaqinligidan, ularning hozirjavobliklaridan dalolat beradi. Badiiy asarni baholashda, umuman unga munosabat bildirishda bu ikki ulug' shaxsning ehtiyotkorligi, holisligi ham ko'zga tashlanib turadi.

Asarning ikkinchi maqolati Navoiy va Jomiyning o'zaro yozishmalariga bag'ishlanib, bular Jomiy va Navoiyning beqiyos do'stliklarini yaqqol namoyish qiluvchi va asarga alohida joziba hamda ma'no baxsh etuvchi g'oyat go'zal va yorqin sahifalardir. Ularda Jomiyning Navoiyga yo'llagan o'n besh nomasi va javob xatlari hamda Navoiyning Jomiyga yozgan o'n besh maktubi va javob nomalari keltiriladi.

Yozishmalarni mazmuniga ko'ra uch xilga bo'lish mumkin:

1. Ikki bir-biriga g'oyat suyanib qolgan, bir-biriga mehribon do'stlarning bir-biridan habar topish maqsadidagi maktublari.

2. Badiiy ijod bilan aloqador yozishmalar.

3. Ijtimoiy-siyosiy voqealar bilan bog'liq ruq'alar.

Alisher Navoiy va Abdurahmon Jomiydek ulug' siymolarning sof insoniy xususiyatlari, ularning bir-birlariga bo'lgan mehru muhabbat, sadoqat va hurmatlari darajasi haqida qator maktublari to'la tasavvur yaratib beradi.

Alisher Navoiy Marv safarida bo'lganda do'stini va ustozini sog'inib nomalar yuboradi va ularga javoblar olib turadi. 1472-yilda Jomiy Makkaga safar qiladi. U Bag'dodga yetganida Vatanini va aziz do'stini qo'msab unga quyidagi go'zal bir g'azalni yuboradi:

Bar kanori Dachla dur az yoru mahchur az diyor,
Doram az ashki shafaqgun Dachlan xun bar kanor.

Tarjimasi: Dajla sohilida do'stdan uzoqda, diyordan judolikda shafaqrang ko'z yoshdan ko'ksimda qonli Dajla paydo qildim.

Navoiy bu g'azalga tatabbu' qilib g'azal yozib Jomiyga yo'llaydi:

Shomi hichron k-o' ba Mag'rib shod nihon xurshedvor,
Yorabash, subhi visol az chonibi Mashriq baror.

Tarjimasi:

Hijron tuni u quyoshdek G'arbda yashirindi.
Yorab, Sharq tomondan visol tongini yorit!

Navoiy va Jomiyning bir-birlariga yo'llagan maktublarida ikki buyuk shaxsning insoniy do'stliklari, judolik tasviri, uchrashuv ishtiyoqi va bir-birlariga ko'ngil izhori o'z aksini topgandir. Ularda badiiy ijodning muhim masalalari haqida ham g'oyat qimmatli fikrlar bayon etilgan. Navoiy va Jomiy ijodida bir qator asarlar borki, ularning maydonga kelishida ikkisi ham sababchi bo'lgan. "Xamsatul- mutahayyirin" da Jomiyning "Lujjat ul-asror" ("Sirlar daryosining chuqur joyi") - Amir Xusrav Dehlaviyning "Daryoyi abror" ("Pok kishilar daryosi") va Navoiyning "Tuhfatul-afkor"("Fikrlar tuhfasi")- qasidalarining yozilish tarixini aniqlab beruvchi g'oyat maroqli bir lavha bor.

Jomiy davlat ishlari boshida Navoiydek xalqparvar, oqil arbobning turishini istar edi.

U Navoiy siymosida odil davlat arbobini, ilm-fan, madaniyat rivoji yo'lidagi tolmas murabbiyni, mehnat ahli farovonligi va mamlakat osoyishtaligi uchun qayg'uruvchi donishmandni ko'rar edi.

Ayni choqda Jomiy Navoiyning olijanob intilishlari, ulkan orzulari ro'yobga chiqmagan yoki benihoya mushkul, mashaqqatli harakatlari ko'ngildagidek natijalar bermaganini hamda shular tufayli Navoiyning g'oyat dilgir bo'lishligini ham chuqur idrok etar edi. Shunday paytlarda u do'stining dardiga hamdard bo'lar, taskin berishdan charchamas edi. Ba'zida esa uning e'tiborini ijod ishlariga tortar edi.

Xullas, asardagi ikki shaxsning bir-birlariga yozishmalaridan shu narsa ko'rinadiki, ular orasidagai munosabat, ikki shaxs orasidagi oddiy yoki tor harakterga ega bo'lmasdan, tamomila aksincha, juda ko'p qirrali va keng ko'lamli, elu yurt va davlat masalalariga qadar qamrab olgan.

Jomiy va Navoiyning ijodiy faoliyatdagi yaqinliklari "Hamsatul-mutahayyirin" ning uchinchi maqolatida o'z aksini topgandir.

Bu bob avvalida Navoiy Jomiyning o'ttiz sakkizta asari ro'yxatini beradi. Ulardan ba'zilarining yaratilishi Navoiy tashabbusi bilan bo'lganligini muallif o'rni-o'rni bilan aytib o'tadi.

"Xamsatul mutahayyirin"ning bu qismida Jomiyning asarlaridagi, jumladan "Subhat ul-ahror", "Yusuf va Zulayxo", "Layli va Majnun", "Xiradnomai Iskandariy" lardagi Navoiy shaxsiyati haqidagi fikrlar, unga qaysi asarlari bag'ishlangani, qaysillari uning bevosita tashabbusi bilan yozilganligi, muallifning bergan baholari, shuningdek Navoiyning Jomiy haqidagi "Hayrat ul-abror",

“Farhod va Shirin”, “Layli va Majnun”, “Saddi Iskandariy”, “Majolis un-nafois”larda keltirilgan parchalari bebriladi.

Jomiy Navoiyga g’azallarini yig’ib, devon qilishni maslahat beradi. Navoiy aziz do’stining bu istagini uning o’limidan ancha keyin-1498-1499-yillarda amalga oshiradi va devoniga “Xazoyin ul-maoniy” deb nom beradi.

“Xamsat ul-mutahayyirin”ning so’nggi bobi “Xotima” deb nomlangan. Unda Jomiy qalamiga mansub asarlarni sanab o’tadi. Shuningdek, Jomiyning xastaligi, vafoti va dafn qilinish tafsilotlarini bayon etadi. Jomiy vafotiga 1 yil to’lganda Navoiy uning qabri ustiga katta maqbara qurdirib, Behzod ishlagan Jomiyning suratini qo’ydiradi. Shox ishtirokida yana katta marosim o’tkazadi. Har biri 10 baytdan iborat 7 bandli (140 misra) tarkibband marsiyani o’sha davr nutq madaniyatining mashhur ustodlaridan sanalmish Mavlono Husayn Voizga o’qittiradi. Navoiy bu marsiyada buyuk inson “fan olamining yagonasi”, she’riyatning mohir ijodkori bo’lgan samimiy do’sti, hamfikr qo’ldoshi, dil suyanchig’ini yo’qotganidan alamli nolalar qiladi.

Xullas, “Xamsatul mutahayyirin”dagi ma’lumotlar, ilmiy va badiiy ijod bilan bog’liq bo’lgan qator masalalarni yoritib beradi. Shuningdek, Navoiyning o’z ustoziga bo’lgan ehtiromining go’zal va yorqin ifodasi, ibratbli va havasnok tajassumi hamdir.

II. ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ АДАБИЙ МЕРОСИ ВА ТАРЖИМАЙИ ҲОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ МАКТУБЛАРИДА БАДИИЙ ИЖОДГА МУНОСАБАТ

Шоира АХМЕДОВА,
профессор, ф.ф.д., БухДУ

Аннотация: *Мақолада Жомий ва Навоий мактубларида бадиий ижодга муносабат ҳақида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *Мактуб, хат, нома, руқъа, ёзишма, жанр, образлилик.*

Мактуб (хат, нома, руқъа, ёзишма ва ҳ.к.) инсоний меҳр-муҳаббатдан дарак берувчи ёзма мужда саналади. Узоқ-яқин қариндошлардан, дўстлардан, танишлардан келган хатларни ўқиганда киши қалбида, албатта, бир илиқлик уйғонади, юзига табассум югуради. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий хатга жуда катта эътибор билан қараб, уни кишилар орасидаги энг муҳим алоқа воситаларидан бири санаб, мактубни образли тарзда «ҳижрондаги шуъла, тириклик нишони» деб таърифлаган. Ҳақиқатан ҳам Шарқ алломалари мактубот жанрига катта эътибор берганлар[1]. Абдураҳмон Жомийнинг мактубларини ўрганган олим А.Ўринбоев 14 - 15 асрларда бу жанрнинг тараққий этганлигини тўғри таъкидлаб ўтади[2].

Навоий Самарқанд, Астробод ва бошқа шаҳарларда яшаб туриб, турли муносабат билан турли замондошларига ёзган насрий мактубларини тўплаб, «Муншаот» (Хатлар) номи билан китоб қилади. Бу хатлар буюк адибнинг турли вазиятдаги кайфиятини ҳаққоний акс эттирган тарихий ҳужжатлар сифатида ҳам ғоят аҳамиятлидир. *«Бир мактубки, саҳифасининг оқлиги ярали кўнгил жароҳатига малҳам бўлгиси ва бир номаки, қора ёзувининг нуқтасидан оқарган кўзга равшанлик берувчи қорачиғ бўлгусидирким, бу ҳижрон дарди бечорасини айрилиқ дашти оворасини Ушбу хат билан мукаррам қилган экансиз-келиб тегди»*[3]. Шу мисолнинг ўзиёқ Алишер

[1] Ш.Ахмедова. Мактубот ва адабий танқид.Мелбрун. ГлобеЕдит. 2019. 7-бет.

[2] Ўринбоев А. Жомий мактублари. Тошкент. 1984.

[3] Алишер Навоий. Муншаот. Нашрга тайёрловчи: Ю.Турсунов. Тошкент. 2001..»Маънавият».64-бет.

Навоийнинг хатга қанчалик эътибор берганлигини яққол кўрсатади.

Шу ўринда Бобур Мирзонинг Навоий хатлари ҳақидаги фикрларини келтириб ўтишга тўғри келади: « Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларга боқа пастроқ ва сустроқ воқе бўлубтур. Ул жумладин, иншоларини Мавлоно Абдураҳмон Жомийга тақлид қилиб битибтур, йиғиштирубтур»[4]. Бу масалага муносабат билдириб, навоийшунос олим, профессор Р.Воҳидов Бобур Мирзонинг маълумотларига танқидий қараш зарурлигини таъкидлар экан, шундай ёзади: « яна Алишер Навоийнинг ўз мактубларини йиғиштириб, тўплам («Муншаот») тузганлиги Бобур Мирзога Абдураҳмон Жомийга тақлиддай туюлади. Адабий жараёнда, даҳо санъаткорлар фаолиятида кўзга ташланадиган яхши, ижобий анъаналарни ўрганиш, давом эттириш шарафли иш. Бобур Мирзо ҳам тақлидни салбий маънода қўлламаган бўлиши мумкин»[5].

Ҳақиқатан ҳам навоийшунос олимнинг фикрига қўшилиш мумкин. Балки Бобур Мирзо «Мезонул- авзон» каби хаттотлар томонидан янглиш кўчирилган нусхалари билан танишгани сингари «Муншаот»нинг ҳам қайси нусхаларига асосланиб фикр юритганлиги ҳақидаги маълумотлар етиб келмаган. Бунинг устига Алишер Навоий устози ва пири Абдураҳмон Жомийга бутун умр эргашиб, маънан интилиб келганлиги унинг барча асарларидан маълум. Шунинг учун А.Навоийнинг хатларни тўплаб, «Муншаот» тузганлиги кўп томондан: у яшаган даврни, ижтимоий - сиёсий ҳаётни ўрганиш жиҳатидан ҳам, Навоийни буюк шахс ва инсон сифатида ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгалиги яққол кўринади.

Айниқса, Навоийнинг устози, пири А.Жомий ўртасидаги ёзишмалар ҳам шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Чунки бу мактублар икки буюк ижодкор шахсиятини, қалбини, бир-бирларига бўлган юксак дўстона муносабатларини ўрганишда ва келажак авлодга ибрат қилиб кўрсатишда муҳимдир.

Жомий мактублари устида тадқиқот олиб борган А.Ўринбоев унинг 300дан ортиқ хатлари мавжудлигини кўрсатар экан, С.Айний, И.Султон, С.Ғаниева, Ф.Олимов, Д.Юсупова каби олимлар тадқиқотларида бу ҳақда мулоҳаза билдирганларини кўрамиз. Айниқса, ёш олим Ф.Олимов ўзининг тадқиқотида Навоийнинг Жомийга бағишланган “Хамсатул-мутаҳаййирин” асарини чуқур таҳлил қилганлиги кўринади. Бундан ташқари “Навоийнинг устози” мақоласида икки буюк инсон ўртасидаги ёзишмаларга ҳам тўхталади[6].

[4] Бобур З. М. «Бобурнома».Тошкент. 1989. 154-бет
[5] Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. Тошкент. «Маънавият». 1999. 47-бет.

[6] Олимов Ф. Навоийнинг устози.// Шарқ юлдузи. 2014. № 2.

“Хамсатул-мутаҳаййирин”нинг иккинчи мақолати Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий бир-бирига ёзган хатлари хақида бўлиб, навоийшунос олима Д.Юсупова ўзининг “Тарихий, ёднома ва турли мавзудаги асарлари” мақоласида “Хамсатул-мутаҳаййирин”даги бу мактублар Жомийнинг ҳам, Навоийнинг ҳам баъзи асарлари таркибига киритилганлиги ҳақида фикр юритади.

Ҳақиқатан ҳам “Хамсатул-мутаҳаййирин”нинг иккинчи мақолатидаги Жомий ва Навоийнинг ўзаро ёзишмалари уларнинг “беқиёс дўстликларини намойиш қилувчи ва асарга алоҳида жозиба ҳамда маъно бахш этувчи ғоят гўзал ва ёрқин саҳифалардир. Уларда Жомийнинг Навоийга йўллаган 15 номаси ва жавоб хатлари ҳамда Навоийнинг Жомийга ёзган 15 мактуби ва жавоб номалари келтирилган”[7]. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи шундай ёзади: “Ул ҳазрат била бу фақир орасида ўтган руқъалар бобидаким, ул руқъалар ҳоло аларнинг куллиётида мазкурдур ва муншаотлар орасида мастурким, бу фақир жавоб битибмен ё акси”[8].

Навоийшунос олима С.Ғаниева бу мактубларни шартли равишда учга бўлади. Шундан иккинчиси бадиий ижод билан алоқадор ёзишмаларки, улардан бири ҳақида фикр юритмоқчимиз, чунки улар адабий-танқидий характерда бўлиб, бадиий ижоднинг муҳим масалаларига бағишлангани билан қимматлидир. Асарда Жомийнинг “Лужжатул-асрор” (“Сирлар дарёсининг чуқур жойи”) ва Навоийнинг “Туҳфатул-афкор” (“Фикрлар туҳфаси”) қасидаларининг яратилиши, ёзилиш тарихи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилганки, бу адабиётшуносликдаги ижодий таъсир масаласини ҳам аниқлаштиришда ёрдам беради.

“Ул Ҳазрат бу руқъани битиб йибориб эрдиларким: «Баъд аз адои вазоифи дуо макрун ба ижобати самиаллоҳу лиман дуо марфуъ он ки ба тозаги қосиде расид ва қасидаи тозав расонид. (Таржимаси: Дуо қилиш вазифалари адоси ижобати билан оллоҳ хабардорни юксалтиргандан сўнгра маълум бўлғайким, янгидан чопар келди ва янги қасидани етказди).

Чу ҳарфе чанд хондам з-он қасида
Дили хосонаш андар қайд дидам.
Дар он асно чу шуд чашми басират
Кушода жумла дилҳо сайд дидам 39-бет.

(Таржимаси: У қасиданинг бир неча жойини ўқиб, Хослар дилини унга боғланган кўрдим. Шу аснода хушёрлик кўзи очилиб, ҳамма дилларни овланган кўрдим)

[7] Ғаниева С. Хамсатул-мутаҳаййирин. Китобда: Ўзбек адабиёти тарихи. 2-том.Тошкнт.1977. 378-бет.
[8] Алишер Навоий. Хамсатул-мутаҳаййирин. Мукаммал асарлар тўплами. 15-жилд. 30-бет.Кейинги ўринларда шу асарнинг бети кўрсатилади.

Навоий бу қасидани ўқиб, нақадар хурсанд бўлганини эътироф этади.

Асарда Навоий Жомийнинг Маккага сафари ҳақида гапирар экан, унинг Бағдоддан бир ғазал (бағоят рангин бир нома) юборгани ҳақида сўзлаб, ғазалнинг матлаъини келтиради. Навоий ҳам бу ғазалга татаббуъ қилиб, бир ғазал ёзиб юборади.Руқъанинг охирида ушбу рубоийни ҳам ёзиб қўшади..

Ин нома, на нома, дофеи дарди ман аст,
Ороми даруни ранжпарварди ман аст,
Таскини дили гарму дами сарди ман аст,
Яъне хабар аз моҳи жаҳонгарди ман аст. 42-бет.

(Таржимаси: Бу мактуб, мактуб эмас, менинг дардларимни дафъ этувчидир. Оғриқ билан қийналган кўнглимнинг оромидир. Қайноқ дилим ва совуқ нафасим таскинидир, Яъни менинг жаҳон кезиб юрган моҳимдан хабардир) .

Жомий Маккадан қайтгандан кейин Ҳалабда бўлган вақтида бу рубоийга жавоб ёзиб юборади:

Ин руқъа, на руқъа, мояи ҳар тараб аст,
Таҳсили нишоту айшро хуш сабаб аст,
З-ин сон ки бувад мухтасару пурмаъни
Гўё зи «Жавоми ул-калим» мунтахаб аст

Таржимаси: Бу хат, хат эмас, ҳар бир шодликнинг негизидир, Хурсандчилик ва айш ҳосил қилишнинг яхши сабабидир. Қисқа ва кўп маъноли эканлиги билан, Гўёки «Жавоми ул-калим»нинг мухтасаридир.
(«Жавоми ул-калим» – ўзи қисқа, лекин ғоят чуқур маъноли сўзларни ўз ичига олувчи демакдир) 43-бет.

Бу мактубларни кузатар эканмиз, икки ижодкорнинг олижаноб қалби ҳар бир хатда кўриниб туради. Шарқ одоб-ахлоқига хос сертакаллуфлик, буюклик билан бирга, ғоят соддалик, одамийлик, катталарга таъзим, ёру дўстларга чексиз ҳурмат ва муҳаббат ушбу хатларнинг асосий мотивларини белгилайди. Бу хатлар улуғ шоирларнинг шахсиятини, руҳий оламини, бошқача қилиб айтганда, маънавий-руҳий портретини ростгўйлик билан ифодалаганлиги жиҳатидан муҳим адабий, ижтимоий аҳамиятга эгадир. Чунки уларда Жомий ва Навоийдек буюк шоирларнинг шахсияти, руҳий олами, ғам ва ташвишлари, хурсандчилиги, ижодий муваффақияти, халқ тақдирига оид ўй-орзулари, дўстларига муносабати бевосита ёрқин акс этган.

Ижодкорларнинг хатларини ўрганиш орқали шундай хулосага келамиз: уларнинг хатлари китобхонларни дўстнинг дўстга, ҳамкасбга, биродарига, умуман, инсоннинг инсонга самимий, чуқур ҳурмат, эҳтиромда бўлишга ўргатади. Хат ёзувчининг меҳрга тўла қалбидаги ҳароратни хатни олувчига улашади, унинг юрагини ҳам илитиб, саховатга тўлдиради, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Алишер Навоий буни шоирона муболаға билан қуйидагича кўрсатади:

Нома ёзғон чоғда бўлмиш эрди хунафшон кўзум,
Оқ варақ гулранг бўлди токи сочти қон кўзум.

Ёки

Ул руқъаки, сочиб эди кофур уза анбар,
Ҳар нуқтаси мушк эрди-ю ҳар нуқтаси гавҳар-

етишди. Нуқтаси мушкини кўзум мардуми устида қўйдум ва лафзлари гавҳарини жон риштасиға чектим, кўз уйи андин мунаввар бўлди ва жон кулбаси мундин зеру зевар топти[2].

Мактубнинг инсонга таъсирини бундан ортиқ тасвирлаб бўлмас!

Бу ёзишмалардаги жанрлар (ғазал, рубоий, фард) икки буюк ижодкорнинг самимий дўстлиги, бир-бирига бўлган ҳурмат нишонаси сифатида ифодаланса, иккинчидан, бу дўстлик орқасида рангин ғазаллару рубоийларнинг яратилиши ҳам ижобий ҳодисалардан бири эканлиги намоён бўлади. Бадиий ижод билан алоқадор ёзишмаларни ўрганиш биринчидан, Жомий ва Навоий ўртасидаги буюк меҳр-муҳаббат, дўстлик алоқаларини намоён этса, иккинчидан, бадиий асарларнинг яратилиш тарихи ҳақида, ижод қонуниятларининг очилмаган қирралари ҳақида сабоқ беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедова Ш. Мактубот ва адабий танқид. Мелбрун. ГлобеЕдит.2019. 7-бет.
2. Ўринбоев А. Жомий мактублари. Тошкент. 1984.
3. Алишер Навоий. Муншаот. Нашрга тайёрловчи: Ю.Турсунов. Тошкент. 2001..»Маънавият».64-бет.
4. Бобур З. М. «Бобурнома».Тошкент. 1989. 154-бет
5. Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. Тошкент. «Маънавият». 1999. 47-бет.
6. Олимов Ф. Навоийнинг устози.// Шарқ юлдузи. 2014. № 2.
7. Ғаниева С. Хамсатул-мутаҳаййирин. Китобда: Ўзбек адабиёти тарихи. 2-том.Тошкнт.1977. 378-бет.
8. Алишер Навоий. Хамсатул-мутаҳаййирин. Мукаммал асарлар тўплами. 15-жилд. 30-бет.Кейинги ўринларда шу асарнинг бети кўрсатилади.
9. Алишер Навоий. МАТ.14-том. 208-209 бетлар.

[2] Алишер Навоий. МАТ.14-том. 208-209 бетлар.

“МУЗАККИРИ АҲБОБ”ДА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ТАЪРИФИ

Буробия РАДЖАБОВА
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти
катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

Аннотация: *Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) номли тазкирасида Абдураҳмон Жомий билан боғлиқ лавҳаларига тўхтаб ўтилган.*

Калит сўзлар: *бадиий адабиёт, шайх, манба, “Музаккири аҳбоб”, тазкира, Шайбоний.*

Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) номли тазкираси адабиётшуносликда энг ишончли ва муҳим манбалардан ҳисобланади. Муаллиф уни 1566 йилда форс тилида Бухорода ёзиб тугатган. Тазкирада XVI асрда Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Шарқий Туркистон ва Ҳиндистонда яшаб ижод қилган 288 нафар шоир ҳаёти, адабий мероси ҳамда бадиий адабиёт ривожига эътибор қаратган маърифатпарвар ҳукмдорлар номи, шайхлар, тариқат пирлари ҳақида қимматли маълумотларни берган, ўрни билан ижодкорларнинг асарларидан ибратли, таъсирли, бадиий жиҳатдан баркамол намуналарни келтирган.

Тазкирани форс тилидан ўзбек тилига таниқли шарқшунос олим ва таржимон Исмоил Бекжон маҳорат билан таржима қилган ва нашрга тайёрлаган ҳамда тазкирани ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганиб, уни қомусий асар сифатида юксак баҳолаган. Муҳими, у тадқиқот ва таржима жараёнида тўплаган фикр-хулосаларини жамлаб, китобга “Музаккири аҳбоб” ва унинг муаллифи ҳақида” номли салмоқли сўзбоши ёзган[30], асар сўнгида эса маълумотларга бой 80 саҳифадан ортиқ ҳажмдаги изоҳларни илова қилган.

Тазкирани қизиқиш билан ўқиб-ўрганар эканмиз, Ҳасанхожа Нисорий унда Султон Ҳусайн Бойқаро, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Бобур подшоҳ каби даҳо сўз санъаткорлари тўғрисида ишончли маълумотлар, ноёб лавҳалар, ҳаётий ва ибратли ҳикоятлар келтирганидан хабардор бўламиз.

Биз тазкиранинг Абдураҳмон Жомий билан боғлиқ лавҳаларига қизиқиб кўрдик ва уларни қиёсий жиҳатдан ўрганиш мақсадида Алишер Навоийнинг

[1] Ҳ а с а н х о ж а Н и с о р и й. Музаккири аҳбоб. Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 3–6-бетлар.

айрим асарларида берилган Ҳазрат ҳақидаги маълумотларга ҳам у ёки бу даражада мурожаат қилдик. Абдураҳмон Жомий ҳақидаги зикр тазкиранинг “Абдулазизхон бин Абдулғози Убайдулло Баҳодирхоннинг муқаддас ёди” номли фаслда берилганига гувоҳ бўлдик. Тўғрироғи, муаллиф хоннинг пири, устози шайх Жалол ҳақида тўхталар экан, шайх Жалол шайх Муҳаммад Ружийга мурид эканлигини ва шайх Муҳаммад Ружий эса Абдураҳмон Жомий билан бир устознинг шогирдлари эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган ҳамда фаслнинг шу нуқтасидан бошлаб Абдураҳмон Жомий зикри бошланган. Мазкур зикрда баён қилинган маълумотлар тадрижий изчиллиги билан ўқувчида улуғ шоирнинг таваллудидан то вафотигача бўлган ҳаёт ва ижод йўли, нақшбандия тариқати силсиласидаги мақоми ҳақида аниқ хабарлар бериш билан бирга, маълум маънода унинг нурли сиймоси ҳақида тасаввур уйғота олади, ҳаёти, ижодини ўрганишга рағбат пайдо қилади. Айниқса, улуғ мутафаккирнинг онаси ҳақидаги *“Оналари ҳазрат имом Шайбоний наслидандир”* деган қисқа изоҳи биз учун муҳим хабар бўлиб, ушбу изоҳ Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасининг “Шайх Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий қ.р.”[31] фиқрасида ёки Нуран Махдумнинг таржимаи ҳолига бағишлаб махсус битилган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарларида ҳам учрамайди. Яна тазкиранавис зикрда Абдураҳмон Жомий лирикасидан бир қитъа, шоҳбайт даражасидаги учта байтни келтирган, аммо 50 дан зиёд асарларининг номи тилга олинмаган. Яна унинг вафоти муносабати билан Дарвеш Равғангар ёзган ўтли, юракни ўртовчи марсиядан ва Ҳусомий Қаландар битган таърихдан намуналар берган.

Шу ўринда қиёсий усул ёрдамида Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарига юзлансак. У ўз асарининг “Хотима” фаслида соҳиб-азо сифатида Ҳазратнинг вафоти, мотам оши, йилоши тафсилотларини батафсил баён қилар экан, улуғ шоирга бағишлаб ўзи битган таърих ва марсия матнини тўлиқ келтирган ва марсияни йилошида минбарда машҳур воиз Ҳусайн Воиз Кошифий ўқиб эшиттирганлигини таъкидлаб ёзган: “Бир йилгача олам аҳлиға, умуман ва Хуросону Ҳирот аҳлиға хусусан мотам эрди. Йил бўлғондин сўнгра Ҳазрати Султони Соҳибқирон аларнинг йилошини басе эъзоз ва эҳтиром била подшоҳона бериб, мухлисларидин баъзи ул Ҳазратнинг мутаҳҳар марқади бошида олий иморат солиб, хуффозу имом ва муқрию худдом тайин қилди. Ва назм аҳли кўп таърихлар айтиб ўқидилар. Ул жумладин хуруф роқими (Алишер Навоийнинг ўзи назарда тутилган –

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Насойим ул-муҳаббат \\ Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001, 480– 482 -бетлар.

Б.Р.) бу марсия била таърихни айтиб, йилоши тортарда Султони Соҳибқирон олий мажлисларида ўткарди ва ҳукм бўлдиким, Мавлоно Ҳусайн Воиз минбар устида ўқуди”[32].

Хуллас, “Музаккири аҳбоб”да Абдураҳмон Жомий зикри шундай бошланади. Чунончи: “ ... Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Ружий муридларидан эди. Алар бўлса васфида тил ожизлик қилувчи довруқли ҳазрат мавлоно Абдураҳмон Жомий билан бир устод шогирдидирлар. Абдураҳмон Жомий ҳазратларининг турли илмлар бўйича бир қанча таснифлари борким, улар номма-ном тилга олинса, бу саҳифа юзида бошқа сўзларга жой қолмайди. Оталари Муҳаммад Даштийдир. Дашт Исфаҳонга қарашли жой. Оналари ҳазрат имом Шайбоний наслидандир. Асли лақаблари Имомиддин, танилган лақаблари эса Нуриддиндир ва номлари Абдураҳмон, тахаллуслари хусусида ўзлари айтмишлар, қитъа:

Мавлидам Жому рашҳаи қаламам
Журъаи жоми Шайхулисломист.
З-он сабаб дар жаридаи ашъор
Ба ду маъни тахаллусам Жомист.

(Мазмуни: “Туғилган жойим Жом ва қаламим томчилари Шайхулислом (Аҳмади Жомийи Зиндапил – И.Б.) нинг жомидан бир қатрадир. Шунинг учун ҳам шеърларимда тахаллусим бу икки маъно билан Жомийдир)”.

Шу ўринда бир изоҳни келтиришни маъқул деб билдик, яъни юқорида Ҳасанхожа Нисорий келтирган Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб қитъани Алишер Навоий ҳам “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарининг “Муқаддима” қисмида ҳавола қилган, аммо қитъанинг 3-мисрасини у *“Ложарам дар жаридаи ашъор”*[33] шаклида ёзган:

Мавлидам Жому рашҳаи қаламам,
Журъаи жоми Шайхулисломист.
Ложарам дар жаридаи ашъор,
Ба ду маъни тахаллусам Жомист.

Қитъанинг 3-мисрасидан билинадики, Ҳасанхожа Нисорий қитъанинг 3-мисрасини *з-он сабаб* деб бошласа, Алишер Навоий қитъанинг 3-мисрасини *ложарам* сўзи билан бошлаган. *Ложарам* сўзининг луғавий маъноси билан

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Хамсат ул-мутаҳаййирин \\ Мукаммал асарлар тўплами. 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999, 79-бет.

[2] Ўша манба, 10-бет.

қизиқиб кўрдик. Луғатларда ёзилишича, мазкур сўз арабча бўлиб, ўзида “чорасиз, шубҳасиз, ноилож; албатта, шунинг учун”[34] сингари маъноларни ташир экан. Матнда *ложарам* сўзи *шунинг учун* маъносида қўлланган ва сабаб, оқибат маъноларини билдирган. Демак, ҳар икки сўз ҳам сабаб, оқибат маъноларида қўлланган аниқ, аммо Абдураҳмон Жомий қайси сўзни қўллагани бизга қизиқ туюлиши табиий. Шундай экан, биз Алишер Навоий қаламида битилган *ложарам* сўзи қўлланган қитъа вариантини мукаммал деб билдик ва Ҳасанхожа Нисорий тамсил қилган Абдураҳмон Жомий қитъасининг 3-мисрасини ҳам *“Ложарам дар жаридаи ашъор”*, деб тузатдик.

Яна муаллиф лавҳада улуғ шоир туғилган мавзе, унинг ота ва оналари, таълим олиш, тарбия топиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, ўзи ҳақидаги турли маломатларни оқилона бартараф этиш усуллари, уларга муносабатларини ҳам яхши баён қилган: “Таваллудлари Жомнинг Харжерд мавзеида набавий ҳижратининг 817 йили 13 муаззам шаъбон ойида аъшо вақти рўй берган. Сарфу наҳв таҳсилини отаси қошида ва қолган илмларни бошқа олимлар ҳузурида қисқа бир муддат ичида пухта даражада ҳосил қилганлар. Ҳол ибтидосидан камол мартабасигача ишқ иштиёқидан ҳоли бўлмаганлар. Гарчи халқ маломат ва таънаси пок кўнгилларига ғубор еткказган бўлишига қарамай, муборак кўнгилларини бул истакли одатларидан узмаганлар. Мақтаъ:

Кори Жомий ишқи хубонасту ҳар сў оламе,
Дар паи инкори ў, у ҳамчунон дар кори хеш.

(Мазмуни: “Жомийнинг иши хублар ишқидир, аммо ҳар томондан бир олам (яъни кўп кишилар) уни инкор этиш билан овора у эса аввалгидек ўз иши кетидан қолмайди”). Мавлоно Жомий ширин сўз ва тотли нозик фикрларни кўп айтганлар”[35].

Зикрда Абдураҳмон Жомий характери, фазилатлари ва кароматларини очиб берувчи, ибратли ҳаётидан хабар берувчи иккита ҳикоят тамсил қилингани мақтовга лойиқ. Биринчи ҳикоят шаклан қисқа бўлса-да, мазмунан бой бўлиб, унда улуғ шоирнинг сўздаги одоб, ҳозиржавоблик, қаноатпешалик сингари фазилатлари ёрқин намоён бўлган дейиш мумкин: “Бир куни подшоҳзодалардан бири бир бўлак наввотни тиши билан

[1] Ш а м с и е в П., И б р о ҳ и м о в С. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 387-бет.

[2] Ўша манба, 40–41-бетлар.

синдириб, қайси бирини олмоқ истайсиз, дебди. Алар лаб ширин қилиб, ҳар иккаласи ҳам биз учун кўплик қилади, деган эканлар”[36].

Иккинчи ҳикоят эса Абдураҳмон Жомий ҳузурида зиёратда бўлган Мавлоно Абдулғафур номли киши тилидан баён қилинган ва унинг ботин илмининг ҳам нақадар юксаклиги, ўткир нафаси, кароматлари ёритилган: “Мағфиратли Мавлоно Абдулғафурдан нақлдурким, демишлар, “билимлар тугунини ечувчи Ҳирий шаҳрига келган эдим ва бошимда бир ажиб муаммо ташвиши бор эди. Ҳазрат Мулло (Жомий) мулозаматига етишгач, ул зот шунчаки гаплар асносида қандайдир бир хил йўсинда менинг мушкулотимни ҳам ечиб ўтиб кетдилар. Сўнг менга маълум бўлдики, демак, алар ҳеч изоҳсиз гап индаллосидан уқиб оларканлар”[37].

Яна тазкиранинг воқеалар баёнига диққат қилсак, кейинги ифодаларда унинг тариқат пирларининг табаррук номлари, боқий дунёга рихлати, фозил, ориф инсонларнинг Абдураҳмон Жомийсиз қолган Ҳирот адабий ва илмий муҳитидаги катта йўқотишни, тариқатдаги узилишни англаб чеккан афсус-надоматлари талқинини ўқиймиз. Замондошлари битикларида улуғ аллома шахси яхши ёритилгани ва тасаввур кенг бўлиши учун воқеий ҳикоя тарзида битилган лавҳани тўлиқ беришга ҳаракат қилдик. Чунончи: “Ҳазрат Мулло Жомийнинг пири бўлмиш Мавлоно Саъдиддин Кошғарий ҳазрат Мавлоно Низомиддин Хомушнинг муридидирлар ва алар ҳазрат хожа Алоиддин Аттор муриди, алар эса ҳазрат Хожаи бузургвор Баҳоуддин Нақшбандийнинг – сирлари муқаддас бўлсин – барҳақ халифаси ва мутлоқ қойим мақомидирлар. Умр ёшлари сони 81 га тенг(“Кос”)га етганида 19 муҳаррам ойи, жумъа куниси, 898 йили дор ус-салтана Ҳиротда, устиводан кейин ажал соқийси боқийлик косасидан унга муштоқлик шарбатини татитиб, нафис нафасини тан ғурбатхонасининг тор уйидан озод қилган, гўё ўша маҳал ер юзи сокинлари ҳол тили билан бу мақолни айтгувчи бўлганлар. Назм:

Дардо, ки покбози жаҳон аз жаҳон бирафт,
Пок ончунон, ки омада буд, ончунон бирафт.

Жонаш, ки шаҳбози маорифшикор буд,
Овози табли шоҳ шунид, равон бирафт.

Аз вай нишон чи гуна диҳад кас, ки сохт маҳв
Дар паи нишон нишони худу бенишон бирафт.

[1] Ўша манба, 41-бет.
[2] Ўша манба. 42-бет.

(Мазмуни: “Эй воҳ, жаҳоннинг мардонаси жаҳонни тарк этди, қандай пок келган бўлса шундай кетди. Жони маориф овининг лочини эди. Шоҳ ноғорасининг овозини эшитиб, равон кетди. Ундан одам қандай қилиб бир белги кўрсатсин, ўтирган жойидан ишини ўчириб, бенишон кетди”).

Ва бу марсияни Дарвеш Равғангар айтган. Матлаъси:

Ин чархи ложувард, ки ҳам шуд чу даври Жом,
Бар рўҳи поки ҳазрати Жомий кунад салом.

(Мазмуни: “Бу ложувард осмоннинг Жом устида эгилгани, ҳазрат Жомийнинг пок руҳига салом бериш учундир”).

Ҳусомий Қаландар алар вафоти таърихини, “ашъори дилфиреб” сўзларидан топган ва уни мана шундай назм ипига тизган. Таърих:

Жомий, ки бар сипеҳри камол офтоб буд,
Тасниф кард нусха зи ҳар илм беҳисоб.
Рафт аз жаҳону монд миёни суханварон,
Таърихи фавти хештан “ашъори дилфиреб” (898).

(Мазмуни: “Етуклик осмонининг қуёши бўлмиш Жомий, турли илмлар бўйича сон-саноқсиз китоблар битди. Ўзи жаҳондан кетди-ю, сўзамоллар орасида “дилфиреб ашъори”ни ўз ўлимига таърих қилиб қолдирди”). Ва мунаввар мадфани Ҳиротнинг Хиёбон мавзеъида жойлашган. Покиза қабри олдига унга қаратиб олий бир тоқ қурганлар ва Жомийнинг маънавийи шариф мақтаъсини унинг пештоқига нақш қилиб ёзганлар. Мақтаъ:

Жомий ниҳода чашм ба тоқи мазори хеш,
Яъни ба тоқи абрўи тў моилам ҳанўз.

(Мазмуни: “Жомий ўз мозори тоқига назар ташламоқда, чунки, қошларинг ёй (тоқ шаклига ўхшаш)лигига ҳалиям ишқибозман-да”). Байт:

Васфи туро гар кунанду ар накунанд аҳли фазл,
Ҳожати машшота нест рўи дилоромро.

(Мазмуни: “Фазл аҳли васфингни қилсалар ҳам, қилмасалар ҳам, дилором юзига оро беришга ҳожат йўқ”)[38].

[1] Ўша манба.40–43-бетлар.

Хулоса шуки, биринчидан, адиб Ҳасанхожа Нисорий “Музакири аҳбоб” тазкирасида халқона услубда битган буюк инсон, етук олим,улуғ шоир, тариқат пири Абдураҳмон Жомий ҳақидаги бу каби ноёб маълумот, тасвир, таъриф, эътирофлар таҳсинга лойиқ, иккинчидан, ушбу зикр у ҳақида Алишер Навоий ёзган китоб, фиқра, бобларга ёки Бобур баён қилган мемуар характеридаги маълумотларга қўшимча манба саналса, тўлдирса, учинчидан эса тадқиқотчиларнинг Нуран Махдум тўғрисидаги тадқиқотлариинг мазмун-мундарижасини бойитади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳ а с а н х о ж а Н и с о р и й. Музаккири аҳбоб. Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 3–6-бетлар.
2. А л и ш е р Н а в о и й. Насойим ул-муҳаббат \\ Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001, 480– 482 -бетлар.
3. А л и ш е р Н а в о и й. Хамсат ул-мутаҳаййирин \\ Мукаммал асарлар тўплами. 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999, 79-бет.
4. Ш а м с и е в П., И б р о ҳ и м о в С. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 387-бет.

ЖОМИЙ АСАРИДА НАВОИЙ СИЙМОСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ МАСАЛАСИ

Гулбаҳор АШУРОВА
ф.ф.н., доцент, ТошДЎТАУ

Аннотация: *Мақолада Абдураҳмон Жомий асарларида Алишер Навоий сиймосининг бадиий талқини масаласи ёритилган.*

Калит сўзлар: *бадиий талқин,бадиий сўз санъати, ғоявий, эстетик, тафаккур.*

Бадиий тафаккур пайдо бўлибдики, эришган мавқеидан, қандай воситалардан фойдаланганлигидан ва қайси йўналишда бўлганлигидан қатъий назар, бадиий сўз санъати ўз олдига табиатнинг олий неъмати бўлмиш инсонни тадқиқ ва талқин этишни асосий мақсад қилиб қўйди. Шахснинг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг руҳий дунёсининг ранг-

баранглигини тадқиқ этиш адабиётда ранг-баранг йўналиш ва услубий изланишларнинг юзага келишига асосий замин бўлди.

Алишер Навоий даҳосининг юзага чиқишига, унинг бутун бадиий ва илмий фаолиятига, ўзбек адабиёти ва адабий тилини такомиллаштириш борасидаги буюк хизматлари узоқ тарихий илдизга эга, яъни унгача яратилган ғоявий-эстетик тафаккур намуналари салмоқли таъсир кўрсатди.

Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Султон Жалолиддин, Амир Темур сингари буюк бобокалонларимиз ҳам башарият осмонидаги ёруғ юлдузлардир. Бу даҳо зотлар рўёбга чиқарган бемисл ишлар, улар яратган ўлмас асарлар ҳамон халқнинг заковатини дунёга танитиб, бутун инсониятнинг онгини ёритиб, руҳи, қалби ва тафаккурига куч-қувват, қудрат бағишлаб келмокда. Ўзбек номини, тилини дунёга машҳур қилиб, она халқимиз тимсолига айланган Алишер Навоий ҳам ана шу даҳоларнинг мустаҳкам сафидадир. Султон Ҳусайн Бойқаро ўзининг "Рисола" асарида: "Турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ кийурди....", "Бу кун назм арконининг рубъи маскунида қаҳрамон ул турур ва бу мамолик фатҳиға соҳибқирон ани десалар бўлур", деб улуғлайди. Султон Ҳусайн Сўз соҳибқиронини ўзининг оқ отига миндириб, отнинг жиловидан ушлаб, пиёда юради... Бу Нодир воқеа тарихий ....китобда ёзиб қолдирилган. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳар жиҳатдан ўрнак ва ибратдир. Унинг ҳаёти ватандошларини бахтли, мамлакатини обод қилиш йўлида беминнат заҳмат чекишдан иборат бўлди. Бу ўрнак бугунги кундаги ҳар бир виждонли инсонларга ўрнак эмасми?

Алишер Навоийнинг ҳаёти ибратли воқеаларга жуда бой. Унинг ҳар бир катта-кичик ишида ўзини, ўзлигини англаган одамнинг, ҳамиша инсоф ва адолатни ҳаётининг асосий мезони қилиб олган улуғ инсоннинг покиза қалби уриб туради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, "Яхшига яхши-ю, ёмонга ёмон" ("Ҳайрат ул аброр")бўлишни, яъни давлат ишларида адолатли қаттиқ-қўлликни эътибордан қолдирмаган. У жуда серғайрат, фаол шахс бўлган. "Хамса"дек муҳташам асарни қисқа муддатда якунлайди.

Алишер Навоийдек буюк даҳолар ҳаёти ва фаолиятига мурожаат этишнинг энг қийин жойи шуки, ижодкор тарихий ҳақиқатдан чиқиб кетолмагани ҳолда бадиий ҳақиқатдан ҳам чекина олмайди. Мана шу икки муҳим нарсадан бирортасига оғиш ўз-ўзидан асарнинг муваффақиятсиз чиқишига олиб келади. Халқнинг ўз тарихи ва маданиятига муносабатини, ўз ватанига бўлган муҳаббати қай даражада эканлигини кўрсатади. Худди шу нуқтаи назардан А.Толстойнинг "Пётр I", М.Авезовнинг "Абай" Ойбекнинг "Навоий", М.С.Ордубодийнинг "Қилич ва қалам" асарларида тарихий шахс талқинига мурожаат қилиниши мазкур асарларни мавзу доирасининг

моҳияти нуқтаи назаридан баҳолашда фақат улар ёзилган давр, тарихий шароит билан чекланиб қолсак маълум маънода бир томонламаликка йўл қўйган бўламиз. Чунки ана шу асарларда тарихийлик билан бир қаторда ижодкорларнинг бадиий хаёлотлари маҳсули ҳам уйғунлашган.

Ушбу муаммоларни ҳал этишга адабиётшуносларнинг қўл урганлиги бежиз эмас. Улар маълум муаммоларни ёритишда ўз тадқиқ объектлари, танлаган мавзулари доирасида фикр юритганлар холос.

Мазкур муаммога бевосита алоқадор ишларда С. Д.Панченконинг номзодлик диссертациясини ва Нурилла Аҳмедовнинг докторлик диссертацияларини айтиб ўтмоқчиман. Панченконинг ишида асосий эътибор Ойбекнинг "Навоий" романи ҳамда Уйғун ва Иззат Султонларнинг "Алишер Навоий" драмасидаги шоир образининг талқинига қаратилган. Муаллиф Навоий образи талқинининг кейинги ривожини, бу йўлдаги ранг-баранг ижодий изланишларни, ифода усулларида фойдаланилган хилма-хил бадиий воситаларни, тарихий шахс образини яратишдек масъулиятли ишдаги ютуқ ва камчиликларни эътибордан четда қолдиради. Тўғрироғи диссертация мавзуи талабига кўра уларни четлаб ўтади.

С.Д.Панченконинг тадқиқот объекти фақатгина ўзбек совет адабиётида Навоий образи бўлгани учун, мавзу талаби билан ушбу анъананинг тарихий илдизларини атрофлича таҳлил этиб бермайди, унинг қонуниятларининг яшовчанлиги ва моҳиятини чуқур ёритмайди. Мазкур тадқиқотдан ташқари, ўзбек адабиётшуносларининг бадиий адабиётда яратилган Навоий образига муносабат билдириб ёзилган қатор ишлари мавжуддир.

Натижада, аксарият ишларда тарихийлик ва анъанавийлик, Навоий образи тадқиқининг ранг-баранглиги, унинг ҳар хил жанр ва услубларда намоён бўлиш воситалари ва ниҳоят, қардош халқлар адабиётларида яратилган Навоий образи билан қиёсий ўрганиш каби масалалар бирор мавзу талабидангина келиб чиқиб, юзаки ва ноизчил таҳлил этилган. "Ойбекнинг маҳорати", "Эмас осон бу майдон ичра турмоқ", М.Қўшжоновнинг "Навоий ҳақида қисса", Ҳ.Ёқубовнинг "Навоий ва ўзбек совет адабиёти", Б.Ғуломовнинг "Навоийнинг бадиий ҳайкали", М.Соловьевнинг "Тарихни бузиб кўрсатишга қарши", У.Шокировнинг "60-йиллар ўзбек адабиётида Навоий сиймоси", А.Дейчнинг "Ўзбекистоннинг қалби" китобининг 5-6 бўлимлари, К.Расуловнинг "Уйғун драматургияси" номзодлик диссертацияси кабилар шулар жумласидандир.

М.Қўшжонов ўзининг Ойбек ҳақидаги илмий ишларида адибнинг буюк шоир ҳақидаги асарларини таҳлил қилар экан, Навоий образининг яратилиши масаласини замонавийлик билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади. У шоир образининг бадиий талқини «ҳақидаги ноҳақ туҳматларни ўз вақтида

қатъиян инкор этди ва Навоий характеридаги етакчи хусусиятларни синчковлик билан ёритиб берди.

М.Қўшжонов, Б.Файзиевнинг Ойбекнинг “Навоий” романи ҳақидаги гўё унинг йирик феодал эканлиги кўрсатиб берилмаган деган ноўрин ва ноилмий қарашларини асосли равишда танқид қилар экан, буюк тарихий шахс характеридаги етакчи, муҳим хусусиятлар унинг инсоний фазилатлари эканлигини таъкидлаб, ушбу масалага ойдинлик киритди.

С.Мирвалиевнинг “Ўзбек романи" монографиясида, шунингдек, К.Расуловнинг Уйғун драматургияси ҳақидаги тадқиқотида ҳам мазкур ишлар характери ва йўналишидан келиб чиқиб, Навоий образининг бадиий талқини ҳақида муайян фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Нурилла Аҳмедовнинг диссертациясида Навоий образининг яратиши Навоий образининг фольклор ва собиқ совет даврида яратилган бадиий асар қаҳрамонларидан бири сифатида талқин этилди.

Мен докторлик диссертациямда “Мустақиллик даври ўзбек адабиётида Алишер Навоий образининг бадиий талқини” масаласига эътибор қаратдик. Бугун эса ушбу семинарда Навоий образининг ўрганилиш тарихидан – Навоийнинг замондошларидан Навоийнинг устози, дўсти Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Восифийнинг асарларида тасвирланган Навоий сиймоси ҳақида мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Алишер Навоий толеъининг порлоқлиги яна шундаки, унинг сиймосини биринчи бўлиб буюк мутафаккир, жаҳоншумул шуҳратли ижодкор Нуриддин Абдураҳмон Жомий (1414-1492) яратди. Маълумки, Абдураҳмон Жомийнинг “Ҳафт авранг” “Етти тахт” ёки “Етти юлдуз” (1472-1486) асарида зулмнинг олдини олиш, адолат орзуси, мамлакатни инсоф ва тадбиркорлик билан бошқаришда донишманд вазирнинг роли масаласи етакчи ўрин тутади. Шоирнинг 1483 йилда ёзилган “Юсуф ва Зулайҳо” достонида эса донишманд ва тадбиркор вазир шахсияти Юсуф образида гавдалантирилган. Асарда тасвирланишича, Юсуф ўзининг шахсий фазилатлари, билими, одамийлиги, донолиги билан одамлар орасида ҳурмату эътибор қозонади. Кейинчалик, бир муносабат билан Миср ҳукмдорининг тушини тўғри таъбир қилиб, бош вазир (Миср азизи) вазифасига тайинланади. Унгача бу вазифани Зулайҳонинг эри адо этар эди. Фиръавн Миср мамлакатининг ўн тўрт йиллик тақдирини Юсуфга топширади. Ҳатто унга халақит бермаслик учун ўн тўрт йил муддат давомида мамлакат ишларидан тамоман четлашади. Юсуф эса етти йил фаровонлик даврида кишилар хонадонига, мамлакат омборларига ғалла ва бошқа емишлар жамлайди. Қаҳатчилик йилларида эса емишларни кишиларнинг эҳтиёжига қараб, одилона тарқатиш билан аҳолини очлик қирғинидан сақлаб қолади.

Мисрда кўшни мамлакатлар халқи билан дўстона ҳолат юзага келтиради, мамлакатда осойишталик барпо этади.

Хуллас, Абдураҳмон Жомий Юсуф образи талқини орқали мамлакат ҳаётида билимли, тадбиркор, инсонпарвар вазирнинг вазифаси ва сайъи ҳаракати ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деган ғояни олға суради. Масалага юзаки қараганда, Алишер Навоий шахсиятини кўзда тута туриб, Жомийнинг "Юсуф ва Зулайҳо"сидаги Юсуф образи хусусида фикр юритишлик бироз эришдек туюлади. Устига устак буюк Абдураҳмон Жомийга қадар ҳам бу анъанавий мавзуда қатор шоирлар томонидан достонлар яратилгани ҳисобга олинса, бизнинг Навоийга бераётган тахминимиз яна ҳам тадқиқот йўналишидан узоқлаштиргандек таассурот қолдиради. Бу мазкур муаммонинг бир томони, холос. Бироқ Алишер Навоий яшаган шароитдаги ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларга теранроқ назар солинса, шоирнинг бу даврдаги давлат миқёсидаги фаолиятига аҳамият берилса, Юсуф образи билан Алишер Навоий шахсияти, хатти-ҳаракати, интилишидаги муштараклик кўзга ташланиб, етакчи аҳамият касб этади.

Ўқувчида Абдураҳмон Жомий анъанавий Юсуф образини бадиий талқин этишда Навоий шахсияти ва фаолиятига хос бўлган муаян хусусиятлардан истеъфода этган, деган фикр туғилади. Бошқача айтганда, ўз даври учун ўта замонавий, энг муҳим ҳисобланган муаммоларни кўтариб чиққан буюк Жомий Юсуф образи учун ўзига замондош, ўзи яхши билган шахс - Алишер Навоийни прототип қилиб олган. У Навоий образини ўта ўзига хос бир услубда адабиётга олиб кирган. Муаллиф томонидан ўзига замондош шахс образини бундай бадиий талқин этишни биз образни билвосита (бевосита эмас) талқин этиш усули, деб аташни лозим кўрган бўлур эдик. Чунки, бу усул фақат Абдураҳмон Жомий достонида учрагувчи ёлғиз ҳодиса бўлмай, ўзга-ўзга адабий жараёнларда ижод этган бошқа муаллифлар асарларида ҳам кўзга ташланувчи адабий ҳодисалардандир. Узоққа бормай, Алишер Навоий ижодининг ўзига мурожаат қиладиган бўлсак, шоир билвосита образ яратишнинг классик намунасини берганлигининг шоҳиди бўламиз. Ахир шоирнинг "Сабъаи сайёр" достонидан Баҳромнинг кўп жиҳатлари билан Ҳусайн Бойқаро шахси, хатти-ҳаракатлари билан муштараклик касб этувчи образга айланиб кетганлиги сир эмас-ку. Билвосита образ яратишнинг хусусиятларини асар яратилган даврнинг ўзида бирдан англаб етиш анча мураккаблик туғдиради. Давр ўтиши, қизғин тарихий ҳодисалар ўтиб, ўз ниҳоясига етиши билан асар қахрамонларига прототип бўлган шахсларнинг шаклу шамойили, хатти-ҳаракатлари ойдинлашиб, уларнинг мазкур тарихий жараёндаги "хизматлари" ойдинлашади. Шунинг учун ҳам Абдураҳмон Жомийнинг

достонидаги Юсуф образини Навоий образининг дастлабки талқинлардан бири, деб айтишимиз мумкин. Зеро, Жомий достонидаги Юсуф ўз ҳаракатларининг бетакрор жиҳатлари билан диний ва бадиий асарлардаги Юсуфдан фарқ қилади. Унинг характери, хатти-ҳаракатлари муайян маънода XV аср тарихий-ижтимоий воқеалари моҳияти билан тўйинтирилган. Биз бу ўринда тарихий факт ва далилларнинг у ёки бу йўсинда қайд ва тадқиқ этилишини эмас, балки уларнинг моҳиятини Юсуф образи воситасида талқин этилишини назарда тутмоқдамиз. Дарвоқе бундай мулоҳаза ва фикрларни дастлаб йирик адабиётшунос академик Абдулғани Мирзоев ўртага ташлаган эди. У "Садойи Шарқ" журналининг 1971 йил 5-сонида босилган "Тасвири Навоий дар "Юсуф ва Зулайхо"и Жоми" мақоласида шундай ёзади: "Агар Юсуф ҳамчун азизи Миср, яъни сарвазири донишманд дар натижаи хирадмандона идора кардани мамлакат халқаро дар муддати хафт соли вақти аз гузиштаги ва талъаф шудан нажоти дода бошад, Алишер Навоий ҳамчун вазири доншиманди асри худ барои нигоҳ доштани иқтидори ҳукумати маркази тамоми зўасти худ мубориза бурд ва ба ин восита оромий мамлакатро то хадди имкон таъмин намуда барои тараққий илм, адабиёт, санъат ва дигар соҳахои дониш заминаи мувофиқро бо вужуд овард".

Мазмуни: агар Юсуф Миср азизи, яъни донишман бош вазир сифатида мамлакатни оқилона бошқариши туфайли халқни етти йиллик қахатчиликда очлик машаққати ва хавфдан сақлаб қолган бўлса, Алишер Навоий ҳам XV асрнинг донишманд вазири сифатида марказлашган ҳукумат барпо этиш йўлида ўз борлигини бутунлай бағишлади ва шу восита билан мамлакатда тинчлик ўрнатди: илм, адабиёт ва санъат илмнинг бошқа соҳалари тараққиётига мос замин яратди".

Ана шу мулоҳазалардан кейин олим Абдураҳмон Жомий "Юсуф ва Зулайхо" достонининг хотимасида Алишер Навоий шаънига битилган (қуйидаги) катта шеърий парчани келтиради:

Арслон ҳайбатли ва шер савлатли шоҳу аркони давлатга муборак бўлсин. Хусусан, насаби ҳам икки шер бўлган у мард йигитга (муборак бўлсин). У даврон қалъаларини кўпорувчи, қулонларга панжа урувчи шердир. Муаммо йўли билан ундан ном чиқардимки, умумнинг хаёли ундан узоқдадир. Шундай бўлгач, фаҳму идрок у тўғрида нима қила олади. Чунки у пок гавҳарни юзларча қутичага яширгандир.

Таъби шеърда қилни қирққа бўлади
У қилдан қаламининг учида шеър тўқийди...

Буюк Абдураҳмон Жомий Алишер Навоий шахсиятини чуқур ҳурмат билан таърифлаган парчанинг зимнидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Агар мамлакатни оқилона идора қилолган Юсуф образини яратишда шоир бирор бир донишманд вазирни кўзда тутган бўлса (у шундай қилган ҳам деб ўйлашга асос бор), ҳеч бир шубҳасиз, бунинг учун энг олдин Алишер Навоий сиймосини кўз олдига келтирган мабодо, шундай бўлмаганда, буюк шоир маснавийсини Навоий шаънига битилган бунчалик мақтов ва юксак фахрия билан тугатмаган бўлур эди.

Демак, бу хулосалардан англашиладики, Абдураҳмон Жомий ўзининг “Юсуф ва Зулайҳо" достонидаги Юсуф киёфасида доно, тадбиркор, халқпарвар вазир Алишер Навоий образини билвосита акс эттирган. У достон хотимасида Алишернинг шеърият пешасининг шери нуррони, нозик фахм ва назокатга эга ижодкор, ўз шеърларида кишилар орзу-умидига ҳамоҳанг фикрлар ифода этувчи шоир (“Дихад аз шеъри ширин коми дилхо”) ва ниҳоят, том маънодаги инсон сифатида таърифлайди:

Вале дар коргоҳи одамият,
Жуз ў кам ёфт роҳи маҳрамият.

Абдураҳмон Жомий ўзининг бошқа асарларида ҳам Алишер Навоий шахсияти тавсифида Навоий образига катта меҳр билан ёндашади. Масалан, у ўзининг “Лайли ва Мажнун” достонида (1484) Навоий образини “умид хазинасининг калити”, “ошнолик боғи дарахтининг вафодорлик шохи” каби сифатлар билан қайд этади. Қизиғи шундаки, бу ўринда ҳам Жомий Навоий образининг бир қиррасига – унинг шеърлари дилхасталар кўнглининг малҳами эканлигига алоҳида эътибор беради.

Жомий “Хирадномаи Искандар” достонининг хотимасида ҳам Навоий образининг муҳим бир қиррасини очиб беради. У Навоийни равнақидан қолиб кетган туркий тилга қайтадан жон ато қилган буюк ижодкор сифатида талқин қилади. Мазмуни: Хусусан Ганжадан чиққан сарпанжа шерга ўз сарпанжасини урган шер туркий тилда ажаб бир куй-қўшиқ яратдики, жону нафаслилар оғзи муҳрланади.

Алишер Навоий образини яратишда тортилган бадиий-тарихий чизгилар орасида айниқса Жомий ва Навоийнинг ўзаро мактублари муҳим аҳамият касб этади. Бу мактубларнинг энг муҳим аҳамияти, биринчидан ҳар икки буюк шоирнинг шахсиятига аниқлик киритишидадир. Иккинчидан, улар ўша давр ижтимоий-тарихий шароити, адабий ҳаёти, тузумнинг шакли шамойили ҳақида аниқ, умумлашма маълумотлар *беради*. Учинчидан, бевосита Навоийнинг ижтимоий-сиёсий мавқеи, Жомийнинг муносабатидаги ўзига хосликнинг ички моҳиятини очиқ кўрсатади.

Жомий ўзининг бошқа асарлари ва мактуботида берган Навоий образига оид қайд, чизгиларни “Баҳористон”да нисбатан умумлаштиради, уни бадиий тавсиф ҳолига келтиради. Навоийнинг шоирлиги-ю, вазирлиги,

адолатлешалиги, Ҳирот адабий мактабининг сардори ҳамда ҳомийси ҳақидаги устоз қайдлари кейинги асрларда у ҳақда қатор асарларнинг юзага келишига туртки ва асос бўлиб хизмат қилди. Жомийнинг Навоий ҳақидаги қайдлари фақат зикр этилганлар билан чегараланиб қолмайди. Мабодо биз Навоий ва тасаввуф муносабати масаласига тўхталадиган бўлсак ҳам, Жомий асарларини варақлашга мажбур бўламиз. Жомий бу ҳақда тўхталиб, ўзининг “Нафоҳат ул-унс...” асарида Навоийни “дарвешлар дўсти", “фақирлик йўлига ботир”, “даража ва эътиборнинг аъло мартабасидан юз” ўгирган, “фақирлик ва фонийликни қабул қилган инсон сифатида таърифу талқин қилади. Жомийнинг бу, қайдлари Навоий шахсининг бизга номаълум қирраларини ёритиш билан бирга унинг шеъриятини ҳам теранроқ, мукаммалроқ тушунишда, унинг ижодидаги етакчи йўналишларни илғаб олишда асосий манба ҳисобланади. Бу бадиий қайдларни ҳар икки шоир муносабатидаги тарихийлик нуқтаи назаридан олиб қараганда яна ҳам қиммати ошади, ўзига хослиги теранлашади.

Мазкур қасидада муаллиф Алишер оламга ёруғлик бахш этувчи қуёшга, ақлли Юсуфга, кишиларни ўз кемасига олиб, уларни офат-тўфондан *халос* этган Нуҳга, тадбиркор Сулаймонга ташбеҳ этади. Сўнгра у ўз даври адабий анъаналари доирасида қасидада ифода этилган қаҳрамон - Алишер Навоийнинг портретини чизади, бадиий муқоясалар қилиш усули билан унинг образини яратади. Қасидада тасвирланишича, Алишер ғоятда гузал, хушсурат кўринишга эга. Унинг суман япроғи ёхуд барра гул баргдек тароватли чеҳраси қибла каби эҳтиромга сазовор бўлиб, ҳатто малоиклар дам уни шукрона саждагоҳи деб биладилар. Қасида қаҳрамонининг сочларидан мушк анбар ҳиди анқийди, кўзлари қамар, қалбга фитна солади. Унинг ширин, мантиқли нутқидан булбул хижолатда қолиб, ўзини йўқотди. Парилар бу чирой тароватига тоб беролмай кўздан яширинадилар. Лаблари ширинлиги олдида шакар беқадр, улар қаҳрамоннинг ўзидек ширин ва дилтортар. Шунинг учун ҳам агар унинг чиройидек бир учқун Хитой мамлакатига тушса, у Чин Мочиннинг сурати чизадиган қаламини куйдириб юборади.

Бироқ энг муҳими у фазилат бобида жаҳоннинг сарваридир. Худди шу туфайли ҳам, у - давлатнинг баркамоллиги нишонаси. Унинг туфайли Ҳирот Каъбадек эътиборга эга. Фарқ шундаки, агар Ясриб (Макка) Муҳаммад алайҳиссаломга қадамжо бўлганлиги учун азиз бўлган бўлса, Ҳиротда Алишер Навоий таваллуд топгани учун ҳам у – “дорилфазли олам” - дунёнинг илм ва фазл уйи сифатида шуҳрат топган.

Агар Давлатшоҳ Самарқандийнинг қасидасига, унинг ўзига тааллуқли яна қуйидаги мисраларни ҳам қўшсак, муаллифнинг Навоий образи талқинидаги қарашлари янада мукаммаллашади:

Туркийсин кўриб қилурлар эрди тарку тавба ҳам,
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирлан Кардарий.
Бовужуди форси дар жумла шеъри комилаш,
Чист ашъори Зохиру, кист бори Анварий...

Айтилган мулоҳазалардан англашиладики, Давлатшоҳ Самарқандий ўз тазкирасининг Навоийга бағишланган қисмида Алишер қиёфасида ўзига замондош бўлган чинакам зиёли, буюк шоир, яхшиларга улкан меҳр, ёмон кимсаларга нафрат билан қараган, халқ ва давлат манфаатини кўзлаган ҳамда ўзига тинч давлатманд киши, юрт ободончилиги йўлида улкан бинолар барпо этган саховатли инсон, ҳар томонлама ибрат олса арзигулик шахс образини яратишга қўл урган ва муайян даражада уни уддалаган. Бунда, албатта, Шарқ шеъриятида Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакийдан бошлаб то Муқимий ва Фурқатларгача давом этган бадиий образ яратишдаги муаллифнинг ўз усули бор.

Тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, Алишер Навоий образи ва унинг ижодига бўлган қизиқиш, бизни катта тарихий манбалар билан таништиради, уларнинг қаърида ётган ўтмишнинг унут бўлаётган сирларидан воқиф этади.

Ўзбек классик адабиётида яратилган Навоий образи нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб у буюк шоир шахси бадиий талқинини яратишдаги дастлабки босқичдир. Навоий образи талқинига оид бадиий, бадиий-хроникал, эпистоляр манбаларнинг юқоридаги таҳлили қуйидаги умумлашмаларни чиқаришга изн беради:

Биринчидан, классик адабиётимиз асосан шеъриятимизда буюк Алишер Навоий образини яратишга уриниш ҳали шоир барҳаётлиги давридаёқ бошланиб, улар шоирни муайян ижобий, афсонавий қаҳрамонларга қиёслаш характерига эга эди.

Иккинчидан, буюк истеъдод эгаси бўлган Навоий ўзининг шоирлик қобилияти ва мавқеига оид баъзи етакчи хусусиятларини "Жаҳон кўрмади мен каби нодире", ”Элга қилса бир жафо юз қатла фарёд айларам”га ўхшаш сатру байтларида, “Мажолис ун-нафоис” асарида бевосита изҳори дил сифатида ифодалаб берган; учинчидан, классик адабиётнинг эпистоляр жанрида Навоийнинг ижтимоий-ижодий фаолиятига оид муайян қирралар акс этган холос. Унинг характери, руҳиятига хос етакчи хусусиятларни очишда бу жанрнинг имкониятлари ожизлик қилади.

Тўртинчидан, Навоий образи, унинг шахси, руҳиятига оид хусусиятларни, ўша давр тарихий шароити ва маданий ҳаётига оид кўринишларини

гавдалантиришда ўтмиш классик адабиётимиздаги ҳикоятлар энг амал қилувчи, муҳим босқич ҳисобланади. Бу ўринда айниқса, Зайниддин Восифий, Хондамирларнинг ҳикоя қилиш санъати тақсинга сазовордир.

Бешинчидан, биз адабиётимиз тарихидан Навоий шахсига тааллуқли ярқ этиб кўзга ташланиб турувчи материалларнинг муайян қисмини олдик. Уларнинг барчасини, бутун жанрий ранг-баранглигини ҳисобга олган ҳолда бир ерга йиғиб ўрганиш алоҳида тадқиқотни тақозо этадики, улар келгусидаги ижодий ниятлар учун асос бўлади, деб ўйлаймиз.

ABDURAHMON JOMIY VA ALISHER NAVOIYNING DINIY VA FALSAFIY QARASHLARI

Mubora OMANOVA
Nizomiy nomidagi TDPU o`qituvchisi

Annotatsiya: *Maqolada Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiyning diniy, falsafiy qarashlari, Navoiy va Jomiyning ustoz-shogird va do‘stligi, adabiy hamkorligi, tahlil qilingan.*

Kalit so`zlar: *tasavvuf, falsafa, diniy, naqshbandiylik, tariqat, shayx, adabiy hamkorlik.*

Fors-tojik shoiri, naqshbandiylik tariqatining yirik vakili Nuriddin Abdurahmon ibn Ahmad Jomiyning asarlari falsafa, tasavvuf, tilshunoslik, adabiyotshunoslik, san'at sohalariga hamda nazm va nasrning har xil janrlariga oiddir. Jomiy asarlarining bir qismi diniy va falsafiy mazmunga ega bo‘lib, ularda shoir islom dini va sharq falsafasining bir qator masalalarini o‘z qarashicha talqin etadi, tasavvufning XV asrdagi yirik arbobi sifatida o‘z fikr-mulohazalarini bayon etadi. Uning “Ma’nolar naqshi”, “Payg‘ambarlikka dalillar”, “Naqshbandiya ta`limoti haqida risola”, “Haj qilish yo`llari haqida risola” kabi bir qancha asarlarini shu guruhga kiritish mumkin. Jomiy falsafasining asosini tasavvufiy g‘oyalar tashkil etadi.

O‘z davrining taniqli til, adabiyot olimlari va mudarrislari qo‘lida tahsil olgan, u arab tilini mukammal o‘rgangan. Jomiy o‘z bilimini oshirish uchun Samarqanddagi Ulug‘bek madrasasida buyuk falakiyotshunos Qozizoda Rumiy, Ali Qushchi, fiqhshunos Fazlulloh Abullaysdan ta’lim olgan.

Jomiy til va adabiyotnigina emas, riyoziyot, falsafa, huquqshunoslik, falakiyot fanlari, din asoslari, hadis va tafsir ilmlarini ham chuqur o‘rgangan, olimlarning turli mavzulardagi munozara va mubohasalarida qatnashib, yetuk olimligi bilan tanila boshlagan. Jomiy Hirotga qaytgach, tasavvuf yo‘liga kirishni,

o‘z bilim va faoliyatini shu yo‘lga, qolaversa, ijodga, ilm-fanga bag‘ishlashni afzal ko‘rgan. U o‘ziga pir qilib Shayx Sa`diddin Koshg‘ariyni tanlaydi, Hirotning jome masjidida uning suhbatlarini tinglaydi. Sa’diddin Koshg‘ariy tasavvufda Muhammad Naqshband sulukiga mansub edi.

Adabiyotshunos Sultonmurod Olim “Jahon adabiyoti” jurnalidagi maqolasida quyidagi fikrlarni keltirib o`tgan: “Hazrati Naqshbandning o‘zlari-ku uvaysiy edilar. Ammo olamdan o‘tganlaridan keyin u azizning ruhlari kelib kimsan – hazrati maxdum Abdurahmon Jomiyga tarbiya bergan. Navoiy piri va ustozi haqida shunday deb yozadi: “Zohir yuzidin o‘zlarin qutb ul-muhaqqiqin (Xudoni – Haqni izlovchilar qutbi) va g‘avs us-solikin (soliklar madodkori) Mavlono Sa’d ul-millati va-d-din (millatu dinning baxti) il-Koshg‘ariy muridi ko‘rguzurlar erdi, ammo, hamonki, uvaysiy (!) erdilar va Xoja Bahouddin Naqshband ruhoniyatidin tarbiyat topib erdilar” [1, 185]. Jomiy mashhur so‘fiylar bilan yaqindan muloqotda bo‘ladi. Muhyiddin ibn al-Arabiyning asarlarini chuqur mutolaa qilgan.

O‘zining mutasavviflik faoliyatida Bahouddin Naqshband g‘oyalarini shu sulukning ikkinchi bir yirik namoyandasi – Xo‘ja Ahror bilan yaqin bo‘lgan holda yanada rivojlantirgan. Asarlarida Naqshbandga ixlosi baland bo‘lgan. Xurosonda Hirot taxtiga temuriy Sulton Husayn Boyqaro o‘tirgandan so‘ng Jomiyning mamlakatdagi mavqeyi juda ortadi, chunki Sulton Husayn va uning ko‘p avlodlari o‘zlarini unga murid, deb e’lon qilganlar.

Jomiy Alisher Navoiy bilan birinchi marta Abu Said hukmronligi davrida Xiyobon mavzesida hamma qatori ko‘rishgan. Shunda Jomiy unga o‘zining bir risolasini taqdim qilgan. 1476-77-yillarda Navoiy ham Jomiyni o‘ziga pir, deb taniydi. Garchi Jomiyning Navoiydan yoshi ancha ulug‘, rasman pir hisoblansa ham, mohiyatan ular chin do‘st va hamkor bo‘lganlar. Jomiy o‘zining (“Nafohat ul-uns”, “Bahoriston” va boshqa) bir qancha asarlarida Navoiyni, Navoiy ham o‘z asarlari (“Xamsat ul-mutahhayirin”, “Majolis un-nafois” va b.)da Jomiyni hurmat bilan tilga oladi. Jomiy “Nafohat ul-uns” (“Azizlar nafasi”), “Risolai musiqiy” (“Musiqa risolasi”) , “Risolai muammo” (“Muammo risolasi”) kabi o‘ndan ortiq asarini Navoiy maslahati bilan yozgan. Jomiy vafotidan oldin lirik she’rlarini 3 devonga bo‘lib, ularga “Fotihat ush-shabob” (“Yoshlikning boshlanishi”), “Vositat ul-ikd” (“O‘rtadagi dur”) va “Xotimat ul-hayot” (“Hayot xotimasi”, 1479-1491) deb nom berar ekan, bunda Navoiy maslahatini e’tiborga olgan edi. Navoiy va Jomiyning do‘stligi adabiy hamkorlik bilan chegaralanmagan. Navoiy Husayn Boyqaro saroyida bosh vazir bo‘lib turar ekan, o‘z siyosiy va ijtimoiy faoliyatida Jomiydan maslahatlar olib turgan. Sulton Husayn Qunduz viloyatiga qarshi yurishga otlanmoqchi bo‘lganda, Jomiy Navoiydan podshohni bu safardan qaytarishni iltimos qilgan ekan. Saroydagi fitna va fujurlar Navoiyning joniga tegib, u o‘z vazifasidan ketmoqchi bo‘lganda Jomiy uni bunday qarordan

voz kechishiga sababchi bo`lgan. Chunki Navoiydek xalqparvar arbob saroydan ketsa, xalq va mamlakat ahvoli yanada og‘irlashishini u yaxshi tushunar edi.

Jomiy o‘z asarlarini fors-tojik tilida yozgan, arab tilini ham yaxshi bilgan. Jomiy "Nafohot ul-uns" asarini yozish bilan tasavvuf tarixini o`rganishga katta hissa qo`shdi. Unda 616 ta mutasavvif hayoti va faoliyati haqida ma'lumot berilgan bo`lib, ulardan 34 nafari ayollardir. Ushbu asarni Navoiy ma'lum bir to`ldirishlar bilan o`zbek tiliga tarjima qilgan. Jomiy faqat mashhur so`fiylar haqida ma'lumot berish bilan cheklanmay, qator shoir va adiblarning hayoti va ijodiga ham to`xtaladi.

Alisher Navoiyning “Xamsa” yozish niyatini birinchi bo`lib Jomiy qo`llab-quvvatlagan, unga yuksak baho bergan. Shuning uchun ham “Xamsa” ning har bir dostoni muqaddimasida Navoiy boshqa xamsanavislar qatorida Jomiyga ham alohida bob ajratib, uni daho shoir, masnaviy ustasi, mehribon ustod sifatida ta`riflaydi. Bir davrda, bir xil siyosiy-ijtimoiy va madaniy adabiy muhitda yashab ijod etgan, ustozlik va shogirdlik, murshidlik va muridlik odobini Shams Tabriziy va Mavlono Rumiydan keyin eng yuksak darajada ado etgan bu ikki siymoni bir-biridan ayri tasavvur qilish, Jomiyni o`rganmasdan Navoiyni, Navoiyni o`rganmasdan Jomiyni anglash mumkin emasligini mantiq va tafakkur kuchi bilan idrok etgan o`zbek navoiyshunos olimlarini ayni paytda, jomiyshunos deb atash ham mumkin.

Navoiy va Jomiy faoliyatida tariqat va futuvvatning o’zaro birlashuvi tezlashadi. Sharqda keng rivojlangan bu ikki sohaning qo’shilishi katta ijtimoiy hodisa bo’lib, odamiylik sifatlarining ko’proq qaror topishi va axloqiy kamolot uchun qudratli kuchga aylangan.

Tasavvuf futuvvatda yuksak g’oyalarning amaliy-ijtimoiy tatbiqini ko’rgan bo’lsa, futuvvat tasavvufda nazariy-e’tiqodiy tagzaminni topgan edi. O’z nafsini yengolgan kishi o’zgalar g’amini yeyishi mumkin. Abdurahmon Jomiy “Subhat ul-abror” dostonida futuvvatga ta’rif berib, bu avvalo past xislatlarni tark etib, oliyjanoblikni kasb etish, deya ta’kidlaydi. Futuvvatning birinchi sharti – miskinlar dardiga davo bo’lish:

Chand ro’ze zi mustaqimon bosh,
Dar payi hojati miskinon bosh.
Sham’ shav, sham’, ki xudro so’zi,
To ba on bazmi kason afro’zi!

(Bir necha kun dinu diyonati mustahkamlar safida bo’l, miskin, g’ariblarning hojatini chiqarishni o’yla. SHam’ bo’lgin, sham’, toki o’zing yonib, o’zgalar bazmini yorita olsang!)

O’zi yonib, o’zgalar kulbasini yoritish, miskinlar bazmini obod qilish qanday sharafli va oliyjanob insoniy xislat! Bizning ulug’ insonparvar

donishmandlarimiz o’zim bo’larchilik falsafasini rad etib, ana shunday ezgu g’oyalarni olg’a surganlar, insoniylikni ilohiylik darajasiga ko’targanlar. Jomiyning fikriga ko’ra, javonmard xuddi bahor bulutiday hammaga birday saxovat yomg’irini yog’dirmog’i, xuddi ko’z gavhari kabi o’zgalarni ko’rib, o’zini ko’rmasligi lozim. Bu komil insonning sifati ham, chunki ko’z komil inson timsolidir. Komil inson hech qachon o’zini o’ylamaydi, u hamisha boshqalar g’amida yuradi.

O’z zamonida axloq, saxovat, qanoat, imon, himmat kabi insoniy fazilatlarni o’zida mujassamlashtirgan insonlar ko’payishini istagan Navoiy inson kamoloti haqidagi qarashlarini har bir asariga singdirdi. Jumladan, “Hayrat ul-abror” dostonidagi saxovat va karam vasfiga bag’ishlangan beshinchi maqolatda bu boradagi qarashlarini badiiy talqin etadi. Shoir egniga xayr-u karam kiyimini yopingan (saxiy) kishining ehson ulashish yo’llarini, ya’ni oltin-kumush sochish uchun ochilgan panjasini quyoshga, kaftini nur taratuvchi yashinga qiyoslaydi, boylikning umri qisqaligini, qo’l esa saxovat orqasidan barhayot ekanligini ta’kidlaydi:

Ey tushib egninga karam kisvati,
Qolmayin ilgingda diram qiymati.
Panjang o’lub siymfishonliqqa fosh,
Mashriqu mag’ribda nechukkim quyosh.
Siym ila ilgingda adovat bo’lub,
Anda fano, munda saxovat bo’lub.
Chun kafing oltun sochib andoqki barq,
Barq hayodin bo’lubon terga g’arq.

Shoir fikricha, xayr-u saxovat davlatmand odamning boshidagi ehson va saxovat tojidir, tojning ustida esa xayr-u karam gavhari joylashtirilgan.

Boshing uza judu saxo afsari,
Afsaring ustida karam gavhari.

Navoiy fikricha, xayr-u saxovat ko’rsatishga qodir odam hech qachon baxillik yo’lini tutmasligi, ehson va saxovat ko’rsatish vaqtida ko’nglini g’ashlamasligi zarur.

Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiyning diniy, falsafiy qarashlarini, naqshbandiylik tariqatining saxovat, karam, saxo, vafo kabi muhim ruknlariga amal qilib yashash, komillik xislatlarini o’zlashtirishga, fazilatlarini hayotida namoyon etishga intilish kabi holatlarni istiqlol davri o’zbek romanlarida ham uchratamiz. Chunki Naqshbandiya sulukidagi barcha shayxlar saxovat va muruvvatda namuna edilar. Shunday ulug` saxovatni hazrat Jomiy, hazrat Navoiyda ham ko`ramiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sultonmurod Olim. Navoiy asarlarida Xoja Bahouddin Naqshband ta`rifi. // “Jahon adabiyoti” jurnali, 2013–3.
2. Komilov N. Tasavvuf. – T.: Sharq, 2009.
3. Vohidov R. Besh hayrat: Abdurahmon Jomiy bilan Alisher Navoiyning ilk uchrashuvlariga doir ayrim qaydlar . – T.: Jamiyat va boshqaruv, 1998.-№3.-B.50-52.
4. Alisher Navoiy. Hayrat ul-abror. –T.: G’afur G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at, 2006.

ABDURAHMON JOMIY VA ALISHER NAVOIY ILM ZIKRIDA

Dilnoza TADJIBAYEVA,
Maftuna ABDULLAYEVA,

TVChDPI talabalari,
Ilmiy rahbar: f.f.n.,dots.T.Sabitova

O’zbek adabiyoti tarixi Xuroson va Movarounnahrda asosan mo’g’ullar bosqinchiligidan keyin XIV asrning 60- yillaridan boshlab XVI asrlarda qayta rivojlandi. Ayniqsa Amir Temur va temuriylar davrida, ya’ni XIV-XV asrlarda madaniyat va ilm-fanga katta e’tibor qaratildi. XV asrning ikkinchi yarmida bu davlatlarda madaniy hayot, ilm-fan ancha keng miqyosda rivoj topa boshladi. Bir qancha allomalar yetishib chiqdilar. Ulardan Abdurhmon Jomiy (1414-1492 y.) va Alisher Navoiy (1441-1501 y.) misol qilsak bo’ladi. Abdurahmon Jomiy fors-tojik adabiy merosini Alisher Navoiy esa, turkiy ababiy merosini boyitdilar. O’zbek adabiyoti va o’zbek adabiy tilining asoschisi, ulug’ shoir va mutafakkir, yirik davlat arbobi, madaniyat homiysi Alisher Navoiy ijodi yuzaga keldi, ilm-fan va san’at ajoyib yutuqlarni qo’lga kiritdi. Navoiy mashhur fors-tojik shoiri va mutafakkiri Abdurahmon Jomiy bilan hamkorlik qilib, ikki adibning hamfikrligi o’zbek va fors-tojik adabiyotlarining bundan keying taraqqiyotiga xizmat qildi.

Bu ikki buyuk shaxs, ya’ni Alisher Navoiy va Abdurahmon Jomiy zamondosh bo’lib, bir-birlari bilan do‘st, hamsuhbat, hamfikr va sirdosh edilar. Alisher Navoiy ustozi Jomiy bilan XV asrning eng yorqin siymolari bo’lib, Alisher Navoiy turkiy adabiyotning, Jomiy esa fors-tojik adabiyotning eng bilimdon, hayratomuz komil san’atkorlaridir. Ularning asarlari mana besh asrdan ziyod xalqlarni xushnud etib kelmoqda. Har ikki ulug’ mutafakkirlar fanning turli

sohalarini chuqur egallagan, ayniqsa, adabiyot nazariyasi, tilshunoslik, tarix, falsafa, musiqa ilmda juda ko'p asarlar yozgan ulug' olimlar edi. Ular insonparvarlik g'oyalarini go'zal insoniy fazilatlarini o'z asarlarida kuyladilar va yuksak san'atkorlik bilan yaratgan ajoyib dostonlari-yu, go'zal lirik she'rlari bilan olamga mashhur bo'ldilar. Har ikkala shoir bir-birlariga maslakdosh edilar. Chunki ustozning maslahati bilan shogird, shogirdning iltimosi bilan ustoz o'z asarlarini maromiga yetkazar edilar.

Jomiy va Navoiy ijodida juda ko'plab asarlar borki, ularni hali hanuz kitobxonlar sevib o'qib kelmoqdalar.

Navoiy ustoziga bag'ishlab yozgan "Xamsatul-mutahayyirin"da Jomiyning "Lujjatul asror" va Navoiyning mashhur "Tuhfatul-afkor" qasidalarining yozilish tarixini aniqlab beruvchi g'oyat maroqli lavha bor.

Navoiy kunlarning birida Jomiy huzurida Xusravning "Dar'yoi abror" nomli qasidasini maqtaydi Jomiy majlis tugaguncha indamay o'tiradi. Bundan Navoiy xijolat tortadi. O'sha kunlari Navoiy podshoh bilan Marvga borishi kerak bo'lib qoladi. U Jomiy qarshisida hurmat bajo qilib, undan safarga ijozat so'ragani boradi. Jomiy fotiha o'qib ruxsat bergach, qo'ynidan bir qog'oz chiqarib Navoiyga uzatadi. Bu "Daryoi abror" javobida yozilgan "Lujjaatul asror" nomli qasida edi. Navoiy bora-borguncha qasidani ot ustida o'qib zavqlanib boradi. Xayoliga "Tuhfatul-afkor" qasidasining matlasi keladi. Navoiy matlani Jomiyga uning fikrini so'rab jo'natadi. Jomiy javob tariqasida matlani maqtaydi va albatta, tugatish lozimligini yozadi. Marvga yetgunga qadar Navoiy qasidani tugatib, uni o'z ustoziga bag'ishlaydi. Jomiy qasidaga yuksak baho beradi.

Jomiy va Navoiy ijodi o'zining mazmun-mohiyati, badiiy jozibasi bilan har bir kitobxon ko'nglidan joy olishi tabiiy.

Agar inson ilm nuri bilan o'z yo'lini yoritmasa, zulmat va nodonlik ko'chasida qoladi. Kishi qalbining nuri ilm bilan baquvvat bo'ladi.

Ilmdan hali hech kim zarar ko'rgan emas. Ilmni egallab olish esa bir san'atdir.

Alisher Navoiy va Abdurahmon Jomiy ilm, ma'rifat haqida teran fikrlarni olg'a suradilar.

Navoiy aql, ilm insonning eng go'zal va zaruriy fazilatlaridan biri, har bir kishining eng muhim burchlaridan biri bu – ilm olishdir, deb hisoblaydi. Ilmni egallash uchun yoshlikdan boshlab astoydil o'qib, o'rganish kerak:

Yoshligingda yig'gil bilimni, qarigach sarf qilgil ani

kabi misralarni aytib o'tadi va o'zi ham bu so'zlarga amal qiladi va yoshligidanoq she'rlarni yod oladi.

Maktab xalqqa nur keltiradi, unga to'g'ri yo'l ko'rsatadi va bolalarni bilimli qiladi . U o'zining "Ixlosiya" madrasasi yonida maktab ochib bolalarni o'qitish va tarbiyalash uchun zarur sharoit yaratib, buning uchun esa, albatta, mablag'

ajratadi. Navoiy esa ziyo nurini taratuvchi insonni quyoshga o'xshatadi va bu quyosh o'z atrofidagi yulduzlarga nur sochadi deya ta'kidlaydilar.

Jomiy fikricha, ilm inson uchun hayotiga yo'l ochuvchi va uni o'z maqsadiga erishtiruvchi omildir. Ilm insonga hamma narsani oson va puxta anglab olishga yordam beradi, mehnatni yengillashtiradi. Umuman olganda, yoshlarni bilim olishga undaydi.

Ulug' adib fikri bo'yicha, kitob o'tmish donishmand avlodlar bilan o'z davri yoshlari o'rtasida vosita, insonga eng yaqin do'st, erta tongdagi yog'du, ustoz va murabbiydir. Jomiyning bu fikri shu jihatdan muhimki , shoir kitobning bilim manbai, insoniyat donishmandligi xazinasi deyish bilan birga, donishmandlar o'z asarlarini hayotiy tajriba va kishilar ijodi mevasi sifatida kelgusi avlodlar uchun qoldirganliklarini aytadi. Shu sababli ham yoshlarda kitobga muhabbat, uni o'qishga qiziqish tarbiyalanishi kerak deb hisoblaydi. Yana bir muhim jihati shundaki, Jomiy ilmni egallashda tajribaga alohida e'tibor beradi, hayotda foydalanilmagan ilmni jonsiz, keraksiz ilm hisoblaydi.Yosh avlodni jamiyatga xizmat qiladigan qilib yetishtirishni asosiy vazifa qilib qo'yadi.

Alisher Navoiy ta'lim tarbiya to'g'risidagi fikrlarni ko'proq barkamol insonni ifodalovchi ijobiy obrazlar yaratish orqali bayon qiladi. Ilm ma'rifat, axloq-odob masalalariga doir fikrlarini esa ilmiy-falsafiy va didaktik asarlarida bayon qildi. Navoiy ham aql kuchiga cheksiz ishonadi, ilm-fanning fazilati katta deb hisoblaydi.

"Ilm o'rganib undan amalda foydalanmagan, ya'ni ilmini xalq, mamlakat xizmatiga qo'ymagan olimlarni Navoiy hajv ostiga oladi. Ilmini amalda qo'llamagan olimni ustiga kitob ortilgan eshakka o'xshatadi." Bu esa Jomiy bilan Navoiyni hamfikrliligidan dalolat beradi.

Ilm o'qub qilmag'on amal maqbul ,
Dono sochib ko'tarmadi mahsul.

Navoiy ilm o'rganib amal qilmaganlarni malomat qiladi, amalsizlikning turli xil fojialarini ko'rsatib beradi.

Ustoz ham ota-ona kabi alohida hurmatga loyiq. Uning Haq yo'lida o'rgatgan bir harfiga shogird yuzlab xazinalar in'om qilsa ham, uztozi oldidagi haqqini ado etolmaydi:

Haq yo'lida kim senga bir harf o'qitmish ranj ila,
Aylamak bo'lmas ado oning haqin yuz ganj ila.

[i]"Navoiyning ilm-fan haqidagi o'gitlari, uning ma'rifatparvarlik g'oyalarining uzviy qismini tashkil qiladi. U butun hayoti davomida ilm-ma'rifatni targ'ib etdi. Uning "Bilmaganni so'rab o'rgangan olim, orlanib so'ramagan o'ziga zolim", "Oz-oz o'rganib dono bo'lur,qatra-qatra yig'ilib daryo bo'lur" kabi dono o'gitlari

xalqning hikmatli so‘zlariga, iboralariga aylanib ketdi. Navoiy ham ilm yo‘lida juda ko‘p yutuqlarga erishgan bo‘lsa-da, lekin hech qachon o‘zidan qoniqmagan.

Navoiy va Jomiy asarlari biz uchun qanchalik hikmatli va ma’rifatli bo‘lsa, ularning umri va hayoti davomida qilgan xayrli ishlari nihoyatda qadrli va e’tiborga molik.

Jomiy va Navoiynig bu ilm haqidagi fikrlari ayni hayotiy haqiqatdir. Ular o‘rtasidagi ijodiy munosabatlar ibrat olsa, ergashsa arzigulik an’analar nihoyatda ko‘p desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Jomiy va Navoiyning o’ttiz yildan ziyodroq muddatga cho’zilgan hamkorlik tarixida turli sahifalar, an’analar nihoyatda ko’p. Ayni zamonda poklik, halollik, iymon va diyonatgina hukm surishi mumkin bo’lgan ijod olamida kuzatilmagan yoxud kamyob hodisalar bu ikki alloma tajribasida nomoyon bo’ladi.

Alisher Navoiyning “Hayrat ul-abror” va “Saddi Iskandariy” dostonlari Abdurahmon Jomiyning “Tuhfat ul-ahror” va “Xiradnomai Iskandariy” asarlarining ta’sirida yaratilgan. Bu ikki alloma o‘zlarining lirik va epik asarlari bilan nihoyatda keng shuhrat qozongan edilar.Ular orasidagi do‘stlik esa o‘zbek va fors-tojik xalqlarining go‘zal va yorqin tajassumi bo‘lib, hozirgacha ham har sohada davom etib kelmoqda. Bu esa biz yoshlar uchun juda katta ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar :

1. Vohidov R., Eshonqulov H. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – Toshkent: 2006, 420 bet.
2. Alisher Navoiy . Mahbub ul-qulub. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2019, 18-bet.
3. Ibrohim Haqqul. Mushohada yog‘dusi. – Toshkent: Fan, 2009.

NAVOIY VA JOMIYNING DO‘STONA HAMKORLIGI

Madina ABDUQODIROVA
ToshDO‘TAU

XV asrning ikkinchi yarmida yuz bergan ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-madaniy va adabiy hayotning namoyandalari bo‘lmish Navoiy va Jomiy ijodiyoti va faoliyati asarlar osha ilm ahli va adabiyot ixlosmandlarining diqqat-e’tiborida bo‘lib kelmoqda. Ustoz-shogird munosabatlari ila boshlangan do‘stlik va muhabbat ikki iste’dod egasining ma’lum bir qirralarini ochishga va o‘lmas durdona asarlarning yaratilishiga sabab bo‘lgan deyish mumkin. Navoiy va Jomiy nafaqat ijod sohasida, balki xalq va davlat ishlarida ham maslakdosh bo‘lib, doim adolatni yoqlar edilar. Navoiy va Jomiy ijodi bo‘yicha ko‘plab tadqiqotlar amalga

oshirilgan bo‘lib, ularning nafaqat qoldirgan boy adabiy meroslari, balki insoniy fazilatlari bilan adabiy hayotning ibratli hodisasi sifatida qolganliklari ta’kidlanadi.

Navoiydek she’riyat bilimdoni va shinavandasi o‘zining mashhur zamondosh shoiri bo‘lgan Jomiyni 1476-yilda o‘ziga pir qilib oladi va uning rahnamoligida naqshbandiya tariqatiga kiradi [1,180]. Ular orasida qisqa muddatda do‘stlik rishtalari ham ulanadi. Jomiy o‘z muridini sevib qoladi va uning she’riyat sirlarini chuqur egallaganligini yuqori baholaydi. Jomiy bu haqda “Yusuf va Zulayho” va “Layli va Majnun” dostonlarida Navoiyga bo‘lgan muhabbati va do‘stligi haqida keltirib o‘tadi [1,182-183]. Navoiy ijodiyoti bo‘yicha ko‘plab tadqiqotlar olib borgan Bertels bu ikki siymoning adabiy va do‘stona munosabatlari haqida Navoiyning “Xamsat ul-mutahayyirin” deb atalgan mo‘jaz asarida ko‘proq ma’lumotlar borligini qayd etgan. Ushbu asarda Navoiy ustozi bilan tez-tez uchrashib turganligi, Navoiy uyushtirgan bazmlarda Jomiy ishtirok etmay qolgan holatlarda esa, uning uyiga taomlar jo‘natgani haqidagi ma’lumotlar keltirilgan. Navoiy o‘zlarining adabiy didlari tog‘ri kelishini tez-tez eslatib turgan. Navoiy Jomiy bilan kechgan adabiy suhbatlarining birida mashhur saljuqiy qasidanavis Anvoriy haqida og‘iz ochadi. U shoirning devonini mutolaa qilishni yoqtirar va unga hatto taqlid ham qilar edi. Jomiyning bevosita nazorati ostida Navoiy tasavvuf, poetika, metrika va qofiya kabilar haqida 14ta kitob o‘qigan. Jomiy va Navoiy Hirotda bo‘lmagan paytlarida bir-birlariga xat yozishgan holda aloqada bo‘lganlar. Jomiy 1472-yili haj safarini ixtiyor qilganda Bag‘doddan shunday misralar bilan boshlanadigan qasida jo‘natgan:

Bar kanori Dajla dur az yor-u mahjur az diyor,
Dorash az ashki shafaqchun dajlayi xun bar kanor.

Tarjimasi:

Dajla daryosi qirg‘og‘ida yorim uzoq, diyordan judolikda
Shafaqrang ko‘z yoshidan ko‘ksimda qon dajlasi bor.

Navoiy bu maktubga quyidagicha javob beradi:

In noma, na noma, dofei dardi mann ast,
Oromi daruni ranjparvardi mann ast.

Tarjimasi:

Bu xat emas, har bir shodlik negizidir.
Xursandchilik va ayni hosil qilishning yangi sababidir.[1,190]

Bertels har ikkala ijodkor ham ma’no uchun, ham she’riyat mazmuni uchun kurashganliklari, muhabbatni tarannum etganliklari, ijodlaridagi rang-barangliklar haqida ham o‘zining xulosalarini keltirib o‘tgan.

Mashhur matnshunos olim Porso Shamsiyev “Jomiy va Navoiy” majmuasining muqaddimasida bu ikki yondosh qalb egalari haqida quyidagi fikrlar bildirgan edi: “Chin insoniy xislatlardan sabot, matonat, g‘ayrat tolmas

mehnatkashlik bu ikki do‘stning mushtarak xususiyatlari bo‘lib qoldi. Bu mushtarak xususiyat bulardagi buyuk ijodiy kuch va mahoratning deyarli bir mezonda borganligida ko‘rinadi. Jomiy biror asar yozsa, birinchi galda Navoiyga taqdim etar, kerak miqdorda isloh etishni, kamchilik va nuqsonlarni ko‘rsatib berishni talab etar edi. Navoiy Jomiyni o‘ziga madadkor, qiynalganida mushkullarini hal qiluvchi va ishlarga rag‘batlantiruvchi ulug‘ homiy va murabbiy deb bilar edi.”[2] Porso Shamsiyev ularning maktub va yozishmalari asosida “Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiy” nomli to‘plam e’lon qilgan. Ikki ulug‘ shoirning hayoti, ilmiy va adabiy faoliyati haqida tanishtiruvchi ushbu asar ular haqidagi eng muhim ma’lumotlar bilan boyitilgan. Ustoz tomonidan ilmiy jamoatchilik uchun eng muhim manba “Xamsat-ul mutahayyirin” asari nashr ettirilgan.

Navoiy va Jomiyning ustoz-shogirdlik munosabatlari asosida ijod qilganliklari ular yaratgan asarlarida ham ko‘zga tashlanadi. Ulug‘ tojik shoiri va mutafakkiri bo‘lmish Jomiy o‘z shogirdi va muridi Alisher Navoiy maslahati bilan 1486–1488-yillarda “Nafohat ul-uns min hazorat ul-quds”[3] (“Pok zotlar huzuridan esgan do‘stlikning xush islari”) asarini yaratadi. Qomusiy yo‘nalishda yozilgan asar tarkibi muqaddima bilan boshlanib, unda 618 zohid, so‘fiy, mutasavvif hayoti va faoliyati haqida bayon qilinadi. Asar xotima bilan yakunlangan. Oradan biroz muddat o‘tgandan keyin Navoiy “Nasoyim ul-muhabbat min shamoyim ul-futuvvat”[4] (“Ulug‘lik xushbo‘yliklarini taratuvchi muhabbat shabbodalari”)ni Jomiy asari asosida o‘zbek tiliga tarjima qilib, unga ayrim yangiliklar qo‘shadi. Muqaddimaga navoiyona ruh beradi. Navoiy Jomiy asariga kiritilmagan turk mashoyihlarini “Nasoyim ul-muhabbat”ga kiritib, unda 770 nafar tasavvufiy ijodkorlar haqida ma’lumot beradi. “Nafahot ul uns min hazorat ul-quds” asarida keltirilgan ijodkorlar haqida ham yangi qo‘shimcha manbalar keltirilgan. Bu asarlarning muqaddimalarida tasavvufning ko‘pgina nazariy masalalari haqida ma’lumot berilgan. A. Abduqodirov muqaddimalardagi o‘xshash va farqli jihatlar haqida to‘xtalib o‘tgan.[5,69]

Abdurahmon Jomiy vasfi Navoiyning ko‘p asarlarida uchraydi. Alisher Navoiy “Xamsa”, “Majolis un-nafois”, “Nasoyim ul-muhabbat” kabi asarlarida Jomiy haqida ayrim boblarni bitgan bo‘lsa, “Xamsat ul-mutahayyirin” to‘laligicha “vasfi vasfg‘a sig‘mas” va ta’rifi ta’rifiga rost kelmas” ulug‘ insonga bag‘ishlangan. Alisher Navoiy Jomiyni ta’riflar ekan, unga nomiga o‘xshash bo‘lgan “jom” so‘zini shakldosh sifatida oladi, tajnis va ihyom san’atlari orqali ustozining barkamol ma’naviy olamini ko‘rsatuvchi poetik timsolini tasvirlaydi.

Mumtoz adabiyotimiz necha asrlardan buyon g‘arb olimlari nigohida bo‘lib kelmoqda. Xususan, Fransiyada Mark Tautant Navoiy ijodiy faoliyati borasida ko‘plab tadqiqotlarni amalga oshiradi va tarixiy konteksda, asl manbalar orqali

o‘rganishga jiddiy e’tibor qaratadi. U “Jomiyning Navoiyga bo‘lgan ta’sirini o‘rganish: “Saddi Iskandariy” va “Xiradnomayi Iskandariy” (Evaluating Jami’s Influence on Nava’i: The case studies of the Khiradnama-yi Iskandari and the Sadd-i Iskandari)[6] nomli maqolasida Navoiy va Jomiy o‘rtasidagi munosabatlarni, Jomiyning ta’sirini matnli dalillar bilan ko‘rsatib beradi. Navoiy yaratgan “Saddi Iskandariy dostoni” Jomiy masnaviysini ham tushunishga yordam beruvchi vosita sifatida baholaydi.[6, 606]“Saddi Iskandariy” dostonida Iskandarning hayotiga oid voqealarini Navoiy nafaqat Jomiy asaridagi syujetdan ilhomlangan holda yaratganini, balki unda o‘zgacha tasvir vositalaridan foydalanganini qayd etadi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, Navoiy va Jomiy aloqalarini, ijodiy hamkorligini, shaxsiyatini o‘rganish har ikkala shoirning adabiyot sohasidagi yangi ijod qirralarini kashf etishiga, har ikki ijod sohibining adabiy merosini boyitishga xizmat qiluvchi omillarni yaratishga yordam beradi. Navoiy va Jomiyning o‘zaro do‘stlik rishtalari biz yosh avlod uchun doimo ibrat maktabi bo‘lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Bertels. Navoiy. –T.: Tafakkur qanoti, 2015.
2. Shamsiyev P. Ulug‘ do‘stlik lavhalaridan. Jomiy va Navoiy. –T.: Fan. 1966.
3. Jomiy. Nafahot ul-uns. Tehron.: Ittilot, 1373.
4. Alisher Navoiy. MAT. 17-tom. –T.: Fan. 2001.
5. Abduqodirov A. Navoiyga armug‘on. –T.: 2003.
6. Tautant M. Jami in Regional contexts. Leiden. Boston. 2019

III. НАВОИЙ АДАБИЙ МЕРОСИ ВА АДАБИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

“NASOYIM UL - MUHABBAT”DA O‘GITLAR

Obid SHOFIYEV,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Annotatsiya: *Alisher Navoiyning “Nasoyim ul-muhabbat min shamoyim ul-futuvvat” (“Saxovat uforining sevgi shabadalari”) asari hamda Abdurahmon Jomiy “Nafahot ul-uns min hazorot il-quds” (“Pok zotlar manzilining do‘stlik ifori”) asari qiyosiy tahlil qilingan.*

Kalit so`zlar: *tasavvuf, taqvo, safo, vafo, fano, tavba, luqmai hilliyat.*

Alisher Navoiyning “Nasoyim ul-muhabbat min shamoyim ul-futuvvat” (“Saxovat uforining sevgi shabadalari”) asari Abdurahmon Jomiy (1414 –1492) “Nafahot ul-uns min hazorot il-quds” (“Pok zotlar manzilining do‘stlik ifori”) asarining tarjimasidir. “Bu kitobni turk tiliga tarjima qila olg‘aymumen?” – degan Navoiy asarni tarjima qilishdan oldin, bu borada ancha taraddud sezadi. Navoiy bu sharafli vazifani to‘liq uddalaydi va Jomiy nazaridan chetda qolgan “Hind mashoyihi sharhi” va “Turk mashoyihi zikri”ga e’tibor qaratadi. Darhaqiqat, bu ikki asar mundarijasida mushtarakliklar bilan tafovutlar kuzatiladi, jumladan, “Nasoyim ul-muhabbat” (1496) da 770 ta, “Nafahot ul-uns”da 616 ta mashoyix xususida ma’lumotlar jamlangan.

“Nasoyim ul-muhabbat”ning Toshkent (2001) va “Nafahot ul-uns”ning Dushanbe (1990) nashrlari muqoyasasi quyidagi holatlarni namoyon etdi. Ba’zi so‘fiylar ta’rifi keltirilgan xabarlar aytarli bir xil, goho esa sezilarli farqlar uchraydi. Navoiy, chunonchi, Jomiyning basralik Ato ibn Sulaymon haqidagi xabarini o‘zgarishsiz to‘kis saqlaydi. Bu xil o‘xshashliklar juda ko‘p, ayni zamonda tafovut qiluvchi o‘rinlar ham anchagina, jumladan, Ibrohim Shams Samarqandiy to‘g‘risidagi xabar Jomiy asarida bor, lekin Navoiy asarida yo‘q. Bundan tashqari, “Nafahot ul-uns”da aynulquzzot (qozilar chashmasi) Abdulloh Hamadoniyga doir axborotda Abusayyid Termiziyning bayt aytgani va bu bayt ta’sirida hujjat at-tariqat Ahmad G‘azzoliy (vafoti 1124 yil)ning raqsga tushgani hikoya qilinadi. Bular Abusayyid Termiziyning ham shoir, ham hofizligini anglatadi, ushbu alloma haqida boshqa manbalarda ma’lumot bor yoki yo‘qligi hozircha aniqlanmadi. Jomiy asaridagi aynan shu o‘rinlar, nechundir, Navoiy tomonidan qisqartirilgan, buning sabablari mavhum. Yoki Shaqiq Balxiy (vafoti 791 yil) haqidagi xabarlar tamoman boshqa - boshqadir va bir - biridan tubdan farq

qiladi. Jomiy keltirgan xabarda Shaqiq Balxiy bilan Ibrohim Adham (vafoti 770 yil) suhbatida ular aytgan fikrlarga e'tibor qaratiladi. Ibrohim Adham "Topsak shukr qilamiz, topmasak sabr" desa, Shaqiq Balxiy "Topsak sochamiz, topmasak shukr qilamiz," deydi. Jomiyning aytishicha, muallifi noma'lum "Siyar ul-salaf" ("O'tmishdoshlar fazilati") asarida Ibrohim Adham hikmatlari Shaqiq Balxiyga va Shaqiq Balxiy hikmatlari Ibrohim Adhamga nisbat berilgan ekan. Navoiy bo'lsa, Shaqiq Balxiyning boshqa so'zlarini keltiradi: "Men qilgan gunohdan emas, qilmagan gunohdan qo'rqaman, chunki qilgan gunohimni bilaman, ammo qilmagan gunohimni esa yo'q." Yana Shaqiq Balxiy aytar ekan: "Odamlar olovdir, ehtiyot bo'l, foydalisidan foydalan, lekin kuydirayotganlaridan qo'rq". Demak, Navoiy bu bilan Jomiy asaridan chekinmoqda va aslida Navoiy ustozi Jomiyni ma'lum darajada to'ldirmoqda.

"Nafahot ul-uns"ning Dushanbe nashrida 616 ta so'fiydan atigi 106 ta so'fiy xususida keltirilgan ma'lumotlarni "Nasoyim ul-muhabbat"ning Toshkent nashri bilan birma-bir qiyoslash, ilk xulosalar uchun kifoya qiladi degan fikrdamiz. Qiyos jarayonida shu narsaga iqror bo'ldikki, Jomiy ham, Navoiy ham ko'plab manbalarga erinmay murojaat etishgan, bular har ikki allomaning o'z ishlariga o'ta mas'uliyat bilan qaraganligining yorqin isbotidir. Jomiy va Navoiyning shayx Abubakr Tohir Javhariy xususidagi xabarida ancha mushtarakliklar mavjud. Navoiy ushbu o'rinda ustozi Jomiy xabarlarini o'zgarishsiz saqlaydi, "Nasoyim ul-muhabbat"da o'qiymiz. "Ondin so'rdilarki, haqiqat nedur? Dedikim, barchasi ilmdir. Dedilar: ilm nedur? Dedikim, barchasi haqiqatdur." Diqqat bilan qaralsa, ilmga yuksak baho berilmoqda, shuningdek, ilm, shubhasiz, haqiqat bilan birgalikda yonma-yon qo'yilmoqda.

Jomiy va Navoiy har bir so'fiy hayot yo'lini sinchkov o'rganadi hamda diqqat bilan atroflicha sharhlashda mahorat namoyish etadilar. Eslatilganidek, Navoiy aksar vaqt Jomiyni to'ldiradi. Chunonchi, Abusaid A'robiy zikrida buni yaqqol ko'rish mumkin. A'robiy haqida Jomiy siqiq, qisqa ma'lumot bersa, Navoiy imkon qadar kengroq, batafsil axborot berishga intiladi va tag'in Jomiyni to'ldiradi. "Nasoyim ul-muhabbat"da A'robiydan keltirilgan hikmatlar g'oyat e'tiborli. A'robiy degan ekan: "Yaqinlik demagaylar, to yirog'lik, bo'lmagay", "Tasavvufning hammasi ortiqcha narsalarni tark qilish". Xuddi shular "Nafahot ul-uns"da yo'q, Jomiy negadir, bularga e'tibor jalb etmaydi, Navoiy, demak, Jomiy назарига тушмаган манбалардан ҳам фойдаланган.

Goho Jomiy ma'lumotlarni kengroq bersa, Navoiy, aksincha, ixcham yo'l tutishga harakat qiladi. Goho axborotlar tizimida Navoiy favqulodda ajoyib, hatto g'aroyib ma'lumotlar beradi va kitobxonni hayratga soladi. Masalan, Jomiy va Navoiyning buyuk shoir Hofiz Sheroziy (1325 – 1389) xususidagi ma'lumotlarida turlichalik sezilarli darajada. Shu nuqtada Navoiy hayratomuz bir

holatga urg‘u beradi. Navoiyning ta’kidicha, Mirqosim Anvar (1346 – 1433) der ekanki: “Hofizning devoni Qur’oni forsiydir”. Aynan shu ma’lumotni Jomiy ixtisor etadi. Goho Navoiy ayrim ma’lumotlarni o‘sha zamon kishisi bilgani bois, ortiqcha takrorga yo‘l qo‘ymaslik uchun, Jomiy asariga havola etadi. “Kishi tilasakim, ma’lum qilg‘ay “Nafahot ul-uns”ni mutolaa qilsun, vassalom.” Yoki : “Nafahot ul-uns”da o‘qug‘on ma’lum qilur”. Ba’zan “Hazrat Maxdumiy “Nafahot ul-uns”da bitibdurlarki...” tarzida Jomiydan ko‘chirmalar ilova etadi. “Nasoyim ul-muhabbat” va “Nafahot ul-uns” asarlarining qiyosi shuni ko‘rsatadiki, Alisher Navoiy ko‘p holatda o‘ziga xoslikka intiladi va bunga tom ma’noda erishadi ham. Har ikki asarni qiyosiy yo‘nalishda chuqur o‘rganish natijasida Jomiy va Navoiyga xos uslublarni tadqiq etish imkoniyatlari vujudga kelishi tabiiy.

Alisher Navoiyning "Nasoyim ul-muhabbat” asarida ba’zi so’fiylar zikri munosabati bilan tasavvuf so’ziga savol vositasida javob ham istaladi. Savolga berilgan javoblar orqali tasavvuf so’zining ma’nosiga, mohiyatiga va g’oyasiga aniqlik kiritiladi, mohiyat va g’oyaning ildizini bir qadar fahmlashga yo’l ochiladi. So’fiylardan Abubakir Abi Sa’don[39] aytgan ekan: “kimki, tasavvufga oid turfa so’zlar aytmasa nodondir” (–B.131). Abdulloh b. Muhammad Ma’ruf Mo’rta’ish[40](vafoti 940) tasavvufga “...ashkol va talbis va kitmon” (-B.147) deb ta’rif beradi. Ashkol – mushkul va shakl, talbis – makr yoki libos, kitmon – sirni yashirmoq, so’zlar tushunarli, atigi talbis ozgina mafhum. Talbis – makru firibga qarshi iroda libosini kiymoq ma’nosini ifodalaydi, qisqasi tasavvuf istilohi murakkab qutblarni namoyon etadi. Quyida bu murakkabliklar yanada chuqurlashadi, so’fiylar ta’rifida tasavvuf o’zining sirli va sehrli qirralarini oshkor etib boradi. Junayd Bog’dodiyning tengqo’ri Abu Ya’qub Mazobiliydan “tasavvuf nedur” deb so’raganda: “tasavvuf bir holdirki, unda insoniylik alomatlari yo’q bo’lib ketadi” (–B.91–92) deydi. Tasavvuf ma’nosining ko’lami keng, olami cheksiz, u qol (zohiriy ilm)ga emas, hol (botiniy ilm)ga tenglashtirilmoqda, hol ilmi so’fiylikda rang-barang manzilu maqomlarga molik. Tasavvuf dunyosi o’ziga xos bo’lib, u o’z bag’riga nafaqat insoniylik alomatlarini, umuman, koinot va tabiat, hatto kurrai zamin mavjudotlarini qamrab oladi. Tasavvuf so’zi tarkibidagi taqvo, safo, vafo, fanodan tashqari: tavba, luqmai hilliyat (halollik, ya’ni halol luqma), odob (nafs odobi), hilm (yumshoqlik, yuvoshlik), rizo (Alloh hukmiga rozilik, muvofiqlik), sabr (o’zini yomon ishlardan tiyish), sidq (chin, rostlik, to’g’rilik), riyozat (qiyinchiliklarni yengish), ibodat, tariq, istitoat (iqtidor), tavakkul (umid bog’lash, e’tiqod qilish) va albatta, shariat, tariqat, ma’rifat, haqiqat singari bosqichlar hamda boshqalar ham tajassum topadi.

[39] Жунайд Баҳдодий (вафоти 910)нинг асҳоби.
[40] Абу Ҳафс Ҳаддод (вафоти 881)нинг асҳоби.

Junayd Bag'dodiyning yoshi ulug' ashoblaridan so'fiy Abu Muhammad Xushriy (vafoti 935) "tasvvuf jangdir, sulh emas" (–B.97) deydi. Tasavvufning shu talqini mushohada va mulohaza qilinsa, o'z - o'zidan savol tug'iladi, tasavvuf nega jang, nega sulh emas, nechun u kurashdan iborat, nechun u bilan bitim tuzib bo'lmaydi? Tasavvufnnig bosh g'oyasi nafsga jihod, ya'ni nafsga qarshi jang, tasavvuf nafs bilan sulh tuza olmaydi, endi jang ham, sulh ham ravshan. Tasavvuf zohiriy (tashqi) nafsga ham, botiniy (ichki) nafsga ham muvofiq emas, ularga jidiy muxolifatda turadi. Zohiriy nafs umum, ko'pchilik, botiniy nafs bir shaxs doirasida hukm suradi, tashqi yoki ichki holatida farq sezilsa-da, aslida ular teng va bab - baravardir. Junayd Bog'dodiyning ustozi Abu Said Harroz (vafoti 899) "tasavvuf xulqdir, inobat etmas" (–B.98) degan fikrni bildiradi. Tasavvuf talqinidagi bu fikr "Nasoyim ul-muhabbat"ning so'fiy Abulabbos Ibn Ato (vafoti 922) qismida beriladi. So'fiy Ato ma'lumotlarga ko'ra Junayd Bag'dodiyning do'stlaridan va Husayn Mansur Xalloj (vafoti 922) bilan birga qatl etilgan. Tasavvufga xulq deb ta'rif berilishi shu bilan to'xtab qolmaydi, u davom etadi va yana qizig'i "Nasoyim ul-muhabbat"ning SHayx Abu Abdurahmon Sulamiy Nishoburiy (vafoti 1031) qismida tasavvufning xulq talqini Junayd Bog'dodiyga nisbat beriladi. Sulamiyning aytishicha, u bobosi Nujayd Sulamiydan eshitgan: "Abulqosim Junayd b. Muhammad Bag'dodiy debdur: "tasavvuf xulqdir. Kimki, sendan sulhda ustun bo'lsa, tasavvufda ustundir" (–B.216). Ustoz Abu Said Harroz va shogird Junayd Bag'dodiy tasavvufga bir xil o'xshash ta'rif izhor etishmoqda, farq bitta inobat so'zida mavjud. Abu Said Harrozning fikridan kelib chiqib tasavvufning inobat emas, so'ziga e'tibor qaratsak, darhaqiqat tasavvuf e'tirof (inobat)ga zinhor muhtojlik sezmaydi. Tasavvuf xulq deya baho berilishi eng yuqori, eng oliy ta'rif, bundan ziyoda ta'rif bo'lmaydi, eng mukammal ta'rif va talqin asli shu bo'ladi. Junayd Bag'dodiyning fikridan so'ng Sulamiy qismida xulq haqida aytilgan eng chiroyli gap deb, Abusahl Su'lukiy (vafoti 979) ning gapi keltiriladi: "xulq e'tirozdan voz kechishdir" (–B.216). Tasavvuf – xulq, xulq esa – e'tirozdan, qarshilikdan, inkordan, raddiyadan voz kechish, bular ezgulikning eng cho'qqisi hisoblanadi. So'fiylardan Abu Ja'far Haddod (–B. 118) va Abu Abdulloh Barqiy (–B.119) ham tasavvuf ta'rifida bir xil mushtarak fikr bildirgan: "...tasavvuf, aning asaridurki, yerda goh oshkora qilur va goh pinhon" (–B.119). Demak tasavvuf o'zining ta'sir doirasi bilan zamon va zaminda oshkor - ochiqcha, goho esa pinhon -yashirin tarzda namoyon bo'lar ekan. Tasavvuf aslida nomaqbul ishlarni oshkor aylaydi, maqbul ishlarni targ'ib qiladi, sirlarni sir saqlaydi, xulosa chiqarish kishilarning o'ziga havola. Tasavvuf oshkorga oshkor, pinhonga pinhon, o'z davrining ham oshkori va pinhonligi bo'ladi. Boshqa bir so'fiy Abubakr Duqqiy (vafoti 970): "ofiyat tasavvuf bilan bo'lmas" (–B.133) deb, tasavvufga o'zgacha sharh beradi va uning sirlarini ochishga intiladi. Ofiyat – tinchlik, osudalik,

sog'lik, sog'ayish, ahli ofiyat - pokiza va sof kishilar, ana shularga erishmoq tasavvuf bilan ro'yobga chiqmas ekan. Aftidan tasavvuf va pokizalikdagi nomuvofiqlik orqali so'fiylikning qalandarlik hamda darveshlik sulukotlariga zimdan ishora qilinmoqda. Abubakr Duqqiyga oid xabarlarning davomida "ofiyat ilmda, ya'ni shariatda" (–B. 113) deyilib, soflikning ilmdan ozuqlanishga, ilmning shariat bag'rida kamol topishga ochiqcha ta'kid berilmoqda. Abu Sayd A'robiy (vafoti 932) ning tasavvuf ta'rifi ancha jarangdor: "tasavvufning hammasi ortiqcha narsalarni tark qilish" (–B. 156). Ortiqcha narsalar, keraksiz narsalar nima, ularning tasavvuf bilan bog'liqligi nimalarda ko'rinadi, ortiqcha harakat, beo'xshov qiliq, xullas, yoqimsiz gap, harakatdagi nodonlik, har jihatdan inson ehtiyotsizlikni unutmasligi lozim. Ko'ngilga kelgan ishni qilish, og'ziga kelganni gapirish, havolanib ketish, kibrga berilish, hayosizlik, beboshlik bularning bari ortiqcha. A'rabiy fikrini davom ettiradi: "Ma'rifatning hammasi bilimsizlikni e'tirof etishdir" (–B.156–157). Yuqorida Duqqiy shariatga urg'u bergan edi, A'robiy ma'rifatga urg'u bermoqda va tasavvufning ham shariat, ham ma'rifat bilan chambarchasligi ta'kidlanmoqda. Shariat va ma'rifat oralig'ida tariqat bor, ma'rifatdan so'ng haqiqat keladi, shariat–ibtido, haqiqat – intiho. Abulhasan So'fiy Fushanjiy (vafoti 960) tasavvufni haqiqat bilan vobastalikda ko'radi: "zamonimizda tasavvuf bir ismga aylangan, haqiqat emas. Ilgari ism emas, haqiqat edi" (–B. 158). Fushanjiy aqidasicha, tasavvuf uning zamoniga kelib, shunchaki bir ism, nom, nari borsa, atama yoki istiloh, xolos. Uning fikri boshqalarning fikridan ko'p ma'noda ustun, u yakuniy nuqtani qo'ygandek, lekin bu talqinlar to'xtab qoladi degani emas. Tasavvuf talqinlari davom etadi, jumladan, Bundor Husayn b. Muhammad b. Muhallab SHeroziy (vafoti 964) bu borada nazarimizda eng yuqori talqinni bayon etadi: "Andin so'radilarki, tasavvuf nedur? Dediki, ahdqa vafo" (–B. 159). Ahd va vafo yoki vafo va ahd ikki ajoyib so'zlar shodasi, go'zal so'zlar, ta'rifga til ojizlik qiladi. Ahdga vafo har bir davr uchun qimmatli va ahamiyatli, u hech qachon eskirmaydi, ahd va vafo –ezgulikning asosi. Bu ta'rif tasavvuf zikridagi yuksak ta'rif, tasavvufning mantiqiy nuqtalarini ochib bera olganligi bilan ajralib to'radi. Ta'rif lo'nda va ixcham, aytilishi ravon, tushunilishi oson, aniq va tiniq izoh va sharhga zarurat sezilmaydi. Boshqa Sheroziy, ya'ni Abu Abdulloh Xafif (vafoti 943) tasavvufni ushbu xilda ta'riflaydi: "g'aflat paytida haqni topishdir" (–B.166). G'aflat – beparvolik, e'tiborsizlik, ehtiyotsizlik, loqaydlik, g'ofillik, xabarsizlik (bexabar), tadbirsizlik, tasodiflik, faromush hol, ana shunday vaziyatda haqni topmoq bir qadar nojoizdek! Ahli so'fiy uchun bu odatiy hodisa, tabiiy hol, hayotiy mezon, oddiy voqea, go'yo zarurat, o'zga sharhga hojat yo'q. Tasavvuf zikrida so'fiylardan Abulhusayn Sarvoniyi Sag'ir, Shayx Abu Said Abulxayr (vafoti 1048), Abu Ishoq Ibrohim Shahriyor Goziruniy (vafoti 1029) va boshqalarning aytgan so'zlari bor.

Chunonchi, Sag'ir ta'rifi: "Himmatni yagona tutmak va xalqdin begona bo'lmoq" (–B.190), shunga mushtarak: "tasavvuf–xalqni tark qilish va ziyoda himmatdir" (–B.190). Tasavvuf – himmatda yagonalik, xalqga begonalik yoki tarki xalq va ziyoda himmatlik, xalq va himmat – tasavvuf". Shayx Abu Said Abulxayr talqini: "miyandagi barini chiqarib tashla! Qo'lingdagi borini ehson qil! Boshingga nima kelsa, xotirjam qarshi ol! (–B.213). Bu tasavvufga bag'oyat atroflicha ta'rif, teran talqin, miyadan g'araz fikrlarni chiqarish, ehsonda qo'li ochiqlik, hayot zarblariga xotirjam munosabat. Shahriyor Goziruniy "Hazrat Risolat s.a.v.ni tushda ko'rub so'rdikim, tasavvuf nima? Rasul s.a.v. dedikim, tasavvuf da'volarni tark etish va ma'nolarni yashirishdir" (–B.179). Ko'rinadiki, tasavvuf istilohiga turlicha va turfa xil ta'rif beriladi hamda talqin etiladi. Ana shularni to'plash va tadqiq etish hozirgi zamonamizning dolzarb mavzui ekanini unutmagan holda, uzluksiz izlanishlar olib borish lozimligini uqtirish yagona niyatimizdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. Yigirma tomlik. O'n yettinchi tom. Nasoyim ul-miuhabbat. – Toshkent: "Fan" nashriyoti, 2001. – 520 b.
2. Is`hoqov Y. Navoiy poetikasi. – Toshkent: Fan, 1983. – 168 b.
3. Hayitmetov A. Alisher Navoiyning adabiy-tanqidiy qarashlari. – Toshkent: Fan, 1959. – 196 bet.
4. Shayxzoda M. Asarlar. Olti tomlik. 4-tom. – Toshkent: Adabiyot va san'at nashriyoti, 1972 – 372 b.
5. Hayitmetov A. Navoiyxonlik suhbatlari.–Toshkent: O'qituvchi, 1993.– 216 b.

НАВОИЙ ИЖОДИДА НОТИҚЛИК САНЪАТИ МАСАЛАЛАРИ

Маҳбубахон СОБИРОВА,
НамДУ доценти, педагогика фанлари номзоди

Аннотация: *Мазкур мақолада Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ҳақидаги мулоҳазалари, нутқ одоби талаблари хусусидаги фикрлари, воиз ҳамда нотиқлик ва сўз қадрига оид қарашлари таҳлил қилинади.*

Annotation: *In this article analyzes Alisher Navoi's views on speech culture, his speech requirements, and his or her speech and vocabulary.*

Калит сўзлар: *нутқ маданияти, нутқ одоби, нотиқлик санъати, воиз, нотиқлик, сўз қўллаш.*

Key words: *speech culture, speech ethics, public speaking, preacher, oratory, use words.*

Ҳамма даврларда ҳам нотиқлик маданияти, сўзамоллик нотиқ шахснинг умуммаданий қиёфаси ва савиясини белгиловчи асосий фазилатлардан бири сифатида қаралган. Зеро, нутқ бу тафаккур акси ҳисобланади. Тўғри нутқнинг асоси тўғри фикр юритишдадир. Инсонларнинг тўғри, таъсирчан, чиройли ва яхши гапиришга интилиши ва унга оид одатий қоидалар қадимий тарихга эгадир. Бундай қоидалар қадимий ўтмишдан ҳозирга қадар мангу анъана сифатида яшаб, такомиллашиб келган. Бироқ, нутқ маданияти тушунчаси билан боғлиқ ушбу нутқий одатлар турли даврларда муайян хусусиятлари билан фарқланиб турган. Айниқса, адабий тил пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлган нутқ одоби ҳақидаги тасаввурлари, адабий тил пайдо бўлгандан кейинги давр нутқ маданияти тасаввуридан фарқланади.[1, 24]

Жаҳон маданияти тарихида мислсиз обрў-эътиборга эга бўлган ўзбек адабий тилининг яловбардори Алишер Навоийнинг нутқ маданияти, нутқ одоби ҳақидаги мулоҳазалари, фикрлари, қарашлари юксак ҳаётий тажриба маҳсули ва амалиёт синовидан ўтган ҳикматлар сифатида диққатга сазовордир.[2,5]

Буюк мутафаккир, аввало, сўзнинг қудратини қуйидагича тавсифлаганлар:

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонға хабар жонондин.[8]

Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асарида таъкидланишича, сўз гўё дурдир. Бобомиз инсонда мавжуд қувватлар ҳақида фикр юритар экан, сўзлаш қувватини алоҳида таъкидлаб ўтади:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин. [8]

Одатда, нутқ маданияти дейилганда тингловчига ёки суҳбатдошга фикрни соф адабий тилда тўғри, аниқ, силлиқ, тушунарли, таъсирли, ёқимли баён этиш ва она тилининг восита ҳамда имкониятларидан нутқ мазмунига, сўзлаш шароити, айтилмоқчи бўлган мақсадга мувофиқ равишда фойдалана олиш тушунилади.[(3,7] Ҳар бир сўзни ўринли қўллаш нутқ маданияти саналади.

Тўғри, таъсирчан, чиройли ва мазмунли гапиришга интилиши ва унга оид одатий қоидалар қадимий тарихга эга. Нутқ одобининг қайд килинган

маданий - ахлоқий талаб ва асослари нутқ меъёрлари сифатида қадимий даврлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ушбу нутқий меъёрларнинг сақланиши, ўзгартирилиши ва яшаб келишида оилавий анъаналарнинг ўрни каттадир. Бир тил жамоаси доирасида амал қилинган анъанавий қоидалар, суҳбатдошлар (сўзловчи ва тингловчилар)нинг бир-бирини ўзаро назорат қилиши, кузатиши, таълим-тарбия, ўгит-насиҳат жараёни, шунингдек, нутқий одоб меъёрлари ҳақида ёзилган адабиётларни мутолаа килиш асосий ўрин тутган.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси ва мутафаккири Алишер Навоий ижодида сўз санъатига, нутқ маданияти масалаларига катта эътибор берилган. Навоий сўзнинг дабдабали бўлишидан кўра, ҳаққонийлигини улуғлайди. “Фикринг халқ учун фойдали ва тушунарли бўлсин десанг, содда тилда гапир” дейди: « Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар. Сўзки фасохат зеваридин музайян эмасдир, анга чинлик зевари басдур. Ёлғончи ҳар неча сўзида фасихроқ, сўзи қабиҳ. Чин сўз нечаким бетакаллуф, қойилки иборат соддалигидин йўқ таассуф».[4,363]

Навоий тўғри сўзли, эл учун фойдали фикрлар айтадиган нотиқларга ён босади. Уларнинг хизматини масжид имомларининг қилаётган ишларидан юқори қўяди. Улар учун имомларга нисбатан кўпроқ маблағ ажратишни, яъни «Воизга йиллик нақди беш юз олтун, буғдой; масжиди жомеъ имомига йиллик нақди икки юз олтун, буғдой» ажратишни тавсия этади.[6,32]

Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва анинг насиҳатин қабул этган мақбул кишидур. Аввал бир йўлдин бормоқ керак, андин сўнгра элни бошқармоқ керак. У йўлни юрмай кирган кетар ва ғайри мақсуд ерга етар. Воиз улдурки, мажлисига ҳоли кирган тўлгай ва тўла кирган ҳоли бўлгай.

Тилга ихтиёрсиз - элга эътиборсиз. Ямон тиллик андоқким, эл кўнглига жароҳат еткурур, ўз бошига ҳам офат еткурур. [5,32-33]

Ҳусн-жамоли йўқ одам ширин сўз бўлса, гўзал ва ширин сўзи билан барчани қўлга олади. Бундан шундай хулоса чиқадики, яхши сўзлай олиш, ширин сўзлик инсонга ҳусн бағишлайди, унинг обрў-эътиборини орттиради. Шунинигдек, мазмунли, рисоладагидек нутқ ирод қилиш ҳам бир санъатдир, ҳунарларнинг ноёбидир:

Эрдин соз ҳунар, энчидин боз ҳунар. [5,82]

Халқимиз: “Бир йигитга етмиш ҳунар оз”, - дейди. Демак, ўзини баркамол санаган ҳар бир одам нутқ маданиятини, нутқ санъатини эгалламоғи лозим. Чунки яхши, эзгу сўз (нутқ) айта олиш, нутқ одобини эгаллаш кишига бахт келтиради:

Ким истаса мазҳари каромат бўлмоқ,

Ҳар навъ ишда истиқомат бўлмоқ.
Сўздир анча мужиби каромат бўлмоқ,
Тил забтидадур анча саломат бўлмоқ.[5]

Мутафаккир нутқ одобининг талаблари ҳақида яна кўплаб фикрларни айтган. Уларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:
Инсоннинг одоб-ахлоқини белгилайдиган омиллардан бири унинг сўзи, нутқидир: Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиги сўз била.

Сўздадур ҳар яхшилик имкони бор,
Мунда дебдурлар, нафаснинг жони бор. [5,83]

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,
Тил мухбир эрур кўнгил ниҳон эмгагидин,
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин,
Ким берди хабар ҳадиси кўнглидагидин. [7,24]

Кишининг сўзи (нутқи) унинг ақлий камолотидан дарак беради:

Одамки, демак бирла киромийдур,
Бас сўз дурри ишининг интизомидур,
Сиҳат ончаки, аҳли ақл комилдурур ,
Ақлиға далил анинг каломдурур. [7,48]

Сўзлаганда дилинг билан тилинг бир бўлсин, чунки дилдаги тилга чиқади:

Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг,
Тилу кўнглингни бир қилиб бирўй,
Нуқта сурсанг шукуфтау хандон,
Зист қилсанг, кушодоу хушрўй. [5]

Хушмуомала, ширин сўз бўл. Тилинг билан кишиларга озор берма:

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар неники ағёр дурур ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглини озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар. [7,54]

Алишер Навоийнинг тил ва нутқ, нутқ одоби, нутқ маданияти, нутқ санъати ҳақида айтган фикрларида қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти борасидаги бой ва ноёб мероси маҳорат билан ёритилади. У

тилни, сўзни қадрлашни, уни ҳурмат қилишни уқтириб, нутқ одобининг талаблари ҳақида шундай ёзади:

Донаю дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.[9]

Сўзнинг маъносини тушуниб, билиб гапир:

Сўзни кўнгулда пишқармагунча тилга келтурма,
Ҳар наким кўнгулда бўлса, тилга сурма.
(“Маҳбуб ул-қулуб”, 83-бет.)

Яхши, эзгу сўз (нутқ) кишига обрў, бахт келтиради. Эзгу сўзли бўл:

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулук эмас.
Киши чинда сўз зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса авло дурур. (“Маҳбуб ул-қулуб”, 83-бет).

Бировким ёлғон сўзни бировга боғлагай, Ўз қаро бўлғоч юзин ёғлагай. Кабира гуноҳдур - оз сўз ҳамки ўтрукдур, захра гуноҳдур, оз сўз ҳамки ўтрукдур, захри мухликдур - агарчи микдори уксукдур. Яъни тилдан туҳмат учун фойдаланма. Туҳматчидан қоч. Ундан нафратлан, дейилмоқда.(“Маҳбуб ул-қулуб”, 61-бет.)

Эл айбини айтурга бировким узотир тил,

Ўз айбини фош айлагали тил узотур бил.

(“Маҳбуб ул-қулуб”, 69-бет.)

Тилингни тий. Кўп сўз, эзма ва вайсақи бўлма. Бу зарарлидир. Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдали сўзни кўп эшитурдин қайтма. Оз деган оз янчилур, оз еган оз йиқилур. (“Маҳбуб ул-қулуб”, 82-бет.)

Тил илдамидин бўлур каромат ҳосил,

Юз навъ надомату маломат ҳосил.

Оз сўзлагандин истиқомат ҳосил,

Соқитлигидин вале саломат ҳосил, [7,31] дейиш билан сўзлаганда шароитни, суҳбатдошингни ҳисобга олишни, беўрин сўз айтмасликни, золим ва бедард суҳбатида нукта сурмасликни маслаҳат беради.

Бўш оғиз бўлма, суҳбат сирларини сақлашга ўрган:

Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,
Билгил ул сўз санга амонатдур,
Гар ани ўзга ерга нақл этсанг,
Ул амонатга бу хиёнатдур.

“Арбаин”, 57-бет.

Улки, сўзни бир ердин яна бир ерга еткургай, элнинг ўтган гуноҳини ўз буйнуга индургай. Ким сўзни териб айтгувчи оғзига бергай**,** Молик ани дўзах ўтининг дудига тергай.

Гапирганда қайтариқлардан қоч, чунки улар фикрнинг таъсирини сусайтиради:

Бир деганни икки демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топти дилкаш эмас.

“Хамса”, 484-бет.

Ҳазрат Алишер Навоий сўзлаш жараёнида сўзни қадрлаш лозимлигини таъкидлайди. Сўзни қадрлаган одамгина ҳар бир сўздан унумли фойдалана олади. Шоир: “Сўз – тил фақат инсон учун ато этилган. Инсоннинг инсонлиги тил биландир. Ҳайвон сўзлаш имкониятидан маҳрум бўлганлиги учун ҳам ҳайвондир”, - деган хулосага келади. Шу боис ҳам сўз муқаддас ва мукаррамдир. Алишер Навоий: “Кўнгил бадан мулкининг подшоҳидир”, - деб ёзади. Худди ана шу подшоҳ саналмиш кўнгилдаги фикрлар тилда юзага чиқади. Шундай экан, Алишер Навоий инсон сўзлаганда унинг кўнгли, дили билан тили бир бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди:

Демон, кўнгли поки, ҳам кўзи пок,
Тили поки, сўзи поки, ўзи пок. (“Фарҳод ва Ширин”, 53)

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий тилни, сўзни қадрлашга ва ҳурмат қилишга чақиради. Сўзни қўллаш, нутқ маданияти ҳақида юксак ҳаётий тажриба маҳсули сифатида туғилган донишона ҳикматлар қолдирди.Нутқ маданияти ва нотиқлик олдига содда ва ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик қилмаслик, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри, рост ва дадил гапириш, ёлғончиликни қоралаш, суҳбатдошнинг фикрларини эътибор билан тинглаш, тушунмаган, тўла англамаган ҳолда фикр билдиришга шошилмаслик, вазият тақозосига кўра ҳушёрлик ва эпчиллик билан суҳбат усулини ўзгартиришга эришиш, асосий мақсаддан чалғиб кетмаслик, барчанинг асосий диққатини маълум мавзу, маълум бир масала атрофига тортиш каби талаблар қўяди. Бу қоидалар ҳозирги кунга қадар давом этиб, такомиллашиб, сайқалланиб келмоқда. Она

тилимизга эътибор ортиб бораётган бугунги кунда нутқ маданияти қоидаларини ўрганиш, ҳазрат Алишер Навоийнинг бу борадаги ибратли ўгитларидан хулоса чиқариб, нутқ одоби қирраларини эгаллаш ҳар бир инсоннинг асосий бурчидир

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қўнғуров Р. ва б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Т.: 1992.
2. Ахмедов Б**.** Навоий замондошлари хотирасида**.** Т.: 1985.
3. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиқлик маҳорати**.** Т.: 1984.
4. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. -Т. 1976. 363-364 - бетлар.
5. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар туплами. 14 том. Т.: 1998.
6. Алишер Навоий. Вақфия. Т.: 1991.
7. Навоий А. Мажолисун нафоис. www.ziyouz.com.
8.Жабборов Н. Улуғ бобокалонимизнинг ижод табиати ва ижодкор тутуми ҳақида фикрлар. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги илмий электрон журнали. 2020.
9. Раззоқов А. Сўзни улуғ деб билди... www.saviya.uz.

“HAYRATUL-ABROR” DOSTONIDA YUKSAK INSONIY FAZILATLAR MADHI

Obidjon KARIMOV,
f.f.n., NamDU dotsenti

Annotation*: The article presents a unique plot, poetic structure and compositional features, as well as a chain of compositions that distinguishes “Hayrat ul-abror” from the other “Khamsa’s” poems.*

Keywords*: the poem, composition, image, analysis, classification, national spirit, genre, artistic, skill.*

Shoirlar sultoni, ko’hna Sharq mutafakkiri Alisher Navoiy “Xamsa”sini o’qish-o’rganishda davom etarkanmiz, allomaning “Hayrat ul-abror” dostoni teran mazmuni va yuksak badiiyati bilan asrlar davomida ko’pchilik adabiyot ixlosmandlari qalbini hayratga solib kelayotganini yana bir bor ta’kidlagimiz keladi. Bu, shubhasiz. Xususan, didaktik xarakterga ega bo’lgan mazkur dostonda qo’llangan har bir so’z o’zining ma’no nozikliklari va ko’plab qirralari bilan yuksak san’atkorona tarzda ifodalanganiga guvoh bo’lamiz.

…Ki har kim ayon etsa yaxshi qilig`,
Yetar yaxshiliqdan anga yaxshilig`[2.12].

Mazkur baytlar Alisher Navoiyning “Hayrat-ul- abror” dostonida to`laligicha o’zgacha mazmun kasb etgan. Shoir o’zini yuksak fazilat sohibi deb bilgan har qaysi inson xalq g’amidan yiroq, ular uchun kuyinmay, faqat o’z manfaatini o’ylaydiganlarni odam qatoriga qo’shmaslikni ta’kidlayapti. Bizga ayonki, Alisher Navoiy butun hayoti va ijodiu faoliyati davomida bu g`oyaga sodiq qoladi . Shu o`rinda dostonning “Yaxshi kishilarning hayratlanishi” deb nomlanishida ham chuqur ma`no bor.

Ulug` shoir qaysi mavzuda fikr yuritmasin, asl maqsadini *inson*ga qaratadi va haqli ravishda deydi: “ Inson degan nomni oqlashga harakat qil, intil, bu nomga dog` tushiruvchi unsurlardan o`zingni yiroq tut! Toki sen bu olamni tark etganingda ham kishilar seni yaxshi nom bilan yod etsinlar”. Chunki Navoiy tangrining yaratgan yaratig`lari ichida insonni koinotning sarvari va gultoji deb baholaydi. Shuning uchun ham inson bu ulug` nomga munosib bo`lmog`i lozimligini bot-bot ta`kidlaganday bo’laveradi...

Birgina “quyosh” kalomining hadsiz jilosiyu, hadsiz jilvasidan bahramandligimiz besamar ketmasin-da, uqqanlarimizni sizlarga ham imkon doirasida yuqtirishga jazm ayladik.Turkiyzabon shoirimiz qirq yoshdan o’tgach, yanayam aniqrog’i, nazmiy nuktadonlikda anchayin tajriba va mahorat kasb etgach, o’z oldiga bag’oyat mushkul ishni qo’ya oldi. Hazrat Navoiy Nizomiy panjasiga panja urib, “Xamsa”dek buyuk asarni yaratdi. “Xamsa”chilikning yalovbardori (bayroqdori) bilan bahslashishning mas’uliyati naqadar yuksakligini chuqur anglagani uchun uni chinakamiga ko’klarda ko’rdi:

*Ganja **quyosh**ini ko’targach alam,*
Ayladi so’z mamlakatin yakqalam [2.26].

Do’sti va ustozi, “*nuran maxdum*” deya tavsiflangan Abdurahmon Jomiyning ta’rifida ham xuddi shu qiyosni qo’llaydi:

*Vaqti **quyosh**in chu qilib pardapo’sh,*
Kilki qaro abrdek aylab xurush.
***Mehr**din ofoq aro gar nurdir,*
Zarra aning mehrida mashhurdir. [2.28].

Bu yerda Navoiy kamtarona holatda Jomiyni ko’kdagi quyoshgayu, o’zini zamindagi tuproqqa mengzayapti.Shoirning nazdida Quyosh faqat nurbuloq emas, go’zallar go’zali timsoliga tenglangan. Chunonchi:

***Turki Xo’tan** yopti chu zebo jamol,*

Mushkfishon bo'ldi nasimi shamol. [2.48].

Yuqoridagi bayt kechqurun quyosh botib, qorong'u tusha boshlashi xususida. "Xo'tan go'zali" - Quyosh. Xo'tan Sharqiy Turkistondagi shaharlardan biri. U bu yerda quyosh chiqadigan sharq ramzi ifodasi sifatida qo'llangan.

Lu'bati Chin chehra nihon ayladi,
Zulfin ochib mushkfishon ayladi. [2.52].

Endi esa quyosh Chin qo'g'irchog'iday yuzini o'girib olib, sochini yoyib qora mushk socha boshladi ma'nosini uqamiz. Quyosh - Navoiyning eng suyumli, sevimli so'zi, uning bilan nazmining nozik navolarini tasvirlay olishi nihoyasiz. *Ko'ngil kezar gulshan (osmon) husniga* oshiqona baytlarni bitishda davom etar ekan, yana quyoshni unutolmaydi:

Anda nihon erdi pari paykare,
Durji sipehr ichra samin ***gavhare.*** [2.65].

E'tibor qilsak, quyidagi ma'noni anglaymiz: U yana bir boshqa gulshan (osmon) ga ko'chdi, undagi har bir chamanni kezdi. O'sha yerda shunday bir pari paykar o'ltirardiki, u - osmon qutisining eng qimmatbaho gavhari (ya'ni *quyoshi* – ta'kid bizniki O.K) edi. Xayru ehson vasfida qalam yo'nganida saxovatning nainki suratiga, balki siyratigacha nazar tashlaydi. Quyoshning xatti harakati bilan boyligi bisyorlarning isrofgarchiligi, telba va mastligini taqqoslab, idrokimizni tobora teranlashtiradi:

Charxki, ***mehr*** *oltunin aylar nihon,*
Yuzini oning qaro aylar jahon. [2.88].

Demak, quyosh oltinni berkitgani uchun jahon osmonning yuzini (kechasi) qaro qiladi. Quyosh go'zali yulduz kumushlarini yashirgani uchun osmon uni boshi bilan yerga ko'madi. Kuz kelib oltin varaqlarini qo'li bilan sochgani uchun har bir yaproq quyosh rangida bo'lishini shoir badiiy jihatdan hayotiy tarzda xayru saxovatga qiyoslab dalillaydi. Adab bobida to'xtalganida tunu kunungga nur berib turadiganlar ota-ona ekanligini, ularning oy va quyoshday yakkayu yagonaligini, qoshida hamisha farzandlik burchini a'lo darajada o'tashlik bola odobining umrbo'yi betugal talabi bo'lib qolaverishini anglashga chaqiradi:

Boshni fido ayla, ato qoshiga,
Jismni qil sadqa ano boshig'a.

Tun kununga aylagali nur fosh,
Birini oy angla, birini ***quyosh****.* [2.95].

Qanoatlining ta’madan yiroqliginiyu, tamagirning xorlikka duchorligidan so’z ochib, mol-mulkiga mag’rur kimsalarni yana ko’kning betama ehsonchisini hamma uchun qadrli ne’mat - nonga o’xshatadi, uning osmonga ko’tarilganiga havaslantiradi. “*Charxki, bir qurs ila tuzdi maosh*” deya butun bir osmon bitta qurs, ya’ni non bilan kun kechirishini aytib boy insonlarni o’zlarini katta deb bilmaslikka, qanoat boyligini boshda ko’tarib yurishga da’vat etib, quyoshday qadr-qimmat topishlariga umidvor bo’ladi.

Rostlikni yolg’onga, to’g’rilikni egrilikka zidlab odamlarning ko’ngliga ezgulik urug’larini sochmoq istagan shoir g’oyat hayotiy va haqqoniy o’xshatishlarni birin-ketin shunchalar taxlayveradiki, bu tag’in quyosh so’zisiz kechmaydi. U adolatli podshoni ko’klarga ko’tarib uning tojini eng tik turgan quyoshga o’z soyasini solganday tasavvurlaydi. Egrilikning yolg’onga, to’g’rilikning haqiqatga egizlaydi. U to’g’rilikka ham yuksak talablar qo’yadi. Ya’ni, tekisga tep-tekislik darajasini mezon hisoblaydi. Fikrini jim turgan suvda quyosh to’g’ri aks etishiga, chayqalganida esa egrilanishiga bog’lab, beinkor dalil keltiradi:

Tuz ko’runur ***mehr*** *chu turg’on suvda,*
Egri bo’lur ushturak urg’on suvda. [2.145].

Ulug’ ijodkor odamlar orasida tong kabi kumush sochishga o’rgangan kishilarning mehrini quyosh bilar ekan, ularning atrofida hasadgo’ylarning, iblismijozlarning ham borligigacha unutmaydi. Elga mehri baxshidalarini madh etadi, xudbinlarni qoralaydi. Quyosh nurini to’smoqqa chirangan bulutlarga achinadi:

Mehr*ki - ravshanliq etar fosh ani,*
Kimga gunah - ko’rmasa xuffosh ani.
Lek ***quyosh*** *javhari chun keldi pok,*
Bo’lsa bulut nurig’a mone’ ne bok. [2.157].

Ya’ni: Quyosh yorug’lik berib, nur sochib turadi. Ko’rshapalak buni ko’rmasa kimga foyda?! Quyoshning javhari pok yaratilgani uchun bulut uning nurini to’sishga intilsa ne qo’rqinchli. Shoir yaxshi insonlar bee’tibor qolmasligiga, yaxshilikning umri ziyodaligiga ishonadi. Buni hayotiy hodisalarning badiiy talqiniga singdirib yuboradi:

Zulfu sanamlarning erur mushkfosh,
Kim oni ruxsor uza asrar ***quyosh.*** [2.161].

Tushunimizcha: shisha o'zidagi gulobni odamlar yuziga sepgani tufayli uni avaylab tokchaning ustida asrashadi. Sanamlarning sochlari anvoyi xid tarqatib turgani uchun quyoshdek yuzining tepasidan o'rin olganlar.

Navoiy tasavvurida dunyoning eng saxovatli yaratig'i quyosh bo'lsa, zoti sharif insonda unga tenglashgudek qudrat bor. Shuni xayoldan forig' etmagan saxiylar ko'paysa, olam gulistonga aylanadi. Quyosh panjasidek qo'lini ochib, unda bor boyligini dunyoga sochib yashagan inson charxi falakni dog'da qoldirish imkoniyatiga ega:

*Panjai **xurshid**dek, ilgingni och,*
Anda nekim siym esa, olamga soch! [2.165].

Navro'zning butun borliqni ziynatlashi haqida to'lib-toshib tabiat tasvirlarini berayotgan shoir hamal ayvonini quyosh yorita boshlashi bilan ko'kning zaminga mehr izhori kuchayganidan darak berayotganini zavq-shavq ila olqishlaydi. Bu bejiz emas, umr gulshanida ham xuddi shunday quyosh charaqlaydigan bahoriy yoshlik pallalarda inson tanasi hamalga kirishidan hayot g'animatligini, uning har lahzasi ezgulikka yo'g'rilishini juda-juda istagan ulug' ijodkor.

*Chun hamal ayvonini yorutti **mehr,***
Dahrg'a mehr ayladi zohir sipehr.
*Umr **quyoshig'a** chu bo'ldi mahal,*
Inson baytush- sharafidin hamal. [2.167].

Navoiy sadoqatli ishq bandalarini bebaho tuyg'ular ardog'idagi "jabri jafo"lariyu, fidoyiliklaridan hikoyat aylarkan, sevgilisiga sodiq oshiqning paxsa devor orasida azoblanib tursa-da, zarracha nola qilmaganini sharaflaydi va kech kirish pallasidagi quyoshni shunga yarasha g'oyat chiroyli nom bilan ataydi:

*Tog' aro yoshundi chu **zarrin g'izol**,*
Mushki Xo'tan sochdi nasimi shamol [2.168].

G'izol bu ohudir. Uning tog' orasiga yashirinish holatiga uyg'unlab, ulug' ijodkor hayratona tarzdagi ta'rifni topa olganki, bu ham ibratlanarlidir.

Alisher Navoiy adolatparastlikning haddi a'losiga yetgan, mavqei yuksakdan-da yuksak zot edi. So'zda ham, amalda ham o'sha noyob mezoniy shaynni muvozanatda mahkam tuta olishga qodirligi bilan xalqqa yaqinlashib ketgandi. U uch harfdan iborat adl so'zining bosh harfi "ayn"ni tafti betugal quyosh kabi adolatdan iboratligini tavsiflab, bu kalomning dunyoni munavvarlovchi sharofatbaxshligini sharaflaydi:

“Ayn”i aning ***mehre*** *erur tobnok,*
Zulm qaro shomini qilmoqqa pok. [2.168].

Ulug’ ijodkorning Xuroson hukmdori Husayn Boyqaro yonida turib, uning davlatiga rivoj qo’shishga intilishida ham adolat tug’ini baland ko’tarish ishtiyoqining ko’nglida ustuvorligi namoyon. Shu davlatda badiiy tafakkur olamida birinchi va oxirgi “Xamsa”ni yarata oldi, yaratganda ham yakka-yu yagona turkiyonasini. “Hayratul-abror” asari shu sababdan oltinchi yuz yillik muxlislarigacha maroqli mutolaaga munosiblik martabasida yashayapti. Biz navoiyxonlikda o’zgacharoq yo’ldan borib, ul zoti sharifning “Xamsa”navislikdagi betakror salohiyatini quyoshli qalbida tug’ilgan quyoshli so’zlarning ming bir jilosiga joylay olish layoqatidan izlashga va anglashga intildik. Besh dostonning birinchisi, ya’ni muallifning ta’rificha “*zebo yuzli gulruh*”ining qimmatini ziyodalovchi ziynatlari - badiiy ifoda san’atining takrorsiz takrorlari, yanayam yorqinrog’i, quyoshning ko’pdan-ko’p qiyosiy qiyofasining tahlili va talqiniga bir ozgina to’xtalish bilan kifoyalandik, xolos.

So’z mulkining sultoni xayoliy hayratini hayotiy hayratga omuxtalab yuborish maqsadida bebaho qalamini mohirona tebratgan. Birgina quyosh kalomi o’rnida uning qator sinonimlari tizimini, ya’ni *xurshid, shams, alam, gavhar, nuri tob, zarli bayroq, zarrin ohu, bitta non, Chin qo’g’irchog’i* va yana turli shakllardagi so’z va iboralar bilan ifodalab, asar mazmun-mohiyatini teran ochishga va kuchaytirishga behad san’atkorona mahorat bag’ishlay olganki, hayratlanmay, lol qolmay iloj yo’q. Osmonning, undagi oy, yulduz va boshqa jismlarning ko’rinishi, holati, harakati va vazifasigacha quyoshga bog’lab aks ettirilgan. Bu kabi hayratomuz ifoda vositalari yana uzoq asrlar davomida Alisher Navoiy muxlislari qalbini larzaga solishiga, rom etishiga ishonch bildirib qolaveramiz. Jumladan, donishmand shoir aytganlariday:

Navosiz ulusning navobaxshi bo’l,
Navoiy yomon bo’lsa, sen yaxshi bo’l!

Bu hikmatomuz misralar alloma shoir ijodining barcha jihatlarini ifodalab berdi:shoir navosiz xalqining, millatining navobaxshiga aylandi, xalq orzu-armonlarini ko’klarga ko’tardi. Faxrlanib ayta olamizki, Alisher Navoiy o’zining yuksak g’oyalari bilan ikkinchi umrini davom ettirmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Алишер Навоий.”Хамса”, Тошкент: ”Янги аср авлоди”, 2014 йил.
2. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўққизинчи жилд. – Т.: Фан, 2011.
3. Алишер Навоий. Қомусий луғат. 1-2-жилдлар. – Т.: “Шарқ” НМАК БТ. 2017.
4. Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: Turon-iqbol, 2017.

5. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: TAMADDUN, 2012.
6. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
7. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик ва текстологик таҳлили. – Т.: “Akademnashr”, 2011.
8. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти. Т.: 2016.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК МАСАЛАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Шарифа АБДУРАХМАНОВА
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси 2-босқич тингловчиси

Аннотация: *мақолада ҳазрати Алишер Навоий ижодидаги инсонни комиллик сари элтувчи эътиқод, имон, виждон, ҳалолик, поклик масалалалари ва маънавий комил инсонни руҳий оламининг кенглиги, юксаклиги, ўз қадри ва ўзга қадрини билиши, ота-боболари, қариндошлари, ота-онаси, опа-синглисига нисбатан меҳрибонлиги, ватани ва халқига садоқати, қисқаси, Оллоҳнинг покиза бандаси бўлишлик сингари эзгу хусусиятларга эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *маънавий, маърифий, маснавий, руҳий олам, қадрият, тарбия, комиллик, қадр, имон, кўнгил, шариат.*

Замонлар оша халқлар тарихида барҳаёт яшаган, ҳақиқат ва эзгу умидларни, ажойиб орзуларни ўзида ифода этган т ҳамда халқ дарди билан бирга бўлган буюк сиймолар камдан-кам учрайдилар. Ҳазрати Алишер Навоий ана шундай буюк сиймолардан эди.

У ўзидан аввалги сиймолар томонидан яратилган маънавий-маданий бойликларга бефарқ муносабатда бўлмаган. Ҳар бир яратилган асарларни қунт билан ўрганиб, ўз мулоҳазаларини яратган асарларида ёзиб бизга жуда катта бой мерос қолдирган.

Алишер Навоий чамаси ўн ёшлик чоғида Фаридиддин Атторнинг машҳур асарларидан бўлган “Мантиқ-ут-тайр”ини бутунлай бошдан оёқ ёддан билган. Йигитлик чоғларида эса 50 000 дан ортиқ шеър ва байтларни ёдлаб олади. Унинг маънавий етуклиги ёшлик чоғларидан шаклланганлиги ўткир зеҳни ва тиришқоқлиги, шижоати билан боғлиқ эди.

Навоий ўзи ёд олаётган ҳар қандай шеър ёки байтларни шунчаки ёдламаган, балки уни мазмун моҳиятини теран ўрганиш, таҳлил қилиш ва танқидий ҳамда ижодий ёндашган ҳолда ўзлаштиради. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ҳабар беради:

"*...Йигитлигим замони ва шабоб айёми овонида кўпрак шеърда сиҳрсоз ва назмда фурсунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин адабётидин эллик мингдан ортуқ ёд тутубмен ва алар завқ ва ҳушҳоллиғидин ўзумни овутибмен ва салоҳ ва фасодларига фикр этибмен ва маҳфий дақойиқига тааммул ва тафаккурлар била етубмен*" [1].

Алишер Навоий ўзлаштираётган асарларни танқидий ёндашган ҳолда биринчи навбатда халқ манфаатлари, уларни маънавий комиллигига хизмат қилувчи жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиб ўрганишга ҳаракат қилади. Бунинг тастиғи сифатида унинг "Мажолис ун-нафоис" ва "Муҳокамат ул-луғатайн" асарларини келтириб ўтишнинг ўзи кифоядир.

Шунингдек, Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида шундай ёзади:

Дедиким:алар зумраи маънавий,
Гуруҳеки, назм эттилар маснавий.

Демак, юксак маънавиятли кишилар гуруҳи маснавийни яратган эканлар.

Навоий таъбирида маънавият масаласи бу - эътиқод, имон, виждон, ҳалоллик, поклик масаласи бўлган. Маънавий комил инсон руҳий оламини кенглиги ва юксаклиги, инсонни ўз қадри ва ўзга қадрини билиши, ота-боболари, қариндошлари, ота-онаси, опа-синглисига нисбатан меҳрибонлиги, ватани ва халқига садоқати, қисқаси Оллоҳнинг покиза бандаси бўлишликдир.

Шу билан бирга, маънавий пок кишининг чеҳраси очиқ, кўнгли тоза, истараси иссиқ бўлади. Кишининг юзи, кўзи унинг кўнглига ойна. Кўнглида нима бўлса юзида, кўзида акс этади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий ижодида ёш авлод маънавий комолоти ва маърифат масалаларига бағишланган асарлар катта ўрин тутиши маълум ҳақиқатдир.

"Бадойеъ ул-бидоя" девони дебочасидаги: "*Девоне топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай. Ва ғазале бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмагай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат тортиғон бўлғай*" - деган эътироф ҳам улуғ шоирнинг тарбиявийлик масалаларига катта аҳамият берганини тасдиқлайди. Гарчи, Навоий ижодида бевосита болалар маънавиятига мўлжалланган асарлар бўлмаса-да, шоирнинг "Ҳайрат ул-аброр" достони ва "Маҳбуб ул-

қулуб” асарларидаги кўплаб маъвизатангиз сатрлар беш юз йилдан ортиқ вақт давомида ёш авлодни боқий қадриятлар асосида тарбиялашга хизмат қилиб келган. Айниқса, “Ҳайрат ул-аброр” мақолат ва ҳикоятларидаги инсон ҳулқ атвори ва таълим тарбия масалаларига, жумладан, ота-онанинг фарзанд ва фарзаднинг ота-она олдидаги бурчлари таърифига бағишланган пурҳикмат мисралари фикримиз далилидир.

Шоир яратган асарлари орқали инсонларни маънавий комиллик сари етаклаш, ўзликни англаш, қадриятлар ва аждодлари ким эканлигини доимо ёдда тутиш кераклигига ундайди.

Кишининг маънавий дунёси ва руҳий олами тоза бўлмоғи лозим. Алишер Навоий бу борада шундай ёзади:

Кишилик будурким унутсанг ани,
Чу таркинг қилур тарк қилсанг ани.

Бу сатрлар билан шоир авлодларни огоҳлантирмоқдаки, агар сиз кишилик оламининг удуми бўлмиш одамият ва одамгарчиликни, тарихий шахс ва ҳодисаларни унутсангиз, унда келажак авлод ҳам сизни унутади. Аждодлар бой меросини ўрганиш ва уларни доимо ёш авлодга ўргатиш маънавиятимиз бош мезонидир.

Навоий комил инсон мавқеи ва истиқболи тўғрисида қайғурар экан, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган ана шу хислатларни назардан соқит қилмаганлиги ҳам шубҳасиздир. Зеро, Навоий миллат онги ва кўнглини майда ҳислар, ўткинчи ва тубан ақидалардан поклашга тўсиқлик қилувчи зулм, зўравонлик ва зулмат қўрқувидан тамоман фориғ эди. У фикри очиқ, имон-эътиқоди хасталик ва ожизаликлардан озод, руҳияти соғлом, тўғрилик, ростлик ва ҳақиқатни умрининг туб моҳияти деб билган эл учун асарлар яратиш эҳтиёжини ниҳоятда теран мушоҳада қила олган сиймо бўлган.

Алишер Навоийнинг инсон маънавий комиллигини шариат билан боғлаган қарашларини “Ҳайрат ул-аброр” асаридан ҳам учратиш мумкин. У мазкур асарида дунёда мўминнинг ҳаёт кечириши учун қисқача таснифга кўра уч манзил билан тўрт мартаба бор деб таърифлаган. Уч манзил шариат, тариқат ва ҳақиқатдан, тўрт мартаба шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборат.

Комил инсоннинг мақсади дунёда яхши яшаб, охиратда дўзахдан сақланиб жаннатга кириш бўлса ва ундан олийроқ мақсадни кўзламаса, шариат манзилида яшашга қарор қилади. Бу манзилнинг талаби шариат манзилида яшашга қарор қилади.

Навоий маънавий гўзалликни инсоний гўзалликдан ажратиб қарамаган. У илм билан ҳунар ўзаро боғлиқ бўлиш тарафдори бўлган. Яъни, маънаий етук киши жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал бўлса, бу – комил гўзаллик

ҳисобланади. Илмли одамни ҳунари ҳам бўлса, ўз навбатида, ҳунарманд ҳам илму маърифатдан бохабар бўлса, ҳақиқий баркамоллик – шу. Инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам илмда, ҳам ҳунарда етук бўлиши мақсадга мувофиқ эканлигини шоир Ҳусаин Бойқоронинг ўғли Бадиуззамон Мирзога берган таърифида ҳам таъкидлайди: “...ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ораста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдур” [2].

Шундай қилиб, Навоий таъбири билан айтганда, маънавий комил инсон кўплаб илмларни эгаллаш баробарида анчагина ҳунарлардан ҳам хабардор бўлиш, маънавий жиҳатдан етук бўлибгина қолмай, жисмоний томондан ҳам кучли ва гўзал, мард ва шижоатли бўлмоғи лозим. Бундай инсонлар халқ билан ҳамнафаслиги, ҳамиша элу юрт хизматига камарбасталиги, ўз илму ҳунарини одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг фаровонлиги, бахт-саодатини таъмин этишга сарфланиши керак деб ҳисоблаган.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий халқ шоири бўлган, унинг бутун ижодининг негизида инсоннинг маънавий комилликка етакловчи инсонпарварлик ва адолат, халқпарварлик ва меҳр-оқибат сингари қадриятларга асосланган. У ўзининг ҳам амалий, ҳам назарий, ижодий фаолиятида шу нарса аён қиладики, халқдан ташқарида яшаш, халқ устида ғамхўрлик қилмаслик ва маънавий таълимотларга бефарқлик инсонлик эмас, деб ҳисоблаган. Бундай ҳаёт, бундай яшаш маъносизликдир, виждон қаршисида жиноятдир, деб билган. Мутафаккир шоир мана шу мезонларга асосланиб, ўз ижодида ҳам фалсафага, ҳам адабиётга, тарихга ва ҳоказоларга, жиддий эътибор қаратди, унинг бутун умри давомидаги иши, ижоди, машғулоти – шу халқ камолотига яқиндан хизмат қилиш, золимдан, зулмдан, жаҳолатдан халқни халос этиш деб ҳисоблади.

Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ижоди ўз-ўзидан туғилмаган. У Шарқда қадим замонлардан тортиб то ўз замонасигача бўлган, ривожланиб келган маданий бойликларни ўрганган, улардан ижодий суратда фойдаланган, ўша хазинадаги битмас туганмас жавоҳирлардан танлаб олиб, ғоят гўзал, ранг-баранг бойликлар билан тўла бадиий хазинасини ва илғор дунё қарашини яратган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий. Танланган асарлар. – Т.: 1948, 3-том, 200-201-бетлар.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд (Мажолис ун-нафоис). – Тошкент: 1997, 169-бет.

НАВОИЙ ИЖОДИДА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ТАРҒИБИ

Фарида КАРИМОВА,
НамДУ доценти

Аннотация: *Алишер Навоий ижодида инсоний фазилатларни тарғиб қилган, шоир комил инсон ва мукаммал жамиятни орзу қилди.*

Калит сўзлар: *комил инсон, инсоний, фазилат, маънавий, қомус.*

Ҳазрат Алишер Навоий асарлари улкан маънавий қомусга ўхшайди. Гарчи беш асрдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, ундан бугунги жамиятнинг, инсониятниинг барча муаммоларига жавоб топамиз, йўл-йўриқлар, ўгитлар оламиз. Шоир асарларида қўйилган кенг қамровли масалалар доираси ўйга толдиради, фикр-мулоҳазага чорлайди.

Шоир комил инсон ва мукаммал жамиятни орзу қилди, унинг бу орзулари ғазал ва рубоийларида, "Хамса" достонларида, Лисон ут-тайр", "Маҳбуб ул-қулуб", "Назмул-жавоҳир", "Арбаъин" каби ўнлаб асарларида ўз ифодасини топди. Шоир жамият мукаммал бўлиши учун, аввало, инсон комиллик касб этмоғи лозим, деб ҳисоблади. Шу боис комил инсон тарғиби шоир эътиборидаги асосий масалалардан бири бўлди..

Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида борлиқнинг яратилишидан мақсад инсон эканлигини таъкидлайди:

Мунча ғаройибки мисол айладинг,
Борчани миръоти жамол айладинг.
Ганжинг аро нақди фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди(1,21).

Қодири мутлоқ инсонни барча мавжудотлардан шариф қилиб яратган экан., у ҳамма инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам мутафаккир шоир назмий ва насрий асарларида комил, яъни ҳар томонлама мукаммал инсонга хос бўлган фазилатларни тараннум этади.

Алишер Навоий инсонларни комилликка чорлар экан, аввало, унинг одоби хусусида кўп тўхталади. Унинг фикрича, инсон одобини белгиловчи ёркин фазилатлардан бири ота-онага ҳурмат-эҳтиромдир:

Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,
Қуллуқ аноға ҳам улча имкон қилмоқ.
Зуҳди абда истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ(4,138).

Она – табиатнинг шоҳ асарларидан, буюк мўъжизаларидан бири. У инсон зотини давом эттиришдек, фарзанд тарбиялашдек, инсоният

келажагини таъминлашдек улуғвор ва масъулиятли вазифани зиммасига олган. Уни бажариш йўлида тоғни кемириб, сувни симиради. Барча машаққату қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб ўтишга қодир. Она кулса, олам кулади, қадамлари остида "тупроқ гуллайди". Шу боис ҳадисларда "Жаннат оналарнинг оёғи остидадир" деб, бежиз айтилмаган. Навоий ҳам жаннатни орзу қилсанг, оналар оёғининг гарди бўлки, жаннат оналар оёғи остидадир, дейди:

Оналарнинг оёғи остидадур,
Равзайи жаннату жинон боғи,
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл анонинг оёғи туфроғи (5,15).

"Садди Искандарий" достонида шоҳ Искандар дунённи эгаллаб бўлгач, умри поёнига етганлигини англаб, ўлими олдидан онасига мактуб ёзади. Искандар мактубда дунёни бошдан оёқ фатҳ этиш истаги туфайли онасини айриликлар бағрига ташлаганлиги, ундан йироқ кетиб қийнаганлиги учун узр сўрайди. Аслида, эсимни таниган кундан бошлаб сенга ўғиллик қилсам, сенинг хизматингда бўлиб, остонанг тупроғида фидо бўлишни шоҳлик деб билсам бўлар экан, дея афсус-надомат чекади:

Керак эрди, то кирди мағзимга ҳуш,
Хирад токи солди димоғимга жўш,
Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,
Қабул айласам эрди қуллуқ санга.
Санга айлабон хоки даргоҳлиқ,
Анинг отин этсам эди шоҳлиқ(3,523).

Шуҳрати билан жаҳонни ларзага солган Искандардек шоҳ ҳам, гарчи онанинг ҳурмат-эҳтиромини нақадар баланд тутган бўлса-да, ўз фарзандлик бурчини ўрнига қўя олмаганлигидан азият чекади. Онасини елкасига опичлаб беш марта ҳажга олиб бориб ҳам ўз қарзини уза олмаган ўғил ҳақидаги ҳадисни ёдга олсак, Искандар афсус-армонининг моҳияти ойдинлашади.

Отанинг иззат-ҳурматини бажо келтирган, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилишни одат қилган фарзанд саодатманддир. Унинг бу одати ўз фарзандларига ўтиши шубҳасиздир:

Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай,
Ҳар кимки атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай(4,151).

Шоирнинг бу фикр-мулоҳазаларини бобосига ёғоч косада овқат беришаётганини кўрган ўғилчанинг отаси учун ёғоч коса ясаганлиги ҳақидаги ривоят тасдиқ этадики, бунда бугунги кунимиз учун сабоқ

берадиган катта ҳикмат бор. Зеро, отасига меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатган инсонгина ўз фарзандларидан меҳр-мурувват кута олади.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида таъкидлашича, ота ва она дунёдаги энг буюк ва муҳтарам зотлардир. Уларнинг ҳурматларини ўрнига қўйиш, хизматларини қилиб, дуоларини олиб, панд-насиҳатларига ҳамиша қулоқ солиш ва амал қилиш ҳар бир фарзанд учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шоир ота-онага хизматни тенг қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам, уни шунча кам деб бил, дея уқтиради. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёнг обод бўлишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол. Туну кунингга нур бериб турган инсонларнинг бирисини ой англа, иккинчисини қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиқдан бир қадам ҳам босма. Уларнинг хизматини одоб ва тавозеъ билан бажар, дея ўгит беради:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунунга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.
Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидан қўйма қадам ташқари(1,160).

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида ота-онанинг фарзанд олдидаги бурч ва вазифалари хусусида тўхталади. Аввало, фарзанд дунёга келгач, ота-она унга муносиб исм қўйиши зарур. Иккинчидан таълим-тарбия бериш учун муаллим чақириши, шунингдек, болага меҳр бериши лозим. Ота-оналар фарзанд тарбияси учун масъулдирлар ва азалдан улар ўз бурчларини амалда бажариб келганлар. Ота-она фарзанд дунёга келган кундан бошлаб уни меҳр билан парвариш қилади, унинг қорнини тўйдиради, устини бут қилади, нони бутун бўлсин дея илмли, маълумотли қилишга интилади. Бир сўз билан айтганда, бутун куч-қувватини, қудратини – борини фарзанди учун бахшида этади. Шу ўринда беш қўл баробар эмаслигини ҳам назарда тутиш керак. Лекин бугун аксарият ёшлар ота-она олдидаги бурчларини бажаряптими? Баъзан ўйлаб қоласан: бу – “тўқликка шўхликми?”. Фарзанди учун ўзини фидо қилган ота-онанинг хизматини қилиб, кўнглини овлаб, ширин сўз ва меҳрибончиликлар билан уларнинг дилини шод этишдан ҳам улуғроқ ва савоблироқ иш борми?! Ота-онанинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйиб, уларнинг розилигини олган фарзандга жаннатнинг эшиги очилади, икки дунё саодати ёр бўлади. Зеро, Қуръони карим оятларида “Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик” дейилган. Шоирнинг юқоридаги

ўгитлари ота-онасини ранжитган, уларнинг ҳолидан хабар олишни унутган айрим инсонлар учун сабоқ бўлса, уларни меҳр-оқибатли бўлишга чорласа ажаб эмас.

Навоийнинг фикрича, инсон камолотида ҳаёнинг ҳам ўрни беқиёс.

Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ҳаёни таърифлар экан, шундай дейди: “Карам ва мурувват ота-онадир, вафо ва ҳаё икки ҳамзод фарзанд. Ҳар кўнгилким, вафо маскан қилур, Ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бул ҳам топилур, Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ-имон ҳам йўқ- андин умид кўзин ёрутса бўлмас”(6,64).

Шоирнинг фикрича, вафо ва ҳаё бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва инсоннинг энг муҳим жиҳатларидур. Вафосиз ва ҳаёсиз одамларда имон йўқ, имон-эътиқодсиз инсонлар эса одамийлик сифатларидан бебаҳрадирлар.

Шу ўринда Навоий ижодига хос муҳим бир жиҳатни таъкидлаш лозим. Шоир бир асар доирасида илгари сурган фикр-мулоҳазаларини навбатдаги бир неча асарларида тадрижий ривожлантиришга, мукаммаллаштиришга интилади. Бу фақат ҳаё талқинигагина эмас, балки шоир ижодида кўтарилган барча масалаларга тааллуқлидир.

Навоий «Назмул жавоҳир» асаридаги бир рубоийсида имон уйининг уч устуни бор. Улардан биринчиси-ҳаё, иккинчиси-вафо, учинчиси эса саҳоватдир, дейди:

Уч қисм ила имонга бино фаҳм айла,
Аввалгисини они ҳаё фаҳм айла.
Иккинчисини дағи вафо фаҳм айла,
Учинчисини билмасанг саҳо фаҳм айла(4,142).

Шоир фикрича, имонли-эътиқодли бўлишнинг биринчи шарти ҳаёдир.

«Ҳайрат ул-аброр»да одоб ва тавозеънинг низомларини баён этар экан, уларнинг муҳим шартларидан бири ҳаё эканлигини таъкидлайди ва «Нўширавон ҳаё боғида» ҳикоятини келтиради. Нўширавон тахтга ўтирмасдан аввал бир гўзалга муҳаббат қўяди. Бир куни севгилиси билан боғда суҳбат қуради ва унга қўл узатганда, кўзи уларга нигоҳ ташлаб турган наргис гулига тушади. Одатда мумтоз адабиётда наргис маъшуқанинг кўзига ташбеҳ қилинади. Хижолат қилган Нўширавон бу ишдан қўл тортади. Маҳбуба ҳайрон бўлиб, бунинг боисини сўраганда, Нўширавон бунга наргис кўзи монеълик қилмоқда, дейди. Яъни ҳаё туфайли Нўширавон ўз севгилисига қўл узатишдан ўзини тияди. Ана шу ҳаё хосиятидан у шоҳликка кўтарилади:

То ани охир ариғ нияти,
Бўйла ҳаё шеваси хосияти.
Жумлаи олам аро шоҳ айлади,

Адлини оламга паноҳ айлади(1,).

Ҳикоят сўнггида Навоий ҳаё ва одоб барча инсонларнинг муҳим фазилати эканлигини таъкидлаган ҳолда шундай хулосага келади:

Айт, Навоий, неча дилкаш эрур,
Лек адаб бирла ҳаё хуш дурур.

Маълумки, Навоийнинг комил инсон ҳақидаги орзулари «Хамса» достонида мужассамлашган. Хусусан, одоб ва ҳаё Фарҳод, Ширинларнинг энг муҳим фазилатларидир.

Фарҳоднинг тоғда тош кесиш ҳунари билан ҳаммани ҳайратда қолдираётганини эшитган Ширин унинг ишини томоша қилиш учун келади. Ширинни кўриб қолган Фарҳод ҳушдан кетади. Кўзини очиб ўзини Меҳинбону қасрида кўради. Хижолатдан бутун вужудини булутдек тер қоплаган Фарҳод яшиндек сакраб туриб қасрдан чиқиб кетади:

Ҳаёдин терга бўлди абрдек ғарқ,
Ул уйдин чиқти секриб ўйлаким барқ(2,246).

Фарҳодни кўрган Ширин ҳам ҳажр туфайли жони минг қийноқда. Лекин Фарҳоднинг қошига боришга, дардини тўкиб солишга одоб ва ҳаё йўл бермайди:

Ва лекин ҳажрдин зор эрди Ширин,
Кеча то субҳ бедор эди Ширин.
Не дардин дерга бир ҳамдарди онинг,
Не субҳи шом хобу хўрди онинг.
Не бир ҳамдам анга бўлмоққа маънус,
Не қўюб ҳоли изҳориға номус.
Қошига борғоли айлаб тааммул,
Ки ногоҳ бўлмағай у бетаҳаммул(2,250).

Навоий ҳаёни комил инсоннинг энг муҳим жиҳатларидан бири сифатида талқин этади. Шоир фикрича, ҳаё-кенг қамровли тушунча, иффат, ор-номус, уялиш, хижолат тортиш, ўзини ножўя ишлардан тия олиш унинг муҳим жиҳатларидир. Ҳаёнинг бу қирралари эса шоирнинг турли асарларида ўзига хос тарзда талқин этилган ва муҳим хулосалар чиқарилган.

Баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги устувор вазифаларни амалга оширишда аждодларимиз меросининг, хусусан, Алишер Навоий асарларининг ўрни беқиёс. Бугун шоир асарларини чуқур ўргансак, мисралар қатидаги теран маъноларни англашга ҳаракат қилсак, шоирнинг инсон камолоти хусусидаги хулосаларининг мағзини чақа олсак, уларни қай даражада ёшларимиз онгига сингдира олсак, бу саъй-ҳаракатлар ёшларимиз характеридаги айрим камчиликларни барҳам топтиришга, маънавий юксак ёш авлодни камолга етказишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ, 20жилдлик. 7-жилд. – Тошкент: Фан,1991.
2. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ, 20жилдлик. 8-жилд. – Тошкент: Фан,1991.
3. Алишер Навоий.Садди Искандарий. МАТ, 20жилдлик. 11жилд. – Тошкент: Фан,1993.
4. Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. МАТ, 20жилдлик. 15-жилд. – Тошкент: Фан,1999.
5. Алишер Навоий.Арбаъин. – Тошкент: Мерос,1991.
6. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

АДАБИЁТШУНОС БЕГАЛИ ҚОСИМОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Умринисо ТЎРАЕВА
ўқитувчи, БухДУ

Аннотация: *Адабиётшунос олим Бегали Қосимовнинг деярли кўпгина тадқиқотлари Миллий уйғониш ва жадидчилик даври адабиёти қамровига қаратилган бўлса-да, архивида сақланаётган манбалар орасида Алишер Навоий ижодига доир ишларнинг бизга маълумлари ўндан зиёд. "Алишер Навоий", "Навоий "Хамса"си", "Хамса"да бадиий тасвир", "Навоийда муаммо", "Навоий асарларида миллат ва миллийлик масалалари", "Халқ руҳияти меъмори" сингари тадқиқотлардан маълум бўладики, Б.Қосимов илмий фаолиятининг салмоқли қисми улуғ шоир ижодини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган. Ушбу мавзуда у амалга оширган ишлар фақат мумтоз адабиётни ўрганиш нуқтаи назаридан эмас, балки адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти, миллий маънавият, адабий таъсир, ижод фалсафаси жиҳатидан ҳам улкан аҳамият касб этади.*

Annotation: *Although much of the research by literary scholar Begali Kosimov is devoted to the literature of the Renaissance and the Intensity of the Renaissance, there are more than a dozen known works of Alisher Navoi in the archives.*

Калит сўзлар: *мутафаккир, навоийшунослик, имон-эътиқод, сабр-қаноат, тўғрилик*

Keywords*: thinker, navology, faith, patience, truthfulness*

Туркий халқларнинг “шамсу-л-миллат”и бўлган Низомиддин Мир Алишер Навоий жаҳон адабиёти хазинасини ўзининг ҳассос шеърияти, буюк “Хамса”си, фан соҳаларининг турли тармоқларига бағишланган бой илмий мероси билан бойитган сўз санъаткоридир. Дунёда Алишер Навоий каби асарлари кенг тарқалган, жаҳоннинг деярли ҳар бир чеккасида китобларининг нусхалари сақланаётган бошқа бир ижодкорни топиш қийин. Ҳазрат Навоий ҳаётининг сўнгги йилларидаёқ унинг асарлари тилига луғат ишланганлиги биз ҳозир навоийшунослик деб атаётган соҳанинг анча қадимий эканлигини кўрсатади.[3]

Шу нуқтаи назардан, адабиётшунос олим Бегали Қосимовнинг деярли кўпгина тадқиқотлари Миллий уйғониш ва жадидчилик даври адабиёти қамровига қаратилган бўлса-да, унинг битмас-туганмас хазина ҳисобланмиш кутубхонасида сақланаётган манбалар орасида Алишер Навоий ижодига доир ишларнинг бизга маълумлари ўндан зиёд. “Алишер Навоий”, “Навоий “Хамса”си”, “Хамса”да бадиий тасвир”, “Навоийда муаммо”, “Навоий асарларида миллат ва миллийлик масалалари”, “Халқ руҳияти меъмори” сингари тадқиқотлардан маълум бўладики, Б.Қосимов илмий фаолиятининг салмоқли қисми улуғ шоир ижодини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган. Ушбу мавзуда у амалга оширган ишлар фақат мумтоз адабиётни ўрганиш нуқтаи назаридан эмас, балки адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти, миллий маънавият, адабий таъсир, ижод фалсафаси жиҳатидан ҳам улкан аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, адабиёт оламини шода ғазаллари, пурҳикмат бадиий асарлари, нодир илмий-адабий қарашлари билан безаган, ўтмиш, бугун ва келажак илмсеварлари учун бирдек қадрли бўлган мутафаккир ижодкор Алишер Навоий бадиий ижоди инсонпарварлик, имон-эътиқод, сабр-қаноат, ибо, ҳаё, вафо, ҳилм, тавозеъ, самимият, камтарлик, саховат, қаноат, тўғрисўзлик, илм ва олимлик, шеър ва шоирлик, ширинсуханлик каби инсоний гўзал фазилатларга ошно қилувчи мавзуларни қамраб олади. Бирор адабиёт ихлосманди йўққи, Навоий ижодига мурожаат қилмаган, ундан ибрат олмаган бўлса. Қувонарлиси, бугунги кунда жойларда боғча болалари ҳам ўзлари билиб-билмай унинг:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқ-у, меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикондек ошиён бўлмас эмиш. ,

рубоийсини ёд олиб, айтиб юрадилар. Навоий ижодини бўралаб ёғаётган оппоқ қорга қиёслайман. Хоҳ у майда қор бўлсин, хоҳ лайлак қор: барибир, ҳеч ким ундан зарар кўрмайди. Аксинча, ундан бутун борлиқ: табиат,

одамзод яшаради, янгиланади. Унинг ёғиши бир мўъжиза бўлса, унинг остида қулочларни кенг ёзиб, ундан баҳра олмоқ ундан-да ажойиброқ. Ҳар ким кафтига сиққанча олади. Ёш-у қари Навоий ижодини ҳам ўзи англаганча ўрганади, таҳлил қилади. Барча соҳа вакиллари орасидан Навоий ижодини, ижоди орқали шахсини севувчилар топилиши бунинг исботи эмасми? Алишер Навоий адабий жанрларнинг деярли барча турида сермаҳсул ижод қилган. Унинг ғазалларининг оҳанграболиги ҳар қандай бағритошни эритади. Унинг ҳикматларини эшитган инсон хулоса чиқармай иложи йўқ. Рубоий ва фардларини ўқиган ҳар қандай инсон таъсирланмай қолмайди. Туркий тилда битилган, ўз назди билан айтганда, “ўттиз ой, икки ярим йилда яратилган” бўлса-да, “Хамса” достони ниҳоятда пухта, асар таркибидаги достонларнинг ҳар бири кўп йиллик ижодий тафаккурнинг маҳсули сифатида намоён бўлади. Асарни шартли равишда “маънавий конституция” деб атасак, муболаға бўлмайди. Чунки, асар бошдан охиригача ҳаётий хулосаланган, инсоннинг руҳий-маънавий оламини камолот сари етаклаш хусусиятига эга қоидалар жамланмасидир. “Хамса” асарининг йирик достони “Ҳайрат ул-аброр”нинг биринчи мақолати айнан инсоний гўзал фазилатлардан бири имонли бўлиш ҳақида. Ижодкор: “ Кимки бу жаҳонда инсон бўлиб келган экан, унинг асосий шарти имондир. Сабр, шукр ва ҳаёдан иборат бўлган шахсгина “инсон” деган шарафли номга муносибдирлар, имондан узоқ бўлган кишиларни эса бу ном билан атаб бўлмайди”, - дейди[1]. “Ҳайрат ул-аброр” достонининг бешинчи мақолатида карам, олижаноблик, саховат ҳақида шундай фикр келтирилади: “Инсон саховат кийимини кияр экан, у бу дунё неъматлари, дур-у гавҳарларини писанд қилмайди. Инсон саховат билан кимгадир яхшилик қилса, унинг учун бундан ёқимлироқ туйғу йўқ. Жисмингдаги ҳар бир тук тилга айланганида ҳам бунинг шукрини айтиб, адо қилиб бўлмайди. Тангри сенга мол давлат ато этган экан, кимларга яхшилик қилишни ҳам таълим бериб қўйган. Билиб ол: саховат қилиш учун кимлар ҳақли, кимларга олтин-у кумуш ҳадя қилиш мумкин? Ном чиқариш, исмини улуғлаш учун ҳатто қўл билан этаклаб гавҳар сочиш бу ақлли инсонларга хос фазилат эмас. Маст ёки жинни киши бундай бемаъни ишларга қўл уради”[1]. Дарҳақиқат, шоир саховатни кийимга менгзайди. Сабаби, кийим инсонни гўзал қилгани каби саховат ҳам унга безакдир. Саховатпеша инсонлар ҳеч қачон бошқалардан жавоб кутмайдилар. Улар таъмадан йироқ, Ҳаққа яқин бўладилар. Қолаверса, саховат ном чиқариш воситаси эмаслигини ҳам улуғ мутафаккир алоҳида таъкидлайди. Достоннинг учинчи мақолати “Салотин бобида” (Султонлар яъни подшоҳлар ҳақида) келтирилган “Шоҳ Ғозий ҳикояти” даги шоҳнинг кампирга кўрсатган адолати энг буюк таҳсинга лойиқ: “Золи фалакдин неча кўрсанг алам,

Шаҳ чу қилур адл, Навоий, не ғам”.

Навоийнинг ҳикоятда келтирган адолат борасидаги фикрлари ўз даври подшоҳлари ва бугунги кун раҳбарлари учун дастуруламал бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ. Худди шундай, еттинчи мақолат “Қаноат" бобида фикрлар ҳам бугунги кун учун ҳам аҳамиятли: “ Ким учун қаноат бир фан, одат бўлиб хизмат қилган экан, билингки, уни бой қилган ҳам ана шу қаноат бўлган. Олтин ва кумушларни, турли безакларни бойлик деб ҳисобламагин, чинакам бойлик қаноат ганжидир. Агар сенда қаноат бўлмаса, ҳаракат қилгин-у, нақди қаноат бирлан бой бўлишга интилгин. **Таъмагир бўлма. Чунки таъма – гадолар ишидир, таъмагир эса гадонинг ўзидир”.** Шоир инсондаги қаноатни чинакам бойликка қиёслайди. Чунки у қаноат орқали инсон юксалиши мумкинлигини ҳаётий далилллайди : Шоҳ ул эмаским, бошиға қўйди тож, Шоҳ ани билким, анга йўқ эҳтиёж. Шоҳ агар ул бўлсаки, муҳтождур, Ҳарф ила муҳтожда ҳам тождур.[1] Навоий ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам иллат саналган таъмагирлик, яъни бугунги кун тили билан айтсак, “коррупция” нинг пайдо бўлиш сабаблари: борига қаноат қилмаслик, сабрсизлик, имон-эътиқодсизлиқ, маънавий ноқисликдан эканини билган ва ўз асарлари орқали бунга қарши курашган. Умуман олганда, Навоий “Хамса” си таркибидаги барча достонларидаги инсонни камолот сари етакловчи фазилатлар талқини ҳар бир давр фарзандларининг маънавиятини бойитишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Алишер Навоийнинг “Лисонут тайр” (“Қуш тили”) достони ҳам асрлар давомида Шарқ мутафаккирларини ўйлантириб келган инсон ва табиат моҳиятига доир мураккаб илоҳий, фалсафий кечинмаларни мушоҳада этишга қаратилган. Асарнинг эътиборли жиҳати шундаки, мутафаккир шоир достонда инсоннинг маънавий камолотга эришиш йўлини қушлар бошидан кечган рамзий саргузаштлар мисолида моҳирона тасвирлаб беради. Ижодкор қуш деб атаётган нарса, аслида, жон. Кечинмалар жонда, яъни кўнгилда пайдо бўлади ва онг орқали ақл тарозисида ўлчаб кўрилиб, сўнг амалга оширилади. Агар кўнгил майл билдирса-ю, ақл инкор этса, билингки, бу иш амалга ошади. Агар ақл майл билдирса-ю, кўнгил хоҳиш билдирмаса, билингки, бу ишни бажаришдан наф йўқ, барибир бесамар. Инсон зоти ижтимоий ҳаётнинг икир-чикирлари билан ўзи билмаган ҳолда ўралашиб қолади, ўзи билмаган ҳолда ўзлигидан йироқлашади, моддий ҳаётга шўнғийди. Бундай ҳолатда илоҳий туйғулар рангсизлашади.

“Лисон ут-тайр” достони дебочасида Навоий Яратганнинг қудратини ниҳоятда тийрак ифода этади: “Яратувчи қудратли қалами билан оламни аниқ бир режа остида бунёд қилди. У тўққиз фалакни айланувчи қилиб яратди ва бунинг сирини тушунишда идрокни ожиз этди. Кўкни кун ва тун

билан ярқиратиб, уни қуёш ва юлдузлар билан безади. Осмонни бетиним ҳаракат қилишга бўйсундирди, ерни эса унинг бўшлиғида турғун қилиб яратди”[1]. Шоир фикрича, коинот гултожи бўлган инсон ҳам қусурли. Навоий “Лисон ут тайр” достонида моддиятдан қочиб, маънавий камолотга етишиш йўлларини кўрсатиб беради. Бу йўлларни қуйидагича номлайди: *талаб, ишқ, маърифат, истиғно, ҳайрат, тавҳид ва фақр-у фано* йўли. Талаб йўли борасидаги муножотида : “Ё тангри! Барча мавжудот сенга интилади, сен уларга матлубсан ҳам муҳаббат аҳлига маҳбубсан! Икки оламдаги барча мавжудот сени ахтаради, сенга мойил бўлганлар бошқа нарсага хоҳиш қилишдан ўзларини тортадилар. Сендан ўзга, гарчи у малак ёки пари бўлса-да, толиб бўлиб излашга арзимайди. Жон-у кўнглимни ўзингга толиб эт! Дард ила ишқингга шавқимни ғолиб эт! Ҳам менга талаб завқини восил қил! Ҳам яна тилаб топмоқни ҳосил қил! Ўзингдан бошқани кўнглимдан чиқариб ташла! Унда сени эслашни қалбим ҳузурига айлантир!” деб ёзади. Дарҳақиқат, Унга ошиқ бўлган кўнгилдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Ёмонлик чиқмаса, демак, у имонли. Имонли инсон ҳамиша Оллоҳга интилади. Оллоҳга интилиш учун қалбида ишқ ўти пайдо бўлади. Оллоҳ жамолига ишқсиз етиб борилмайди. Маърифат йўли баёнида: “Ё раб! Бу йўллардан қайси бирига солик маърифат истаб кирса, у албатта, сенга олиб боради! Оввора Фонийни ҳам шу йўлга сол! Йўлни босиб ўтгач, висол насиб этгил! Истиғно йўли. “Ўзингдан ўзгага муҳтож этмагин! Ёлғиз сенгагина итоат этаман. Мен ўрмон шери эмас, балки чўлоқ чумолиман. Шунчалик ожизманки, ҳатто чумоли ҳам мендан юз марта ор қилади. Бошқаларга мен зорни эҳтиёжсиз эт!” Истиғно йўлидаги инсонни шоир чўлоқ чумолига ўхшатади. “ Ё тангри! Ушбу ҳайрат маслагида қўлимдан тутиб, ҳайратланиш ичра йўлимни кўрсатгил! Илм ва ақл эгалари сенинг зотингга эмас, балки, ҳар бир сифатларингга, қудратингга лол ва ҳайрон. Ҳайрат ичра мени саргардон этмасдан, осонгина мени ўз васлинг сари тортгил”.Тавҳид, яъни бирлашиш йўли. Бунда ижодкор Оллоҳга мурожаат қилиб, дейди: “Ё раб! Менга менликдан нишон қўйма, мени ҳамма нарсадан этак силкитиб, ўзлигингга йўқотиб юбор”. Инсоннинг қалби ва тили бир бўлса, имони бутун бўлса, у, албатта, мақсадига етади. Бунинг учун Оллоҳ унга назар қилмоғи керак. Ва ниҳоят, фано йўли: “Ё раб! Фонийга шундай йўқликни насиб этки, бундан у абадият хазинасидан ўзига тегишли бойлик топсин!”[2].

Нафақат устоз олим Б.Қосимов балки, бутун башарият Навоий асарлари қатида яширинган фикрлар умуминсоний моҳиятга эгалигини англайди. Бироқ уни таҳлил ва талқин этиш турлича. Ҳар гал шоир битикларини мутолаа қилиб, маънавий қувват олишга чоғланганимизда,

янги-янги маъноларни илғашга ҳаракат қиламиз. Шу маънода асрлар оша бу бебаҳо мероснинг қиммати ошиб, инсонийлик рутбасини юксалтиришга хизмат қилаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Хамса. –Т.: Янги аср авлоди, 2018 . - 496 б
2. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. –Т.: Ғ.Ғулом, 1991. -464 б.

Интернет сайтлари

3.www.ziyo-net.uz
4.www.literature.uz

ТАРИХИЙ СИЙМОЛАР ВА ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

М. САИДАКБАРОВА,
ўқитувчи, ҚДПИ

Аннотация: *Мақолада Навоий образи унинг давлатчилик асослари акс этган жанрлардаги асарлари орқали шоҳу гадога баробар муносабатда бўла оладиган, ёш истеъдодларга беминнат ҳомийлик қиладиган, санъатнинг жуда кўп турлари равнақига бебаҳо ҳисса қўшган сиймо сифатида шаклланади.*

Калит сўзлар: *Темурийлар салтанати, давлатчилик асослари, Салжуқийлар салтанати, салтанатнинг равнақи, ҳаж савоби.*

Annotation. *In this article the image of Navoi is shaped as a person with equal treatment to the rich and the poor through various genres that reflect the fundamentals of statehood, as a patronage of yound talents and who has made an inraluable contribution to the development of many arts.*

Keywords: *The kingdom of the Temurids, fundamentals of statehood, the kingdom of the Seljuks, prosperity of the kingdom, the benefit of pilgrimage.*

Ҳар бир миллат узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланади. Мазкур жараён эса ўзига хос табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда кечади. Жамият вакили бўлган шахснинг шаклланишига эса у мансуб бўлган миллатнинг хўжалик юмушлари, маиший турмуши, ижтимоий-маданий муҳитгина эмас, умуман, бутун ижтимоий муносабатлар мажмуаси таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, инсон маънавий қиёфасини ана шу ижтимоий муносабатлар белгилайди. Тарихга оид ёки бадиий асарда муайян

мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини, халқ руҳини, миллий менталитетини ҳаққоний ифодалай олиш даражаси эса муаллифнинг кўп жиҳатдан ана шу халқ билан қай даражада руҳан яқинлиги билан белгиланади. Салжуқийлар салтанати равнақига бемисл ҳисса қўшган Шарқнинг машҳур сиймоларидан бўлмиш Низом-ул мулк ҳамда темурийлар салтанатининг атоқли арбобларидан бўлган Алишер Навоий ҳам ана шундай муайян тарихий шароитда, ижтимоий-сиёсий воқеликда яшадилар, ижодий ҳамда ижтимоий фаолият олиб бордилар. Шунинг учун ҳам уларнинг тарихга оид ҳамда ижтимоий-бадиий асарларида муайян даврнинг воқелиги, муаммолари яққол кўзга ташланади.

Алишер Навоий нафақат улуғ шоир ва мутафаккир, балки олим ва фозил, элпарвар ва юртсевар арбоб, энг муҳими, комил ҳамда ибратли инсон сифатида ҳам тарих саҳифаларида қолди. Айниқса, давлатни бошқариш, раиятга муносабат ҳақидаги қайдларида у ўз даврининг донишманд сиймоси, ўткинчи дунё ҳою ҳавасларига берилмаган, Ҳақ йўлидан адашмаган зот сифатида қалбимиздан ўрин олади. Шунингдек, Навоий образи унинг давлатчилик асослари акс этган турли жанрлардаги асарлари орқали шоҳу гадога баробар муносабатда бўла оладиган, ёш истеъдодларга беминнат ҳомийлик қиладиган, санъатнинг жуда кўп турлари равнақига бебаҳо ҳисса қўшган сиймо сифатида меҳр-муҳаббатимизни, эҳтиромимизни қозонади.

Инсоният тарихидан маълумки, бирор давлат ёки салтанатнинг равнақи ҳам, таназзули ҳам, биринчи навбатда, ўша давлат ҳукмдор ва мансабдорларининг зукколиги ва донишмандлигига, ёки, аксинча, қабиҳлиги ва калтабинлигига боғлиқ бўлган. Чунончи, улкан сулола асосчиси бўлган Амир Темур ўз “Тузуклар”ида ўтмишда яшаб ўтган, ижтимоий тараққиётда сезиларли из қолдирган зотлар ҳақида замондошларига ибрат ва ўрнак бўладиган ривоят, ҳикоят ёки тарихий маълумотларни келтириб ўтади. Масалан, Шарқ ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида катта роль ўйнаган, сиёсатчи ва адиб, жамоат арбоби ва аллома Низомулмулкнинг номи бир неча жойларда тилга олинади. “Бузуқи, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди. Масалан, Маликшоҳ Салжуқий[41] ўз вазири Низом-ул мулкни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабиҳ ишлари, зулм-ситами ва нафси бузуқлиги касофатидан салтанат биноси бузила бошлади...”

[41] Маликшоҳ Салжуқий – Маликшоҳ Жалолиддин, салжуқийлар сулоласидан (1072 – 1092)

Амир Темурнинг бу қайдлари “Бобурнома”даги Ҳусайн Бойқаро вазирлари ҳақидаги маълумотларни эсга солади. Тарихдан маълумки, Маждиддин исмли вазир Ҳусайн Бойқаро саройида зулм ва ситамни ҳаддидан оширган, Алишер Навоий билан ҳам турли зиддиятларга борган. Охир-оқибат таназзулга учраб, ўзи ҳам хорликда дунёни тарк этган. “Бобурнома”да ана шу вазирнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатлари қуйидагича тавсифланади: “Маждиддин... Алишербек бошлиқ жами беклар билан ва аҳли мансаб билан зиддона (тескари) маош қилди (муносабатда бўлди). Саъй ва иғво қилиб, Маждиддинни туттуруб, маъзул қилдилар”.

Яна бир қизиқарли мисол: “Темур тузуклари”да қуйидагиларни ўқиймиз: “Менинг эшитишимча, Низомулмулкнинг ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди. У ҳажга бормоқчи бўлиб турганида авлиёлардан бири унга дебди: саройда туриб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдаминг ҳаж қилиш билан баробардир”.[42]

Амир Темурнинг бу қайдлари Алишер Навоий ҳаётида ҳам шундай воқеа бўлганлигини, юртнинг обрўли кишилари шоир ва арбобнинг мамлакат осойишталиги ва ободлиги йўлида қилаётган ишлари ҳаж савобидан кам эмаслигини уқтириб, уни сафардан қайтарганликларини ёдимизга солади. Бу ҳақда Навоийнинг севимли шогирди ва кичик замондоши бўлган тарихчи Хондамир муфассал маълумотларни “Макорим-ул ахлоқ” номли асарида ёзиб қолдирган.[43] Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Навоийнинг кўп жиҳатларини Низомулмулк билан тенглаштириб, қуйидагиларни ёзади: “Яна Алишербек Навоий эди, (Ҳусайн Бойқаронинг) беги эмас эди, балки мусоҳиби (энг яқин кишиси) эди... Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай... Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа мувофиқ бўлғай. Мирзодин нима олмас, балки йилда Мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди...”[44]

Салжуқийлар салтанатининг машҳур арбобларидан бўлган Низом-ул мулк сингари Алишер Навоий ҳам ўзининг онгли фаолияти, куч-ғайрати, моддий маблағларини темурийлар сулоласининг охирги вакилларидан бўлган Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлашга йўналтирди. Шу билан бирга, Ниом-ул мулк тарих сабоқлари ҳамда ҳаётий тажрибалари асосида “Сиёсатнома” асарини яратганидек, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири ҳам тарихнавис сифатида ўтмиш ҳукмдорларининг ҳаёт йўллари, ижтимоий-

[42] Темур тузуклари. Т.: 1991. 77-бет.
[43] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим-ул ахлоқ. Т.: 2018. 145-4-150-бетлар.
[44] Бобурнома. Т.: 1989. 154-бет

сиёсий фаолиятларини ёритишга, энг ибратли ва тарбиявий жиҳатларини саралаб, замондошларига етказишга бел боғлади. Ўзигача бўлган тарихга оид манбалар, нуфузли муаррихларнинг ижоди билан муфассал танишиб чиқди. Улардаги факт ва маълумотларни қиёслаб ўрганиш орқали энг ишончли хулосаларни саралади. Шу тариқа унинг "Тарихи мулуки Ажам" ("Эрон шоҳлари тарихи") асари юзага келди.

"Тарихи мулуки Ажам" бир томондан XY асргача бўлган Шарқ тарихнавислигининг эътиборли манбаларига таяниб ёзилган бўлса, иккинчи тарафдан, моҳият-мазмунига кўра муаллифнинг ҳаётий тажрибалари асосида яратилган ахлоқий-маънавий, ғоявий-фалсафий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, катта тарбиявий аҳамиятга молик мумтоз асардир. Муаллиф ким ёки нима ҳақда сўз юритмасин, ундан тегишли ахлоқий-фалсафий хулосалар чиқаради, ҳаёт сабоқларини ҳам, турмуш зарбаларини ҳам батафсил баён этади. Бу билан у, аввало, ўз замондошлари, қолаверса, бутун инсониятга тааллуқли ўгитларни воқеалар тафсилотига сингдиради, тарих сабоқларидан хулоса чиқаришга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Вақфия. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.24.
2. Алишер Навоий. Асарлар. XV жилдлик. 14-жилд. – Тошкент: Фан, 1967. - Б. 188.
3. Қаюмов А. Нодир саҳифалар. (Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида) –Тошкент: Фан, 1991.
4. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим-ул ахлоқ. – Т.: 2018.
5. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ
STUDYING THE WORKS OF ALISHER NAVOI ABROAD

Дилафрўз ҚАЛАНДАРОВА
ўқитувчи, ТДПУ
Гулноза ЖУМАЕВА
талаба, ТДПУ

The article looks at the history of the literary heritage of Alisher Navai abroad, as well as the US, Germany, China, Turkey, Russia and Romania. Particular attention was paid to the attitude of the world Oriental scholars to the work of Navai and their research. The work of the Turkish translators in this area was particularly evident in the translations of the writer in the "Hamsa" poem.

Keywords: *literary heritage, research, translation, poem, orientalist, poetry*

XXI аср – ахборот технологиялар асри. Бу изоҳ бугунги кунда барчамизга таниш. Инсон ақл-у заковатининг кучи туфайли бугун масофалар ва вақтни қай маънонадир бўйсундира олгандек. Ўзаро маълумотлар алмашиниш учун бугун бизга сониялар кифоя. Лекин башарият тамаддунининг энг буюк кашфиёти, тарихи бизнинг асримиздан анча илгарироққа бориб тақаладики, бу кашфиёт нафақат масофани, балки замонни ҳам бўйсундира олгандек. Адабиёт шундайин кашфиёт эдики, унга ақлнинг ҳеч бир даҳли йўқ. Бутун дунё олимлари «узоқ умр кўриш элексири» устида бош қотираётган бугунги кунда айни адабиёт инсонни неча асрлардан опичлаб ўтмоқда.

Адабиётшунослик илми кашф этган умрбоқий инсонлардан бири, мумтоз адабиётнинг энг йирик вакили бу Ҳазрат Алишер Навоийдир. Шоирларга султон дея эътироф этилган, давлат арбоби Алишер Навоий турк бешигида улғайган. Лекин уни фақатгина турк фарзанди дейиш хато. Унинг асарлари бугун бутун инсоният учун севимли бўла олган бўлса, демак Навоий башарият фарзандидир. Навоий асарларини Чин, Кашмир, Ҳиндистон, Араб ва Ажамнинг қаҳрамонлари учун юрт қилди. Яъни у туркий забонда фақат туркийлар учун эмас, Аллоҳ «инсон» мақомига муносиб кўрган барча учун ёзди. Айни шу боис унинг ижоди бугун халқаро миқёсда катта қизиқиш билан ўрганилиб келинмоқда. Хусусан, 2016 йил Берлин давлат кутубхонасида шоир таваллудининг 575 йиллигига бағишланган «Алишер Навоий ва унинг жаҳон адабиёти ҳамда маданиятига қўшган ҳиссаси» мавзусида ўтказилган халқаро анжуманда АҚШ, Франция, Венгрия, ХХР сингари ўндан ортиқ давлатдан соҳа мутахассилари, журналистлар, маданий доира вакиллари, шарқшунос ва навоийшунос олимлар иштирок этишди. Конференцияда сўз олган Берлин давлат корхонаси бош директори Барбара Шнайдер-Кемпф, Гумболд номидаги Берлин давлат университети профессори Ингеборг Балдауф, Берлин эркин университети профессори Элизабетта Рагагин, Калифорния университети профессори Марк Тутон, Будапешт университети профессори Бенедек Пери Навоий даҳосининг жаҳон адабиёти ва маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида нутқ сўзлаб, Навоий номи Ҳомер, Данте, Шекспир, Бальзак, Пушкин, Низомий ва Жомий каби жаҳоннинг буюк мутафаккирлари қаторида туришини эътироф этишди. Бундай юксак таъриф шоир таввалудининг юбилей муносабати билан ўтказилган тадбир учунгина эмас албатта. Аслида адабиётда ҳеч қайси ижодкорни бошқа бири билан солиштириб бўлмайди. Сабаби ўқувчи учун илмнинг берган таърифи эмас, асардан олган ҳис-туйғулари муҳимроқ. Ҳозирда Берлин давлат кутубхонасида мутафаккирнинг 30га яқин турли

асарлари қўлёзмалари сақланмоқда. Шоир асарлари дунёнинг бошқа тиллари сингари немис тилида ҳам кўп нусхада чоп этилган. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, умрини асарлари таркибига яшириб, энди шу китобларининг ҳар саҳифасида яшаётган адиб олмон халқи орасида ҳам ўз шайдоларига эгадир. Эгей университети «Турк дунёси тадқиқотлари» институти (Туркия) профессори Фикрет Туркман тили билан айтганда Навоийни жаҳонга берган ўзбек халқига муҳаббати тараннум этилган «Тоҳир ва Зуҳра» достони Истанбулда саҳналаштирилганидан сўнг *«Алишер Навоий турк дунёсининг муштарак қадриятидир. Ғарбдан Шарққа қадар туркий халқларнинг барчаси Навоийни фахр ила «бизники" дейишади»* дея изоҳ қолдиради.

Навоий жаҳон адабиётига фақатгина шоҳ асарларинигина эмас, балки унинг мехри билан суғорилган Тоҳир-у Зуҳроларни ва яна бирқанча илдизлари Навоийдан палак олган дурдоналарни ҳам қолдирди. Масалан, XV аср Туркиянинг энг машҳур адибларидан бири бўлмиш Аҳмад Пошо турк шоирлари орасидан биринчилардан бўлиб Навоий ижодига мурожаат қилди. Айни ўша даврда турк адабиётида ҳам араб ва форс ижодкорлари асарларига мурожаат этиш ҳолатлари кўп кузатилган. Шу боис ҳам Аҳмад Пошонинг айни Навоий ижодига эътибори эътирофга арзигулик ҳолдир. Манбаларга қараганда 1481йилда яъни, Навоий ҳали ҳаётлик пайтидаёқ унинг 33 та ғазали Турк султони Боязид XI қўлига етиб боради. У Аҳмад Пошодан шу ғазалларга назира боғлашини илтимос қилади. Шу тариқа Аҳмад Пошо Навоий ғазалларига бағишлаб назиралар битади ва уларни ўз девони орқали турк халқинингмаданий мероси таркибида қолдиради. Яна бир турк ижодкори Тошлижали Яҳё Навоийни *“Мир Навоий гули баҳордир, “Хамса”си бир шафои тотордир”*-дея таърифлаб, Навоий “Хамса”сига бағишлаб “Хамса” ёзади. Навоийнинг туркий халқлар маънавиятига экиб кетган ниҳоллари мевасини XVI асрда турк шоири Ломийнинг ва XVIII асрда уйғур шоири Абдураҳим Нозирийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонларида (Огоҳ Сири Ломийнинг “Фарҳод ва Ширин”нини Навоий асарининг қисқа туркча таржимаси ҳам деб баҳолаган) ҳам кўриш мумкин. Усмонли шоирлари орасида биринчилардан бўлиб “Хамса” яратган Ҳамдулла Ҳамди Чалабийнинг “Хамса” асари (1684) ҳам жуда машҳурдир. Бу асарни Навоий “Хамса”си билан қиёслаб ўрганган адабиётшунос В.Гарбузова *“Гарчи Ҳамди ўз достонида А.Навоийни шу достони билан (“Лайли ва Мажнун”) танишлиги тўғрисида ошкор бирор нарса айтмаса ҳам Ҳамдини бу асар билан таниш бўлган деб айтиш мумкин “* деган фикрни илгари суради. Сабаби асардаги “Лайли ва Мажнун” достони воқеалари ҳар икки шоирда ҳам ғоя ва воқеалар сюжети борасида ўхшашдир.

Навоий ижоди деярли бутун дунёда ўзига хос ўрнига эга. Боиси унинг асарлари бир қанча тилларда миллионлаб нусхада чоп этилган. 1956 йили Бухарестда (Руминия) чоп этилган шоирнинг «Танланган асарлар»и, болгар шоири Иордан Милевнинг 1974 йили нашр этилган «Лайли ва Мажнун» асари таржимаси, француз шарқшуноси Катрмернинг 1841 йилги " Муҳокаматул - луғатайн" ва «Тарихи мулки Ажам» каби таржималари, яна бир француз шарқшуноси М.Беленнинг «Осиё журнали» да чоп этилган Навоийнинг ғазаллари намуналари, ҳамда 1952 йилда Аргентиналик олим Луи Орсеттининг «Алишер Навоий асарларидаги Навоийнинг 4 достони («Лайли ва Мажнун» , «Фарҳод ва Ширин», «Саббаи сайёр», «Садди Искандарий») таржимаси шулар жумласидандир. Эътиборга молиги шундаки, немис олими А.Курелла 1984 йилда Навоийнинг 507 йиллигига бағишлаб «Фарҳод ва Ширин» достонининг қисқа таржимасини ва адибнинг 525 йиллигида асарнинг тўлиқ таржимасини чоп эттиради. Қизиғи шундаки икки йиллик давр давомида Навоий бутун бошли беш достондан иборат «Хамса» асарини ёзган.бўлса, унинг таркибидаги бир достонини таржима қилиш учун таржимон 18 йил давомида меҳнат қилган. Бу ҳам Навоий шахсининг нақадар буюк эканлигига бир мисолдир.

Адабиётшуносликнинг деярли барча жанрларини ўз ичида қамраб олган Навоий асарлари нафақат мазкур соҳада балки тариз ва тилшуносликда ҳам чуқур ўрганилади. Сабаби Навоий фақатгина шоир эмас балки давлат арбоби ва бош вазир ҳам эди. Унинг бунёдкорлик ишлари асарлари каби муҳташам бўлган. Навоий тили тилшуносликда алоҳида ўрин тутса, «Тарихи мулки Ажам», «Мажолис ул-нафоис» асарлари тарих фанида ўзининг салмоғига эгадир.

Бугун жаҳоннинг Боку, Токио ва Москва шаҳарларида Алишер Навоий ҳайкаллари ўрнатилган. Аслида ҳар бир ўқувчиси қалбида ўзига ҳайкал йўнган ижодкорнинг дунёга бергани, қолдиргани шуларгина эмас. Бу ҳайкаллар у хоҳ мусулмон, хоҳ насроний бўлсин ва ё бошқа бир миллат вакили бўлганда ҳам уларнинг қалбида ўз Фарҳодларини тарбиялаган тарбиячи, ғазаллари билан қалбларни даволовчи табиб, ўргатувчи муаллим, Баҳром, Фарҳод ва Искандар (достонлар қаҳрамонлар) учун турфа хил сарой қурдирган меъмор, қаҳрамонларига сув остида яшаш учун қурилма ясаган («Садди Искандарий» да) ихтирочидир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ижод жараёнини тўлғоққа ўхшатган эди. Демак Навоий фарзандлари бугун ҳам бизга Навоий шахси ҳақида ўз тилидан ҳикоячидир. Навоий асарларини тушуниш учун туркий забон ёхуд навоийшунос бўлиш шарт эмас. У дардмандини қайда бўлмасин топиб даволовчи шоир. Бунинг учун эса шунчаки «эзгулик», «ишқ» каби сўзларнинг маъносини билмоқ

кифоя. Алишер Навоий шу сўзларни инсониятга танитувчи башарият фарзандидир. Сабаби туркий забон бўлсада, Навоийни севмаса, у Навоий шахсига бобокалони сифатида даъво қилолмайди. Бироқ қай миллат бўлмасин тахаллуси Фоний бўлсада умри боқий бўлган Навоийни англаса, у Навоийни юрагида яшатган фарзандидир. Н.С.Бонарлини айтганидек: *«Навоий ўз даври учун ҳам ва ундан сўнг ҳам ижодкорлар учун идеал бўлиб қолади. Зеро Навоийдек ёзиш ҳар бир ижодкорнинг орзуси эди».*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Турк адабиёти классиласи. Т.: 1960
2. Расмли турк адабиёти. Н.С. Бонарли (127-бет)
3. Навоий ижодининг хорижда ўрганилиши. А. Хужаев (мақола). Т.: 2015
4. Навоий. “Хамса” Т.: 2018.

“MAJOLIS UN-NAFOIS”DA NOMANAVIS IJODKORLAR MADHI
IN “MAJOLIS UN-NAFOIS” PRAISE OF CREATORS WHICH WRITE LETTER

Nilufar MURADOVA

Annotation: *This article explores the,views of Alisher Navoi on poets works. Navoi’s illustration of “Majolis un-nafois” illustration his views on such works as the “ Muhabbatnoma” , “Taashshuqnoma” ,”Dahnoma”. The article follows the great thinker’s opinion on genre of the letter and its progress and summarizes some of the findings.*

Key words: *letter, literary genre, literary influence, tradition, cooperation, originality.*

Alisher Navoiy nafaqat ulug‘ mutafakkir, yuksak iste’dod egasi bo‘lgan ijodkor, balki yetuk adabiyotshunos sifatida ham o‘zbek madaniyati tarixida katta iz qoldirgan. Uning “Mezon ul-avzon”, “Mufradot”, “Majolis un-nafois” singari asarlarida adabiy-tanqidiy qarashlarini ilgari suradi. Bu jihatdan shoirning “Majolis un-nafois” tazkirasi xarakterlidir. Unda shoir ko‘pgina masalalar qatori noma janrida ijod qilgan shoirlar haqida ham muayyan mulohazalarni ifodalaydi.

Noma (forscha so‘z bo‘lib, lug‘aviy ma’nosi xat, maktub) xat maktub shaklida yozilgan badiiy asar (4. 169). Adabiy janr sifatida antik davrlardayoq shakllangan. Antik davr mutafakkirlari Epikur, Sitseron, Senekalarning maktublari ritorika qoidalari asosida bitilgan. O‘rta asrlarda diniy arboblar (Fotiy, Avgustin,

Lyuter) ning maktublari didaktik xarakter kasb eta borgan. Adabiyot taraqqiyotining keyingi davrlarida shaxslararo yozishmalar bilan bir qatorda adabiy asarlarni maktub shaklida yozishning ommalasha boshlaganligi kuzatiladi. Masalan, “Fors xatlari” (Monteske), “YUliya yoki yangi Eloiza” (J.J. Russo), “YOsh Verterning izgiroblari” (I.V. Gyote), “Kambag‘al kishilar” (F.M. Dostoevskiy) kabi qator asarlar maktub shaklida yozilganligi fikrimizni dalillaydi.

Ko‘rinadiki, xat (noma, maktub) jahon adabiyoti aspektida kuzatilganida, faqat she’riy shaklda bitilmagan. O‘zbek mumtoz adabiyotidagi “Muhabbatnoma” (Xorazmiy), “Taashshuqnoma” (Sayid Ahmad), “Latofatnoma” (Xo‘jandiy), “Dahnoma” (Usuf Amiriy) yaratgan asarlar she’riy janrda yozilganligi bilan ulardan farqlanadi (2. 59).

O‘zbek mumtoz adabiyotida noma janrining paydo bo‘lishi Xorazmiy nomi bilan bog‘liqdir. Uning ”Muhabbatnoma” o‘nta nomadan iborat bo‘lib, bu an’ana Xorazmiydan keyingi shoirlar tomonidan ijodiy davom ettirilgan. Xo‘jandiy o‘zining “Latofatnoma” sini “Muhabbatnoma” ga javob tariqasida yozganligini shunday keltirib o‘tadi:

Muhabbat jomidin ichsang sharobe,
“Muhabbatnoma” ga aytsang javobe (6. 3).

“Latofatnoma”da ushbu sartlarning keltirishi ham fikrimizning dalilidir.

Alisher Navoiy noma janri va uning o‘zbek adabiyoti tarixida tutgan o‘rnini chuqur bilgani holda bu borada ijod qilgan shoirlarga o‘zining muayyan munosabatini bildirib o‘tadi.

“Majolis un-nafois” tazkirasida nomanavis Yusuf Amiriy haqida shunday ma’lumotlar bor: “ Mavlona Amiriy-turk erdi va turkcha she’ri yaxshi voqe bo‘lubdur, ammo shuhrat topmabtur. Va bu bayt aning “Dahnoma” sidindur.

Ne emakdin, na uyqudin solib so‘z,
Emakdin to‘yub, uyqudin yumub ko‘z (1.11)

Navoiy ushbu fikrlar orqali Mavlona Amiriyning turkcha she’rlarining yaxshiligini va Amiriyning o‘zi ham turk ekanligini aytib o‘tgan. Ammo shoir asarlari unchalik shuhrat topmaganiga ishoralar qiladi. Navoiy Amiriy ijodi haqida “Muhokamat ul-lug‘atayn” asarida ham Amiriyni o‘z davrining ulug‘ shoiri sifatida ta’riflaydi

Navoiy bilan bir qatorda Davlatoh Samarqandiy “Tazkirat ush-shuaro” asarida Amiriyni SHohruh mirzo zamonida yashagani va uning avlodlari, amaldorlari sharafiga ko‘p qasidalar bitgani haqida ma’lumotlar berilgan. Amiriy “Dahnoma”si nomachilik an’analariga rioya qilingan “Muhabbatnoma” ga hamohang tarzda o‘nta nomadan iborat holda yozilgan.

Navoiy “Majolis un-nafois” tazkirasining 7-majlisida yana bir nomanavis shoir, temuriy shahzoda Sayid Ahmad haqida ma’lumotlar beriladi. “Sayyid

Ahmad - salim ta’b va pok zehn kishi erdi. Xili mashhur nazmlari bor. Ham g‘azal, ham masnaviy, ham turkiy, ham forsiy g‘azal tavrida devoni bor. Va masnaviy tavrida “Latofatnoma” aningdur. Bu turkcha matla’ yaxshi voqe’ bo‘lubturkim:

Sayd etti firoqing meni murg‘i sahariydek,
Qil odamiyliq, qilma nihon yuzni paridek (1. 96).

Bu ma’lumotlar orqali Sayyid Ahmadni ham turkiy, ham forsiy tilda ijod qilgani va g‘azal, masnaviy kabi bir qancha janrlarda qalam tebratganini va nomasi masnaviy tarzidaligini anglashimiz mumkin.

Bizga Sayid Ahmadning “Taashshuqnoma” nomli nomasi etib kelgan. Navoiy esa uni masnaviyda yaratilgan “Latofatnoma” nomli asari borligi aytadi va undan bayt keltiradi. Ma’lumotlarga ko‘ra Navoiy keltirgan bayt “Taashshuqnoma” da yo‘q (3. 362)., Bundan Sayid Ahmad noma janrida 2 ta asar yozgan, degan taxminiy xulosa ham kelib chiqishi mumkin. Ammo bizgacha faqat “Taashshuqnoma” etib kelgan. Nomaning aynan turkcha yozilgani ham Navoiyning e’tiborini tortgan bo‘lsa ajab emas. ” Taashshuqnoma” Tangrining tanholigi jamiki borliqning YAratuvchisi ekanligi bilan boshlanadi. Asarning g‘oyaviy yo‘nalishi, tuzilishi, tasviriy vositalarga qaraganda boshqa nomalarning ta’siri kuchli bo‘lgani seziladi. Sayyid Ahmad o‘zbek muntoz adabiyoti va madaniyati rivojiga ko‘p tomonlama hissa qo‘ shgan allomadir.

Xorazmiyning “Muhabbatnoma” si ta’sirida yaratilgan Xo‘jandiyning “ Latofatnoma”, Sayid Ahmadning “ Taashshuqnoma”, YUsuf Amiriyning “Dahnoma” asarlari masnaviy shaklida yozilgan bo‘lib, o‘nta nomadan iborat. Nomalarning barchasi o‘zbek adabiyotida diqqatga sazovor asarlar sifatida ahamiyatlidir.

Alisher Navoiy o‘z asarlarida noma janriga oid fikrlarning keltirilishi uzoq asrlik an’analarga ega adabiyotimiz tarixining chuqur bilimdoni ekanligini ko‘rsatishi bilan bir qatorda, ulug‘ mutafakkirning sinchkov va kuzatuvchan adabiyotshunos ekanligini yana bir bora asoslaydi. .

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to‘plami. 20 tomlik. O‘n uchinchi tom. – T.: Fan, 1997
2. Alisher Navoiy ijodi va SHarq adabiyoti. – T.: Sharqshunoslik instituti, 2011
3. Rahmonov N. O‘zbek adabiyoti tarixi. – T.: Sano-standart, 2017.
4. Saloyev F. Qurboniyozov G. Adabiyotshunoslik atamalarining izohli so‘zligi. – T.: YAngi asr avlodi, 2014
5. www.ziyouz.com
6. e-adabiyot.uz

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА “ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ” ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Насиба МАШАРИПОВА
МТМРМҚТМОИ катта ўқитувчиси

Аннотация: *Ҳазрат Навоий ижоди инсон камолотига бағишланган бўлиб, одамни ўзлигини ангалашга, комиллик сари интилишга ундайди.*

Калит сўзлар: *таълим, тарбия, ижод, камолот, ўзликни англаш, эътиқод.*

Ҳазрат Навоий ижоди инсон камолотига бағишланган бўлиб, одамни ўзлигини ангалашга, комиллик сари интилишга ундайди. Навоий инсонни камолотга етакловчи иймон, эътиқод, диёнат, ақл, билим, одоб-аҳлоқ, сабр-қаноат, инсонпарварлик, бунёдкорлик каби фазилатларни ниҳоятда қадрлаган, ўз асарларида тарғиб этган. Улуғ Навоий ҳар томонлама камолотга интилган ёшларнинг ва шогирдларининг ҳаракатидан чексиз қувониб, уларнинг ҳаётда ва ижодда яхшиликка олиб борувчи фазилатларини, интилишларини баъзи асарларида бирма-бир санаб, урғу бериб замондошларига ва келажак авлодга ибрат сифатида ёзиб қолдирган. Навоий асарларида ўзлигини англашга қодир инсон исонларнинг энг улуғи эканлиги айтилади. Инсоннинг ўзлиги – унинг одамийлиги, инсонпарварлиги, инсоний гўзал фазилатларга эга эканлигида номоён бўлади. Ўзлик, ўзликни англаш, ўз “менини” топиш каби тушунчалар бир қарашда фалсафий ва мураккаб туйилади. Навоий эса содда, ибратомус тил билан ўз асарларида инсонларга ўзлигини англашга, тўғри, ҳолол яшашга йўл кўрсатиб, турли ёмон иллатлардан қутилишга ундаган. Мутафаккир инсон ички дунёсини, ўзлигини шаклланиши таълим-тарбия, оила, атроф-муҳит, жамият билан бевосита боғлиқлигини таъкидласада, аввало шуни ҳам айтадики, инсоннинг ўзи ўз ҳаёти учун, истак ва интилишлари учун маъсул бўлиши лозим.

Ўз вужудинга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсен – ўзингдан истагил.[45]

Навоий ўзининг ”Маҳбуб ул-қулуб” (”Қалбларнинг севгани”) асарида ҳам инсон муаммосига тўхталиб, бу асарида ҳам инсон ҳақида қайғуради, дардини чекади. Инсоний фазилатларни мадҳ этади. Ушбу асар уч қисмдан ташкил топган бўлиб, иккинчи ва учинчи қисмларида инсон қалбидаги яхши феъллар ва ёмон ҳислатлар борасида мулоҳаза қилинган. Инсон қалбининг,

[45]Навоий Алишер. ХАМСА/Алишер Навоий; қисқартириб нашрга тайёрловчи А. Ҳожиаҳмедов; масъул муҳаррир В.Раҳмонов. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – Б.17.

ўзлигининг безаги бўлмиш сабр-қаноат ҳақида шундай дейди Навоий: ”Сабр – аччиқ, аммо фойда берувчи, сабр шодликлар калити, мақсадга олиб борувчи, истакка етказувчи. Қаноат хазинадирки ундаги бойлик сочилгани билан тугамайди. Қаноат киши кўнглига равшанлик етказади”. Дунёнинг ташвишлари, ғам аламларни енгишда, балки илм йўлида, изланишда, билим олишда ҳам сабр-қаноатли бўлиш лозим. Одоб – аҳлоқ инсон қалбининг, ўзлигининг кўзгуси. Одобли инсон – дейди Навоий – инсонларнинг энг яхшисидир. Одоб – кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор этади. Одоб – улуғлар кўнглида ёшларга муҳаббат уйғотади. Одоб – инсон табиатига инсонийлик бахш этади. Камтарлик хусусида тўхталар экан Навоий: ”Камтар одамлар кўп гапиришдан қочадилар, улар кўп эшитмоқни истайдилар. Эшитмоқ кишини бойитади.

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

Тан касалининг асоси – кўп емак, қалб касалининг сабаби – кўп демакдир” дейди. Навоий қобилиятли инсонларни илмга чорлаб: ”Илм ўрганмоқ – эътиқодни мустаҳкамлаш учундир, аммо бойлик, мартаба орттирмоқ учун эмас. Илмига амал қилмаган олим – устига китоб ортилган эшакка ўхшади” дея танбиҳ беради.

Илм ўқуб, қилмоғон амал мақбул,
Дона сочиб кўтармади маҳсул.

Илм ўқиб, унга амал қилмаслик – ерни ҳайдаб, уруғ сепмаганга, ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди. Сўз айтиш, маънили сўзлаш борасида Навоий ўз фикрларини қуйидагича талқин этади: ”Чин сўз – мўтабар, яхши сўз – мухтасар. Кимнинг миясида (яъни қалбида) иллат бўлса – сўзида мантиқ бўлмайди. Мияси соғлом бўлса – сўзи ёқимли, хатосиз бўлади”.

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолина,
Кўрма ким дер ани, кўргилки не дер.

Инсонларнинг ўзаро ҳурмати уларнинг жинсига, мансаб-у мартабасига, бойлигига қараб эмас, сўзлаган сўзининг маънисига, яхши амалларига кўра белгиланиши жоиз.

Устоз Навоий ҳаёти ва ижоди таълим-тарбия, устоз-шогирдлик анъаналари, муносабатлари билан узвий боғланган. Ўз даврида Навоий илм-у санъат аҳлига, қобилиятли, интилувчан ёшларга устозлик ва раҳнамолик қилгани тарихдан маълум. Ҳар бир ҳунарли инсонни ўз ҳунарини сир-

асрорларини бошқаларга ўргатишга, шогирдлар етиштиришга, келажак авлодга маънавий, маданий мерос қолдиришга ундайди.

Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб туфроққами кетгумдир охир.

Ўз ўрнида шогирдларни устозни ҳурмат қилиш, эъзозлашга, унинг ризолигию дуосини олишга чорлайди.

Шогирд агар шайх ул-ислом қозидур,
Агар устод андин розидир – тенгри розидур.

Инсоннинг танлаган касби, ўрганган ҳунари унинг ички дунёсини бойитиши, ўзлигига қувват бағишлаши, кўнглини равшан қилмоғи лозим. Инсон ўз эҳтиёжларига кўра манфаат истаб ёки ўзгалар ҳоҳиши асносида касб-у ҳунар танлаши унинг ижодкорлигига путур етказиб, касб-у кор завқидан бебаҳра қилади. Навоийнинг ва бугунги илм аҳлининг таъкидлашларига кўра нотўғри танланган касб инсон ўзлигини англашига салбий таъсир этиши, ҳаттоки тўсиқ бўлиши мумкин. Ўз вақтида қобилияти ва қизиқишига кўра касб-у кор танлаш кишини юксакликка, халқ ҳурматига сазовор этади. Касб-у корсиз, ҳунарсиз киши эса хор-зорлик ва тубанлик ботқоғига чўкади. Навоий қуйидаги қитъаси орқали ёшларга касб-ҳунар ўрганиб камолотга интилиш борасида насиҳат беради.

Камол эт касбким, олам уйидин,
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотомом ўтмак биайниғ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Навоийнинг ёзишича баркамол инсоннинг энг муҳим фазилатларидан бири- халқпаварлик, ватанпарварликдир. Юрт ташвиши билан яшаб, халққа кўп фойда етказган кишини чинакам ҳалқпарвар одам деб ҳисоблайди. Халққа қанча наъф келтирсанг, бу наъф ўзинга кўпроқ бўлиб қайтгусидир.

Наъфинг агар халққа бешакдурур,
Балки, бу наъф ўзинга кўпракдурур.

Алишер Навоий кишиларга меҳр-мурувват кўрсатишга, солиҳ амалларни бажаришга, нафсни тийишга, адолатли ва шавқатли бўлишга, доимо халқ ғамини ейишга, юрт ташвиши билан яшашга даъват этади. Одамийликни, инсонпаварликни ҳар нарсадан юқори қўяди:

Манга не ёр-у, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур[46].

“Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг

[46] Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. Т.8. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 283.

султонидир”[47]. Инсон қалбининг қувонч-у қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан кам топилади. Шунинг учун ҳам Навоий бутун жаҳонда “инсонийлик шоир” дея эътироф этилади. Навоийни ангалаш бу – ўзликни англашдир. Навоий кишиларга ҳамиша яхшилик истаган, умид бағишлаган. Зеро Ҳазрат Навоийнинг яхши нияти бизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин! “Умидим шул – умидинға етгил!”

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. ХАМСА/Алишер Навоий; қисқартириб нашрга тайёрловчи А. Ҳожиаҳмедов; масъул муҳаррир В.Раҳмонов. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – Б.17.
2. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. Т.8. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 283.
3. Ислом Абдуғаниевич Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2015.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИЧА ИЗЛАНИШЛАР
NEW RESEARCH ABOUT LEARNING A. NAVAI'S LITERARY ACTIVITIES

Насима ҚОДИРОВА

таянч докторант, БухДУ

Аннотация: *Мақолада ватанимиз мустақиллиги арафасида ва ундан кейин ҳам Алишер Навоийни чуқур англашга ва китобхонларга, халққа етказишда эзгу ишларни амалга ошираётган навоийшуносларнинг илмий мушоҳадалари, И.Ҳаққулнинг янгича таҳлил ва талқинлари ёритилган.*

Калит сўзлар: *таҳлил, талқин, услуб, мафкура, ғазал, дунёқараш*

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижоди турли ракурсларда ўрганилиб, ҳар бир олим томонидан ўзига хос йўналишда, услубда тадқиқ ва таҳлил этилган. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул ҳам Алишер Навоий ижоди тадқиқи билан 40 йилдан ортиқроқ шуғулланиб келаётган, навоийшуносликда ўз ўрни ва алоҳида услубига эга забардаст олимлардан

[47] Ислом Абдуғаниевич Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент “Маънавият” 2015

бири сифатида Навоий ижодини ўрганиш, таҳлил қилишнинг янгича тамойилларини бошлаб берди.

Бу тамойил, энг аввало, Навоий ижодини мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан тадқиқ этиш; 2) Шўро мафкураси таъсирида навоийшуносликда йўл қўйилган хатоликларни тузатиш, камчиликларни тўлдириш; 3) шоир ижодининг асл моҳиятини очиб беришда ўзига хос ёндошиш принципларига таянган ҳолда фаолият олиб боришда намоён бўлмоқда.

Олимнинг Навоий ижодини тадқиқ этиш ва "Навоийга қайтиш" фаолияти бир неча йўналишларда амалга оширилган.

1. Мактаб ўқувчилари дунёқарашига мўлжаллаб асарлар яратиш. Иброҳим Ҳаққулнинг ўтган аср 80-йиллари охирида нашр этилган "Занжирбанд шер қошида", "Камол эт касбким..." тўпламларига кирган мақолалари Навоий асарларини ўқувчилар ёши, савиясини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган янгича тадқиқотлар ҳисобланадики, улар янги фикр ва мушоҳадаларга бой эканлиги билан ажралиб туради.

И.Ҳаққулов ушбу китобни шартли равишда уч қисмга ажратиб тузган. "Бошни фидо айла" деб номланган дастлабки қисмда Навоий улуғлаган инсоний фазилатлар – ота-онани ҳурмат қилиш, табиатга ва борлиқ мавжудодга меҳр, тилга ва сўзга эътибор, камтарлик, саховат, муҳаббат кабилар улуғ шоирнинг асарларидан олинган парчалар орқали шарҳланади.

Китобнинг "Нодонлик – ёвузлик" деб номланган иккинчи қисмида олдингисига қарама-қарши ўлароқ салбий хислатлар – вафосизлик, жоҳиллик, кибр, зулм, нафс, таъмагирлик, ичкиликбозлик, ҳасад, бойликка ҳирс қўйиш кабилар Навоий ижодида нечоғли ва қай тахлит қораланган ва танқид қилинганлиги очиб берилган.

Охирги – учинчи қисм "Барчадин шарафлиси – комил инсон" дея номланиб, у бирмунча мураккаброқ мавзу – инсон ҳаётининг моҳияти, ўзликни кашф этиш, комилликка интилиш масалаларининг Навоий ижодий тафаккур маҳсулларида қандай ёритилганлигига бағишланган ва тушунчалар атрофлича таҳлил қилинган.

Шуниси эътиборлики, олим "Занжирбанд шер қошида" китобига кирган мақолаларнинг деярли ҳаммасини кенг китобхонлар доирасининг савияси, дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда, дастлабки сатрларданоқ ўқувчининг диққатини ўзига тортиб кетадиган услубда ёзган. Аксар мақолалар қизиқарли ривоят ёки аниқ далилларга тўйинган фикрлар билан бошланади.

2. Ғазаллар шарҳидаги ўзига хослик. "Шеърият мулкининг султони" Алишер Навоий ғазаллари - сермаънолиги, рамзийлиги, метафораларга бойлиги, мавзу кўламининг кенглиги жиҳатидан ўзига хос.

Шунинг учун бир ғазалнинг турлича талқинларига дуч келамиз. Шоирнинг “Ишқ аро душвордир бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ...” мисраси билан бошланувчи ғазали бир нечта адабиётшунослар томонидан турлича таҳлил этилган. Навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов ғазални таҳлил этар экан, асосий диққатини Навоийнинг инсонпарварлик ғояларига қаратади ва Навоий шоҳ ва гадонинг тенглигини истагани, зеро шоҳ мансабидан фойдаланиб маъшуқани ўзига бўйсунтириши, шоир ушбу ғазал орқали шоҳларнинг зўравонлигини дадил айта олганлигини таъкидлайди. Адабиётшунос Эргаш Очилов ушбу ғазални анча кенгроқ таҳлил этган. Ҳар бир байтнинг насрий баёни тузилиб, мазмуни ёритилган. Ғазал матнидаги барча сўзлар таҳлилда қамраб олинган. Бироқ олим томонидан келтирилган айрим фикрлар эътирозли. Жумладан, ғазалнинг

Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюргай – ишқ эмас,
Кимки ошиқдур, анга зору забунлиғдир гувоҳ

байти таҳлилидаги “Дунёвий муҳаббат ўзаро тенглик асосига қурилади. Лекин сўз илоҳий маҳбубага – Оллоҳга ошиқлик хусусида борар экан, маъшуқанинг ҳар жиҳатдан тенгсизлигию ошиқнинг эса зору ожизлиги ҳақида гапирилади...” [Очилов, 2011: 41] каби фикрлар ғазал мазмуни билан ўзаро боғланмайди.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ҳам ушбу ғазал таҳлилига ўзига хос услубда ёндашган. Олим ғазалда ишқ ва ошиқлик тазодий тамойил асосида ёритилган деб ҳисоблайди ва ҳар бир байтни шарҳлар экан, ошиқнинг шоҳдан юқори мавқеда турганлигини кўрсатишга интилади. Чунончи, ғазалнинг иккинчи:

Шоҳ додимға нетиб етсунки, мулки ишқ аро
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадойи хоки роҳ...

байти таҳлилида Эргаш Очилов “Ишқ оламида ўз аҳволидан шоҳга арз қилишнинг фойдаси йўқ, чунки бу ерда олийнасаб шоҳ билан тупроққа тенг гадонинг мартабаси баробар” [Очилов, 2011: 41] дея уларнинг тенглигини таъкидласа, И.Ҳаққул байт насрий баёнидан сўнг “Ишқда ижтимоий, иқтисодий тенгсизлик йўқ. Лекин севги ва садоқатда фарқлар бор [Ҳаққулов,2011: 149] дея изоҳ келтириб, ошиқ мавқеини юқори қўяди, келтирилган изоҳлар бевосита кейинги байтга боғланиб, олим шарҳлари ўқувчида эътироз туғдирмайди. Айтиш жоизки, таҳлиллардаги изчиллик олим услубига хос алоҳида фазилатлардан биридир.

Ҳар учала олим таҳлили матнга таянган ҳолда ўз асосларига эга. Таҳлиллардаги фарқлар шоир адабий-ғоявий мақсадини қандай англашдан келиб чиққанлигида кўринади. А.Ҳайитметов Навоийнинг ғоявий мақсади шоҳ ва ошиқ(фақир)нинг ҳам ишқдаги нисбати асосида ижтимоий ҳаётдаги

тенгсизлигини кўрсатиш деб ҳисоблаган бўлса, Э.Очилов шоир уларни илоҳий ишқда солиштиришни мақсад қилганлигини очиб беришга интилган. И.Ҳаққул таҳлилида эса Навоий наздидаги ошиқнинг шоҳликдан афзаллигини кўрсатиш устуворлик қилади.

Навоийшунос И.Ҳаққулнинг деярли барча таҳлил ва талқинларида унинг улуғ мутафаккир ижодига, ғоявий мақсадига яқинлашишга интилишни кўриш мумкин. Шу сабабдан ҳам олим талқинлари китобхонни Навоий руҳиятига яқинлаштира олади.

Иброҳим Ҳаққул услубига хос яна бир хусусият таҳлилларда далиллаш усулидан фойдаланишидир. Юқоридаги ғазаллар таҳлилида а) тасаввуф алломаларининг илмий асарлари; б) Навоий ижодига таъсир этган ва Навоий ижодидан таъсирланган ижодкорлар асарлари; в) шоирнинг ўз асарларга асосланиб, мисоллар орқали далиллаш усули устувор, бу эса талқиннинг илмийлиги ва кенг кўламлилигини таъминлашга хизмат қилади.

3. Навоий асарларини ўрганиш методологияси йўлидаги изланишлар. Адабиётшунос И.Ҳаққулнинг Навоий ижодини ўрганиш йўллари ҳам янгича ва ўзига хосдир. Шоир ижодини ўрганишда нималарга аҳамият қаратиш лозимлигини олим кўплаб мақолаларида таъкидлаган ва ўзи ҳам доим шуларга амал қилган. “Бадиий матн ва таҳлил муаммолари”, “Тамалсиз талқин ғалатдир”, “Шеър тарихи ва ҳақиқат уйғунлиги”, “Миллат ва мангулик тимсоли” мақолалар шулар жумласидандир.

Энг аввало, таъкидлаш зарурки, И.Ҳаққул Навоийнинг ижод “қасри”га киришдан олдин муқаддас бир ибодатхона, ёхуд санъат кошонасига киришдек тайёргарлик кўриш лозим деб ҳисоблайди. Бу тайёргарлик маънонинг бешиги ҳам, эшиги ҳам бўлган илм-маърифатдир. Навоий ижод оламига интилишнинг бош йўли ирфон эканлигини теран англаган олимнинг ҳар бир мақоласи ва талқинларида ҳар бир айтилган фикр илмий ва ирфоний асосларга эга эканлигини кўринади. Шунингдек, адабиётшунос таҳлилда тил руҳи ва сўз ҳаётига диққат эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди, бу таҳлилчига матндаги рамз, мажоз, тимсоллар оламини янгитдан кашф этиш имконини беради. Олим чинакам матн таҳлилини амалга ошириш, яъни “матнда мавжуд ҳамма нарсани, ҳаттоки, ҳарф товушлари, оҳанг, ранг товланишларини ҳам маънолаштириш, муаллифнинг шахсий ҳолат, кайфият, руҳоний сезимлари билан алоқадорликда ёритиш”[Ҳаққулов,2011:14] орқалигина шеърни тўғри шарҳлаш мумкин деб ҳисоблайди.

Иккинчидан, Алишер Навоий ижодини, умуман олганда Шарқ мумтоз адабиётини Қурони Карим ва Пайғамбаримизнинг ҳадисларига асосланганлиги масаласи, яъни бу икки манбани четлаб ўтиб Навоийни ўрганиш мумкин эмас. Акс ҳолда, уларнинг асл қиёфаси хиралашиб,

саёзлашиб кетади. И.Ҳаққул ҳар бир таҳлилида бу масалага алоҳида урғу беради, навоийшунослигимизда айнан шу масалани тўғри англанмаганлиги сабаб йўл қўйилган хатоларни тузатишга интилади. Олим Шарқ мумтоз адабиётини Ғарб адабиётшунослиги тажриба ва тушунчаларига таяниб, қолипсозлик асосида таҳлил ва талқин этилиши классик матн таҳлилида ғайриилмий фикр-мулоҳазаларнинг кўпайишига сабаб бўлишини таъкидлайди. Олимнинг таҳлилчи олдига қўядиган муҳим талабларидан бири мавзу моҳиятини тўғри аниқлаб, мушоҳадада илмийликка суянишдир[Ҳаққулов,2011:76].

Учинчидан, Шарқ мумтоз шеъриятида шоирлар мавзу жиҳатдан бир-бирларига ўхшаш ижод этган бўлсалар-да, уларнинг шахсияти ўзгачалиги муаммоси. Олим бадиий ижодда шахсият ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайди, шу сабаб Навоий ижодини ўрганиб таҳлил этганда унинг бировларникига ўхшамаган кучли шахсиятини эсда тутиш лозимлигини айтади. Унингча, шоирнинг ижодда яратган янгилиги ҳам, ҳаётни мушоҳада этиш маҳорати ҳам унинг шахсияти билан боғлиқ бўлади [Ҳаққулов, 2016:96].

Тўртинчидан, Навоий шеъриятидаги мувозанат ва ички мутаносибликни, маъно-моҳиятдаги тадрижийликни англаш ва уни бузмаслик, акс ҳолда таҳлилда “Навоийни Навоийдан йироқлаштириш” ҳолати юзага келади деб ҳисоблайди.

Бешинчидан, Навоий ижодини талқин этиш мақсад қилинар экан, у мансуб тариқи олия, яъни нақшбандийлик таълимотидан хабардор бўлиш лозим. Зеро, Навоийни улуғ Нақшбанд шахсияти ва нақшбандлик маърифатидан ажратиш мумкин эмас [Ҳаққулов, 2011: 83].

Хулоса қилиб айтганда, ватанимиз мустақиллиги арафасида ва ундан кейин ҳам Алишер Навоийни чуқур англашга ва китобхонларга, халққа етказишда эзгу ишларни амалга ошираётган навоийшунослардан бири Иброҳим Ҳаққул бўлди. Олимнинг мақолалари илмий мушоҳадаларга бойлиги, теранлиги, фалсафий тафаккурнинг кенглиги, шу баробарида қизиқарлилиги сабаб китобхонлар томонидан севиб ўқилади. Адабиётшунос Навоий шахсини халққа яқинлаштириш йўлидан бормоқда. Ўзи айтганидек, Навоийдан ким нимани изласа, ўшани топади. Халқимиз бугунги кунда ўз олдига қўйган улкан мақсадларда эришувида Навоий элимизга қўлдош ва йўлдош бўла олади, деган улуғ халқпарварлик ғояси олимнинг ҳар бир мақолаларидан англашилиб туради. И.Ҳаққулнинг янгича таҳлил ва талқинлари шоир ижоди, шеъриятини теран англаш ва мушоҳада этишда ўқувчиларга катта ёрдам бериши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Комилов Н. Маънолар оламига сафар.Т: 2012. –Б. 316.

2. Очилов Э. Бир ҳовуч дур. Т: 2011. –Б. 166.
3. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Т:2015.– Б. 328.
4. И.Ҳаққул. Навоийга қайтиш-2.Т:2011. –Б. 200.
5. И.Ҳаққул. Навоийга қайтиш-3.Т:2016. –Б.222.

СЎНГГИ ДАВР ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛИГИДА НАВОИЙ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ
INTERPRETATION IMAGE OF NAVOI IN UZBEK POEMS OF THE LAST PERIOD

Нафосат ЎРОҚОВА
ўқитувчи, БухДУ

Аннотация: *Замонавий ўзбек достончилигида тарихда муносиб ном қолдирган улуғ сиймолар қаторида Навоий образини бадиий гавдалантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ш.Қурбоннинг "Сўз йўли", И.Отамуроднинг "Руҳдан сизган нур" достонлари бу жиҳатдан аҳамиятли. Мақолада ушбу достонлар таҳлилга тортилган ва Навоийнинг лирик образи талқинига кенг ўрин берилган.*

Annotation: *in the history of modern Uzbek epoch along with the outstanding figures special attention was paid to the image of Navoi. Sh.Qurbon's "So'z yo'li" and I.Otamurod's "Ruhdan sizgan nur" epos are important with these aspect. In this article these epos are analyzed and great attention are paid to interpretation of Navoi's lyrical image.*

Калит сўзлар: *замонавий ўзбек достончилиги, лирик қаҳрамон, Навоий образи, комиллик, туркий тил, тарихий достон*

Key words:*modern Uzbek epoch, lyrical hero, the image of Navoi, perfection, Turkish, a historical poem*

Сўнгги йилларда ижтимоий соҳада юз берган туб янги жараёнлар маънавий ҳаётда жиддий ўзгаришларга олиб келди. Бу ўзгаришлар, янгиланишларни тўлалигича идрок этиш учун шу жараёнлар иштирокчисига айланишимиз даркор. Маънавий ҳаёт манзараси шу қадар кўламли, ранг-баранг, мураккабки, уни бирданига бор ҳолича тасаввур этиш ниҳоятда мушкул. Бунинг устига ижтимоий ҳаёт ва маънавиятдаги ўзгаришлар осонликча кечаётгани йўқ. Бугунги кун ўзбек ижодкорлари мумтоз адабиёт

анъаналарини давом эттириш билан бирга жаҳон адабиётининг ҳаётбахш тажрибаларини ҳам ўз ижодларига сингдира бошладилар. Истиқлол арафаси ва ундан кейинги давр адабиётида бу хусусият янада кучайганлигини достон жанри намуналари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Асар марказида муайян воқеалар тизими ёки маълум бир воқеа турмаганлиги боис бугунги достонлар лирикага янада яқинлашди. Инсоннинг ўй-хаёллари, истак-армонлари, чин маънода, бошқа санъат турларидан фарқли равишда адабиётда тўлароқ акс этади. Қолаверса, бадиий адабиётда тасвирланган ҳаёт серқирра ва таъсирли бўлади.

Сўнгги давр ўзбек достонларини тадқиқ этар эканмиз, ўтмишимизда ёрқин из қолдирган тарихий шахсларнинг бадиий образларини яратиш тамойилга айланганининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, уларда улуғ салафларга бўлган ёрқин эҳтиром майлини четлаб ўтолмаймиз. Истеъдодли шоир Икром Отамуроднинг “Руҳдан сизган нур” ҳамда Шукур Қурбоннинг “Сўз йўли” достонларида буюк мутафаккир ҳазрат Навоий сиймоси ҳадди аълосида акс этган. “Руҳдан сизган нур” достони ўзининг тасвир қабариқлиги ва ёрқин образлилиги билан китобхон эътиборини тортади. Достонда Жалолиддин Румийнинг “Руҳ ягона, тан эса юзмингтадир” деган жумласи эпиграф қилиб келтирилган.

Тасаввуф алломалари руҳ ва тандан иборат инсонни илоҳий олам билан жисм олами орасидаги чегара, деб атайдилар ва тонгга ўхшатадилар. Чунки тонг ҳам тун билан куннинг чегарасидир. Тонгдан кейин қоронғулик кетиб, қуёш порлаб чиққанидай, инсон руҳи ҳам аста-секин тан қоронғилиги – зулматни тарк этиб, нурлар оламига талпинмоғи кераклиги асарнинг умумий пафосини белгилаб беради. Достонда замоннинг инсонга ва инсоннинг замонга бўлган муносабати орқали кишилардаги одамийлик, интилувчанлик, комиллик сари силжиш фазилатлари улуғланади, айрим кишилар тийнатидаги лоқайдлик, ғараз боисидан эса замоннинг уларни челпиб ташлаши борасидаги мулоҳазалар гўзал ташбеҳлар билан зийнатланади. Дунёнинг тинчлиги ва фаровонлиги – инсоният бутунлиги ҳақиқатдан ҳам, доно ва оқил, пок ниятли одамлар фаолиятига боғлиқ. Яъни илоҳий поклик ва нафосат, эътиқод ва тафаккур бизни бало-қазолардан асрайди, ҳаётни авайлаб, сақлаб туради. Шундай азиз зотлардан бири бу:

Келаяпти замон занжирига бовсиз,
руҳин иншосини битиб Навоий.

Кейинги сатрларда Ул улуғ зотнинг комиллик сифатлари саналади. Достон бежизга “Руҳдан сизган нур” деб номланмаган. Нур дея шоир ҳазрат Навоийга ишора қилмоқда. Достонда кўп кузатиладиган сукут

фалсафийликни кучайтиришга хизмат қилувчи поэтик синтаксис воситаларидан биридир.

.....У.....

.....л.....

.....з.....

.....о.....

.....т.....

Кўп нуқталар шоирнинг айтмоқчи бўлган фикри ё бирор ҳодиса ҳақида унинг ўзи ҳам жуда узоқ ўйга толганини ифодалайди. Мумтоз адабиётдан намуналар берилгани асарнинг оҳорли бўлишини таъминлаб, ундаги миллий руҳни кучайтирган.

“...Мазҳари ҳусну жамол
ўлди юзинг андоғким,
Шод этиб олам элин
лек мени маҳзун қилди...”

Руҳ, Ҳур, Нур – бу уч тушунча доим бир-бирини тақозо қилиб, бир-бирини тўлдириб туради. Уларни бир-биридан айро тасаввур этиш душвор. Руҳий олами покланиб, комил инсон даражасига етган киши Аллоҳ билан яқинлашади. Комилликнинг олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Инсоннинг ботиний олами, ички зиддиятлари, руҳ ва жисм орасидаги кураш азалдан мавжуд. Барча ижтимоий-маънавий низоларнинг туб моҳияти, бош сабаби инсон табиати ва сийратидадир.

Шоир ҳамма замонларда ҳам камёб бўлган меҳрнинг тақчиллигини мутафаккирнинг ушбу мисралари балан ҳамоҳанг қўяди:

“... Меҳр кўп кўргуздим,
аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе қилдим фидо,
оромижоне топмадим...”
“... Навоий, чорадин
кўп дема сўзким,
Ғамингга чорасизлиғ
чора бўлмиш...”

Ғазал мулкининг султони қайд этган ушбу шоҳбайтнинг мантиқий давоми сифатида лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари қўшиқ йўсинида куйланади. Унда шоир ғам тушунчасини турли шаклларда, манзараларда сувратлантиради. Достонда шамсга қилинган мурожаат ўрни алоҳида поэтик маъно ташийди. Маълумки, қуёшнинг Ер куррасидан йироқлашиши ёинки яқинлашуви ҳам сайёрамиз учун хавф туғдиради. Балки бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳам табиий. Шунинг учун шоир олам юкини бўйнига олиб ундан

ўтинади: “Масофанг тақсимин асра мўътадил”. Поэтик образ – шамс эзгу ниятли, эзгу қалбли, таъбир жоиз бўлса, Ҳазрати инсонлар тимсоли. Улар борки, дунё бор, ҳаёт мавжуд, олам мунаввар.

И.Отамуроднинг ушбу достони китобхонни Олам ва Одам ҳақида, Ҳақ ва Ҳақиқат борасида, ва албатта, ҳазрат Навоий дунёси, қолаверса, ўз “мен”и хусусида такрор ва такрор ўй-мушоҳадага чорлайди, ўзлигини тафтиш қилишга ундайди.

Шукур Қурбоннинг “Сўз йўли” тарихий достонида Ҳазрат Навойнинг турк дунёсида тил масаласига нақадар эътиборли бўлган даҳо сиймо эканлиги бадиий ифодасини топган. Достонда Алишер Навоий ҳаётини ўрганишга, қаламига мансуб асарлар мағзини чақишга уриниш ўзини ўзбекман, деб билган ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканлиги, Шоир кўзлаган ва етиб борган манзилнинг юксаклиги, ҳайрат нигоҳимиз у босган ҳар бир изда асрлаб мухрланиб қолиши таъкидланади. “Руҳдан сизган нур” достонида Навоийнинг ўз асарлари, халқ орасидаги тутуми орқали одамийлик, оқибат сингари юксак фазилатлар занжирини тутиб турганлиги ёритилган бўлса, “Сўз йўли” тарихий достонида эса Ҳазратнинг туркий тил мақомини юқори кўтариш учун чеккан машаққат ва заҳматлари дард билан қаламга олинади.

Забони форсий бир гулшану дилдор,
Кўҳна ва қаровсиз боғми – туркий тил?
У бир водиймидир – кенг ва баҳравор,
Туман ичра қолган тоғми – туркий тил?

Қайд этиш жоизки, достоннинг композицион қурилиши оҳорли. Шоир “Муқаддима”, “Биринчи қўшиқ”, “Муҳокаматул-луғатайн” чизгиларидан”, “Ўйлар”, “Иккинчи қўшиқ”, “Фарҳод ва Ширин” ҳикматларидан”, “Лайли ва Мажнун” ҳикматларидан”, “Сабъаи сайёр” ҳикматларидан”, “Садди Искандарий” ҳикматларидан”, “Учинчи қўшиқ”, “Лисонут-тайр” ҳикматларидан”, “Тасаввуф ҳайратлари”, “Тўртинчи қўшиқ”, “Хотима” каби бўлимларда ҳар бир асарга алоҳида тўхталади ва буюк даҳонинг туркий сўз йўли босқичма-босқич очиб борилади. Унинг калити сифатида лирик қаҳрамоннинг туш ва хаёл мотивларидан унумли фойдаланилган. Достонда халқ оғзаки ижодига хос нақл, афсона, матал, туш таъбири ва халқона қарашлар (“Қон – ёруғлик!”, “Нон ушоғи – нон ”)га кенг мурожаат қилинганига гувоҳ бўламиз.

Туман ичра қолган тоғдан янгради
Ваҳийдек дилрабо “Оразин ёпқач ...”
Чексизликлар томон ҳайрон қаради
Аҳли маъни – кўпдан янги завққа оч.

Навоийнинг “Оразин ёпқач ...”, “Очмағай эрдинг...” ғазаллари яратилганидан кейин Ажам шуароси буни ҳис этди ва “талотўм бошланди назмий очунда”. “Сабъаи сайёр” ҳикматларидан” бўлимида Навоийнинг шу асарни яратиш жараёни тасвирида келтирилган нақл тобора сайқаллашиб бораётган миллий адабиётимиз учун ғоят оҳорли. Ижодкорнинг новаторлиги ушбу нақлни қўллагани ҳамда бадиий асослай олганида кўринади.

Биттагина сўзни айтмоқ учун наҳот,
Умр бўйи чоғланар шоир?!..
“Муҳокаматул-луғатайн”
Мир Алишернинг
Ана шундай зўр сўзи эди,
Айтилмади бироқ у ҳали!

Дарҳақиқат, бу “зўр сўз”нинг айтилиши учун бир қанча асрлар ва ҳадсиз йўқотишлар керак бўлди. Достоннинг 1985-1990 йилларда ёзилганини инобатга оладиган бўлсак, бу даъво ўз тасдиғига эга. Биргина ўзбек тилига давлат тили мақоминиг берилишида фасоҳат мулкининг султони ҳазрат Навоийнинг ҳиссаси беқиёс. Унинг бу жасорати италиялик буюк шоир Данте Алигьери интилишлари учун ҳам хослиги муаллиф томонидан эътироф этилган. У бутун умр итальян тили мавқеини ҳимоя қилган. Ўз даврида ҳазрат Навоийнинг туркий тилларни юқори поғоналарга кўтаргани мукофоти сифатида асарда келтирилган байтлар адабий тилимизнинг нақадар жилодорлигини тасдиқлайди:

Аҳли маъни ҳайрон боқар, эл ҳайрон,
Жиловдор – шоҳ, султони соҳибқирон.
Тилга ҳурмат – шоҳни гадо айлаган,
Шоирни шоҳ айлаган,
Қадни расо айлаган.

Дарҳақиқат, ҳамма даврда ҳам, ҳар қандай жамиятда ҳам ўз она тилини улуғлаган ижодкорлар халқ эътирофига сазовор бўлиб келган. Шоирлар султони бўлмиш буюк даҳо Навоийнинг умр йўли, ижод олами, тахайюл ва тафаккур тарзи асрлар ошса-да, бутун олам аҳли учун кўзгу вазифасини ўтайди. Ҳар иккала достон ҳам замонавий ўзбек достончилиги тараққиёти учун етарлича манба бера олишига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отамурод И. Рухдан сизган нур. “Ёшлик” журнали. 2012 йил 11-12 сон.
2. Шукур Қ. Сўз йўли. kh-davron.uz
3. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси: Филол. фанл. док. дисс. – Самарқанд: 2004. – 258 б.

4. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек достончилигининг тараққиёт хусусиятлари. – Тошкент: 2016. – 267 б.

ИСЛОМ МАЪРИФАТИНИ ТАРҒИБ ЭТИШДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ
THE USE OF ALISHER NAVAI'S WORK IN THE PROMOTION OF ISLAMIC EDUCATION

Шарифа АБДУРАХМАНОВА
ЎзРПҲДБА тингловчиси

Аннотация: *Мақолада буюк шоир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий ҳазратларини муқаддас ислом динини тарғиб қилиш, инсонлар қалбида поклик, имон ва эзгу маънавий қарашларни шакллантиришдаги моҳирона тарзда амалга оширилган юксак маърифий аҳамиятга эга бўлган ижодига эътибор қаратилган.*

Annotation. *The article highlights the work of the great poet, statesman and public figure Alisher Navoi, with a high level of enlightenment in the promotion of holy Islam, the purity of faith, and the belief in the human spirit.*

Калит сўзлар: *ислом дини, шеърият, Қуръон оятлари, ҳадис, туркий тил, буюк ислом шоири,тарихий-тамаддун, футувват.*

Ҳазрати Алишер Навоий гуманизм, маърифат, маънавият ва муқаддас ислом динининг пок ҳамда тинчлик ғояларини ўз ижодида моҳирона қўллай олиши билан бутун шонли тарихда ўчмас из қолдира олди. Навоий туркий халқларнинг тили ва адабиётини жаҳон миқиёсига чиқара олган чинаккам даҳо сиймодир.

Навоий ўзининг юксак маънавий-маърифий ва бой илмий асарлари билан Гомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Саъдий, Шекспир ва Балзак каби жаҳон адабиётининг таниқли вакиллари орасидан муносиб ўрин эгаллади. Буюк Озарбойжон шоири Фузули Алишер Навоий ижодини юқори баҳолаб, уни Султони Салотини Шуаро деб билган. “Алишербек каби туркий тилни пухта биладиган ва шеър ёза олган ҳеч бир одам йўқ”, - деб таърифлаган эди Заҳириддин Бобур.

Алишер Навоий ўзининг шеърияти билан ўзбек адабиётини янги юқори поғоналарга кўтарди. Унинг ижодидаги мавзуларнинг хилма-хиллиги ва турли жанрларга бағишланганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Навоийнинг ислом маърифатини тарғиб этишдаги ижоди ўзининг серқирралиги билан жуда муҳим саналади. Унинг илк диний “Арбаин” ва “Муножот” асарлари бунга мисолдир. Шунингдек, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида 750 нафар сўфий шайхлар тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган.

Тарихдан маълумки, Турон замини ислом цивилизациясига тамал тошини белгилаб берган ва муқаддас ислом динини тараққий этишида асосий рол ўйнаган. Бу заминда ижод қилган буюк сиймолар яратган бой илмий, адабий мерос ўтган даврларнинг ҳар бир босқичида бирдек долзарблик касб этиб келмоқда.

Алишер Навоий яшаб ижод этган давр ўзининг сиёсий, ижтимоий ва маърифий мураккабликларга эга эди. Ислом динидан турли қарашлар билан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш инсонлар, айниқса ночор қатламни номақбул диний қарашларга оғдириш каби салбий иллатлар анча авж олиб улгурганди. Бундай вазиятда Навоий нафақат давлат арбоби балки, шоир сифатида ҳам инсонларга тўғри ва холис маърифатни етказиб бериши керак эди. Агар Навоий ижодига разм солинса, унинг диний йўналишдаги ижодида ислом маърифатидаги эзгулик ва поклик ғояларини оддий инсонлар учун тушунарли тарзда етказиб беришга ҳаракат қилган.

Ҳазрат Навоий ўз асарларида Қуръони каримдан кенг фойдаланган унинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Хамса”, “Ситтаи зарурия”, “Насойим ул муҳаббат”, “Сирож ал- муслимин” каби асарларида, умуман назм ва насрдаги ёзма меросида ислом масалалари бўйича кўп ҳолларда Қуръон оятларига асосланган мулоҳазалар баён қилинганини кўриш мумкин.

Унинг асарларини ўрганиш ва ўргатиш барча замонлар учун долзарб. Инсон камолоти хақидаги қарашларини ҳар бир асарига сингдирган шоир ўз даврида шаклланган таълимотларни ҳам ўрганди, улардан мажозий йўлда фойдаланиш имконини топди. Улардан бири футувват таълимотидир. “Футувват” сўзи ботирлик, саҳийлик, жавонмардлик ва яхши хулқ деган тушунчаларини беради. Футувват таълимоти эса - мардлик тариқати, ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, фидойилик ҳамда фидокорлик илмидир.

IX асрдан бошлаб футувват ва мардоновор ҳаракатлар диний адабиёт доирасидан четга чиқиб, ёзувчи ва ҳикоячилар томонидан куйга солиниб, қаламга олина бошланди.

Навоий футувват таълимоти борасида, айниқса, “Сабъаи сайёр” достонида муҳим фикрларни билдириб ўтади. Унинг мазкур достонида илгари сурилган муҳим инсонпарварлик ғояларини футувват таълимотидаги

саховат, жавонмардлик каби масалаларга боғлаб, ғоявий бадиий нуқтаи назардан ўрганиш долзарбдир.

Шу тариқа, адабиётшуносликда ҳам диний маърифатни тарғиб қилиш Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда келтирилган эзгулик ғоялари асосида шакллана бошлади дейиш мумкин.

Жаҳон адабиётшунослигида миллий адабиётларнинг диний руҳиятга кучли эҳтиёж сезиши ва ундан озиқланиши борасида жуда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Мусулмон мамлакатларида адабиётнинг Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан олган таъсири, кўплаб диний мавзуларнинг сўз санъати орқали ифодаланиши илмий ўрганиш энг долзарб масалалардан бири саналади, чунки мусулмон цивилизациясининг тамал тошларидан бири ислом динининг моҳиятида акс этган инсонпарварлик ғоялари ҳамда маънавий-маърифий ва адабий мотивлардир.

Жамиятнинг диний-руҳий асослари ва халқимизнинг кўп асрлик маънавий-аҳлоқий меросини ўзида мужассам этган ислом маданиятини атрофлича ўрганиш ҳамда маданий-тарихий тикланиш бўйича муҳим тадқиқотлар амалга оширилди. Ўзбек мумтоз адабиётининг тарихий-тамаддуний илдизларини, унинг тараққиётига замин ҳозирлаган диний-ғоявий, маънавий-маърифий сарчашмаларни чуқур ўрганиш ҳамда дунёга танитиш бўйича теран тадқиқотлар юзага келди. “Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз...Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авйлашга даъват этади” [6]. Шу жиҳатдан ҳам ислом дини ва миллий адабиётнинг ўзаро таъсири мезонларини, жумладан ислом маърифатини, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқинини Алишер Навоий ижодидан фойдаланиш орқали амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

XV асрнинг буюк мутафаккири Алишер Навоий нафақат шеъриятда сўз санъати орқали ифодаланишида ижод қилди, балки халқлар тарихи, динлар билимдони ҳам эди. Етук шеърий асарлари билан бир қаторда унинг ижодида

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулки Ажам” – “Араб бўлмаган мусулмон мамлакатлари тарихи”, “Хамса”, “Ситтаи зарурия”, “Насойим ал-муҳаббат”, “Тарихи анбиё ва хукамо”, “Сирож ал-муслимин” каби асарларида, умуман назм ва насрдаги ёзма меросида ислом масалалари бўйича Қуръон оятларига асосланган мулоҳазалар баён қилинганини кўриш мумкин.

Навоий адолатни кенг маънода тушунади, уни инсондаги аҳлоқий фазилатларининг юксак шакли сифатида талқин қилади. Унинг таъкидлашича, адолат энг яхши фазилат бўлиб, айниқса жамиятнинг илғор

қисми – ҳукмдорлар табақасида бўлиши шарт. Аслида, адолат – бу кишилар ўртасидаги тенгликни назорат қилишдир. Бир тоифа иккинчи тоифа устидан тазйиқ ўтказмаслиги, зўравонлик қилмаслиги лозим. Адолатнинг ҳуқуқий томони Қуръон ва шариат қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилишдан иборат, деб тушунган. Исломда адолат билан иш тутиш Тангри таоло олдида намозу рўза, закоту ҳаждан афзалроқ ҳисобланади. Шоир адаолат тушунчасини фақат аҳлоқий, ҳуқуқий талқин қилиш билан чекланиб қолмасдан, унинг сиёсий томонига ҳам эътибор беради. Адолат сиёсий тушунча сифатида давлатни оқилона бошқаришни билдириб, давлат бошлиқларининг сиёсий фаолиятига баҳо беришда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Навоий адолатни мамлакат фаровонлиги, хазинанинг маъмурлиги, бойликнинг кўпайиши, шаҳар ва қишлоқларни гуллаб-яшнаши билан боғлайди.

Навоий ҳадисларининг деярли барчаси комил инсон аҳлоқига оид қарашларни ўзида акс эттирганини кўришимиз мумкин. Ҳадисларда инсонлар яхшилик қилишга чорланади, ёмон иллатлардан қайтарилади, умуман олганда, улар инсоннинг ҳаёт ва жамиятдаги вазифасини англатади. Масалан, “Инсонларнинг энг яхшиси – инсонларга фойдаси тегадиганидир” деган ҳадисни Алишер Навоий туркий тилда шундай ифода этади:

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?
Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин.
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпрак улусқа нафъ андин.

Кўриб ўтганимиздек, ушбу шарҳ орқали инсоннинг улусга – жамиятга хизмат қилиши улуғланяпти.

Шоир ўз диний асарларида инсонни икки оламнинг сарвари, Аллоҳнинг дунёни яратишдан кўзланган мавсади янглиғ қаламга олди. Шундай эканми, демак инсон умрини эзгуликларга интилиб ўтказиши керак. Аллоҳнинг ундан кутгани – шу. Демак, шундай ҳояларни тараннум этган буюк қалб эгасининг ўз ҳаётида ҳам мазкур ақидаларга мос ишлар қилиши табиий эди.

Навоий умрининг сўнгида аҳлоқий-панднома руҳидаги насрий “Маҳбуб ул-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) асарини ёзди. Бу асар миллий-исломий аҳлоқнинг ажойиб намунаси, муаллиф бадиий насрининг энг гўзал намуналаридан биридир.

Алишер Навоийнинг мазкур диний йўналишдаги асарларини ўрганиш орқали унинг динга бўлган муносабати, эътиқоди билан боғлиқ муайян маълумотлар олиш билан биргаликда, унинг ислом илмларининг етук билимдони эканлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қиламиз. Бу улуғ шоирнинг ўз

даври ижтимоий ҳаётида тутган ўрни нечоғлик муҳим бўлганлигини белгилаб берувчи ўзига хос омил эканлиги билан аҳамиятли саналади.

Шунинг учун ҳам у кишининг асарларининг асл манбаларига назар солинса, уларнинг булоғини суриштирилса, «Навоий – буюк Ислом шоири» экани аниқ равшан бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий яратган ўчмас ва ўлмас бой мероси замонлар ва даврлар учун бирдек долзарб бўлиб, маъно ва мазмун жиҳатидан ҳанузгача жуда аҳамиятлидир. Агар ҳар бир одам ўзгалар учун интилса, бошқаларнинг ғамини еса, унда бутун жамият бир бирига ёрдам берадиган, бир бирини қўллаб-қувватлайдиган саховатли, мард ва пок инсонлардан ташкил топиб ҳаётимиз янада файзли ҳамда нурли бўлади. Сиз ўзгаларга яхшилик қилсангиз у бошқаларга яхшилик қилади. Шу тариқа, хайр-у барака, эзгу одатлар тантана қилиб боради. Бобомиз ҳазрат Навоий шу улуғ мақсадларга бел боғлаб яшаганлар ва дунёга ном таратганлар.

Бугунги кунда ёш авлодни маънавий камол топишида Навоийнинг бой меросидан оқилона фойдаланиш, ёшлар қалбида садоқат ва иймон туйғуларини мустаҳкамлаш ҳамда келажак авлодларга муносиб тарзда етказиш ҳар бир инсоннинг вазифасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Тошкент, “Академнашр”, 2011.
2. Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик, 13-жилд. Т: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1966.
3. Алимбеков. Алишер Навоий ва турк адабиёти \\ Алишер Навоий ижоди ва Шарқ адабиёти (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент: Шарқшунослик институти, 2011.
4. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1976.
5. Хондамир, Ғиёсиддин. Макорим ул-ахлоқ: тарихий асар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи //Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь.
7. Ҳомидов Ҳ. Tasavvuf allomalari. –T.: Sharq, 2009. – 208 б.

NAVOIY NASRIDA BADIIY MAHORAT MASALALARI
THE ARTISTIC SKILL ISSUES IN PROSE OF NAVAI

Sadoqat SOBIROVA

Annotation: *This article is about Navai`s preceptor Sayyid Khasan Ardasher.Kholoti Sayyid Khasan Ardasher" is memuar creature about Khasan Ardasher.In this book fiction arts are expressed.*

***Kalit so`zlar****: Badiiy mahorat, poetik ijod, badiiy san`at, fikrning ta`sirchanligi, original o`xshatish, bo`rttirilgan tasvir*

Ulug` o`zbek shoiri Alisher Navoiy o'zining sermahsul badiiy ijodida badiiy san'atlardan keng va o`rinli foydalandi. Bu hol shoirning faqat lirik asarlaridagina emas , balki epik asarlarida ham yuksak mahorat bilan namoyish etildi. Bunday yuksak badiiy mahorat bilan yaratilgan Navoiy asarlaridan biri "Holoti Sayyid Hasan Ardasher"dir.

Sharq poetikasining "fikrni ravon va nafis ifodalash yo`llari va vositalari, badiiy san'atining turlari hamda xususiyatlari kabi masalalarni o'z ichiga oluvchi sohasi bo'lgan ilmi bade ham Navoiy ijodida o'zining chiroyli ifodasini topdi".

Fikrimizning dalili uchun Navoiyning Sayyid Hasan haqidagi holotida qo'llanilgan badiiy san'atlarning eng muhim turlariga to`xtatilib, ularga doir misollar keltiramiz.

Asarda ko'zga tashlanadigan san'atlarning eng birinchisi saj'dir. Saj'(arabcha –bulbul,to'ti,qumri kabi qushlar ovozining uyg'unlashib kelishi so'zidan) – badiiy so'z san'atining biri bo'lib ,u bir yoki bir necha gaplardagi ayrim so'zlarning yo vaznda,yo raviyda (qofiyada) yoxud har ikkalasiga mos kelishi, qofiyalanishi natijasida yuzaga keladi.Saj' o'tmish badiiy, publitistik, axloqiy-pandnoma, falsafiy hamda tarixiy-estalik adabiyotimizda keng qo'llanilgan. Saj' san'ati qo'llanilgan nasr nasri musajja, nazm nazmi musajja deb yuritilgan. Sajlangan matn ravon o`qiladi ohangdorlik kasb etadi va kishining xotirasida mustahkam saqlanib qoladi. Saj' san'ati o'z tuzilishi jihatidan uch xil bo`ladi:

1.Saj'i mutavozin (to'liq saj') .Bunda saj'lanuvchi so'z yoki birikma ham vaznda , ham raviyda bir-biriga mos keladi.Masalan,

a)"Soliki foniy va gavhari koniy…"

b)"… va nihoyati mahoratdir qushbegilik mansabiga yetubdur ,balki mundan dag'i ko'p b iyikroq manosib kasb etibdur…"

v)"…ba'zi ab'yotin ko'p o'qurlar erdi va majolisda xushvaqt bulurlar erdi"

g) ”va shahrning sozanda va xonanda va guyandasi..”

2. Saj’i mutarraf (qofiyali saj’).Bunda saj’lanuvchi so’z yoki birikma raviyda bir-biriga mos bo’lib,vaznda teng bo`lmaydi.

a) ”tab’i xo’p va surati mahbub…”

b) ”va bu faqirni faqr tariqida dalolat va irshod qilurlar erdi va nazm ayturg’a targ’ib ko’rguzurlar erdi ”

v) ”…va alardin har xato va zalal voqe’ bo’lsa muvoxazasiga mashgul bo’lmagaylar va islohig’a ko’shish qilgaylar va saxvlarni avf etib yuzlariga kelturmagaylar ”

g) ”yana bir majlisda qarilig’ning mashaqqatlarining bobida so’z o'tadur erdi,har kishi bir nima deydur erdi”

3. Saj'i mutavozii(vazndosh saj').Bunda sajlanuvchi so’z yoki birikma vaznda bir-biriga teng bo’lib ,raviyda bir-biriga mos kelmaydi.Masalan,

a) ”Hirot xalqining o’z tavrida yagonasi va nodirasi erdu

b) ”… ul darveshlar xonaqohlari anvorida voqe' bo’lib erdu va ul yerdinkim,iltifoti zotiysi bu faqir bila bor erdi”

“Holoti Sayyid Xasan Ardasher ”asarida uchraydigan badiiy san’atlardan yana biri tashbehdir.Tashbeh san’ati asarda keltirilgan she’riy parchalarda uchraydi.Tashbeh shunday san’atki,unda so’zlarda ifodalangan ikki va undan ortiq narsa va hodisalar ,xususiyatlar o’rtasidagi mavjud bo’lgan o’xshashlik,sifat,belgi va vazifadagi umumiylik qiyoslanadi,tasvirlanayotgan narsa-hodisaning ayrim xususiyati yorqin va chuqurroq ochib beriladi.Masalan,

a) Ulki xusi yetti boxona yelni shaydo qilg’ali

Ko’zgudek qildi meni o’zini paydo qilg’ali

b) ”Pok gavharki,bo’ldi pok shior

Shahar boshi ustida yeri bor ”

Navoiy asarda keltirilgan she’riy parchalardagi tasvirda biror doston afsonaviy voqea,masal,mashhur asarlar va ularning qahramonlariga ishora qilish yo’li bilan fikrini ixcham, lo’nda qilib ifodalovchi talmeh san’atlari namunalari ham uchraydi.Talmeh arabcha so’z bo’lib “yashin chaqnashi, ko’z qirini tashlash, yalt etib qarash” degan ma’nolarni ifodalaydigan so’zdir. Shoir o’z fikriy yo`nalishi davomida tasvirlanayotgan voqelik yoki timsol holatini yanada erkinroq ifodalashga erishish uchun dunyo klassik adabiyoti jahon tarixi va xalq og’zaki ijodida bo’lgan hodisalar yoki qahramonlarni yo’l-yo’lakay eslatib o’tadi.Talmeh san’atini qo’llashdan maqsad shu voqea tipining aniq sharoitdagi ahvolini qadimgi yoki yaqin o’tmishdagi ma`lum va mashhur hodisalar foni yonida ko’chirib o’z fikrini ham aniqroq , ham to’laroq ham mubolag’aliroq tarzda gavdalantirishdan iborat. Shuni ham uqtirish kerakki, eslatilayotgan hodisa yoki shaxs, albatta

qadimiy bo’lishi shart emas, biroq o`quvchiga yaqin tanish bo’lishi zarurdir. Masalan,

a) Ko’p xunarlik qilsa shaklarga etar dansozlik
   Qush tilini bilgan Sulaymong’a etar xamrozlik
b) ”Laylat ul-merojning sharxi sochi tobindadur
   Qoba qavsayi ittixor mehrobindadur”

Asarda uchraydigan san`atlaradan biri mubolag`adir. Mubolag`a u yoki bu narsa, xususan, voqea va belgini o`ta kuchaytirib, orttirib tasvirlash vositasidir. Ko`p hollarda mubolag`a metafora, jonlantirish, o`xshatish kabi badiiy vositalar bilan birgalikda qo`llaniladi.

Sharq klassik adabiyotshunosligida mubolag`aning o`zi uch turga ajratilib, har bir tur alohida nom bilan yuritilgan , va ular bir-biridan o`ziga xos nozik xususiyatlar bilan farqlangan.

1.Tasvirning bo`rttirilishi aqlga muvofiq kelsa ham , biroq real hayotda bunday bo`rttirishni uchratish qiyin.Mubolag`aning bu turi tablig` deb ataladi.

Furqatingdan za`faron uzra to`karmen lolalar,
Lolalar ermaski bag`rindin erur pagolalar

2. Bo`rttirilgan tasvirni tasavvur qilish mumkin , biroq bunday bo`rttirish amalda hech uchramaydi.Mubolag`aning bu turi ig`roq deb ataladi.

Noziklik ichra beliga yo`q tori iluyi,
O` z haddini belidin o`lturur quyi.

3. Bo`rttirilgann tasvirni o`quvchi tasavvur ham qila olmaydi, real hayotda ham uchrata olmaydi. Bunday o`ta mubolag`a g`uluv deb yuritiladi.Mubolag`aning bu turi real holatda uchramaydi.

Badiiy san`atlardan bo`lgan tazod (arabcha “qarshilantirish”) bir-biriga zid bo`lgan tushunchalarni ifoda etuvchi so`zlarni ma`lum bir maqsadga bir-biriga uzviy bog`lab ishlatish usulidir.Tazodda bir-biriga zid narsa va tushunchalar to`qnashtiriladi.Tazod qisman antiteza usullariga ham o`xshaydi : ularning har ikkalasida bir-biriga zid tushunchalar to`qnashtiriladi.

Ularning bir-biridan farqli jihatlari ham bor : antitezada to`qnashuvchi bir-biriga zid narsalar ikki mustaqil manbadan kelib chiqadi, tazoddagi to`qnashuvchi narsalarning esa kelib chiqish manbai bir bo`ladi.

O`yla oshiqki , hijrondin qo`rqub dardu malol,
Shodlig`din yig`lagay topg`onda davroni visol

Muayyan maqsadni obrazli ifodalash , rang-barang ma`no turlarini hosil qilish uchun she`rda qo`llaniladigan poetik vositalardan bo`lgan tardi aks baytdagi so`zlar tartibining teskari holda takrorlanib kelishidan iboratdir.

O`zidan elga daryo - qatra oso,
Vale eldin o`ziga qatra-daryo

"Holoti Sayyid Xasan Ardasher" asaridan Sharq poetik atamashunosligida "rad-ul-aruz il-al-ibtido" deb ataluvchi san`at turiga ham misol topish mumkin.Yevropa poetik nazariyasidabu san`at anadiplosil (grekcha anadiplosis - ikkilantirish so`zidan) deb nomlanadi.Bunga ko`ra , birinchi misraning oxirida kelgan biror so`z ikkinchi misra boshida takrorlanib keladi.

"Furqatingdin zafaron uzra to`kariyin lolalar,

Lolalar ermaski bag`rindin erur parcholalar"

Adabiyotshunoslikka oid asarlarda tasvir davomida maqol qo`llash hodisasiga tamsil deb qaraladi.Tamsilning lug`aviy ma`nosi maqol keltirish bo`lib, poetik usul sifatida bir muhokama va mulohazani maqol bilan tasdiqlash usulidir.Irsoli du masal – ikki maqol keltirish , masalayi – ikki maqol, irsolul masal fil bayti – baytda maqol keltirish demakdir.

“Labing ko`rgach iligim tishlaram har dam taxayyurdin ,

Ajab holatki , tutmay balni barmoq yalaydurmen”

Tamsilning vazifasi biror muhokamani faqatgina tasdiq va ma'qullashdangina iborat emas : har bir so`z sana`tkori zikr etgan maqoliga turli-tuman munosabat bildirish mumkin.

Alisher Navoiyning “Holoti Sayyid Xasan Ardasher” asarida keltirilgan lirik parchalar Navoiyning yoxud ustozlarining qalamiga mansubdir. Bu she`rlarda Sharq poetikasining ilmi qofiya tarmog`ini puxta egallagan shoirlarning muhim yutuqlarni qo`lga kiritganligi ko`rinib turibdi. Qofiya she`riy misralardagi ayrim so`zlarning, ba`zi qo`shimchalar , hijo'lar yoki so`z birikmalarining bir xilda o`zaro ohangdosh bo`lib kelishiga asoslangan, faqat she`riyat uchungina xos bo`lgan muqim belgilardan biri, qofiya she`rning tovush tuzilishiga , ritmik tarkibiga , intonatsiyasiga, sintaktik-semantik bog`lanishida , band tuzilishda muhim vazifani bajaradi, shuning uchun qofiya she`riy nutqni ohangdor va ta`sirli qilishga xizmat qiladi.

Sharq poetikasining qofiyaning o`ziga xos nazariyasi b`olib , bu nazariya qofiya tarkibini fonetik jihatdan , to`laroq tekshirishda imkoniyatlarga ega.Unga ko`ra qofiya raviy(lug`aviy ma`nosi tuyaga yuk bo`g`langan arqon) harfidan iborat.Masalan “vafo-jafo” so`zlaridan o tovushi , “vafodor-jafodor” so`zlaridagi r tovushi raviydir.

Bu nazariyaga ko`ra , qofiyada raviydan tashqari yana 8 element mavjud bo`lib, bulardan 4tasi ridf,qayd,ta`sis,dahil raviydan oldin , 4tasi vasl,huruj, mazis, noira raviydan keyin keladi.

Qofiyalanuvchi so`zga raviydan keyin hech qanday element bo`lmasa, bunday qofiya “Qofiyayi mujarrad” , ya`ni yalang`och qofiya deb yuritiladi.Masalan , xolotdagi quyidagi misralar qofiyasi shunday tuzilgan

“O`yla oshiqki , hijrondin ko`rib dardu malol

Shodlig`din yig`lagay topqonda davronu visol”

Bu yerdagi “malol – visol ” so`zlaridagi l tovushi raviydir.Raviydan keyin esa hech qanday element yo`q.

Yuqoridagi nazariyaga ko`ra , raviydan oldin keluvchi elementlar quyidagilar .

1.Ridf(mingashish) – undosh raviydan oldin kelgan uzun unli

Masalan ,

“Pok gavharki , bo`ldi pok shior,

Shohlar boshi ustida yeri bor”

Ya`ni “shior-bor” so`zlaridagi r tovushi raviy, uning oldidagi uzun unli ridfdir.Ridfli qofiya qofiyayi muraddafa deyilad.

2.Qayd(bog`lovchi) – raviydan oldin kelgan harakatsiz undosh tovush qofiyai muqayyadaga ega bo`lgan she`riy parchalar xolotda uchraydi.

3.Ta`zis (asoslovchi) - roviydan oldin kelgan bir harakatli undoshdan ilgari keluvchi uzun unli.

Masalan ,

Ketarga kelur munga shohu gado,

Agar hud o`g`uldur ba gar hus ato

"gado-ato" so`zlaridagi a tovushi ta`sisdir.O tovushi esa raviydir.Ta`sisli qofiya qofiyayi muassasa deb ataladi.

4.Daxil(oraga kiruvchi) - raviy bilan ta`sis orasida kelgan harakatli undosh.Masalan , yuqorida keltirilgan misoldagi "gado-ato" so`zlarining d va t tovushlari daxildir.

Raviydan keyin keluvchi elementlar quyidagilardan iborat:

1.Vasl(ulanish) - raviydan keyin takrorlanuvchi harakatsiz undosh yoki uzun unli Vassli qofiya iuvassala deb yuritiladi

Masalan ,

Furqatingdan zafaron uzra to`karmen lolalar ,

Lolalar ermaski bag`rindinn erur pargolalar

"Lolalar-pargolalar" aniqrog`i "lola-pargola" so`zlaridan keyingi a tovushlari raviy, "-lar" dagi a tovushi esa vasldir.

2.Xuruj(chiqish) - vasldan so`ng takrorlanuvchi harakatsiz undosh undosh tovush yoki uzun unli.

Yuqoridagi misolga qayta murojaat etamiz."lola-pargola" so`zlaridan a tovushi raviy , "-lar"dagi l tovushi vasl,hozirgi r tovush esa xurujdir.

3.Mazid(orttirilgan) xurujdan keyin keluvchi harakatsiz undosh tovush yoki uzun uzun unli masalan ,

Laylat ul-..... sharhi sochi tobindadur

Qoba qavsayn ittihodi qoshi mehrobindadur

"Tobindadur - mehrobindadur" so`zlaridagi b tovushi raviy, n tovushi vasl ,

birinchi d tovushi huruj va ikkinchi d tgovushi maziddir.

4.Noira (o`zini ..... oluvchi ) -maziddan so`ng keluvchi eng oxirgi eng oxirgi tovush.Masalan , yuqorida keltirilgan "tobindadur-mehrobindadur" so`zlaridagi oxirgi r tovushi noiradir.

Raviydan keyingi elementlarni hamma vaqt so`z o`zgartiruvchi yoki shakl yasovchi qo`shimchalardan qidirish maqasadga muvofiqdir.

Demak , sharq klassik qofil nazariyasi o`z xarakteri jihatdan juda ham mukammal ishlangan fonetik nazariyadir.Shuning uchun ham klassik va hozirgi davr she`riyatidagi qofiya mana shu nazariya asosida tekshirilsa maqsadga muvofiqdir

She`riyatda radif ham muhim ahamiyat kasb etadi. Radif she`riy misralarda kofildan keyin keluvchi so`z, so`z birikmasi yoki gapdir. Klassik arab poetikasida kofil elementlaridagi raviydan so`ng keluvchi takrorlangan harflar ham radif hisoblanadi. Radif faqat lirik poeziyaga mansub janrlarga qo`llaniladi. Masnaviy baytlarida uchraydigan qofildan keyingi takrorlarni radif hisoblab b`olmaydi. Demak,radif birinchidan lirik janrlarga mansub asar misralardagi so`zlarning qofildan so`ng kelishi, ikkitasidan, bir asar doirasida to`liq qo`llanishi, uchinchidan radif bo`luvchi qismi mustaqil so`z , so`z birikmasi yohud gap b`olishi, to`rtinchidan , asardagi u yoki bu ma`noni ta`kidlab, kuchaytirib, urg`u berib kelishi lozim.

O`rganilayotgan asarda radifli she`riy parchalar kamchilikni tashkil etadi. Masalan ,

1.Rindlardin bir aningdek yo`q jo`r ogoh rind,
Shoh edi rind ahliga , balki erdi shohi rind
2.Ulki husni etti bahona elni shydo qilg`ali,
Ko`zgudek qildi meni o`zini paydo qilg`ali
3.Bu ish erur vasoyat aqli kishi
Qila olmas bu ishni o`zga kishi

Ushbu misollardan ko`rinib turibdiki , asarda asosan bir so`zli radifdan iborat she`rlar keltirlgan.(rind,qilg`ali,kishi)

Shuni ham aytib o`tib joizki , holotdagi she`riy misralarda hojib ham uchraydi.Ya`ni bunda ma`lum so`z yoki birikma kofildan oldinda takrorlanib keladi: masalan ,

Ko`p hunarliq kimsa shohlarga etar damsozliq,
Qush tilin bilg`an Sulaymong`a etar hamrozliq

Ushbu misolda "etar " so`zi hojibdir.

Umuman olganda, Navoiyning "Holoti Sayyid Hasan Ardasher" asari faqatgina unda ifodalangan mazmunning salmoqdarligi bilan emas, balki yuksak badiiy mahorat bilan yaratilganligi uchun ham adabiyotimizda muhim o`rin tutadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Valixo`jayev B.N. O`zbek adabiyotshunosligi tarixi. – Toshkent: O`zbekiston nashriyoti, 1993

2. Komilov N. Tasavvuf. 1-tom. – Toshkent: Yozuvchi, 1996.

3. Hayitmetov A. Navoiyxonlik suhbatlari. – Toshkent: O`qituvchi, 1993.

ALISHER NAVOIY TERMIZIY ALLOMALAR ZIKRIDA

Bobonazar MURTAZOYEV,

katta o‘qituvchi, f.f.n. , Termiz davlat universiteti

Annotatsiya: *Maqolada Alisher Navoiyning “Nasoyimul muhabbat” asarida termizlik allomalar tafsifi, Jomiy va Navoiy davrida hadis ilmiga e’tibor, hadis sabog‘iga ehtirom katta bo‘lib, hadislardan tarbiya vositasida istifoda etish an’anasi mavjud ekanligi haqida so`z boradi .*

Kalit so`zlar: *hadis, ilmi ilohiyot, tarbiya, tavsif, shayx, avliyo, vasf, alloma.*

Alisher Navoiyning “Nasoyimul muhabbat” (1496) asarida termizlik allomalardan Muhammad binni Ali Hakim Termiziy (vafoti 869), Abu Bakr Varroq Termiziy (vafoti 893), Abu Zarr Termiziy (1X asr), Muhammad ibni Homid Termiziy (IX asr), Yusuf Hayot Termiziy (IX asr), Abu Nasr Muhammad Termiziy (IX–X asr), Abulmuzaffar Termiziy (1X–X asr), Sayyid Burhoniddin Termiziy (vafoti 1240) va qisman Iso Termiziy (824–892)lar xususida qimmatli ma’lumotlar uchraydi.[1] Termizda IX–X asrlar ilmi ilohiyot bobida shakllangan maktab bo‘lib, ushbu maktabning sardaftari Hakim Termiziy edi. Alisher Navoiy alloma Hakim Termiziy haqida: “...Mashoyixi kibordindur... va ko‘p hadisi bor va zohir karomoti va tasonifi dag‘i bor”[2], – deydi. Alisher Navoiy ul zoti oliyning tafsir bita boshlagani, ushbu tafsir tugamay qolganini ham aytib o‘tadi.

Alisher Navoiy ul zotning Abu Turop Naxshabiy(vaf.860), Ahmad Hizraviya (vaf.855) va Ibni Jalo kabi ustodlardan ta’lim olgani, ular bilan ilmiy bahsu munozara qilgani hamda Hakim Termiziyning muborak qalamlari ila sayqal topgan “Xatm ul-valoyat” (“Avliyolar muhri”), “Nahaj” (“Yo‘riqnoma”), “Navodir ul-usul”dek kitoblarini eslatadi. Darhaqiqat Hakim Termiziyning 120 dan ziyod tasnifoti ichida ”Xatm ul-valoyat” va “Navodir ul-usul” asarlari uzoq o‘tmishda Arabu Ajam dunyosida mashhuru manzur edi. Hozirda ham bu asarlarning dovrug‘i ayrichadir, ularning Qohira va Bayrut nashrlari bor hamda ingliz, nemis,

[1] Навоий А. Асарлар. 15 томлик. 15 Т. –Тошкент: бадиий адабиёт, 1968. 248 б.
[2] Шу манба. –Б. 86-87.

fors tilida tarjimalari amalga oshirilgan. Alisher Navoiyning guvohlik berishicha “Kashful mahjub” (“Sirlar kashfiyoti”) muallifi Hujviriy (1010–1072)ning ustozi Abulfazl Hasan Xatliy (X asr): “Muhammad durri yatimdurki, olamda adili (o‘xshashi) yo‘qdur”, Xoja Bahouddin Naqshband (1318–1389): “qudvat ul avliyo” (“valilar mayog‘i”), Shayx Ruknuddin Simnoniy (1258–1335) “Bidoyat ul–avliyo, nihoyat ul–anbiyo” (“avliyolarning boshlanishi, payg‘ambarlarning oxiri”) deya Hakim Termiziy vasfida maqtovu olqishlar aytgan ekanlar. Va yana Bahouddin Naqshband aytar ekanlarki: “…har qachon kudvat ul–avliyo Xoja Muhammad Ali Hakim Termiziy ruhig‘a tavajjuh voqe’ bo‘lur erdi, ul tavajjuh asari mahzi besifatlig‘ zuhuri erdi va har necha ul tavajjuh sayr voqe’ bo‘lur erdi, hech asare va garde va sifate mutolaa tushmas erdi” (Nasoyim.–B.85). (“Har qachon avliyolar mayog‘i Xoja Muhammad Ali Hakim Termiziy ruhoniyatiga tavajjuh qilsak, bu tavajjuhning ta’siri sof besifatlik holatida bo‘lur edi. Bu besifatlikda hech bir ish ko‘zga tashlanmasdi”.) Shuningdek, “Nasoyim»da Hakim Termiziyning shogirdlaridan «qalblar jodusi” laqabini olgan Abu Ali Juzjoniy ham eslatib o‘tiladi: “Muhammad b.Ali Termiziy bila va Muhammad Fazl Balxiy bila suhbat tutubdur va alarg‘a qarib us–sindur” (Nasoyim.–B.89).

Hakim Termiziy o‘z davrining xoja (choriyorlar avlodi), hakim (donishmand, goho tabib), muhaddis (hadischi), orif (xudoshunos), hofiz (qur’onxon), zohid (so‘fiylik targ‘ibotchisi), imom (diniy peshvo, hazrat Ali avlodlari), shayx (murshid fiqhshunos), avliyo (vali, Ollohga yaqin kishi), sayyid (Muhammad avlodlarining faxriy unvoni), al–muazzin (azonxon, so‘fi ham deyiladi) unvonlariga ega bo‘lgan. Ul zoti oliylarining oromgohlari peshtoqida bitilgan ushbu so‘zlar ham buni to‘kis tasdiqlaydi: “Marqad ul–shayx ul–imom ul–orif ul–vali Abu Abdulloh Muhammad ibni Ali al-Hakim at-Termiziy”. Hakim Termiziy oromgohlari ayni mahalda muqaddas sajdagoh tarzida mashhur bo‘lib, o‘z zamonida qutlug‘ ibodatxona vazifasini bajargan. Ushbu masjidda ikki rakaat duoi fotihani bajo keltirish o‘zga joylarda tilovot etilgan yetti yuz rakaatga bemalol teng kelar ekan. Xoja al -Hakim at- Termiziy yana “Sodot ul-mashoyix” nisbalari bilan atalib, el orasida aksar “Hakim” unvoni bilan mashhur bo‘lgan. Hakim Termiziy o‘zining “Nazoirul qur’on” (“Qur’onga nazar”) asarida “hakim” so‘zini quyidagicha izohlaydi: “Hakim – ilmning ichki tomonini tushunuvchi demakdir”[1], Alisher Navoiy, Hakim Termiziyning kunyatlari Abu Abdulloh, ismlari Muhammad va otalarining ismi–shariflari Ali ekanligi xususida ham shahodat beradi.

Alisher Navoiy avliyo Hakim Termiziyning eng yaqin shogirdi va safdoshi, sirdoshi Abu Bakr Varroq haqida to‘lqinlanib so‘zlaydi: “... asli Termizdindur.

[1] Шайх Абдуғони Абдулло. Ал-Ҳаким ат-Термизий \\ Совет Шарқи мусулмонлари. 1990. №4. –Б. 14.

Qabri ham andadur... Abu Iso Termiziyning tag‘oyisidur... Va “Tavrot” va “Injil” va kutubi osmoniyni o‘qubtur va she’r devoni ham bordur...”[2] va uning tabarruk so‘zlaridan ushbularni keltiradi: «hukmronlarning fojiasi zulmdandir, olimlarning fojiasi ta’magirlikdandir, fuqaroning fojiasi riyokorlikdandir”. Abu Bakr Varroq yana shunday o‘git qilar ekanki: “Ko‘p gapirish yurakni xastalantirar ekan”. Ul zoti sharifning kunyati Abu Bakr, ismi Muhammad, otasining ismi Umar, Hakim unvoni, Varroq taxallusi, Termiziy Termizdan ekanligiga ishora. Abu Bakr Varroqning tasavvuf tariqatini rivojlatinrishdagi xizmatlari ulkandir, u bu sohada ko‘plab shogirdlar yetkazdi. Uning Abulqosim Hakim Samarqandiy, Bakr Sug‘diy, Hoshim Sug‘diy, Homid Termiziy, Solih binni Maktum singari qator shogirdlari bor edi. Shogirdlaridan Hakim Samarqandiyning aytishiga qaraganda, Varroq Termiziy g‘aribona umr kechirgan, boylikka qiziqmagan va Xudoga ta’zim bilan mashg‘ul ekan.

Alisher Navoiy donishmand Abu Bakr Varroqning yetuk shogirdi, termizlik mashhur shayx Muhammad ibn Homid Termiziy haqida naql qilar ekan, u kishining ajoyib so‘zlarini keltiradi, Homid Termiziy aytar ekanki: “Insonni eski choponda yurgani birovning yangi to‘nini kiyib yurgandan yaxshiroqdir” yoki yana “Sening sarmoyang ko‘nglingdur va vaqting”, ya’ni sarmoya – boylik, boylik bu – qalb, demak, Ollohni qalban his etish – tasavvufning bosh g‘oyasi. Ollohni oddiy ko‘z bilan emas, balki qalb ko‘zi bilan ko‘ra bilish tashviqoti tasavvufning yetakchi mohiyati, zero tasavvuf talqinida qalb – imon nurining ma’dani. Alisher Navoiy ayni choqda Homid Termiziyning o‘g‘li – Xuroson mashoyixlaridan Abu Nasr Muhammad Termiziy haqida ham ma’lumot berib o‘tadi.

“Nasoyimul muhabbat”da yana termizlik ulug‘ zotlardan Homid Termiziyning shogirdi Abulmuzaffar Termiziy to‘g‘risida ma’lumot mavjud. Alisher Navoiyning yozishicha, Abulmuzaffar Termiziyning sevgan so‘zlari quyidagicha ekan: “Kimki, senga yaxshilik qilsa, seni o‘ziga bog‘lab oladi, demak, u seni ipsiz bog‘lab oladi, kimki yomonlik qilsa, seni o‘zidan uzoqlashtiradi, uzoqlashtirish ipsiz bog‘lashdan avloroqdir. Ozodlik yaxshimi qullik?”. Abulmuzaffarning ushbu so‘zlari zamirida g‘oyat ulkan ma’no va mohiyat, mantiq va mazmun tajassum, tasavvuf ilmida Xudo vasliga yotmoq uchun ranju alam chekish g‘oyalari ilgari suriladi. Sababi maqsadga osongina yetishga intilmaslik maqbul, uning lazzati, uning mazasi qiynoqlarda namoyon bo‘ladi, qolaversa, bir inson boshqasiga mute bo‘lmasligi lozim, Olloh–taoloning oliy ne’mati – inson, u hur va erkin, ozod va beg‘ubor mavjudotlar toifasiga mansub. Abulmuzaffar Termiziy mashhur Abdulla Ansoriy (1006–1088)ning otalari Abu Mansur

[2] Навоий А., шу манба. –Б.88.

Muhammad Ansoriy (vafoti 1039)ga pirlik qilgan yetuk shayxlar toifasiga mansubdir.

Alisher Navoiy shu xildagi donishmandona ta'birlardan, hali ma'no–mohiyati obdon sharhlanishi lozim hikmatlardan bittasini Yusuf Hayyot Termiziydan keltiradi: "Sen uyingdan uzoqqa ketma, bari bir qayta uyingga qaytasan!" Hayyot Termiziyning bu aytganlaridan murod–muddao shuki, inson nechog'lik yuksak ufqlarga, faxr-u g'ururga intilmasin, u, albatta, uyiga–tuproqqa qaytadi, u tuproqdan yaratilgan va tag'in tuproqqa – o'zligiga qaytishi muqarrar. Varroq Termiziy aytar ekanki: "Hayyot Termiziyning bu so'zlari yuz yillik ibodatdan yaxshiroqdir!"

Alisher Navoiy so'fiylik tariqatida o'ziga xos maqomga ega Sayyid Burhoniddin Termiziy (vafoti1240) xususida chuqur ehtirom izhori ila so'z yuritadi. Uning Shayx Baho Valad (vafoti 1231)ga murid ekani, inchunin, Baho Valadning farzandi azizi, butun Yaqin va O'rta Sharq zaminida taniqli so'fiy shoir Mavlono Rumiy (1207–1273)ga esa shaxsan Termiziy pirlik qilgani ushbu xilda eslatiladi: "Va Mavlono Jaloluddin hazratlari to'qqiz yilgacha alar (ya'ni Termiziy) xidmatlarida bo'lib, irshodlar ko'rub tarbiyat toptilar" (Navoiy A. Nasoyim ul–muhabbat. 17 tom.–T.: Fan, 2001.–B. 325). Shuningdek, Sayyid Burhoniddinning sevimli shogirdi Shayx Salohuddin Zarko'b (vafoti 1254) ayni zamonda Mavlono Rumiyga ham shogird, ham xalifa (o'rinbosar) ekan. Alisher Navoiy bu borada fikrini isbotlash uchun Sayyid Burhoniddinning o'z so'zlarini keltiradi: "Sayyid (ya'ni Termiziy) derlar ermishki, holimni (zavqu hol) Shayx Saohuddinga bag'ishladim va qolimni (qiylu qol) Mavlono (Rumiy)g'a" (Nasoyim. –B.325). G'aroyib jihati shundaki, Mavlono Rumiyning o'g'li Sulton Valad (1226–1312) ham Termiziyga va Shamsuddin Tabriziy (vaf.1265)larga muridlikka tushgan ekan. Bu haqda "Nasoyim ul-muhabbat"da o'qiymiz: "Ul (ya'ni Sulton Valad), Sayyid Burhoniddin Muhammad bila Shayx Shamsuddin Tabriziy q.s.g'a shoyista xidmatlar qilib erdi" (Nasoyim.–B.333). Qizig'i Alisher Navoiy "Nasoyim"da Sayyid Burhoniddin Termiziy ta'rifini "Husayniy sayyiddur va Termizdin erdi" deya keltirar ekan, uni hazrat Alining o'g'li Husayn avlodiga mansubligiga ochiqcha ishora qiladi.

Alisher Navoiy "Holoti Pahlavon Muhammad" (1496) asarida Pahlavon Muhammad (1423–1493)ning musiqa ilmida, xonandalikda tengi yo'q san'atkor sifatida ta'riflar ekan, u yaratgan "Chahorgoh" kuyi Mavlono Tutiy she'ri bilan Mir Buzurg Termiziy nomiga atalgan ekan. Mir Buzurg Termiziy XV asr shayxlaridan, termizlik sayyidlar avlodidan, Bobur "Boburnoma"ning bir necha o'rnida u kishi haqida ehtirom ila so'z yuritadi. Sulton Mas'ud (1475–1506), Sulton Mahmud (Boburning otasi Umarshayx inisi)ning katta o'g'li bo'lib, uning onasi Xonzodabegim bo'lsa, Mir Buzurg Termiziyning to'ng'ich qizi ekan, Sulton

Mas’ud Shohiy va Orifiy taxalluslari bilan ikki tilda she’rlar bitgan iste’dodli shoir ham bo‘lgan.

Alisher Navoiy, yuqorida eslatilganidek, Varroq Termiziyni mashhur muhaddis Abu Iso Imom Termiziyga tog‘a ekanligini aytib o‘tadi, shu bilan go‘yo gap tugagandek tuyuladi. Aslida esa Navoiy o‘zining “Arbain” asarida bu ulug‘ muhaddisning, ya’ni Imom Termiziyning 8 ta hadisini keltirib, ularning har birini qit’a yo‘nalishida ifodalaydi. Buyuk shoir Alisher Navoiyning Islom dini, Qur’oni karim, Hadisi sharif g‘oyalaridan beqiyos bahra, cheksiz ilhom olgani bor haqiqat. Mutafakkir shoir asarlarida ana shu umrboqiy mavzular bog‘liq mazmun va mohiyat birinchi rejada, yetakchi maqomda ekani ham ma’lum va mashhur. Alisher Navoiyning “Arabin hadis” (“Qirq hadis”), “Nazm ul-javohir” (“Gavharlar shodasi”), “Siroj ul-muslimin” (“Musulmonlik chirog‘i”) va boshqa ko‘plab asarlari ayni musulmon dini mavzuida bitilgan. Mutafakkir shoirning barcha asarlaridagi “Hamd” – Alloh madhi, “Na’t” – Payg‘ambar maqtovi, Me’rojnomalar, umuman, an’anaviy muqaddimotlarda diniy - falsafiy mafkura ustuvor ekani tabiiy hodisa. “Arbain” asarining bu boradagi ahamiyati o‘zgacha, unda Imom Termiziy (824–892) va boshqa muhaddislarning hadislari mavjud. Asarda qirqta sara hadis jamlangan va hadislarning har biri qit’a shaklida she’rga solinadi. “Arbain”dagi qirqta hadisdan sakkizta hadis Imom Termiziy hadislari bo‘lib, qolganlari boshqa muhaddislar bisotiga tegishli hadislardir.

Abdurahmon Jomiy (1414–1492) “Arbain” (“Qirqlik”) asarini 1481 yili arabchadan forschaga tarjima qiladi va ko‘zdan kechirib chiqish uchun Navoiyga taqdim etadi. Ustoz va shogird o‘rtasidagi bu ajoyib an’anaga atrofdagilar qoyil qolar edi, zotan Navoiyning ham yangi asarlarining birinchi o‘quvchisi Jomiy bo‘lar edi. Alisher Navoiy “Arbain” asarini nazardan o‘tkazar ekan, uni turkiyga tarjima qilish niyati paydo bo‘ladi: “Hamul “Arbain”ga turkicha til bila tarjima orzusi ko‘ngulga tushti”. Alisher Navoiy buning uchun ustozi Jomiydan izn oladi, natijada “Arbain”ning turkiy tildagi tarjimasi vujudga keladi va avlodlarga arzigulik tuhfa tortiq etiladi. Alisher Navoiy qalamiga mansub “Arbain” ham Jomiy “Arbain” asari kabi o‘sha 1481 yilning o‘zida yozib tugatilgan.

Navoiy “Arbain” asaridagi hadis rivoyatlaridan Imom Termiziy hadislarini sharhlashga urinib ko‘rdik va ularning g‘oyaviy mazmuni, asl mohiyatini anglashga intildik. “Arbain”dagi hadislarning har biri tarbiyaviy ahamiyati bilan ajralib turadi va insonlarga asqatuvchi o‘gitlarni o‘zida tajassum etgani bilan muhimdir. “Arbain”ning to‘rtinchi qit’asida o‘qiymiz:

Mo‘min ersang, qilib duringni nisor,
El bila ravshan ul nechukkim sham’.
Negakim tengri hech mo‘minda,
Buxlu badxo‘ylikni qilmadi jam’.

Qit’aning mazmuniy mag‘zi quyidagicha: sen agar mu’min - musulmon bo‘lsang, o‘zingning bor injularingni, barcha gavhar va marvaridlaringni, bisotingdagi jami boyliklaringni kishilarning boshidan soch! Chunki sen shu bilan kishilar yo‘lini yorituvchi shamga aylasan, ya’ni odamlarning yo‘liga nur taratib, ziyo tarqatib, shu bilan birga yaxshilik urug‘ini sochasan. Negaki, Alloh taolo hech bir mo‘min - musulmonga baxillik yoki yomon xulqlik, ya’ni badxo‘y(buxl)likni ravo ko‘rmagan va ko‘rmaydi ham. Hadisda har bir musulmon banda boshqa musulmonlarning manfaati yo‘lida nur sochmog‘i lozimligi chinakam va tom ma’noda uqtirilmoqda. Endi asl hadisning o‘ziga murojaat qilsak, u quyidagicha jaranglaydi: “Abu Sa’id al-Hudriy (vafoti 693) ning rivoyat qilishicha, hazrat Rasululloh (s.a.v.). “Ikki xislat – baxillik va badxulqlik mo‘min kishida jam’ bo‘lmaydi”, deganlar. Ko‘rinadiki, chin musulmon bandada zinhor baxillik illati, axloqsizlik, umuman, badxulqlik, ya’ni yomon xulqlik zinhor bo‘lmas ekan va bo‘lmaydi ham.

“Arbain”ning navbatdagi qit’asi:

Rahmat ozodag‘akim ul olmas,
Dahr dinoru dirhamin g‘amg‘a.
Lek la’nat angaki qul bo‘lg‘ay,
Xoh dinoru xoh dirhamg‘a.

Hadis g‘oyasida aniq va tiniq aytilmoqda, dinor (oltin tanga) va dirham (kumush oqcha), umuman, boylikka hirs qo‘yish, unga qul bo‘lish, mute bo‘lish qoralanmoqda. Hadis g‘oyasining muddaosi poraxo‘rlikka, rishvat oluvchilarga qarshi kurashdan iborat, shunday shaxslar qattiq tanqid tig‘i ostiga olinmoqda. To‘g‘ri halol mehnat ila qo‘lga kiritilgan boylik, bu asl boylik, unga hech kim daxl qila olmaydi. Mehnat evaziga qo‘lga kiritilgan boylik, bu chin va rost boylik, unga hech kim, hech qachon egalik qila olmaydi. Hadisning o‘ziga quloq tutamiz: “Abu Hurayra (vafoti 679) ning aytishicha, hazrat Rasulloh (s.a.v.). “Dinorga va dirhamga qul bo‘lganlarga Allohning la’nati yog‘iladi”, deganlar.

Yuqoridagi g‘oyaga monand hadis quyida ham keladi va mohiyatan ancha mushtarak, ular bir-birini to‘ldiradi.

Boy emas ulki, mol kasratidin,
Ko‘rmagay foqavu talab ranjin.
Oni bilkim, Xudoy bermish anga,
Nafsi ammora tarkini ganjin.

Mazmuni:

Mol-mulki ko‘p boy emas,

Zero u muhtojlik sezmasa ham.
Bilib qo‘y, Alloh bergandir unga,
Nafs zo‘rligini tark etish kuchin.

E’tibor berilsa, ayon bo‘ladiki, boylik mavjud mol - mulkda emas, balki nafsga va uning amriga qarshi kurashda ekan. Hadisning o‘zini eshitamiz: Abu Hurayraning rivoyat qilishicha, hazrat Rasulullоh (s.a.v.): “Boylik mol-dunyoning ko‘pligida emas, balki nafsning to‘qligidandur”, – deganlar. Aslida hadisning tarjimasi bizningcha ushbu tarzda bo‘lsa, ancha to‘g‘ri bo‘ladi: “Boylik mol - mulkda emas, boylik nafs amrini jilovlashdadir”.

Navoiy odob - axloq hadislariga ham e’tibor qaratadi, shunday hadislardan biri kulgi va uning o‘rni xususida bo‘lib, unda ushbular aytiladi:

Asru ko‘p kulmakim, o‘lar ermish,
Zindadil ko‘ngli kulgu xasratidin.
Muni har kimki bildi ko‘ngli bila,
Kulmagay o‘lsa ko‘ngli hasratidin.

Bu hadisda behuda kulish, ko‘p kulish, o‘rinsiz kulish odobsizlik alomati ekani, hatto andishasizlik va behayolik belgilari ham u bilan uyqash ekani oshkora aytilmoqda. Hadisning o‘zida “Ko‘p kuluvchi bo‘lma, chunki ko‘p kulish dilni o‘ldiradi” deyiladi, agar e’tibor bilan diqqat qilinsa, darhaqiqat, kulgining xillari ko‘p. Ammo qayerda va qanday holatda kulish katta madaniyat ekanini zinhor unutmaslik lozimligi talabi qat’iy qo‘yilmoqda hamda unga rioya qilish muhim jihatligi o‘z ta’kidini topmoqda.

Navbatdagi bir hadisda tajassum topgan ma’no-mohiyat o‘z e’tibori bilan tarbiyaning asl o‘zagini bizga anglatib beradi, bu hadis onalar haqida. Bu hadis onalar sharafiga aytilgan barcha hamdu sanolarni o‘zida jamuljam etgan eng oliy fikrlarni targ‘ib qiluvchi va jannatiy ezgu tuyg‘ularga yo‘g‘rilganligi bilan qadrlidir. Rasulullоh hadislarida onalar, otalar, umuman, qarindoshlar bog‘liq fikrlar bot-bot uchraydi, ularning qadri- qimmati, hurmat-izzati, e’zoz-ehtiromi doimo birinchi rejada turadi. Endi hadisning o‘ziga diqqat qilaylik: “Jannat onalaringizning oyog‘i ostidadur”, bu – ulug‘ so‘z, bu – qutlug‘ so‘z, bu behad – savob so‘z, uning chek-chegarasi ko‘rinmaydi, ma’nosi hudud bilmas darajada keng. Ana shu fikrlarni Alisher Navoiy she’rga aylantiradi:

Anolarning oyog‘i ostidadur,
Ravzai jannatu jinon bog‘i.
Ravza bog‘in visolin istar esang,
Bo‘l anolar oyog‘in tufrog‘i.

Alisher Navoiy ilgari surayotgan asosiy g‘oya shundan iboratki, ya’ni onaga, tag‘in onaga va yana onaga, shundan keyingina otaga xizmat qilish jannatga kirishning asosiy vositalaridan bir ekani uqtirilmoqda. Yuqorida zikrini topib, tahlilga jalb etilgan hadislar ayni “Sunani Termiziy” sahifalarida mavjud, biz Imom Termiziyning “Arbain”dagi 8 ta hadisidan atigi 5 ta hadisni aniqlay oldik, xolos.

Ko‘rinadiki, Jomiy va Navoiy davrida hadis ilmiga e’tibor, hadis sabog‘iga ehtirom katta bo‘lib, hadislardan tarbiya vositasida istifoda etish an’anasi mavjud ekan. Husayn Boyqaro (1438–1507) hukmronligi yillari (1469–1507) da hadis ilmi maktab va madrasalarda alohida dars va fan sifatida o‘tilishi belgilab qo‘yilgani yanada diqqatli hodisadir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн еттинчи том. Насойим ул-миуҳаббат.–Тошкент: Фан, 2001.– 520 б.

2. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O’zbekiston, 2009. – 448 б.

3. Sirojiddonov Shuhrat, Yusupova Dilnavoz, Davlatov Olkimjon. Navoiyshunoslik (matn). – Toshkent: Tamaddun, 2018. –520 b.

4. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 326 б.

IV. ЖОМИЙ ВА НАВОИЙНИНГ ЛИРИК МЕРОСИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН МУАММОЛАРИ

БОЛАЛАРГА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ БЕРИШДА АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

THE ROLE OF ALISHER NAVOI POETRY IN THE SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION OF CHILDREN

З.К.АЛИМОВА, *И.М.РАСУЛОВА*
ўқитувчилар, ТДПУ Шаҳрисабз филиали

Annotation: *The article notes that the literary heritage of Alisher Navoi and its role in raising a harmoniously developed generation, the importance of the writer's views on family values, love and affection, the upbringing of parents, the necessary positive qualities between parents and children are important in the science of pedagogy and psychology. It is desirable for educators of preschool educational institutions to effectively use the legacy of our ancestors, to develop knowledge, skills and abilities in children, to instill national values in their minds through centers of activity.*

Keywords*: Knowledge, skills, values, traditions, child competence, nationality, family, neighborhood, school, artistic performance*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентабрдаги ПҚ-3305-сон “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори , ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017 - 2021-йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган” Давлат талаблари” ишлаб чиқилди. Биламизки МТТда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда “Далат талабларига асосланган “Илк қадам” Давлат ўқув дастури 2018 йил 7 июлда 4-ҳайъат қарори билан ишлаб чиқилиб фойдаланишга топширилди. Давлат талабларининг мақсади — мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий информацион коммуникатив технологияларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим

тизимида маънан мукаммал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдир.

Давлат талабларининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши, таълим-тарбияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш;
- миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида болаларга таълим-тарбия бериш, ривожлантиришнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;
- таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интегратсиясини таъминлаш.

Бугунги кунда мактабгача таълим мазмунини такомиллаштиришда ўзига хос методик, педагогик, психологик тайёргарликлар билан ишлаш давр тақазосига айланди. Чунки мактабгача таълим мазмунини такомиллаштириш кенг маъноли тушунча бўлиб, уни самарали амалга ошириш мактабгача таълим ташкилоти биносининг ҳолати, тарбиячи-педагоглар, тарбиячи ёрдамчилари, ота-оналар ҳамда болаларнинг таълим жараёнидаги иштироки иннаватцион бўлиши зарур.

“Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган” Давлат талаблари” ҳамда “Илк қадам” Давлат ўқув дастури асосида компентенсиявий ёндашув жараёнида педагогик-психологик, методик, бадиий адабиётлар сони ва сифати, ҳар бир ёш гуруҳига мос ва хос адабиётлар билан бойитиб бориш ҳам муҳим масаладир. Болаларни ўйнаб туриб ўйлашга ундовчи муаммоли вазиятларни ўйинларда акс эттирувчи таълимий ривожлантирувчи ўйин марказлари ташкил этиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштиришда ота-оналар ва жамоатчиликнинг жалб қилиниши ва бошқа шу каби омиллар мактабгача таълим мазмунини оширади.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2018 йил 20 мартдаги “Ёшларни маънавиятини юксалтириш ва уларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасидаги 5 та муҳим ташаббуснинг 4-чиси “Китобхонликни кенг тарғиб қилиш” Мактабгача таълим муассасаларидан бошланишини айтиб ўтиш лозим.

Сабаби, инсон умри давомида оладиган билимини 70% ини 5-7 ёшида олиши фанда исботланган. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, “Бир болага етти қўшни ота-она” каби доно пурҳикматли сўзлар бор. Бугунги кунда мактабгача таълимда бўлаётган ислоҳат ва ўзгаришлар натижасида

болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлашда мактаб, маҳалла, оила ва Мактабгача таълим муассасалари ҳамкорлигидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, Шарқ мамлакатларида яшаган, ижод қилган ва авлодларга ўзларининг нодир маънавий меросларини қолдирган алломалар қайси йўналишда илмий изланиш билан шуғулланишмасин, улардан қолган маънавий меросда, энг авволо оила, оиладаги бола тарбияси ва шахслароро муносабатга киришишдаги одоб-аҳлоқ қоидаларга риоя қилиш каби фикрлар ўз ифодасини топади. Инсон ва инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти муаммолари узоқ асрлардан буён жамиятнинг энг етакчи олимлари, буюк алломалар ҳисобланган Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Увайсий, Нодирабегим, Фурқат ва Абдулла Авлоний каби кўплаб олиму-уламоларимизнинг қарашлари ва уларнинг дурдона асарларида ўз ифодасини топганлиги ва ҳозирги замон фани учун ҳам катта ижтимоий-педагогик ҳамда психологик билимга эга эканлигини уларнинг асарларидаги шарқона қарашларида кўришимиз мумкин.

Миллий қадриятларимиз, жумладан шахслараро муносабатга киришишда оилавий муносабатларнинг аҳамияти тўғрисидаги фикрлар буюк алломалар ва тарихий-маънавий меросимиз бўлмиш “Авесто”да, Урхун Энасой битиктошларида, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар”, Абу Али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларида, Бобурийлар империясининг забардаст вакилларидан бири бўлмиш Акбаршоҳнинг ижтимоий-педагогик тажрибаси баён этилган китобларида, жадидчиларнинг мафкуравий асарларида шахс тарбиясига оид кўплаб фикрларни акс этганлигини кўришимиз мумкин.

Баркамол авлодни тарбиялаш борасида Алишер Навоийнинг адабий мероси ва унинг аҳамияти буюк эканлиги билан ажралиб туради. Маълумки Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул қулуб” асарида бутун ҳаёти давомида кўрган кечирган воқеалари, оддий халқнинг турмуш тарзи, оилавий урф-одат ва анъаналар, оиладаги яхши ва ёмон фазилатлар ва шу асосида ёзилган ҳислатлар ўз аксини топган.

Навоий ёзган ҳар бир асарида комилликка интилувчи шахсни ва унинг ижобий фазилатларига алоҳида эътибор бериши, бу айнан оилада ота-онанинг фарзандига берадиган таълим-тарбияси ва унинг меваси эканлиги ўз аксини топади. Адиб ўз асарларида ота-онанинг яхши сифатларини улуғлайди. Бундай сифатларнинг уларда жамулжам бўлиши, яъни оиланинг тўлиқ бўлиши кексаларнинг оилада бола тарбиясига таъсири муҳимлигини

айтиб ўтади. Унинг қарашларидаги болалар тарбиясидаги асосий таянч куч бу-оналар эканлигини қўйидаги фикрлари орқали таъкидлайди. *“Яхши хотин-оиланинг давлати ва бахти. Уй эгасининг хотиржамлиги ва осойишталиги ундан. Хуснли бўлса, кўнгил озиғи, хушмуомола бўлса, жон озиғидир. Оқила бўлса рўзғорда тартиб-интозом бўлади. У беандиша бўлса кўнгил ундан озор чекади. Ёмонлик ахтарувчи бўлса ундан руҳ азобланади. Агар майхур бўлса, одоблиги йўқолади, ақлсиз бўлса, оила расво бўлади”.*

Алишер Навоий юқоридаги изоҳлар орқали оилада онанинг барчага, айниқса, фарзандларига ўрнак бўлишлиги аввало унинг юриш туриши, муомала маданияти, жамоат жойида ўзини тута билиши ва агар фарзанди учун андаза буларли даражада ёмон ҳулқли, иллатли бўлса бу салбий сабабларга айланишини таъкидлайди. Айниқса ота-оналарнинг маънавиятидаги қусурлар сабаб боланинг камолотга келишида қайтариб бўлмас аянчли нуқсонлар ҳосил қилишини айтиб ўтади. Бу адибнинг қуйидаги байтида ҳам ўз ифодасини топган:

Ким кучук бирла хўтикка қилса минг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак бўлмас асло одами.

Мазкур мисраларда адиб оилада ота-она фарзандига қандай тарбия берса, уларнинг шундай муҳитда ўсиши ва улардан андоза олиши қайта-қайта уқтирилади.

Навбатдаги байтда:

Улга ерур тифлга шоиста иш
Билки кичикликда ерур парвариш
Қатрага чин тарбия этди садаф
Эл бошига чиққунча топди шараф

Тифл – яъни болани кичиклигидан яхши тарбиялаш, садаф қаторига кирган қайта дурлар сингаридир. Кимки фарзандига яхши тарбия берибди, демак одамлар орасида улуғланилди, эъзозда бўлиш шарафига муяссар бўлибди. Худди шунингдек ота-она – садаф, болалар эса уларнинг бағридаги қатра – дурлар.

Буюк шоиримизнинг оилавий қадриятлар, мехр ва муҳаббат, оилада эр-хотин муносабатлари, бола тарбияси, ота-она ва фарзанд ўртасидаги зарур бўлган ижобий фазилатлар борасидаги фикрлари ҳам педагогика ва психология илмида аҳамияти катта бўлиб, уларни мазкур соҳа вакиллари онгли равишда идрок этишлари, сўзсиз оилага нисбатан тўғри тасаввурнинг шаклланиши орқали оилавий ҳаётга тайёр ва маънавий озуқага эга келажак

авлодни тарбиялашлари лозимдир. Ўтмиш аждодларимиз меросидан Мактабгача таълим муассасалари машғулотлар жараёнида тарбиячилар унумли фойдаланишлари, болаларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришлари, уларнинг онгида миллий қадриятларни фаоллик марказлари орқали сингдириб боришлари мақсадга мувофиқдир. МТТда ташкил этилган ҳар бир машғулотлар, саҳна кўринишлари, ўгитлар, рубоий ва ғазаллар болаларда миллийликни юзага чиқаришни таъминлайди.

Тарбиячиларнинг вазифалари болалар учун қизиқарли бўлган ва уларнинг ижод қилишига кенг эркинлик берадиган таълим имкониятларини таъминлашдан иборатдир. Гуруҳдаги машғулотлар – бу умумий ўйинлар, овоз чиқариб ўқиш, кейинги машғулотлар ва ўйинларни режалаштириш вақтини усталик билан танлаш. Тарбиячилар болаларни машғулотда чарчаганини ёки ҳаракатлари сусайганлигини сезганида машғулотни ўзгартиришлари ёки тўхтатишлари лозим. Тарбиячилар ёки уларнинг кўнгилли ёрдамчилари болаларга ҳар куни китоб ўқиб беришлари ҳам яхши натижалар беради.

Бу эса ўз навбатида тарбиячининг маҳорати ва оила билан ҳамкорликдаги ишларни ташкил этишда муҳим саналади. Болаларга аҳлоқий маънавий қадриятлар асосида таълим-тарбия бериш, оилада ота-оналарнинг бутун ҳаёти, уларнинг фуқоролик қиёфалари, маънавий дунёси ва тарбия негизида ташкил топади. Шу ўринда Навоий айтганидек *“ҳар бир инсон яратган унга неъмат сифатида берилган фазилатларнинг эгаси бўлмоғи, комилликка интилмоғи зарур. Ана шундагина у ўз инсонийлик бурчини бажарган, инсон деган номни оқлаган саналади”* **.**

Болаларга ўргатиладиган, панд-насиҳатни ифодаловчи Навоий ўгитларидан намуналар:

Оз-оз ўрганиб доно булур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

***

Оламдан ғамсиз ўтай десанг илму хунар изла.

***

Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт.

***

Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз.

***

Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.

***

Чин сўз эътиборли, яхши сўз қисқа бўлур.

***

Сиҳат тиласанг кам е, иззат тиласанг кам де.

***

Бу доғи топмагунча ҳазми комил,
Баданни қилма ортиқ юкка хомил.

***

А.Навоий ўз даврининг атоқли шоирларидан эканлигини таърифлаб шоирларимиз ҳам ўз шеърларида уни қуйидагича мадҳ этишган.

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру оқсоч Тяньшан ўзбегим.
Мир Алишер Навоий наърасига акс садо берди жаҳон,
Шеърият мулкида бўлди шоҳу султон ўзбегим.
(Э.Воҳидов, "Ўзбегим" қасидасидан)

Навоийнинг таълим-тарбия борасидаги қарашлар қуйидагича:

Ҳак йўлида Ким сенга бир харф ўргатмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг хақин юз ганж ила.

***

Оразин ёпғоч кўзимдан сочилур хар лаҳза ёш,
Буйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.

***

Бошни фидо айла ато бошиға,
Жисмни қил садқа ано қошиға.
Тун кунига айлагин нуру фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Мактабгача таълим муассасаларида Наоий шахсини болаларга яқиндан таништириш юзасидан тавсия этилаётган саҳна кўринишлари

Бошловчи: Алишер Навоийнинг Маматқул номли қўшниси бўлар экан. Маматқул ака умр бўйи ишлаб биргина уй қуролган экан. Унинг Худоберди деган ўғли бўлиб, у ҳеч қаерда ишламас экан. Кунлардан бир куни Маматқул ака шоирнинг хузурига келибди:

Маматқул: Хазрат ўзингизга аёнки мен анча ёшга бориб қолдим. Бугун бўлмаса эртага омонатимни топширишим мумкин. Сизга бир илтимосим бор.

Навоий: Бажонидил қўлимдан келса бажарурман.

Маматқул: Илтимосим шуки, мен бу дунёдан кўз юмганимдан кейин ўғлим Худоберди уйни сотадиган кўринади. Нима қилиб бўлса ҳам уни бу

йўлдан қайтарсангиз. Ахир «Ватан гадоси – кафан гадоси» деб бежизга айтилмаган. Мендан кейин Худобердини бундай уйни тиклаб олишига ақлим етмайди. Кулбасиз кўчаларда қолиб хор бўлади.

Навоий: Айтганингиздай бўлади. Менга ишонаверинг.

Маматқул: Болам мабода куним битиб қазо қилсам уйни асло сота кўрма. Бордию сотгинг келса, Навоий хазратларининг олдидан ўтиб кейин сотгин. У киши сенга тўғри йўлни кўрсатадилар.

Бошловчи: Шундай қилиб Маматқул ака оламдан ўтибди. Худоберди уйни сотиш тараддудини кўриб қолибди. Дадасининг уйни сотгинг келса Навоий хазратларининг олдидан ўтгин дегани эсига тушиб кетибди. У қандай йўл кўрсатар экан деб Навоий олдига борибди.

Худоберди: Хазрат мен бир оз қийналиб қолдим. Уйни сотмоқчиман.

Навоий: Яхши аммо тандирларинг бир оз эски экан. Бузиб янгисини қур. Уйнинг нархи икки баробар ортади.

Бошловчи: Худоберди уйга келиб караса, тандирлари ҳақиқатдан ҳам эски экан. У тандирчидан тандир сотиб олибди-да, орқасига қайтибди. Йўлда келаётиб уни синдириб қўйибди. Худоберди орқага қайтиб яна битта тандир сотиб олибди. Уни ҳам йулда синдириб қўйибди. Учинчи тандирни бир иложини қилиб уйига олиб келибди-да қурибди. Устига кўп лой бостириб юборган экан, эрталаб туриб қараса, тандир тушиб ётган эмиш. Худобердининг жахли чиқиб, Навоийнинг олдига борибди.

Худоберди: Хазрат тандирни қуролмадим. Майли арзонга сотсам ҳам, уйни тандирсиз сотавераман.

Навоий: Ховлиқмай сўзимни эшит. Кўрдингми, биргина тандирни ҳам қуролмадинг-ку, яна уйни сотмоқчи бўласан. Уйни тиклолмай, кўчаларда қолиб кетишингни ўйладингми. Бор ишла. Уй ҳам ёнингга қолади. Тирикчилигинг ҳам ўтади.

Бошловчи: Алишер Навоийнинг ақлли ва доно сўзлари билан Худоберди уйни сотмаган экан. Худоберди шундай қилиб, уйни сотмай яхши кун кечира бошлабди.

Қиссадан ҳисса шуки Алишер Навоий бобомиз ёшларни меҳнатсеварликка, ўзи мустақил бирор ишни бажаришга, оқил ва доно бўлишга, эртанги куни ёруғ бўлиши учун астойдил ҳаракат қилиш, ўтмишни ўрганмасдан келажакни яратиб бўлмаслигини ўз даврида ифодалаб берган. Шу боис МТТда болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда буюк сиймоларимиз босиб ўтган йуллари ва улар тажрибасини ўрганиш, уларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш бугунги кун тарбиячисининг ўз олдига қуйган асосий вазифаларидан бири саналади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, буюк алломамизнинг бизга қолдирган адабий меросида ёшларимизнинг соғлом руҳиятга, соғлом фикрлашга, энг асосийси, оила ва оила орқали ноёб қадриятларимизни болалар онгига сингдиришга муҳим аҳамият қаратилади. Шу сабабли Мактабгача таълим муассасалари оила билан ишлаш тизимини намунали йўлга қўйиши, ота-оналарни таълим жараёнига жалб этиши мақсадга мувофиқдир. МТТда ота-оналар билан ишлаш режасининг мавжудлиги, нвфақат мавжудлиги балки мазкур режалар улар иштирокида шакллантирилиши лозимдир. Тарбиячи боланинг МТТда қабул қилинган илк кунларидан бошлаб боланинг характер хусусиятини ўрганиши, психолог маслаҳати ва ота-оналар билан суҳбатлашиб, бевосита улар ҳамкорлигида таълим-тарбия жараёнини ташкил этса, болаларни ҳар томонлама етук шахс сифатидаулғайишларида катта ҳисса қўшган бўлади.

Бугунги кун талаби Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир оила фарзандларини бу менинг фарзандим уни таълим-тарбиясига мен маъсулман деб қараш, олдимизда турган долзарб вазифалардан бири эканини эсда тутмоғимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O’zbekiston Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ilgari surilgan 2018-yil 20-martdagi “Yoshlarni ma’naviyatini yuksaltirish va ularni bo’sh vaqtini mazmunli tashkil etish borasidagi 5 ta muhim tashabbus.

2. “O‘zbekiston Respublikasining ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo‘yiladigan” Davlat talablari. 2018-yil 18-iyun.

3.“Ilk qadam” Davlat o‘quv dasturi 2018-yil 7-iyulda 4-hay’at qarori bilan ishlab chiqilgan.

4. Алишер Навоий Маҳбуб-ул-қулуб. – Т.: Фан, 1983 й.

5. Сафаров А, Маҳмудов М. Оила маънавияти. . – Т.: Маънавият, 2009 й.

НАВОИЙНИНГ НАЗМУ НАСРИДА – ЖОМИЙ

Фаррухбек ОЛИМ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация: *Мақолада Навоийнинг назму насридаги Жомийга бағишланган ўринларнинг барчаси яхлит ҳолда икки шахс муносабатлари доирасини янада кенгроқ ва ёрқинроқ ёритиш учун энг ишончли адабий-илмий манба бўлиб хизмат қилиши таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *назм, наср, адабий алоқа, девон, дебоча, “Соқийнома”*

Алишер Навоий устози вафотидан икки йил ўтиб, яъни 1494 йили ўзи ва устози ўртасидаги муносабатларни ёритиб берувчи хулосавий, якуний манба сифатида “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарини яратди. Аммо унинг бутун ижодида Жомийга бағишланган ўринларни кўришимиз мумкин. Бу устоз ва шогирднинг юксак муносабатлари, ўзаро адабий алоқалари ҳақида жуда кўп ёзилган. Бироқ Навоийнинг устози ва пирига бўлган чексиз эҳтироми, ҳурмат-эътибори унинг турли асарларида сочилиб ётибди. Шуларни йиғиб, жамлаб ўқилса, улуғ бир қалам соҳибининг иккинчи бир буюк қалам эгасига бўлган муносабати яхлит ҳолда намоён бўлади.

Навоий “Бадойиъ ул-бидоя”[49] девонининг дебочасида девон тузган шоирлар Амир Хусрав Деҳлавий ва Ҳофиз Шерозийлар қаторида ўз устозини ҳам санаб ўтади: *“Ва сўнгги фирқадин қудс шабистонининг шамъи анвари ва унс гулистонининг андалиби суханвари, балоғат шаккаристонининг тўтийи ширинкаломи жаноби махдумий мавлоно Абдураҳмон Жомий маддаллоҳу таоло зилола иршодиҳи ало мафориқ ит-толибин девонлари орада бўлғай”*[50]. Аммо Навоийнинг иккинчи девони “Наводир ун-ниҳоя”нинг[51] дебочасида шоир ўз устози ҳақида бирон нарса деган-демагани – бизга номаълум. Чунки бу девоннинг дебочаси бизгача етиб келмаган[52]. Бироқ Навоий иккинчи девонига ҳам дебоча битгани – аниқ. “Хазойин ул-маоний”нинг дебочасида шоир “Бадойиъ ул-бидоя”ни тузгани, кейинчалик ғазаллари[53] яна йиғилиб қолиб, иккинчи девонга қўл ургани ва буни девон дебочасида шарҳлаб ўтганини қуйидагича ифодалайди: *“Андин сўнгра дағи ул жамъи тартибдин бошқа яна тақриб била ҳар навъ абётким, айтилиб эрди-ю, ҳар навъ ғазалиётким, йиғилиб эрди, ул хаёл шабистонининг дурахшон ахтарларину ул кўнгул махзанининг дурахшон гавҳарларин дағи иккинчи девонимдаким, “Наводир ун-ниҳоя”ға машҳурдур, рабту тартиб бериб,* ***дебочасинда*** *шарҳ била аиззайи асҳобу ажиллайи аҳбоб хидматларида арз қилиб эрдим”*[54].

“Хазойин ул-маоний” асарининг пайдо бўлишига ҳам, аслида, Абдураҳмон Жомий сабабчи бўлган. Бу ҳақда “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”ида сўз боради. Устоз Жомий учинчи девонига ҳам тартиб бергач, унинг ўз қалами билан битилган нусхасини

[49]“Бадойиъ ул-бидоя” (“Бадиийлик ибтидоси”) – 1470 йил бошларида Навоийнинг ўзи тузган биринчи девони.

[50]Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 1-жилд. Бадойиъ ул-бидоя. – Т.: “Фан” нашриёти. 1987. 14-бет.

[51]“Наводир ун-ниҳоя” (“Беҳад нодирликлар”) – 1476–1483 йиллар орасида тузилган.

[52]*Қаранг:* Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 2-жилд. – Т.: “Фан” нашриёти. 1977. 87-бет.

[53] “Наводир ун-ниҳоя” девони фақат ғазаллардангина таркиб топган.

[54]Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-жилд. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: “Фан” нашриёти. 1988. 10-бет.

шогирдига ҳадя этади. Навоий эса Мир Хусравдан бошқа бирор киши бир нечта девон тузиб, уларга алоҳида-алоҳида ном бермаганини айтади. Шуни мисол келтириш билан шогирд устозининг ҳар бир девонига алоҳида ном беришини сўрайди. Икки кундан сўнг Жомий Навоийга девонлар учун ёзилган феҳристни тутқазади. Феҳристда устоз шогирдининг таклифи билан ўз девонларига "Фотиҳат уш-шабоб" ("Ёшликнинг бошланиши"), "Воситат ул-иқд" ("Ўрта ёшликнинг инжулари"), "Хотимат ул-ҳаёт" ("Ҳаёт хотимаси") деб ном берганини қайд этади[55]. Шу воқеа сабаб бўлиб устоз ҳам: *"Сенинг доғи назминг туркча алфозда мутааддид бўлубтур, сен доғи ҳар бирисини бир исм била мумтоз қил ва ҳар қайсини бир лақаб била жилвасоз этгил"*[56], – деб, шогирдига ўз таклифини билдиради. Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да устозининг шу даъвати билан "Ғаройиб ус-сиғар" ("Болалик ғаройиботлари"), "Наводир уш-шабоб" ("Ёшлик нодирликлари"), "Бадоеъ ул-васат" ("Ўрта яшарлик гўзалликлари"), "Фавойид ул-кибар" ("Қарилик фойдалари") каби девонлар тузганини айтиб ўтади. Бироқ, бу ўринда уларнинг ҳаммасини бирлаштириб, тўпламга "Хазойин ул-маоний" ("Маънолар хазинаси") деган умумий ном берганини тилга олмайди. Чунки "Хазойин ул-маоний"нинг охирги таҳрир ишлари 1498 йилга тўғри келади[57]. "Хамсат ул-мутаҳаййирин" эса 1494 йили ёзилган. Шунга асосланиб, тўрт девонга "Хазойин ул-маоний" деб умумий ном бериш ғояси шоирда кейинроқ туғилган бўлиши мумкин. Акс ҳолда, Навоий буни "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да алоҳида қайд этган бўларди.

"Хазойин ул-маоний"нинг биринчи девони "Ғаройиб ус-сиғар"нинг сўнгги, яъни 650-ғазалида Навоий устозини алоҳида тилга олади. Ғазалнинг мақтаси, яъни охирги байтида шоир шундай ёзади:

Демангиз булбул Навоийни, самандардекки, бор
Назми ичра шуълайи Жомию сўзи Хусравий[58].

Шоир ўз анъанасига содиқ қолган ҳолда, "Наводир уш-шабоб"нинг ҳам 650-ғазали мақтасида устозини ёдга олади:

Янаки нутқ илаю руҳ ила етурди анга
Фуюз орифи Жомию ринди Шерозий[59].

---

[55]"Хамсат ул-мутаҳаййирин"да шу феҳристдан парча келтирилган. *Қаранг:* Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Т.: "Фан" нашриёти. 1999. 68–69-бетлар.
[56]Ўша асар, 69-бет.
[57]*Қаранг:* Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 2-жилд. – Т.: "Фан" нашриёти. 1977. 86-бет.
[58]Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-жилд. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: "Фан" нашриёти. 1988. 496-бет.

“Бадоеъ ул-васат”нинг ҳам охирги бўлиб келган 650-ғазали мақтасига Жомий номи якун ясайди:

Навоий фарду беҳуш ўлғанин деманг қачондиндур,
Ҳамондинким, ани маст этти ваҳдат жомидин Жомий[60].

Навоий устозини мазкур девоннинг бошқа ўринларида ҳам таърифу тавсиф этади. Жумладан, асарда келтирилган 215-ғазалда шоир шундай дейди:

Эй Навоий, сену Хусрав била Жомий таври
Санъату рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз[61].

“Бадоеъ ул-васат”дан ўрин олган қасидада эса муаллиф қуйидагича ёзади:

Филбадиҳа деб бу матлаъни ўқуб юз офарин,
Хусраву Салмону Жомий руҳи англаб надратин[62].

Шоир юқорида кўриб ўтганимиздек “Хазойин ул-маоний”нинг уч девонининг сўнгги, яъни 650-ғазалларида устозини таърифу тавсиф этади. Бироқ тўртинчи девон – “Фавойид ул-кибар”нинг 650-ғазалида Жомий тилга олинмаган. Чунки шоир “Хазойин ул-маоний”ни Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) ҳақидаги наът ғазал билан якунлашни маъқул кўради. Шундай бўлса-да, Навоийнинг нафақат бу девони, балки жами асарларининг яратилиши, шоир ижодининг равнақ топишига Жомийнинг таъсири жуда катта бўлган. Шунинг учун ҳам бу таъсирни биз, Навоий устозини ўзи тилга олиб ўтган-ўтмаганидан, таъриф этган ёки этмаганидан қатъи назар, ҳис этиб турамиз.

Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидан “Соқийнома” асари ҳам ўрин олган[63]. “Соқийнома”да шогирд устозининг номини тилга олмаган бўлса ҳам, ундаги XXII, XXIII, XXIV, XXV бўлаклар Абдураҳмон Жомий таъриф-тавсифи, хотирасига бағишланган. Бу ҳақда адабиётшунос Азиз Қаюмов шундай ёзади: *“Жомийга бағишланган тўрт бўлакда Навоий бирор*

---

[59] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 4-жилд. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. − Т.: “Фан” нашриёти. 1989. 469-бет.
[60]Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-жилд. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. − Т.: “Фан” нашриёти. 1990. 450-бет.
[61] Ўша асар, 157-бет.
[62] Ўша асар, 481-бет.
[63]Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-жилд. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. − Т.: “Фан” нашриёти. 1990. 470–508-бетлар.

кишининг номини айтмаган. Аммо барча таърифлардан шундай кўзга ташланиб турадики, бу ерда кўкларга кўтариб тасвир этилмоқда бўлган зот машҳур шоир, мутафаккир, олим ва фозил шахс Навоийнинг энг яқин дўсти, ҳаммаслаги, устоз ва пири Абдураҳмон Жомийдир”[64].

“Соқийнома”да шоир яқинлари, ёру дўстларидан айрилиб қолганидан афсус-надоматлар чекиб, ҳис-ҳаяжонга тўлиб мисралар битади. Бу оламдан ўтиб кетган кўпгина дўстлари, жумладан, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадларни ўкинч билан хотирлайди. Ҳар бир ишда унга сирдош, ҳамдам бўлган марҳум устози сиймосига эса шундай мурожаат қилади:

Сенсен улким, яна йўқ сен киби зот,
Нақди маъни била фархунда сифот.

Сени қилди фалаки гарданда
Даҳр аро бир гарави арзанда.

Сен эдингким, манга дамсоз эрдинг,
Ҳар ниҳон нуктада ҳамроз эрдинг.

Зулмларким, манга бу чархи дани −
Қилди, қайдин топай айтурға сани.

Ким бири бу эдиким, солди йироқ
Сени, бағримга қўюб доғи фироқ[65].

Азиз Қаюмов “Соқийнома”да Жомийга бағишланган таърифу тавсифлар ҳақидаги фикрларига шундай хулоса ясайди: *“Шундай қилиб, Навоий “Соқийнома”да Жомийни шунчалар юксакликка кўтаради, унинг шарафли хотираси олдида тиз чўкади. Жомийни “қуёш”, ўзини эса “заррача” деб билади, яна ўзини “тупроқ”, Жомийни эса “андоза сипеҳр” деб таърифлайди. Устоз ва шогирд ўртасидаги қадрдонликнинг олий даражаси эмасми бу нисбатлар!?”*[66].

Навоийнинг Жомийга бўлган чексиз ҳурмат-эътибори, шогирдлик ва муридлик эҳтироми муаллифнинг турфа асарларида турлича акс этиб бир-бирини тўлдириб боради. Бу ҳақда, жумладан, Эргаш Очилов шундай деб ёзади: *“Абдураҳмон Жомий Навоий учун тариқатда – пир, адабиётда –*

[64] Қ а ю м о в А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. − Т.: “Мумтоз сўз” нашриёти. 2011, 54-бет.
[65] Ўша асар, 491-бет.
[66] Қ а ю м о в А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. − Т.: “Мумтоз сўз” нашриёти. 2011, 56-бет.

устоз, ҳаётда – дўст мақомидаги улуғ инсон эди. "Хамса"нинг барча достонларида у ўз устозига махсус боб бағишлайди. "Насойим ул-муҳаббат..." ва "Мажолис ун-нафоис" асарларида алоҳида ўрин ажратади. Бундан ташқари, ўзининг туркий ва форсий ғазалларида, "Туҳфат ул-афкор" қасидаси, "Арбаъин"да ҳам Жомий ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиради, уни таъриф-тавсиф этади"[67].

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Алишер Навоий ўзининг аксар асарларида устози Абдураҳмон Жомий сиймосини таърифу тавсиф этади. Уларнинг барчасида бу зотга бўлган чексиз ҳурмат, меҳр-муҳаббат, ўзига хос бир эҳтиром кўзга ташланади. Шу руҳ Навоийнинг шеърий мисраларида ҳам, насрий асарларида ҳам бирдек намоён бўлади.

2. Навоийнинг туркий назмига ҳам, форсий тилдаги шеърий асарларига ҳам Жомийнинг таъсири жуда катта бўлган. Шоир девонларининг тартиб берилишига ҳам бевосита устози сабабчи эканини қайта-қайта такрорлашдан чарчамайди. "Бадойиъ ул-бидоя" девони дебочасида, "Хазойин ул-маоний" таркибидаги "Ғаройиб ус-сиғар", "Наводир уш-шабоб", "Бадоеъ ул-васат" девонларининг 650-ғазалларида устозини таърифу тавсиф этади. "Хамса"даги ҳар бир достонда устозига махсус боб бағишлайди.

3. "Арбаъин" орқали, биринчидан, Жомий рубоийлари мазмун-моҳияти, бадиий-табъий жозибаси ўзбек ўқувчиларига етказилгани, иккинчидан, Навоийнинг юксак таржимонлик маҳорати намоён бўлгани, учинчидан, бадиий матн яратиш жараёнига шогирд ва муриднинг устоз ва пирга садоқатини, яъни таржимага руҳий (психологик) омилнинг таъсирини илмий ўрганиш мумкин.

4. Буюк ўзбек шоирининг форсий шеъриятида устозининг таъсири янада яққолроқ намоён бўлади. Жумладан, "Девони Фоний"дан Жомий ғазалларига қилинган 31 та татаббуъ, унинг таврида ёзилган 10 та ғазал ўрин олган. Бундан ташқари, девонда Жомий вафотига бағишланган марсия, 2 та таърих, унинг номига битилган муаммо ҳам бор. "Ситтаи зарурия" дебочасида, шунингдек, асар таркибидаги "Минҳож ун-нажот", "Насим ул-хулд" қасидаларида ҳам устозини таърифу тавсиф этади.

5. Навоийнинг насрий асарларидаги Жомий таърифи ўзининг кенгроқ, батафсилроқ, маълумотларга бойроқ экани билан ажралиб туради. Булар орасида "Мажолис ун-нафоис", "Насойим ул-муҳаббат..."даги Жомийга бағишланган парчалар алоҳида ўрин тутади. Навоий "Маҳбуб ул-қулуб",

[67] О ч и л о в Э. Жомий – Навоий идеалидаги комил инсон. // Жомий ва ўзбек адабиёти./ Тўплам. – Т.: "Мовароуннаҳр" нашриёти. 2005. 99-бет.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асарларининг бир неча жойида устозини мадҳ этиб тилга олади, “Мезон ул-авзон”, “Муншаот” асарларида ҳам устозини ёд этади.

6. Алишер Навоий ўзининг аксарият асарларида устозини таъриф-тавсиф этган бўлса ҳам, улар орасида “Хамса”, “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат...” асарлари алоҳида ажралиб туради. Чунки “Хамса” достонларининг ҳар бирида устозга бағишланган махсус боб, икки тазкирада эса бу зоти шарифга алоҳида саҳифалар ажратилган.

Хулоса қилиб айтганда, Навоийнинг назму насридаги Жомийга бағишланган ўринларнинг барчаси яхлит ҳолда икки шахс муносабатлари доирасини янада кенгроқ ва ёрқинроқ ёритиш учун энг ишончли адабий-илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Бадойиъ ул-бидоя” (“Бадиийлик ибтидоси”) – 1470 йил бошларида Навоийнинг ўзи тузган биринчи девони.
2. Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 1-жилд. Бадойиъ ул-бидоя. − Т.: “Фан” нашриёти. 1987. 14-бет.
3. “Наводир ун-ниҳоя” (“Беҳад нодирликлар”) – 1476–1483 йиллар орасида тузилган.
4. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 2-жилд. − Т.: “Фан” нашриёти. 1977. 87-бет.
5. Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-жилд. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. − Т.: “Фан” нашриёти. 1988. 10-бет.
6. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да шу феҳристдан парча келтирилган. *Қаранг:* Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд. Хамсат ул-мутаҳаййирин. − Т.: “Фан” нашриёти. 1999. 68–69-бетлар.
7. Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 4-жилд. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. − Т.: “Фан” нашриёти. 1989. 469-бет.
8. Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-жилд. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. − Т.: “Фан” нашриёти. 1990. 450-бет.
9. Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-жилд. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. − Т.: “Фан” нашриёти. 1990. 470–508-бетлар.

10. Қ а ю м о в А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. − Т.: “Мумтоз сўз” нашриёти. 2011, 54-бет.
11. О ч и л о в Э. Жомий – Навоий идеалидаги комил инсон. // Жомий ва ўзбек адабиёти./ Тўплам. − Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти. 2005. 99-бет.

МУҚИМИЙ ИЖОДИДА САЛАФЛАР АНЪАНАЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Замира УМАРОВА
мустақил тадқиқотчи, ТОШДЎТАУ

Аннотация: *Муқимий Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий, Фузулий, Бедил каби салафларининг маҳорат сабоғини бир умр ўрганди ва бу анъаналарни давом эттира олди. Муқимий бадиий мероси билан яқиндан танишар эканмиз, улар ичида Навоий ва Жомийга бағишлаб ёзилган кўплаб шеърлар учрашидан, шоир уларни ўзига салафлар сифатида танлаганини англаб борамиз.*

Калит сўзлар: *салаф, мумтоз адабиёт, татаббуъ, мухаммас, сўз санъати, маҳорат, анъана.*

Адабиётшуносликда анъана тушунчаси олимлар томонидан турлича талқин этилган. Хусусан, анъанага асосланган ўзига хослик ҳар бир ижодкорнинг сермаҳсул ижод қилишга ундаган. Анъанавийлик ўзининг улуғ йўл эканлигини исботлаб, кўплаб мумтоз адабиётимиз намоёндаларини кашф этган десак, айни ҳақиқатдир. Адабиётшунос олим И. Ҳаққулов фикри билан айтганда: “Мумтоз шеърият анъана тилида сўзлаш санъати эди. Бир неча асрлар мобайнида бадиий ижодни бошқарган, унга ҳукмронлик қилиб келган анъанавийлик қонуниятлари эса оригинал асарлар қатори; тақлидчилик, нусхакашлик ва якрангликнинг адабиётда мавқе топишига ҳам имкон берган. Шунга қарамасдан, анъанавийлик – улуғ йўл ва буюк санъат мактаби. Навоийдек даҳо санъаткор ҳам шу ижод мактабида таҳсил олган. Бобурнинг Бобур бўлишида анъананинг ролини камситиш гумроҳлик бўлурди. Демак, ҳамма гап – истеъдодда. Адабиёт фақат ҳақиқий истеъдодларга таяниб, ўзини ўзи янгилаб боради. ” (1.59-б)

Биз адабиёт оламида салафларнинг бой меросидан узилиб қолган, уларнинг ижод намуналаридан илҳомланиб гўзал асарлар яратмаган ижодкорни топа олмаймиз. Аслида ҳам, анъана ва анъанавийлик бадиий адабиётдаги силсилавий ҳодиса бўлиб, бу маълум бир тарихий даврни ўтаган амалий-ижодий тажрибалар маҳсулидир. Айниқса, мумтоз

адабиётимиз намояндалари ўз салафлари бой меросидан баҳраманд бўлиб асарлар яратдилар.

Шарқ сўз санъатининг забардаст шоирлари дурдоналарини ўрганиш, улардан таъсирланиш, ғазалларига татаббуъ ёзиш, мухаммаслар боғлаш Муҳаммад Аминҳўжа Муқимий ижодининг ҳам етакчи хусусияти эди. Бадиий ижодда ўзига мувофиқ мазмун ва услубга эга бўлган Муқимий Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий, Фузулий, Бедил каби салафларининг маҳорат сабоғини бир умр ўрганди ва бу анъаналарни давом эттира олди.

Шуни таъкидлаш керакки, буюк шоирлар асарларини четлаб ўтиб, Муқимий ижодига баҳо бериш мумкин эмас. Сабаби, Муқимий шеърларининг ҳар бир байтида бу даҳоларнинг ҳаётбахш таъсири сезилиб туради.

Алишер Навоий бой ижодий мероси ўзидан кейинги туркий халқлар адабиёти, балки бутун Шарқ сўз санъати намояндалари ижодига ўз таъсирини кўрсатган. Фавқулодда истеъдод соҳиби бўлган Навоий бадиий тафаккур тараққиётида алоҳида даврни белгилаб, уни юқори босқичга кўтара олган шоирларнинг султонидир. Бу ҳақда адабиётшунос олим Э. Очиловнинг “Навоий ва туркий халқлар адабиёти” мақоласидаги фикрлари қимматлидир: “Шарқ сўз санъати ўзигача эришган барча ютуқларни ўзида мужассам этган ва уни янада ривожлантириб, бетакрор бадиият дурдоналари билан бойитган мутафаккир шоир ижоди, хусусан, туркий адабиёт учун эталон эди. Бу самарали таъсирданбирон – бир туркий халқ адабиёти холи эмас. Бу адабиётларда Навоийни ўзига устоз деб билмаган, унга эргашмаган, ундан таъсирланмаган, маҳорат сабоғини олмаган қалам аҳли йўқ... Турк, уйғур, азарбайжон, қозоқ, қирғиз, татар, туркман, бошкирд, қорақалпоқ – барчаси Навоийни ўз шоири деб билади ва ўз мумтоз адабиётларининг забардаст намояндаси сифатида ўрганади.” (2.334-б)

Олимнинг юқоридаги фикрлари тасдиғини Муқимий Навоийнинг “Топмадим” радифли ғазалига ёзган мухаммаси билан далиллаймиз:

Онгладим бир ҳарф қолмай даври гардун қиссасин,
Як ба як такрор қилдим олами дун қиссасин,
Кўп эшитдим Лайлию Узро у Ширин қиссасин,
Кўп ўқудим Вомиқу Фарҳод, Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин бўлажаброқ достони топмадим. (3.54-б)

Бу ерда “гардуни дун”, “олами дун” – пасткаш дунё маъносини бермоқда.

Навоийнинг машхур “Меҳр кўп кўргиздум аммо...” деб бошланувчи ғазалининг мазмун ва ғояси, вазнига айнан яқинлашиб боради. Вазни бир

хил, рамали мусаммани маҳзуф, мазмун ҳам бир хил, фақат қофияда бироз фарқ бор ҳолос.

Муқимий бадиий мероси билан яқиндан танишар эканмиз, улар ичида Навоий ва Жомийга бағишлаб ёзилган кўплаб шеърлар учрашидан, шоир уларни ўзига салафлар сифатида танлаганини англаб борамиз. Муқимийшунос олим, профессор Ғ.Каримов бу ҳақда шундай ёзади: “Муқимийнинг Жомийга бўлган ихлоси ва муҳаббатини кўрсатиш жиҳатидан «Мекуни ё не?» мухаммаси алоҳида диққатга сазовор. Жомий ғазалига боғланган бу мухаммаснинг қуйидаги охирги бандида, Муқимий Жомийни ижодий ишда ўзига «пир — устоз» қилиб олганини айтади:

Муқимий зарра, ҳамчун офтоби ховари Жомий,
Заиф у ож изам, кун дастгири, ёвари Жомий,
Бадоди додхоҳом аз туш ояд довари Жомий,
Кадомин дарду меҳнатро кунам ёд овари Жомий,
Ту осон мушкили мо мустамандон, мекуни ё не?

Т а р ж и м а с и:

Муқимий Жомий олдида қуёш атрофида айланувчи зарра сингаридур,
Заифмаи, ожизман, қўлимдан тут, ёрдам қил, эн Жомий,
Сендан ёрдам сўровчиларга, ҳамма вақт мадад этиб келган сан эй Жомий.
Қайси бир дарду меҳнатимни баён қилайин, эй Жомий,
Биз ёрдамга муҳтожларнинг мушкулини осон қиласанми, ё йўқми?”

Адабиётшуносликда “тахмис” деб ҳам юритилувчи бундай шеърнинг (мухаммаснинг) талаблари, маълум шартлари бўлиб, шоир тахмис қилиш қоидасига мувофиқ мухаммас боғланадиган ғазалнинг ҳар бир байтини олиб, унинг бутун бадиий хусусиятларини сақлайди. Ва шоир мухаммас боғловчи шоир унга ўзи томонидан яна уч мисра қўшади, яъни ғазалнинг ҳар байтида беш мисрали банд ҳосил қилади, шу йўл билан ғазал неча байтдан иборат бўлса, шунча бандлик мухаммас ҳосил бўлади. “Тахмис қилишнинг қийинлиги шундаки, – деб ёзади Ғулом Каримов, – мухаммас боғловчи шоир мазмун, услуб, вазн ва бошқа бадиий санъатларни қўллашдан чекланган бўлади. Ғазал авторининг умумий руҳини ҳисобга олишга, унинг стилистик хусусиятларини сақлашга мажбур. Иккинчи томондан, мухаммас боғлашнинг яна бир масъулияти шундаки, мухаммас боғловчи шоир санъат жиҳатидан танланган ғазалдан паст бўлмаган мисралар яратиб, бадиий маҳоратини намойиш қилиши керак. Классик адабиётимизда мухаммас боғлашга ўзишув, мусобақа, шоир учун бир турли имтихон, деб қараганлар. Шунинг учун “муваффақиятли мухаммас”, “муваффақиятсиз мухаммас” каби терминларни қўллаб, шоирлар бадиий маҳоратига бахо берганлар. Мана шундай масъулиятли приёмни Муқимий кўп қўллади ва муваффақиятли чиққан

анчагина мухаммаслар яратди.” (4.22-23-бетлар) Ҳақиқатдан ҳам, Муқимий Жомий қўллаган ташбиҳу тимсоллардан ижодий истифода этар экан, уларнинг янги маъно қирраларини очиб, ўзига хосликни зўр маҳорат билан таъминлай олди.

Ҳар кеча ул меҳрибон ойимни мен ёд айлайин,
Келтириб додга шаҳар аҳлини фарёд айлайин.
*Бўлса **Ширинниng** иши зулму ситамгарлик агар,*
*Бу жаҳонда мен ҳам энди расми **Фарҳод** айлайин.*

(Жомий) (5.22-бет)

Жомий “Айлайин” радифли ғазалида бу қиёслашни Навоийда жуда кўплаб учратамиз:

*Дашт уза **Мажнун** киби саргаштадурмен, то эрур,*
*Ул мусофир маҳвашим **Лайли** киби саҳронишим.*
Бу анъанавий қиёслаш Муқимий ғазалида қуйидагича:
*Менга **Мажнун** учраса иди ишқ даштида агар,*
Йиғлар эрди ҳолима бошимда минг савдо кўриб.

Яна:

Эрурман нотавон, ожиз, қадим ҳам ғам юки бирлан,
Қилур токай қаро бахтимни ул қоши қаро ёраб,
*Агар бир умр ҳижрон даштида саргаштадур **Мажнун**,*
*Анга **Лайли** баҳона мақсади сан муддао ёраб.*

Бу шуни кўрсатадики, Жомий ва Навоий яратган тасаввуфий ва ижтимоий ғазаллар, улардаги гўзал ифодалар, қофия ва бадиий санъат қўллашдаги маҳорат Муқимийни ўзига оҳанграбодек тортган. Шунинг учун ҳам шоир бетакрор ижтимоий ва исломий руҳ омуҳта бўлган ғазаллар яратган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳаққул. И. Ўзбек тили ва адабиёти – 2003.№ 2. Б-59. “Ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуфни ўрганиш муаммолари” Адабиётшунос Э. Очилов билан суҳбат.
2. Очилов. Э. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари ” мавзусидаги халқаро конференция материаллари . – Тошкент: Машҳур пресс, 2018. 334-б.
3. Пардаев. Қ. Биз билмаган Муқимий. – Тошкент: Муҳаррир, 2019. 54-б
4. Каримов. Ғ. Муқимий. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959-й. 22-23- бетлар.
5. Абдураҳмон Жомий. Муҳаббат мазҳаби. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011-й. 22-б. Таржимон Э.Очилов.

ALISHER NAVOIY SHE’RIYATIDA ZOHID OBRAZI TAVSIFI

Dilobar TURSUNMURODOVA
magistr, ToshDO‘TAU

Turkiy adabiyotda tasavvuf ta’limoti Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asaridan boshlab o‘z aksini topa boshlagan. Asar qahramonlari ma’naviy kamolot pillapoyalarini bosib o‘tishda tasavvuf yo‘lidan borishadi. Ilohiyotni anglashga yolg‘iz aqlning kuchi ojizlik qiladi. “Qutadg‘u bilig” dostonida dastlab Kuntug‘di va Oyto‘ldi – ikki donishmand dunyo hodisalari haqida suhbatlashadi. Oyto‘ldi vafotidan so‘ng uning o‘g‘li aynan shu jumboqlar haqida bosh qotiradi. Adib shu uch obraz bilan kifoyalanmaydi, balki turkiy adabiyotdagi ilk zohid obraz – O‘zg‘urmishni kiritadi. O‘zg‘urmishning ma’nosi “hushyor qiluvchi”, “sergaklantiruvchi” demakdir. Uning zohid qiyofasida ko‘rinishida shu ma’noga uyg‘unlik bor. U behuda dunyoviy ishlar bilan band bo‘lishdan ogohlantiradi.

Ahmad Yassaviy ijodida esa bu obrazga yondashishda o‘zgacha yo‘ldan boradi. Yassaviy oshiq so‘fiylarni ulug‘lovchi shoir edi. U oshiq sifatlarini zohid obraziga qarama-qarshi qo‘yib tasvirlaydi.

Alisher Navoiy ijodiga nazar tashlasak, obrazlar tizimi kengayganligiga guvoh bo‘lamiz. Rind, mutafakkir, shoir, oliyjanob inson singari ijobiy timsollar; shayx, zohid, adolatsiz podshoh kabi salbiy timsollar Hazrat tomonidan birinchilardan bo‘lib keng va atroflicha yoritilgan. Navoiy quyidagi qit’asida zohid obrazining xususiyatlarini ochib bergan:

Ko‘rsang, ey zohid, muqomirvash qalandarpeshaye,
Bo‘lma ko‘p mashg‘ul-u dunyo sho‘g‘lidin qil ijtinob.
Dona o‘ynab vahjin isor etsam andin yaxshikim,
Everub tasbih-u yormoq sudni etkaysan hisob.

Bu misralarda zohidning dunyoning yumushlari bilan mashg‘ul bo‘lmay undan saqlanishi, tasbeh ag‘darib o‘z foydasini hisob qilgandan ko‘ra dona o‘ynab tanga pul in’om etgan yaxshiroqligi tanqid qiladi. Bizningcha, Hazrat Navoiy botinan bu misralarida zohid tasbeh ag‘darganda Ollohning nomini zikr etib, unga hamd-u sano aytmaydi, balki o‘z savob-u gunohlarini hisob-kitob qiladi demoqchidek.

Navoiy lirikasida zohid riyokor tarzida tasvirlanadi. Quyidagi misralarda bu tasvir ochiq-oydin ko‘zga tashlanadi:

Zohid senu kavsar, biru mug‘ dayri nedinkim
Bir zahri balokash biru sen no‘shi riyogash.

Zohid toat-ibodat bilan shug‘ullansa-da, ammo ularda vafo yo‘q. Vaholanki, taqvodor sadoqat sifatlarini o‘zida jo etgan kishidir. Vafo ahlini ko‘rishni orzu

qilib, vafodorlikni na zohiddan, na fosiqdan, na gadodan va na shohdan topmaganligini bayon etib, zohidni fosiq, gado, shoh obrazlari bilan tenglashtiriladi. Fikrlarimizni quyidagi qit'a bilan isbotlaylik:

Orzu qildim vafo ahlin ko'ray deb, topmadim,
Xoh zohid, xoh fosiq, xoh soyil, xoh shoh.

Zohidlar haqiqiy ishqdan ko'ra jannatni afzal biladilar. Shuning uchun ular Olloh vasliga yetishishdan ko'ra jannatga musharraf bo'lishni, u yerda rohatga yetishishni birlamchi maqsad deb bilganlar. Bu kabi fikrlarni quyidagi baytda aytib o'tgan:

Sen-u firdavs ichida kavsari hur, ey zohid,
Men-u mayxona aro bodaki tutqay shohid.

Ey zohid, senga jannat bog'idagi hur kavsar (jannat bulog'i) ni tutadi, menga esa mahbuba mayxona aro boda tutadi. Bu misralarda ta'kidlagan fikrlarni quyidagi ruboiysida yanada batafsilroq yoritib bergan:

Zohid senga hur, manga janona kerak
Jannat senga bo'lsun, manga paymona kerak.
Mayxona aro soqiy-u paymona kerak
Paymona necha bo'lsa to'la yona kerak.

Bu ikkala o'rinda ham ijodkor bir xil mazmundagi g'oyani ilgari suradi. Ya'ni oshiqqa Mahbuba (Olloh) tutgan may (haqiqiy ishq) kerak bo'lsa, zohidga esa hur tutgan jannat bulog'i kerak. Alisher Navoiy bu ikkala misralarda ham Olloh va hur, oshiq va zohid, may va kavsar obrazlarini o'zaro zid qo 'yib ochib bergan.

Xulosa qilib aytganda, zohid obrazini adabiyotga kirib kelishi Yusuf Xos Hojibning nomi bilan bog'liq. Keyinchalik bu obraz Ahmad Yassaviy, Alisher Navoiy ijodida shakllanish taraqqiyotini bosib o'tdi. Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" dostonida bu obraz ijobiy fazilatlar egasi sifatida namoyon bo'ladi. Ahmad Yassaviy oshiqlarni tasvirlashda zohid obraziga to'xtalgan bo'lsa, Hazrat Navoiy lirikasida yuqori nuqtaga chiqadi. Uning sifatlari batafsilroq yoritiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Alisher Navoiy. Xazoyin ul-maoniy. G'aroyib – us sig'ar. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi, 2012. - 804 b.
2. Ahmad Yassaviy. Hikmatlar. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti. 1991.-256 b.
3. Botir Valixo'jayev. O'zbek adabiyotshunosligi tarixi. Toshkent "O'zbekiston", 1993. – 191 b.

PAHLAVON MUHAMMAD VA ALISHER NAVOIY

Gulhayo ISABAYEVA
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti 1-kurs magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada Pahlavon Muhammad hayoti va ijodiga oid fikrlar bildirilgan. Alisher Navoiyning "Holati Pahlavon Muhammad" asarida Pahlavon Muhammadga berilgan ta'riflar va ularning munosabatlari o'rganilgan. Pahlavon Muhammadning ijodidagi she'riy baytlar tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: "Holati Pahlavon Muhammad" , Gushtigir, g'azal, ruboiy, aruz, qofiya, matla', chorzarb, savt.

Pahlavon Muhammad XV asr Hirot madaniy markazining yirik namoyondalaridan bo'lgan. U riyoziyot, yulduzlar ilmi,kimyo,falsafa, adabiyot, san'at va yakkama-yakka kurash turida nom chiqargan. "Gushtigir" taxallusi bilan she'rlar ham yozgan. Shu bilan birgalikda yaxshi bastakor va xonanda bo'lganligi ham bizga tarixiy manbalardan ma'lum.

Hazrat Alisher Navoiyning 40 yillar mobaynidagi yaqin do'sti, ota o'rnidagi murabbiysi ham edi. Navoiy bu yaqin kishisi va maslakdoshiga maxsus "Holoti Pahlavon Muhammad" nomli asar yozib, uning shaxsiyati va iste'dodi qirralarini ochib beradi. "Majolis un – nafois" tazkiraning IV majlisini Pahlavon Muhammadga bag'ishlangan maqola bilan boshlaydi.

Pahlavon Muhammad o'z davrining zukko kishisi deya ta'riflanadi. Alisher Navoiy shunday yozadi: "Chun qobiliyati baland tushgandur va muloyamati tab'i borcha funung'a munosib va bahramand voqe' bo'lg'ondur, ko'p fazoyil va kamolat ham kasb qilg'ondurkim, zamon ahli borchada Pahlavonni musallam tutar erdilar"[68]. Ushbu ta'rifdan shuni anglash mumkinki, Pahlavon Muhammad barchaning ko'nglidan joy olgan, shu bilan birgalikda, ko'pgina bilimlar sohibi ham bo'lgan deyish mumkin. Hamma fanlarda ma'lumoti tugalligi va davrning yengilmas kurashchisi ekanligini durdona so'zlar bilan ta'kidlab o'tgan. Pahlavon Muhammadning Pahlavonligi uning qonida bo'lib, tog'asi Pahlavon Abusaid zamonning pahlavoni bo'lib, kushtigirlikda ya'ni yakkama- yakka kurash turida shuhrat qozongan.[69] Pahlavon Abusaid kichik yoshidan kushtigirlikda kundan kunga g'olibliklarni qo'lga kiritadi. Oz fursatda hamma tengqurlarini mag'lub qilib, barchasining ustidan g'olib bo'ladi. Kunlar o'tib Pahlavon Abusaid vafot

[68] Alisher Navoiy "Holati Pahlavon Muhammad" G'.G'ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti – T 1967 2-bet
[69] Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati IV tomlik. O'zbekiston "Fan" nashriyoti-T 1983 II tom 143-bet

etgach, Pahlavon Muhammad pahlavonlikda tog‘asining o‘rnini egallaydi. Qobilyati balandligi va tabiati yumshoqligi bilan barcha hunar ahliga munosib o‘rnak bo‘lgan, yaxshi fazilatlar va kamolot kasb qilganligi bois, barcha zamondoshlari Pahlavonni hurmat qilgan.

Jumladan, musiqa nazariyasi va musiqa ilmida yoqomli ovozi bo‘lib, bu nozik sohada ham sa’y harakat ko‘rsatib, shuhrat qozongan. Dilkash kuylar, ashulalar, ko‘ngilga xush keladigan so‘zlar, g‘azallar tasnif qilib, yaxshi ijrolar ham qilgan. O‘z asrining bu fanda mohirlari kabi: Muhammad Xorazmiy, Mavlono Nu’mon, Mavlono Sohib Balxiy, Shayx Safoiy Samarqandiy va Xoja Yusuf Andijoniydek kishilarning yaratgan kuylari ta’sirida Pahlavon kuy, sufiya, so’z jir chorzarblardek kuylar yaratadi. Bu kuylar ularning kuylaridanda yoqimliroq bo‘lib, shuhrati ham ancha ovoza bo‘ldi.

Pahlavon Muhammad Sulton Sohibqiron xizmatida bo‘lib, sulton bilan ham munosabatlari anchagina iliq bo‘lgan. Sulton har doim va har yerda Pahlavonni o‘ziga suhbatdosh qilib olgan. Mashhadda “saydi g’azol”(mumtoz musiqa kuyi) uyushmasida u Humoyun hazratning ismiga o‘zining bu she’rini:

Oncho ki bar dargahat ro‘i niyoz ovardaem,
Ro‘i dil dar ka’bai iqbol boz ovardaem.[70]

Nasriy bayoni: Dargohingga yolvorib yuzlanganimda, ko‘ngil yuzini iqbol ka’basiga yo‘naltirgan bo‘laman. – deb, kuy yasab, takror bu ikki baytni bog‘lab, insoniyat olamida bu ikki baytdek oz aytilibdirki, madh etilgan beshinchi otasiga zikr bo‘ldi:

Sulton Husayn xisravi g‘oziy ki misli o‘
Hargiz nabuda dar sadafi ro‘zgor dur.
Shoh ast shahriyor padar bar padar ki hast,
Mansur Boyqaroyi Umarshayxi bin Temur.[71]

Ushbu misralarda Sulton Husayn g‘olib podshoh deb ta’riflanadi, uningdek ro‘zgor sadafida hech kim, hech qachon bo‘lmagan. Pahlavon, Sulton Husayn otasi – Mansur Boyqaro Umarshayx bin Temurni ham yodga oladi va buyuk shoh bo‘lgan deb xotirlaydi. Bu kuyda juda ko‘p maqomot va musiqa yo‘llarini qayd qilgan bo‘lib, yoqimli va bag‘oyatda tengsiz bog‘langan. Yana ishlari ham misli “qavl”(so’z), “g’azal”, “chorzarb”(musiqiy kuy), “savt” (musiqiy kuy) va “naqsh” lar son-sanoqsiz bog‘langan.[72] Xalq orasida mashhur bo‘lgan. She’r va muammo bobida ham tengsiz bo‘lib, o‘z zamonasi shoirlarining yuzidan birida bunday idrok va xabardorlik yo‘q bo‘lgan. Shoirlar yangi she’r yozsalar, Pahlavonga yetkazib, uning fikrini so‘rar va qo‘shimchalar kiritilib,

[70] Alisher Navoiy “Holati Pahlavon Muhammad” G‘.G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti – T 1967 3-bet
[71] Alisher Navoiy “Holati Pahlavon Muhammad” G‘.G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti – T 1967 3-bet
[72] Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati IV tomlik. O‘zbekiston “Fan” nashriyoti-T 1983 II tom 155-bet

o‘zgartirilganini, tabdilini qabul qilganlar. O‘zi ham she’r va muammo bobida tengsiz bo‘lgan. Quyida Pahlavon Muhammadning she’ridan misol keltiramiz.

Bu matla’ Pahlavonnikidir:

Guftamash: “Dar olami ishqi tu koram bo g‘am ast?

Guft xandon zeri lab: “G‘am nest, kori olam ast”.[73]

Nasriy bayoni: Unga aytdimki, sening ishqing Olamida ishim g‘amdin iborat bo‘ldi. U kulgi aralash miyg‘ida «g‘am emas», olamning ishqidir, – dedi.

Az xayoli pechtobi kokuli mushkini o‘,

Dudi dil bar farqi Kushtigir hamchun parcham ast.[74]

Ma’nosi: Uning jingalak – buralgan kokili xayolidan ko‘ngil dudi kushtigirning boshi ustida xuddi qora nishondir.

Muammo janrida ham ko‘p ixtirolar qilgan. Hamma muammo aytuvchilar ko‘p qiyinchilik bilan bir baytdan yo bir ruboiydan bir ism hosil qilsa, Pahlavon she’riyatida muammo o‘z cho‘qqisiga yetgan, o‘z ta’bi bilan ismlar paydo qilgan va bu ko‘p bahslarga sabab bo‘lgan. Yaxshi ruboiylari ham bo‘lib, ba’zan birov uchun aytgan,ba’zida esa, kimningdir maktubiga javob yuborgan. Ba’zi do‘stlariga ushbu ruboiyni yozib yuborgan: Bu ruboiy Alisher Navoiy haqida yozilgan

Gar jon ajalam zi tani noshod barad,

Hosho ki maro mehri tu az yod barad.

Xoham ki shavam xok maro bod barad,

Boshad ki ba so‘i Astrobod barad.[75]

Pahlavon Muhammad Alisher aytadiki, agarda ajal kelib tanamdan jonimni olsa ham lekin, sening mehringni mening yodimdan ola olmaydi; qani endi tuproq bo‘lsamu uni shamol olib ketsa, shunday bo‘lsaki, uni Astrobod tomonga eltsa. Ushbu ruboiy yozilgan vaqtda Navoiy Asrtabodda bo‘lgan. Ushbu sartlar orqali Navoiy va Pahlavon Muhammad o‘rtasidagi munosabatning naqadar iliq va yaqin bo‘lganligini anglashimiz mumkin.

Ba’zi muxlislari va yaqin do‘stlari maktubiga javobida yozgan edi:

Az ohui romi xud faromo‘sh makun,

V-az sayde ki romi xud faromush makun.

Harchand ki boshad faromo‘shkori,

Az sari g‘ulomi xud faromo‘sh makun.[76]

Nasriy bayoni: Rom bo‘lgan ohuyingni unutma. Sayd qilingan romingni unutma; unutmoqlik ne chog‘liq bo‘lmasin, o‘z qulingni unutma.

[73] Alisher Navoiy “Holati Pahlavon Muhammad” G‘.G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti – T 1967 4-bet
[74] Alisher Navoiy “Holati Pahlavon Muhammad” G‘.G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti – T 1967 4-bet
[75] Alisher Navoiy “Holati Pahlavon Muhammad” G‘.G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti – T 1967 5-bet
[76] Alisher Navoiy “Holati Pahlavon Muhammad” G‘.G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti – T 1967 6-bet

Pahlavon Muhammad san'at, aruz, qofiyadan ham ko'p xabardor bo'lgan. Yana qiroat ilmini ham yaxshi bilganligi sababli, yaxshi nutq va talaffuz bilan Qur'on o'qigan. Ba'zi vaqtlarda qorilarga qiroat bo'yicha savol bersalar, ular javob topolmay hijolat tortib qolishar va Pahlavon Muhammaddan ilm o'rganishgan.

Alisher Navoiy ustozi, do'stini xotirlaganda uning zehni o'tkirligi va xotirasi kuchli bo'lganligini "Holati Pahlavon Muhammad" asarida keltirib o'tadi. Navoiy quyidagicha yozadi:

Va ustod adabiyotin: masnaviy va qasida va g'azal va har sinf she'rdin xo'b va ham ko'p yodida erdi[77]

Pahlavon nafaqat o'z she'rlari bilan balki ustozlar she'riyatidan: masnaviy, qasida, g'azal va har turli she'rlarni juda ko'p yod olib ham hammani lol qoldirgan. Ushbu she'rlarni qo'shiq qilib ham kuylagan. Ko'p hollarda majlislarda kishilarga nasr va nazmdan o'qib, tushuntirishlar bergan. Fe'l-atvori bag'oyatda g'o'zal bo'lib, xulqi a'lo shior bo'lgan.

Hech suhbat tilamaslar edikim, Pahlavondin ayru qilg'aylar. Borcha majlis va mahfilda Pahlavon hozir erdi va suhbatning xushlug'iga bois erdi.[78]

Pahlavonsiz biror bir suhbat bo'lmas edi. Barcha majlis va bazmda Pahlavon hozir bo'lgan, suhbatining mazmunliligi bois hamma uning suhbatini olishga intilishgan. Suhbatning xursandchilik bilan o'tishiga yana bir sabab esa, she'r, muammo va musiqadir. Chunki Pahlavonning barcha ilmdan xabari bor bo'lib, u bilimdonlikda mohir hisoblangan. U Sulton us-salotinning ham majlisdagi yaqin suhbatdoshi, anjumanlarda va holi joylarda, umuman, hamma yerda do'sti, hamzaboni, hamdami ham bo'lgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Alisher Navoiy Pahlavon Muhammadni o'z yaqin kishisi, do'sti va ustozi hisoblab, uning maslahatlarini olgan. Pahlavon Muhammadning g'azal, ruboiylarning tahlilidan shuni aytish mumkinki, har bir baytlarida Allohga bo'lgan ishq kuylangan, buyuk zotga hamd-u sanolar aytilgan. Bu esa Alisher Navoiyning yetuk ijodkor va inson sifatida kamolotida ustozi Pahlavon Muhammadning ham o'rni beqiyosdir. Pahlavon Muhammad ruhiyati, ijodi va iymon-etiqodi Alisher Navoiyga va uning ijodiga o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatganligi hech shubhasizdir. Pahlavon Muhammadning Alisher Navoiyga ustozlik qilishining o'zi ham adabiyot va madaniyatimizga qo'shgan eng katta va buyuk hissalaridan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

[77] Alisher Navoiy "Holati Pahlavon Muhammad" G'.G'ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti – T 1967 6-bet
[78] Alisher Navoiy "Holati Pahlavon Muhammad" G'.G'ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti – T 1967 8-bet

1. Alisher Navoiy “Holati Pahlavon Muhammad” G‘.G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti – T 1967
2. Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati IV tomlik. O‘zbekiston “Fan” nashriyoti-T 1983
3. Izzat Sulton. Navoiyning qalb daftari G‘.G‘ulom nashriyoti– T 2010
4. www. ziyonet.uz

ALISHER NAVOIY BUYUK DAVLAT ARBOBI

Alisher NIGMATOV,
Mohinura MISABOYEVA
talabalar, TVCHDPI
Feruza MIRZAQULOVA
talaba, GDU

Annotatsiya: *Maqolada o‘z davrining buyuk arbobi Alisher Navoiy ilmiy meroslari va uning amalga oshirgan ulkan ishlar alohida o‘rganilgan. Ayniqsa, davlat va jamiyat boshqaruviga oid ma’lumotlar bo‘lajak yosh kadrlarga boy tajriba bo‘lib xizmat qiladi. Bu kabi ulkan meroslarimizni chuqur o‘rganishimiz bobolarga munosib voris bo‘lishimiz tomon tashlangan muhim qadam hisoblanadi.*

Annotation: *In the article, the scientific heritage of the great figures of his time Alisher Navoi and valuable work they carried out was studied separately, especially, information on the management of the state and society will serve as rich experience for future young generation. It is an important step for us to learn deeply such a great legacy that we are a worthy followers to our ancestors.*

Kalit so‘zlar: *Husayn Boyqaro, Xondamir, «Majma’ un-navodir», «Muhokamat ul-lug‘atayn», «Makorimul-axloq», rabot, hovuz,«amir ul-muqarrab»*

Keywords: *Khusayn Boyqaro, Khondamir, «Majma’ un-navodir», «Muhokamat ul-lug‘atayn», «Makorimul-axloq», rabot, hovuz,«amir ul-muqarrab»*

Tarixdan ma’lumki, ilm va dinning mashhur kishilari o‘z hukmdorlariga yordam berib, mamlakatni idora qilishda ulkan hissa qo‘shganlar. Davlat boshqaruvida **Alisher Navoiy** ham katta hissa qo‘shganligiga tariximiz guvohdir.

* TVCHDPI Tarix o‘qitish metodikasi yo‘nalishi 2-bosqich talabasi Tel: (94) 674 29 19. E-mail: alishernigmatov911@mail.ru
[80] * GDU Xorijiy til vaadabiyoti yo‘nalishi 3-bosqich talabasi

Bu inson o‘z zamonasining eng bilimli shaxslaridan bo‘lib, **Alisher Navoiy** temuriylar davlatini rivojlantirishda katta o‘rin egallaydi.

Badiy adabiyot va davlat ishlarida o‘z salohiyati bilan o‘chmas iz qoldirgan siymolarimizdan biri **Alisher Navoiydir.** O‘zbek xalqining buyuk farzandi, yirik mutafakkir shoir, olim va davlat arbobi Alisher Navoiy 1441-yil 9-fevral Hirotning Bog‘i Davlatxona mavzeyida xizmatchi oilasida dunyoga keladi.

XV asr tarix ilmining yirik namoyondalaridan biri Mirxond o‘zining «Ravzat us-safo» asarida: «Amir Alisherning bobosi Amir Ternurning o‘g‘li Umarshayx bilan ko‘kaltosh edi», deb yozgan[1]. Mirxondning nabirasi bo‘lmish G‘iyosiddin Xondamir esa “Makorim ul-axloq” asarida: “Ya’ni boshqalarni to‘g‘ri yo‘lga boshlash qobiliyatiga ega bo‘lgan, sifat va pok niyatli, saltanatning ustuni va mamlakat tayanchi, xoqonlik davlati suyanchigi va Hazrati (Husayn Bayqaro nazarda tutilgan) sultonning yaqin kishisi bo‘lgan ul oliy Hazrat tovuk yiliga to‘g‘ri keluvchi hijriy-qamariy 844-yil ramazon oyining 17-kuni yo‘qlik dunyosidan borliq olamiga qadam qo‘yib, o‘zining go‘zal va porlok chehrasi ulug‘ligi bilan yer yuziga zeb-ziynat bag‘ishladi”[2] deya ma’lumot beradi.

Alisher bolaligidanoq o‘zining o‘tkir zehni, ziyrakligi, xush xulqi va xushfahmliligi bilan tengdoshlari orasida alohida ajralib turgan. Kichik maktab yoshida fors shoiri Farididdin Attorning kattalar ham tushunishi qiyin bo‘lgan «Mantiq ut-tayr» dostonini fors tilida o‘qib ham uqib yod olgani uning yoshlik iste’dodining muhim qirralaridan edi.

Podshoh Shohrux Mirzo vafotidan so‘ng poytaxt Hirot notinchligi sabab oila Iroqqa ko‘chib ketadi. Yo‘lda Taft shahrida Alisher mashhur tarixchi Sharafiddin Ali Yazdiy bilan uchrashadi, ziyrak va aqlli bolakayning zukkoligidan mamnun bo‘lgan keksa olim uning haqqiga duolar qiladi. Xalq orasidagi «Ulug‘lar duosi qabul bo‘ladi» degan naql bejiz emas. Alisherlar xonadoni 1451-yilda Hirotga qaytadi. Ko‘p o‘tmay, taxtga Abulqosim Bobur Mirzo o‘tiradi. Alisherning otasi G‘iyosiddin Muhammad Sabzavorga hokim qilib tayinlanadi. Alisher esa, o‘qishni davom ettiradi. 1453-yilda G‘iyosiddin Muhammad vafot etdi. Alisher Abulqosim Bobur xizmatiga kirdi. Avval Sabzavorda, 1456-1464-yillarda Mashhadda yashadi. Abulqosim Boburning xizmatida bo‘ladi. Bu yerda uning shoirlik qobiliyati ko‘zga yorqin tashlanadi. O‘zi shoir bo‘lgan Abulqosim Bobur va uning saroyidagi atoqli shoirlar Alisherning yuksak va noyob zehni va qobiliyatiga yuqori baho beradilar. Tarixchi Xondamirning guvohlik berishicha, yosh Alisherning: Orazin yopqoch ko‘zimdin sochilur har lahza yosh, Bo‘ylakim, paydo bo‘lur yulduz, nihon bo‘lg‘och quyosh, deb boshlanadigan g‘azalini Mavlono Lutfiy quyidagicha baholagan ekan: «...Agar muyassar bo‘lsa edi, o‘zimning o‘n-o‘n ikki ming forsiy va turkiydagi baytlarimni birgina shu g‘azalga almashtirardim va bu ishning yuzaga chiqishini zo‘r muvaffaqiyat hisoblardim»[3].

Nizomiy Aruziy Samarqandiy «Majma’ un-navodir» asarida yozishicha, u vaqtlarda shoir bo‘lishni istagan kishi o‘zidan oldin o‘tganlar ijodidan yigirma ming bayt, zamondosh shoirlar ijodidan o‘n ming bayt she’rni yod olishi kerak ekan[4].

A.Navoiy «Muhokamat ul-lug‘atayn»da o‘zi qayd etishicha, yigitlik yillarida o‘zi sevgan shoirlarning ellik mingdan ortiq baytni yod bilganligini quydagicha bayon etadi:

Bulardin dog‘i boshqa, yigitligim zamoni va shabob ayyomi avonida ko‘prak she’rda sehrsoz va nazmda fusunpardoz shuaroning shirin ash’ori va rangin abyotidin ellik mingdin ortuq yod tutupmep va alar zavqu xushhollig‘idin o‘zumni ovutupmen va salohu fasodlariga fikr aytibmen va maxfiy daqoyiqig‘a taammul va tafakkurlar bila yetibmen va forsiy alfoz aybu hunari mulohazasi idrokida tab’im o‘zin solmaydur, balki ul vodiy qat’ida kilkim ravandasi tezgomlig‘ bila qadam urmagon yer qolmaydur[5].

Yoshlikdan Husayn Boyqaro bilan qadrdon do‘st bo‘lgan Alisher Hirot hukmdori Abu Saidga qarshi bosh ko‘targan badaxshoniylarga xayrixohlik izhor qiladi. Bundan g‘azablangan Abu Said Alisher Navoiyni 1466-yilda Hirotdan Samarqandga badarg‘a qiladi. Navoiy Samarqandda uch yil g‘oyat og‘ir moddiy sharoitda ilm oladi. Vafoiy tahallusi bilan yaxshigina she’rlar yozib elga taniladi. Samarqandning ma’rifatparvar hokimi Ahmad Hojibek, olim Fazlulloh Abullays va boshqalar Alisher Navoiyga homiylik qiladilar va katta yordam ko‘rsatadilar. Ayniqsa, o‘z zamonasining mashhur olimlaridan hisoblangan Fazlulloh Abullays Samarqandiy Alisherning zehni va qobiliyatiga tan berib, unga katta yordam beradi, mudarrislik qiladi va Navoiyni o‘ziga farzand deb biladi. Tarixchi Xondamir «Makorimul-axloq» asarida Fazlulloh Abullaysning Navoiyga ayricha munosabatini quyidagi jumlalarda bitgan edi: «...Xoja janoblari Oliy Hazratning o‘tkir zehnli ekanini har vaqt maqtar edi va boshqa o‘quvchilardan uni ortiq ko‘rar edi». Botir Valixo‘jayev «Alisher Navoiyning Samarqanddagi qadamjolari» maqolasida Xoja Fazlulloh Abullays haqida quyidagi ma’lumotlarni beradi: «Zamonasining Abu Xanifasi (fiqh olimi), obni Hojibi (arab tilshunosi), Abu Ali ibn Sinosi deb e’tirof etilgan. Alisher Navoiy ana shu alloma qoshida ikki yil huquqshunoslik, arab tili va adabiyoti, she’rshunoslikdan saboq oldi...»[6].

1469-yili Husayn Boyqaro taxtni egallagach, Alisher Navoiyni Hirotga, o‘z yoniga taklif etadi. Navoiy Husayn Boyqaroning taxtga chiqishi munosabati bilan «Hiloliya» qasidasini bitadi. Alisher Navoiyni Husayn Boyqaro muhrdorlik vazifasiga tayinlaydi. Keyinchalik 1472-yildan bosh vazir lavozimiga ko‘taradi. Navoiy o‘zining olijanob va eng yuksak orzulari–xalqqa xizmat qilish, mamlakat osoyishtaligini saqlash, hokimiyatni mustahkamlash, fan va adabiyot, obodonchilik

madaniyatini rivojlantirishdek ulkan ishlar qanchalik og‘ir va mas’uliyatli bo‘lmasin, ularni katta mehr-muhabbat va ulug‘vorlik bilan amalga oshiradi[7].

Buyuk shoirning zamondoshi, taniqli forsiyzabon shoir Mavlono Binoiy o‘zining Navoiyga bag‘ishlab yozgan qasidasida quyidagilarni qayd etadi: «Sulton davridagi Amir Alisherning vasfini aytmoqchiman. Men uning barcha fazilatlarini tasvir etmoqchiman. Uning davrida Hirot eng go‘zal, obod bo‘lib, tikanzorlar ham bog‘ga aylandi. Olim-u fozillar, shoir-u san’atkorlar shahriga aylandi. Adabiy muhit va madaniy hayot yuksaldi. Hirotdagi imoratlar uni jahondagi barcha shaharlardan chiroyli qildi»,[8] deb ta’kidlaydi.

Taniqli filolog olim Aziz Qayumov «Alisher Navoiy» risolasida bergan ma’lumotlarga qaraganda Navoiy jamg‘armasi hisobiga Hirotda va butun Xuroson mamlakatida juda ko‘p binolar, madrasa, shifoxona, karvonsaroy, ariq, ko‘prik, yo‘llar barpo etadi. Hirotdagi «Ixlosiya» madrasasi, uning qarshisidagi «Xalosiya» xonaqohi, Injil arig‘i bo‘yidagi masjidi jome, tib ilmi o‘qitiladigan «Shifoiya» madrasasi, «Nizomiya» madrasasi, Marvdagi «Xisraviya» madrasasi, Hirotdan tashqaridagi «Raboti ishq», «Raboti sang», shoir Attor qabridagi maqbara, Nishopur atrofidagi joylardan biridagi «Raboti Yazdbod», Gulast bulog‘idan Mashhadga tortilgan ariq (uzunligi 70-80 km) va boshqa juda ko‘p inshootlarni Navoiy bino qildirgan. Tarixchi Xondamir shulardan 52 rabot, 20 hovuz, 16 ko‘prik 8 hammom, ko‘pgina to‘g‘on va masjidlarni nomma-nom keltiradi. Bunday inshootlarning soni 300 dan ortiqroqdir. Navoiy yana podshoh saroyiga, ilm va fazl ahliga ehson-sovg‘alar yuborib turar edi. Aholiga solingan soliqlarni o‘zi to‘lagan paytlari ham bo‘lgan. 1500-yilda Hirot shahri va uning atrofidagi aholidan 100 ming kepakiy soliq yig‘ilishi lozim bo‘ladi. 50 ming kepakiyni Hirot xalqidan undirib olish kerak edi. Bu maslahat Navoiyga xabar qilinganda u hozirgi fursatda xalqqa o‘rinsiz soliq solish Sohibqiron davlatiga munosib bo‘lmas, elda norozilik uyg‘otar, deb shuncha pulni o‘zi to‘lab yuborganligi, xalq esa bundan g‘oyat minnatdor bo'lib, uni duo qilganligi haqida ma’lumot bor [9].

Sulton Husayn davlati Alisher kutganicha taraqqiy etmaydi. Suyurg‘ol tartibiga asoslangan bu davlatda, bir tomondan, viloyat hukmdorlari, hatto toj-u taxt valiahdlari Badiuzzamon va Muzaffar Husayn Mirzo isyonlari yuz beradi. Ikkinchi tomondan, zulm oqibatida Hirot va uning viloyatlarida xalq qo‘zg‘olonlari ko‘tariladi. Uchinchidan, o‘z manfaatlarini ko‘zlagan ochko‘z saroy ma’murlari fitna va fasodni avj oldirib, uning botqog‘iga Sulton Husaynni ham botiradilar. Bunday ahvol, shubhasiz, bosh vazirlik vazifasida turgan dono Navoiyning saroydan, hatto poytaxtdan uzoqlashishiga olib keladi. 1476-yilda Alisher Navoiy vazirlikdan iste’foga chiqishga podshohdan izn so‘raydi. Uning birdan bir orzusi haj safariga borish va tamoman ijod bilan shug‘ullanish edi. Sulton Husayn Boyqaro noiloj uning iltimosini qondiradi. Keyinchalik, ya’ni

1487–1488-yillarda Astrobodga hokim etib tayinlanadi. Husayn Boyqaro hokimiyat ishlarida Navoiyning aql va sadoqatiga tayanib ish ko‘rdi. Uning qarshiligiga qaramasdan, shoirni yuqori martabalarga tayinladi. Buyuk shoir «amiri kabir» (ulug‘ amir), «amir ul-muqarrab» (podshohga eng yaqin amir) unvonlariga musharraf bo‘ldi.

Oybek qalamiga mansub bo‘lgan “Navoiy” romanida “Navoiy” romanida A.Navoiy Husayn Bayqaro va o‘g‘li o’rtasidagi sovuqchilikni bartaraf etishga harakat qilganligi mohirona badiiy ijod bilan tasvirlangan. Darhaqiqat, aslida ham shunday bo‘lganligiga tarix guvohdir.

1501-yil 3-yanvarda buyuk davlat arbobi, she’riyat mulkining dahosi, ulug‘ mutafakkir inson Alisher Navoiy bu dunyoni tark etadi Tarixchi Xondamir hazrat Alisher Navoiyning o‘limi butun mamlakat va xalq uchun nechog‘lik og‘ir va musibatli bo‘lganligini quyidagicha yozgan edi:

Az mavti o‘ nashast ba har xona motame,
V-az farti o‘ bihest zi har go‘sha shevane.
Z-ni sahmgin musibatu z-ni sahmnok marg,
Otash fit od dar diti har sangu Oharte.
Ma’nosi:
O‘limdan har bir uyga tushdi motam,
Mamlakatning har burchidan chiqdi fig‘on.
Temir yurak, tosh yurakli kishilar ham
Bu dahshatli musibatdan yutdilar qon.

Navoiy bu bevafo dunyoni tark etgan bo‘lsa-da, u xalqning qalbida butun bir umrga abadiy muhrlanib qoldi [10].

A.Navoiy turkiy tilga ulkan hissa qo‘shgan va o‘zidan ulkan meros qoldirgan. «Badoye ul-bidoya», «Navodir un-nihoya», «Xamsa», «Tarixi muluki Ajam», «Tarixi anbiyo va hukamo», «Mezo n ul-avzon», «Majolis un-nafois», «Sab’at-u abhur», «Muhokamat ul-lug‘atayn», «Xazoyin ul-maoniy», «Devoni Foniy», «Mahbub ul-qulub» va boshqa ko‘plab asarlarni bizlarga qoldiragn. Zahiriddin Muhammad Bobur ham Navoiy haqida shunday eslaydi: «Alisher bek naziri yo‘q kishi erdi. Turkiy til bila to she’r aytibturlar, hech kim oncha ko‘p va xo‘b aytqon emas. Olti masnaviy kitob nazm qilibtur, beshi «Xamsa» javobida, yana biri «Mantiq ut-tayr» vaznida «Lison ut-tayr» otliq. To‘rt g‘azaliyot devoni tartib qilibtur: «G‘aroyib us-sig‘ar», «Navodir ush-shabob», «Badoye ul-vasat», «Favoyid ul-kibar» otliq. Yaxshi ruboiyoti ham bor. Yana «Mezon ul-avzon» otliq aruz bitibtur Forsiy nazmda «Foniy» taxallus qilibtur. Yana musiqiyda yaxshi namalar bog‘labtur. Yaxshi naqshlari va yaxshi peshravlari bordur»[11].

Birinchi Prezidentimiz I. A. Karimov Mir Alisher Navoiy haqida: “Agar bu ulug‘zotni avliyo desak, u avliyolarning avliyosi, mutafakkir desak,

mutafakkirlarning mutafakkiri, shoir desak shoirlarning sultonidir” – deya e’tirof etgan edilar.

Yuqoridagi ma’lumotlar orqali Alisher Navoiy o‘zi yashagan davrning eng ulug‘ insonlari bo‘lganliklari ayon! Alisher Navoiydek ulug‘ zot avlodlarga qoldirgan meroslari munosib tarbiya hamda jamiyat va davlat ishlarini o‘rganishga boy tajriba bo‘lishi shubhasiz. Bu kabi manbaalarni chuqur o‘rganishimiz va munosib rivojlantirishimiz zamon talabi hisoblanadi.

Foydalangan adabiyotlar:

[1]. Rustambek Shamsutdinov, Shodi Karimov “Vatan tarixi” birinchi kitob «Sharq» nashriyoт-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati T.-2010 . bet-461.

[2]. G‘iyosiddin Xondamir. “Makorim ul-axloq” G‘. G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, T. 2015. Bet-17.

[3]. Rustambek Shamsutdinov, Shodi Karimov “Vatan tarixi” birinchi kitob «Sharq» nashriyoт-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati T.-2010 . bet-462.

[4]. Abduroziq Rafiyev, Nazira G‘ulomova “Ona tili va adabiyot” «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati T. – 2013. Bet- 192.

[5]. Alisher Navoiy “Mukammal asarlar to‘plami” O‘n oltinchi tom O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi «Fan» nashriyoti T. — 2000. Bet-29

[6]. “Muloqat”, 1991, 2-son.

[7]. Abduroziq Rafiyev, Nazira G‘ulomova “Ona tili va adabiyot” «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati T. – 2013. Bet- 193.

[8]. Abduazizov A. Jahonaro. “ Xalq so‘zi”, 1991 yil 29 may.

[9]. Rustambek Shamsutdinov, Shodi Karimov “Vatan tarixi” birinchi kitob «Sharq» nashriyoт-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati T.-2010 . bet-465.

[10]. Rustambek Shamsutdinov, Shodi Karimov “Vatan tarixi” birinchi kitob «Sharq» nashriyoт-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati T.-2010 . bet-465.

[11]. Adabiyot (majmua) akademik litseylarning ikkinchi bosqich o‘quvchilari uchun. Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi T. – 2010. Bet-3.

САБР ЭТИБ СЕН, -ЖОН АРО ҚУВВАТНИ КЎР

Насиба ЖУРАҚЎЗИЕВА
магистр, ТошДЎТАУ

XXI аср том маънода илмий-техникавий кашфиётлар илдамлиги қуршовида воқеъ бўлаётган экан, ҳар қандай эзгу амалга салбий парокандалик соя солганидек, давр башариятида руҳият таскини, кўнгил завқини ҳис қилиш илоҳияти парда ортида қолаётгандек, назаримда. Адабиёт мана шу кемтикликни тўлдира оладиган, инсон ўзлигини ўзига танитадиган илоҳий кучдир. Ҳар қайси даврда ҳам бадиий адабиёт инжулари одамийлик хислатларини тараннум этган ва киши қалбига ҳеч бир таржимонсиз, туйғулар кашфи орқали кириб бора олган. Айниқса, шеърият олами руҳ поклиги, кўнгил хотиржамлиги, ҳиссиётлар бардавомлигида ниҳоятда муҳим таъсир кучига эга. Тасаввуфий ғояларни бевосита акс эттирган мумтоз шеърият эса асл маънодаги самимият хазинасидир. Айни хазинада салмоқли ўринга эга бўлган Махтумқули шеъриятида ҳам бадииятнинг илоҳий қудрати яққол кўзга ташланади. Шоир меросида тасаввуфий адабиётнинг асос моҳиятини ташкил қиладиган одамийлик фазилатлари шу қадар соф оҳанг билан тараннум этилганки, ўқувчи беихтиёр кўнгил ҳисларига вобаста бўла бошлайди. Махтумқули шеъриятида панд- насиҳат асосий ўринда туриши айни ҳақиқат, лекин бу шунчаки қуруқ ва жўн тарғиботчиликдан батамом ҳоли ижодиётдир. Шоир ҳар бир панди замирига халқчил самимиятни сингдирганлиги боис, китобхон мутолаа жараёнида Махтумқули билан юзма-юз сўзлашаётгандек, дардларини айтиб, енгил тин олаётгандек бўлади. Чунончи:

Тенгсиз билан тенг айласанг ўзингни,
Дард бўлибон сўзи ўтар жонингдан,
Йироқ бўлма қадринг билган қардошдан,
Ҳар иш қилсанг, ул қувонар ёнингдан [81].

Махтумқули ижодида мавзулар кўлами ниҳоятда турфа хил. Ватанпарварлик мавзуси бўладими ва ёки ишқ-муҳаббат талқинними, ёки бўлмаса ҳасби ҳол, сайр-у саёҳат йўналишими, барча-барчаси ўзига хос образлар талқинию, тасаввуфий истилоҳлар воситасида санъаткорона нуктадонлик билан юзага чиқарилган. Лекин шоир ҳар бир мавзуни ёритиш жараёнида диний-тасаввуфий руҳий баркамоллик босқичлари мақомотларини шеър шуурига зўрма-зўракилик билан эмас, ғойибона

[81] Махтумқули. Булбул ноласи (Туркман тилидан Эргаш Очилов таржимаси). Тошкент, 2014. 105-бет.

самимият билан сингдириб юборгандек, гўё. Шу боис ҳам бу дурдона мисралар таъсирида инсон беихтиёр ўз вужудини сўроққа тутиб, ички оламидаги қарама-қаршилик ғалаёнларида эзгулик музаффариятини таний бошлайди.

Маст бўлиб юргунча мусофир юртда,
Униб-ўсган ўз юртингдан айрилма.
Мағрур каклик каби нафс деган дардда
Домга тушиб, қанотингдан айрилма.

Таваккал эт- халққа сиринг бериб бор,
Сабрли бўл, бесабрлик ҳам бекор,
Ҳар қаерга борсанг насибангдир ёр,
Бой бўлай деб иззатингдан айрилма[82]!

Маълумки, тасаввуфшунос олим Абулқосим Кушайрий сулук йўлига кирган киши тўрт мақомни босиб ўтиши лозимлигини таъкидлайди. Булар: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат. Шарқшунос олим Нажмиддин Комиловнинг «Тасаввуф» илмий рисоласида биринчилардан бўлиб сўфиёна ҳолатлар ва кароматларни сўз билан ифодалаган Зуннун ҳақида шундай ҳикоя келтирилади: «Уч сафар қилдим ва уч илм келтирдим: аввалги сафарда бир илм келтирдим, хос ҳам авом ҳам қабул қилдилар, иккинчи сафарда яна бир илм келтирдим, хос қабул қилди, аммо авом қабул қилмади. Учинчи сафарда яна бир илм ҳосил қилиб келтирдим, на хос қабул қилди, на авом[83].» Олим ҳикояни шарҳлар экан, биринчи илм шариат, иккинчи илм тариқат ёхуд муомалат ва муҳаббат илми эканлигини айтиб ўтади. Авом шариат қонуниятларини қалбдаги иймон нури таъсирида тўлалигича ўрганиб қабул қила олади, лекин тариқат мақомотларининг туб моҳиятига етиб бориш учун махсус шарҳлар кўмагига эҳтиёж сезилади. Махтумқули ҳар бир тирик инсонни мунаввар нур оламига олиб киришни мақсад қилган, жафокаш миллатга руҳий баркамоллик босқичлари шартларини содда тушунарли услуб билан, асосийси, кўнгил завқи ва эртанги кунга собит ишонч руҳи билан етказишга бел боғлаган мардонавор шоир эди. Шунинг учун ҳам шоир ижодида тасаввуф ҳақидаги илмий қўлланмалар муаллифи Абу Наср Саррож қайд этган ўн бир мақом, тавба, вара`, зуҳд, фақр, сабр, хавф, ражо, таваккул, ризонинг моҳияти тўлалигича очиб берилган кўплаб намуналарга дуч келамиз. Бу мақомлардан барчасининг қабул қилинишида, инсоннинг энг хавфли ёғийси нафс балосини енгиб ўтишида муҳим тасалли бўлмиш сабр мақоми ҳақида шоир шеъриятида теран фикрларни кўришимиз мумкин. Хўш

[82] Махтумқули. Булбул ноласи. (Туркман тилидан Эргаш Очилов таржимаси). Тошкент, 2014. 23-бет.
[83] Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Тошкент, 1996. 21-бет.

сабр қандай мақом ўзи? Бу тушунча авом наздида турли ғам ташвишларга бор қувватни ишга солиб чидаш маъносини англатади. Абу Ҳомид Ғаззолий “Мукошафат ул-қулуб” асарида сабрнинг бебаҳо неъмат эканлигини қуйидагича изоҳлайди: “Аллоҳ Қуръоннинг сал кам тўқсон жойида сабрни зикр этган, бир қанча даражаларни ва яхшиликларни сабрга боғлаган, маънавий юксаклик ва хайрларни сабрнинг самараси қилган ва сабрлилар учун ҳеч бир кимсага ҳозирламаган неъматларини тайёрлаб қўйган[84].” Махтумқули наздида ҳам сабр фақатгина тоқат, чидам, уқубатларни ичга ютиш эмас, илоҳий маърифатга элтувчи маёқ, руҳият эркинлигини таъминловчи улуғвор мақом.

Оч бўлсанг ҳам борма элга тиланиб,
«Кўшкдаман»,- де, - бошим кўкка уланиб»,
Бир соя топмасанг саҳрода ёниб,
Эрам боғи ичра соя топдим де.

Муҳтожлигинг Ҳақдан ўзга билмаса,
Кифоядир киши очдан ўлмаса,
Ҳинди каби усти-бошинг бўлмаса,
Эгнимга шоҳ либосини солдим де[85].

Дунёда кимгадир муте бўлиб, ниманидир тиланиш даражасига тушишдан ортиқроқ хорлик йўқ. Киши бошига қандай кулфат соя солмасин, сабр-у ирода кучини не-не алам тўрлари чиғириқдан ўтказмасин, ягона эҳтиёж Яратган карамидан бўлиши мақбул амалдир. Инсон руҳиятидаги маънавий-маърифий таназзулнинг ўқ илдизи нафс балосини жиловлай олмаслик, алалоқибат ҳар кимдан ниманидир тама қилиб яшашга кўникиб кетиш иллатига бориб тақалади. Бундай ҳавойи енгил-елпи ҳаёт тарзидан авомни қутқаришнинг ягона чораси тасаввуфий ғояларни панд-насиҳат усулида халқнинг оғзига тушиб, ёд бўлиб кетадиган мисралар моҳиятига сингдириш эканлигини Махтумқули яхши англаган. Навоийшунос олим, устоз Иброҳим Ҳаққул фикрлари ҳам сўзимизга далилдир: «Мутасаввифларнинг умумий қаноати бўйича, тасаввуф далли-девонани валига, жоҳилу гумроҳни маърифат дарғасига айлантиради. Дарҳақиқат, нодон, олчоқ, табиатан майда кимсани тасаввуфий тарбия ўзининг қўрқоқлиги ҳамда тубанликларидан уяладиган, ишқ ва ирфонни ҳар нимадан устун кўрадиган бутун шахс даражасига кўтаришга қодир. Бунга ишонч ҳосил этиш учун Махтумқули шеъриятининг юрагига қулоқ тутиш лозим[86].»

[84] Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб. Тошкент, 2004. 168-бет.
[85] Махтумқули. Булбул ноласи (Туркман тилидан Эргаш Очилов таржимаси). Тошкент, 2014. 100-бет.
[86] Ҳаққул И. Талант-жасорат жавҳари. Тошкент, 2018. 83-бет.

Махтумқули миллатдош қардошлари учун жон куйдирган, адоқсиз азоб-уқубатларни замона мискинлари билан теппа-тенг татиб кўрган, бу ғам селида оқмаслик учун собирлик даражасига кўтарила олган беназир инсон эди. У ўз шеърларини туганмас бошбошдоқликлардан жабр кўраётган туркман халқи дардига дармон бўлишини хоҳлади. Дунё бир бевафо малак сингари ҳар мақомга йўрғалаши асрлар силсиласида исботини топиб келаётган жараён эканлигини, тоқат ила ўрганилган ирфон нури эса руҳиятни абадий бирлик лаззатига олиб бориши муқаррарлигини такрор ва такрор далиллашга уринди:

Махтумқули сўзин бари насиҳат,
Худога қул бўлинг, Расулга уммат.
Билсангиз бу дунё бош-оёқ ҳасрат,
Ҳасрат билан бир-бир кетиб борадир[87].

Даставвал, замон воқелигига назар солганимиз бежиз эмас. Инсоният ҳаёти тўкинлашиб бораётганлиги, ҳар соҳада имконият ва эркинликлар тобора олдинлаётгани сари руҳоният моҳиятидан узоқлашиш жадаллашиб бормоқда. Киши қай даражада, қай мақомда умр кечирмасин, руҳиятида Аллоҳ ато этган маънавият ва маърифатга ошуфталик эҳтиёжи яширин бўлади. Башарият шунчаки яратиқ эмас, моддият учун умр кечиришга маҳкумлик унинг ақлини эгаллаши бамисли фалокат тўфонидир. Ҳар бир сонияда умр ғаниматлигини далиллаб турадиган жараёнлар силсиласига қарамасдан, моддият равнақи учун ҳаёт тарзини шакллантириш, мен ҳайвонот оламида барқарорман, дейиш билан баробар, назаримда. Тасаввуф илми асосини ташкил қиладиган руҳий баркамоллик сифатларининг Махтумқули ижодиётидаги улуғвор ва самимий тасвири навқирон авлод тарбиясида муҳим дастуруламал вазифасини ўтайди. Зеро, шоир мақсади ҳам шу савобли амални замон ва макон чегарасидан олиб ўтиш бўлганлигига ишончим комил.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Махтумқули. Булбул ноласи (Туркман тилидан Эргаш Очилов таржимаси). Тошкент, 2014. 105-бет.
2. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Тошкент, 1996. 21-бет.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб. Тошкент, 2004. 168-бет.
4. Ҳаққул И. Талант-жасорат жавҳари. Тошкент, 2018. 83-бет.

[87] Махтумқули. Булбул ноласи (Туркман тилидан Эргаш Очилов таржимаси). Тошкент, 2014. 72-бет.

MUNDARIJA

I. ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ: ФОРС-ТОЖИК ВА ЎЗБЕК ИЛМИЙ-АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ

СИРОЖИДДИНОВ Шуҳрат. БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДА (ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ)…..……..4

عبد الرحمان جامی. تحقیق از: اکادمیسین شرعی جوزجانی……..11

ҲАҚҚУЛОВ Иброҳим. РУҲ ВА МАЪНО САРБОНИ……..29

ХОЛМЎМИНОВ Жаъфар. ЖОМИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ……42

ҚАМАРЗОДА Аслиддин. ҶОМИШИНОСӢ ДАР ЎЗБЕКИСТОН……...47

Almaz Ulvi BINNATOVA. ƏLİŞİR NƏVAİNİN “XƏMSƏT ÜL-MÜTƏHƏYYİRİN” ƏSƏRİNDƏ ƏBDÜRRƏHMAN CAMİ HEYRƏTİ.....55

ФАРМОНОВ Раҳмон. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ДИПЛОМАТИЯ….....69

МУЛЛАХОДЖАЕВА Каромат. ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ ИДЕЙ В ГАЗЕЛЯХ АЛИШЕРА НАВОИ И АБДУРРАХМАНА ДЖАМИ……84

ЮСУПОВА Дилнавоз. АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ВА ШАРҚ МУМТОЗ ПОЭТИКАСИ……..91

MADRAXIMOVA N. MA`NAVIYAT DAHOLARINING ADABIY QARASHLARI……...98

SABITOVA Tojixon. USTOZGA EHTIROM……100

II. ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ АДАБИЙ МЕРОСИ ВА ТАРЖИМАЙИ ҲОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

АХМЕДОВА Шоира. ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ МАКТУБЛАРИДА БАДИИЙ ИЖОДГА МУНОСАБАТ…….108

РАДЖАБОВА Буробия. “МУЗАККИРИ АҲБОБ”ДА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ТАЪРИФИ……..113

АШУРОВА Гулбаҳор. ЖОМИЙ АСАРИДА НАВОИЙ СИЙМОСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ МАСАЛАСИ……..119

OMANOVA Mubora. ABDURAHMON JOMIY VA ALISHER NAVOIYNING DINIY VA FALSAFIY QARASHLARI……...……128

TADJIBAYEVA Dilnoza, ABDULLAYEVA Maftuna. ABDURAHMON JOMIY VA ALISHER NAVOIY ILM ZIKRIDA ……132

ABDUQODIROVA Madina. NAVOIY VA JOMIYNING DO‘STONA HAMKORLIGI……..…135

III. НАВОИЙ АДАБИЙ МЕРОСИ ВА АДАБИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

SHOFIYEV Obid. “NASOYIM UL - MUHABBAT”DA O‘GITLAR……139
СОБИРОВА Маҳбубахон. НАВОИЙ ИЖОДИДА НОТИҚЛИК САНЪАТИ МАСАЛАЛАРИ……..144
Obidjon KARIMOV. “HAYRATUL-ABROR” DOSTONIDA YUKSAK INSONIY FAZILATLAR MADHI.....150
АБДУРАХМАНОВА Шарифа. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК МАСАЛАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ……156
КАРИМОВА Фарида. НАВОИЙ ИЖОДИДА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ТАРҒИБИ…….160
ТЎРАЕВА Умринисо. АДАБИЁТШУНОС БЕГАЛИ ҚОСИМОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ…...165
САИДАКБАРОВА М. ТАРИХИЙ СИЙМОЛАР ВА ТУТАШ ТАҚДИРЛАР ……..170
ҚАЛАНДАРОВА Дилафрўз, ЖУМАЕВА Гулноза. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ……...173
MURADOVA Nilufar. “MAJOLIS UN-NAFOIS”DA NOMANAVIS IJODKORLAR MADHI……..177
МАШАРИПОВА Насиба. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА “ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ” ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ АСОСИ СИФАТИДА…….180
ҚОДИРОВА Насима. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИЧА ИЗЛАНИШЛАР ……183
ЎРОҚОВА Нафосат. СЎНГГИ ДАВР ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛИГИДА НАВОИЙ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ……188
АБДУРАХМАНОВА Шарифа. ИСЛОМ МАЪРИФАТИНИ ТАРҒИБ ЭТИШДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ……193
SOBIROVA Sadoqat. NAVOIY NASRIDA BADIIY MAHORAT MASALALARI……198
MURTAZOYEV Bobonazar. ALISHER NAVOIY TERMIZIY ALLOMALAR ZIKRIDA…….204

IV. ЖОМИЙ ВА НАВОИЙНИНГ ЛИРИК МЕРОСИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН МУАММОЛАРИ

АЛИМОВА З.К., РАСУЛОВА И.М. БОЛАЛАРГА МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪЛИМ -ТАРБИЯ БЕРИШДА АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ…….212
ОЛИМ Фаррухбек. НАВОИЙНИНГ НАЗМУ НАСРИДА – ЖОМИЙ…….219
УМАРОВА Замира. МУҚИМИЙ ИЖОДИДА САЛАФЛАР АНЪАНАЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ……226
TURSUNMURODOVA Dilobar. ALISHER NAVOIY SHE’RIYATIDA ZOHID OBRAZI TAVSIFI……..230
ISABAYEVA Gulhayo. PAHLAVON MUHAMMAD VA ALISHER NAVOIY……..232
NIGMATOV Alisher, MISABOYEVA Mohinura, MIRZAQULOVA Feruza. ALISHER NAVOIY BUYUK DAVLAT ARBOBI……236
ЖУРАҚЎЗИЕВА Насиба. САБР ЭТИБ СЕН, -ЖОН АРО ҚУВВАТНИ КЎР……242